

**Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг
30 йиллигига бағишланади**

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАЪРИФАТПАРВАР
АЁЛЛАРИ**

I ЖИЛД



O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi
“Fan” nashriyoti davlat korxonasi
Toshkent – 2021

УҮК:

Масъул мұхаррир:

Тақризчилар:

Мазкур китоб-альбоммиллий давлатчилигимиз тарихида ва халқымиз орасида маърифат тарқатишда муносиб из колдирған ҳамда бугунги күн қаҳрамонлари бўлган хотин-қизларга бағишиланади. Ушбу нашр аввало мамлакатимизда аёлга бўлган юксак ҳурмат ва эҳтиром, оиласа, жамият келажагига, Ватан тақдирига бўлган чексиз эътибор ифодасидир.

МУНДАРИЖА

ТАРИХИМИЗНИНГ МАШХУР МАЪРИФАТПАРВАР АЁЛЛАРИ

Кириш	7
Тўмарис.....	10
Сарой Мулк хоним (Бибихоним)	11
Гавҳаршод бегим.....	14
Мулкат Оғо бегим	17
Қутлуғ Нигорхоним	18
Гулбадан бегим	18
Нуржаҳон бегим	19
Мумтоз Маҳал бегим	20
Жаҳоноро бегим	21
Зебуннисо бегим.....	23
Мехр Султонхоним	25
Ойпоша Биби.....	25
Биби Подшоҳ Биби	26
Нодира (Моҳларойим).....	27
Увайсий (Жаҳон отин)	30
Дилшод отин (Барно),	31
Муаззамхон Мирсаид қизи	33
Бону (Самар Бону Сирожиддин қизи)	34
Анбар отин Фармонқул қизи.....	34
Нозимахоним	35
Манзурабону	35
Зулфияхоним	36

“ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ” УНВОНИГА ЭГА БЎЛГАН АЁЛЛАР

Темирова Муяссар	39
Қўчқорова Ойшахон.....	40

Мадалиева Манзура	41
Сайтова Онесия	41
Исматова Мавлуда	42
Раҳматова Мартия	43
Пак Вера.....	43
Ақрамова Дилбар	43
Маҳмудова Анор.....	44
Абдуллахўжаева Малика.....	45
Мирзаева Холҷаон	45
Абдуллаева Сиёсатхон.....	45
Эргашева Патилахон	46
Ганиева Суйима.....	46
Шарапова Муҳаббат.....	46
Муродова Лола	50
Йўлчиева Муножот.....	50

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ АКАДЕМИК АЁЛЛАРИ

Абдуллахўжаева Малика Абдусаматовна.....	53
Абидова Муҳаббат Фазиловна.....	54
Азимжонова Сабоҳат Азимжановна	55
Аминова Раҳима Ходиевна.....	57
Арипова Тамараҳон Ўқтамовна.....	58
Ахунова Мелихон Ахуновна	60
Бутовская Евдокия Михайловна	61
Власова Нина Александровна	62
Глущенкова Анна Ивановна.....	63
Иноятова Флора Ильясовна	65
Камилова Ҳасият Камиловна	66
Пугаченкова Галина Анатольевна	67
Райкова Илария Алексеевна	69
Рашидова Сайёра Шарофовна.....	69
Сулайманова Ҳадича Сулаймоновна	73
Суюма Ганиева Ганиевна	74

Убайдуллаева Раъно Ахатовна.....	75
Хаджинова Максуда Агзамовна.....	77
Юсупова Дилорам Юнусовна.....	79

ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИГА ҲИССА ҚЎШГАН МАЪРИФАТПАРВАР ОЛИМА АЁЛЛАР

Абдуллаева Барно Сайфутдиновна.....	81
Абдуллаева Ойдин Ўтамурадовна	84
Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна.....	87
Агзамова Гулчехра Азизовна.....	88
Адилова Фатима Тўйчиевна	90
АЗИМОВА Арзу Нишановна	91
АЗИМОВА Шахноза Садиковна	94
Алимова Дибором Агзамовна	96
Амануллаева Дибором Дарвиновна	100
Арипова Мастура Ҳикматовна	103
Арипова Салимахон	103
Асқарова Салима Асқаровна	106
Атаниязова Орал Аминовна.....	106
Аҳмедова Заҳро Раҳматовна	109
Баллиева Роза.....	112
Баҳадирова Саригул	114
Бекбергенова Зияда Утеповна.....	117
Бердиева Зухра Шукуровна.....	119
Бердимуратова Алима Карлыбаевна.....	123
Гуламова Дилбара Жўраевна	125
Гулямова Ташхан Гафуровна.....	127
Ёдгорова Дилбара Мустафаевна.....	128
Зияева Доно Ҳамидовна	130
Ибрагимова Элвира Меметовна	131
Исмаилова Жаннат Ҳамидовна	133
Ишанхожаева Замира Райимовна	137
Кадирова Зулайха Раимовна	139

Каримова Нигора Фаниевна	141
Каримова Сурайё Убайдуллаевна.....	144
Кутыбаева Елизавета Дуйсенбаевна	146
Мавлоний Машхура Эгамовна	148
Мамбетуллаева Светлана Мирзамуратовна	149
Миртажиева Карамат Тахировна.....	151
Максумова Ойтўра Ситдиқовна	152
Мукминова Розия Галиевна.....	155
Муртазаева Раҳбар Ҳамидовна.....	157
Мустафаева Нодира Абдуллаевна	162
Мусурмонова Ойниса	165
Назирова Раъно Ағзамовна	170
Ниязова Джамиля Абдуқадировна.....	171
Ражапова Раъно Ёдгоровна	174
Расулова Мұхәд Юнусовна	176
Раҳматуллаева Дилфуз Назруллаевна.....	177
Султанова Эътибор Сидиковна.....	180
Тамара Визго.....	182
Тешабаева Умида Алимджановна.....	184
Убайдуллаева Хуршида Абдуллаевна.....	188
Худойберганова Дурдона Сидиқовна	189
Шаймарданова Шахида Алиевна.....	190
Юнусова Холида Маннановна	192
Янов-Яновская Наталя Соломоновна	195
Ҳасанова Хуршидахон Атабаевна	196
Пирниязова Алима Кудияровна	199
Раҳимова Ташханим	200
Филанович Маргарита	202
Худойберганова Дурдона Сидиқовна	204

КИРИШ

Ривожланган жамиятларда маданиятлилик даражаси хотин-қизларга бўлган муносабат ва улар учун яратилган имкониятларга қараб белгиланади. Бу ўз навбатида миллий анъаналарга ва шу билан бирга умумбашарий қадриятларга асосланган бўлмоғи даркор. Бу бежиз эмас, албатта. Зоро, ҳар қандай халқнинг маънавий даражасини аввало шу юрт аёлларининг маънавий савияси белгилайди. Мамлакатимизда аёлга бўлган муносабат ўз тарихий илдизларига эга. Аждодларимиз доимо аёлларни қадрлашга, уларга нисбатан ҳурмат ва иззатда бўлишга даъват этишган. Маърифатпарвар боболаримиз “Аёл юксалса – юксалур башарият”, деб бежиз айтишмаган. Бу қўхна тарих Тўмарис, Сароймулкхоним, Нодирабегим, Гулбаданбеким, Увайсий, Дилшод отин, Анбар отин, Зулфия сингари юзлаб мўътабар аёлларимизнинг миллат шаъни, ор-номусини сақлаш йўлидаги жасоратларига гувоҳdir. Момоларимизга хос бўлган ноёб фазилатлар замонамизаёллари сиймосида ҳам давом этмоқда. Зоро, **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев** таъкидлаганидек, “Аёли эъзозланган юрт – қудратли бўлади”.

Янги Ўзбекистонда кечётган кенг қўламли ва жадал ислоҳотлар жараёнида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фоллигини ошириш, хукуқ ва манфаатларини, гендер тенгликни таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, саломатлигини муҳофаза қилиш, аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, улар учун янги иш ўринлари яратиш, интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш бўйича давлат сиёсати янги босқичга кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомил-

лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325- сонли Фармони, 2019 йил 7 мартағи “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 январдаги “Хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2-сонли қарорини қабул қилингандиги бунинг ёрқин ифодасидир.

Бугунги кунда кенг кўламли демократик ислоҳотларимиз натижасида аёлларимизнинг сиёсий-ижтимоий жараёнлардаги иштироки тобора кучайиб бормоқда. Олий Мажлис Сенати раиси хотин-қизлар вакиласи эканлиги, туманларда аёл ҳокимлар фаолият бошлиётгани нафақат минтақамизда, балки халқаро миқёсда ҳам эътиборга молик ҳодиса. 2020 йил декабрь ойида мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар натижасига кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган 150 нафар депутатнинг 48 нафари ёки 32 фоизини, Сенатда ва маҳаллий кенгашларда 25 фоизни хотин-қизлар ташкил этди. Бу кўрсаткич **Ўзбекистон тарихида биринчи марта миллый парламентда аёллар сони Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етганлигидан далолатdir**. Ҳозирда мамлакатимизда аёллар жамиятнинг барча соҳаларида ўз иқтидор ва имкониятларини намоён қўлмоқдалар. Ишлаб чиқариш, таълим-тарбия, тиббиёт, илм-фан, маданият ва спорт соҳалари ривожида ҳам аёлларимизнинг муносиб ҳиссаси бор.

Замонавий маърифатпарвар аёл деганда, миллый анъана-аримизга содиқ равишда тараққиётга интилаётган, ташаббускор ва ташкилотчи, аёллик мақомини тадқиқотчилик, етакчилик, устозлик фаолияти билан уйғулаштирган бугунги кун қаҳрамонлари кўз олдимизга келади. Ватанимизнинг энг олий мукофоти – “Ўзбекистон Қаҳрамони”, шунингдек “Халқ ўқитувчиси”, “Халқ шоири”, “Халқ артисти” унвонларига сазовор бўлганлар орасида аёллар кўпчиликни ташкил этади. Академик, профес-

сор, фан доктори мақомига эга хотин-қизларимиз Ўзбекистон илм-фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигига 2021 йил 26 февраль куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган “Хотин-кизлар муаммоларини ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашда давлат органларининг масъулиятини ошириш”га қаратилган **видеоселектор йиғилишининг 11-сонли 39-бандида** Фанлар Академияси, Ёзувчилар уюшмаси, Маданият вазирлиги, Республика Маънавияг ва маърифат маркази, Махалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда мамлакатимиз давлат мустақиллигининг 30 йиллигига бағишлаб миллий давлатчилигимиз тарихида ва халқимиз орасида маърифат тарқатишда муносиб из колдирган ҳамда бугунги кун қаҳрамонлари ҳақида маълумотлар жамланган “Ўзбекистоннинг маърифатпарвар аёллари” номли китоб-альбомни нашр этиш вазифаси белгиланди.

“Ўзбекистоннинг маърифатпарвар аёллари” номли китоб-альбом нашри бу аввало мамлакатимизда аёлга бўлган юксак хурмат ва эҳтиром, оиласа, жамият келажагига, Ватан тақдирига бўлган чексиз эътибор ифодасидир. Ушбу китоб-альбомбир неча жилдан иборат бўлиши ва келгусида туркум равища нашр этилиши белгиланган.

Китоб-альбомнинг биринчи жилдида халқимиз орасида маърифат тарқатган, миллий давлатчилигимиз тарихида муносиб из колдирган **машхур маърифатпарвар аёллар, замонавий даврда ўз ўрнига эга бўлган жамият ва давлат арбоблари, “Ўзбекистон қаҳрамони” унвонига эга бўлган аёллар, Ўзбекистон Фанлар академияси академик аёллари, илм-фан тараққиётига ҳисса қўшган маърифатпарвар олимга аёллар** ҳақида қисқа маълумотлар берилади.

ТАРИХИМИЗНИНГ МАШХУР МАЪРИФАТПАРВАР АЁЛЛАРИ

1. ТЎМАРИС (мил.ав. VI аср) – Турон халқларининг аҳамонийлар босқинига қарши курашига раҳбарлик қилган жасур саркарда. Қадимги юонон тарихчиси Геродотнинг “Тарих” (мил.ав. V аср) асарида ёзилишича, аҳамонийлар давлати асосчиси Кир II мил. ав. 530 йилда Туронга бостириб кирганида, Тўмарис массагетлар қабиласининг маликаси бўлган. Массагетлар бу пайтда Амударё (Аракс) бўйлари ва Қизилқумда яшашган. Тўмарис массагетлар подшосининг хотини бўлиб, у эрининг вафотидан сўнг давлатни бошқарган.



Эрондан келган босқинчилар қўшини билан массагетлар ўртасида шиддатли жанглар бўлган. Дастребки жангда Тўмариснинг ўғли Спаргалис (Сипарангиз) бошчилигидаги массагетлар ғолиб чиққан. Бироқ кейинги жангда форслар ҳйла йўли билан Спаргалис ва айрим массагетларни асир олишганда, орномусга чидай олмаган Спаргалис ўзини ўлдирган. Тўмарис ўғлининг ҳалокатидан эсанкираб қолмай, ўз халқининг манфаатини ўйлаб, Кир II дан массагетлар ютидан чиқиб кетишини

сүрайди. Бироқ форслар шохи рад жавобини бергач, икки ўртада аёвсиз жанг бўлган.

Геродот массагетлар ва форслар ўртасидаги жанг тафеи-лотларини ўз асарида қўйидагича тасвиirlайди: “Менинг билишимча, бу жанг барча жанглардан ҳам даҳшатли бўлган. Аввал ҳар иккала қўшин бир-бирини узоқ масофадан туриб, камондан ўққа тутдилар. Камон ўклари тугагач, улар найза ва қилич бн курашдилар. Жанг узок, вақт давом этди. Кўп қон тўкилди. Ниҳоят, массагетлар ғалаба қозондилар. Форс қўшинларининг асосий қисми, жумладан, Кир II ҳам жанг майдонида ҳалок бўлган. У тўлиқ 29 йил шоҳлик қилган эди. Кир II нинг жасади то-пилгач, малика Тўмариснинг буйруги бн унинг кесилган боши инсон қони бн тўлғазилган мешга солинган”.



2. САРОЙ МУЛК ХОНИМ (БИ БИХОНИМ) - Чигатой улусига мансуб бўлган мўғул хонларидан Қозонхоннинг қизи бўлиб, 1341 йилда туғилган. Қозонхон тахтдан азл этилиб, қатл қилинган чоғда Сарой Мулк хоним ҳали беш ёшда эди.

1370 йилда Сарой Мулкхоним Соҳибқирон Амир Темур никоҳигакиради. Зотан, Соҳибқирон Амир Темур мазкур Сарой Мулк хоним туфайли “Кўрагон” унвонига мушарраф бўлади. “Кўрагон” ибораси мўғулча сўз бўлиб, “куёв” деган маънони ифодалар эди.

Сарой Мулк хоним хон авлодига мансуб бўлгани туфайли ҳарамдаги барча маликалардан улуғ ҳисобланиб, “катта хоним” (Бибихоним) деган унвонга эга бўлди. Албатта, бундай эъзозга мушарраф бўлишда ақл-заковат ва фикрлаш доирасининг улканлиги бош омилдир. Биз тарихий манбалардан биламизки,

Сарой Мулк хоним олий ҳимматли, замонасининг юксакидроли, фаросатли, тадбиркор ва ақл-заковат соҳибаси бўлган. Шунингдек, ҳусн-латофат бобида ҳам беназир бўлган. Сарой Мулк хоним сиёsatдон, инсонпарвар, саҳоватли аёл бўлиб, салтанатни бошқаришда фаол иштирок этган, мамлакатнинг ижтимоий, маданий ҳамда қурилиш ишларига, айниқса, толиби илмларга ҳомийлик қилган. Шунингдек, у ўз замонасининг олимлари, санъат аҳлларига ғамхўрлик ва ҳомийлик қилиб, илм ва фаннинг ривожига муҳим ҳисса кўшган.

Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳарбий юришларида Сарой Мулк хоним кўпинча ҳамроҳ бўлган. Муаррихлар гувоҳлик берадиларки, Амир Темур сиёсий, ҳарбий ишларда гарчи Сарой Мулк хонимнинг маслаҳатларини писанд қилмагандек кўринса-да, аммо унинг ақл-идроқига, тадбиркорлигига ўзида қандайдир эҳтиёж сезиб тураг экан. Нақл қилишларича, Амир Темур Эронга ҳарбий юриш даврида Исфахоннинг қамали кўпга чўзилиб, қўшинни озуқа билан таъминлашга маблағ етишмай қолади. Ниҳоят, Амир Темур Самарқандга чопар йўллаб, Сарой Мулк хонимга мактуб жўнатади. Мактуб қисқа бўлиб, “қўшиннинг заҳираси тугади, хазинадан зар юборинг!” дейилганди. Сарой Мулк хоним мактуб мазмунидан огоҳ бўлгач, мазкур мактубнинг орқа томонига “Улуғ амир! Зарингиз тугаган бўлса, сиёсатингиз ҳам тугадиму?” деб ёзади ва мактубни чопарга бериб, йўлга равона қиласди.

Амир Темур мактубни олгач, Сарой Мулк хонимнинг кинояси-ни мушоҳада қилиб, муаммоли вазиятдан чиқиш йўлини топади.

Амир Темур саройида жорий қилинган тартибга кўра, чет эллик элчиларни қабул қилиш маросимларида ҳукмдор ёнида унинг рафиқалари ҳам иштирок қилганлар. Руи Гонсалес де Клавихонинг ёзишича, 1404 йил 8 сентябрь душанба куни Амир Темур Самарқанд четидаги “Дилкушо” боғида элчиларни қабул қилган маросимда Сарой Мулк хоним бошлиқ бошқа хотинлар ҳам юзларига парда ташлаб ўтирганлар. Испан қироли юборган ҳадялар орасида ҳукмдорга айниқса, қизил мовут маъқул бўл-

ган ҳамда бу ҳақда ўз хотинлари, биринчи навбатда Сарой Мулк хоним билан фикрлашган. Шунингдек, 1404 йил 17 октябрь жума куни Сарой Мулк хоним элчилар шарафига катта зиёфат берган. Ушбу зиёфатда бошқа элчилар қаторида испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ҳам иштирок қилган эди.

Сарой Мулк хоним мамлакатда қурилиш ва ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этган. Чунончи, малика томонидан Самарқандда қурилган мадраса XIV аср охири ва XV аср бошида пойтахтдаги мадрасалар орасида энг улкани ва маҳобатлиси эди. Мадрасага замонанинг етук мударрислари тайинланиб, улар толиби илмларга диний ва дунёвий илмлардан дарс берганлар. Сарой Мулк хоним мадраса толиби илмларининг аҳволидан тез-тез хабар олиб, уларга ҳомийлик қилиб турган. Шунингдек, Сарой Мулк хоним томонидан мадраса ёнига яна бир иншоот – мақбара қурилган. Мақбаранинг олд томони ранг-баранг кошинлар билан безатилган. Мақбаранинг ички қисмидаги безакларга яшил, қизил ва қора бўёклар билан жило берилган. Изораларга юлдуз шаклида кўк нақшлар ишланиб кошинли ҳошиялар билан ўралган. Мақбара даҳмасига ташқаридан маҳсус эшик орқали кирилади. Даҳма деворлари ҳам хилма-хил кошинлар билан безатилган. Даҳма ичига тош тобут қўйилган.

1408 йилда Сарой Мулк хоним ҳам вафот этади ва ўзи қурдирган мадраса ёнидаги мақбарамага тош тобутга солиниб, мўмиёланиб дағн қилинади. Соҳибқирон Амир Темур Сарой Мулк хонимдан фарзанд кўрмаган. Аммо Соҳибқирон ўз ўғли Шоҳруҳ Мирзони, суюкли набиралари Муҳаммад Султон Мирзо, Халил Султон Мирзо, Улуғбек Мирзо ва бошқа мирзоларни бевосита зукко Сарой Мулк хоним тарбиясига топширган эди.



3. ГАВҲАРШОД БЕГИМ – Тарихий манбаларнинг маълумот беришича, Гавҳаршод бегим Фиёсиддин Тархоннинг қизи бўлиб, 1379 йилда туғилган, 1393 йилда эса Амир Темурнинг кенжаша ўғли Шоҳруҳ Мирзо никоҳига кирган. Ундан уч ўғил, икки қиз кўрган. Тўнғич ўғли — Улуғбек Мирзо кўрагон (Муҳаммад Тарагай, 1394-1449), ўртанча ўғли — Бойсунғур Мирзо (1397-1433) ва кичик ўғли — Муҳаммад Жўки Мирзо (1401-1445) лардир.

Гавҳаршод бегим ақл-идрокли, зукко ва туғма сиёсатчи аёл бўлган. Амир Темур вафотидан кейинги йилларда ундаги бу исътедод ўзининг бор кучи билан намоён бўла бошлади. Темурйлар салтанатининг улуғ ҳоқонига айланган Шоҳруҳ Мирзо ўқтам ва зукко Гавҳаршод бегимнинг маслаҳатларига доимо эҳтиёж сезарди. Мушкул сиёсий вазиятларда малика амалга оширган тадбирларўзининг ижобий натижасини берар эди. Бу эса йиллар ўтиши билан Шоҳруҳ Мирзонинг Гавҳаршод бегимга ишончини ортишига сабаб бўлди. Бинобарин, Гавҳаршод бегим Шоҳруҳ Мирzonинг ҳарбий юришларида иштирок қиласкан, шаҳзодаларнинг феъл-атвори ва ҳарбий бошлиқларнинг хатти-ҳаракатидан воқиф бўлиб турарди. Шунингдек, салтанатга доир ишлар малика эътиборига ҳавола қилинар ва унинг хоҳишича иш юритилар эди. Зоро, улкан салтанат таркибиға кирувчи мамлакатларга ҳоким тайинлаш, кимгадир жазо белгилаш ёки инъом тортиқ этиш ишлари малика ихтиёрида бўлган. Шунингдек, валиаҳд тайинлаш масаласида ҳам маликанинг қарashi кўпчилик амирлар томонидан мақулланган. Жумладан, 1444 йилда Шоҳруҳ Мирзо оғир хасталаниб, ўлим тўшагида ётганида, аркони давлат ҳукмдорнинг тез фурсатда оламдан кўз юмушига ишончлари комил бўлгач, Балх вилояти ҳокими бўлиб

турган Мұхаммад Жўки Мирзога шошилинч хабар юборадилар. Шаҳзода зудлик билан Ҳиротга етиб келади. Бироқ шаҳзода етиб келгунча, онаси малика Гавҳаршод бегимнинг фармонига мувофиқ, ҳарбий қўшинлар сардори Жалолиддин Ферузшоҳнинг валиаҳдликка тайинланган Алоуд Давла Мирзога байъат (ишонч ёрлиғи) бериб, қасамёд қилгани ҳақидаги хабарни эшигади. Мұхаммад Жўки Мирзо отасини зиёрат қилгач, Балхга қайтиб кетишга мажбур бўлади. Бу воқеа салтанатда Гавҳаршод бегимнинг ўрни ва роли катта бўғанлигидан дарак беради.

Шоҳруҳ Мирзо даврида Хурросон сиёсий-ижтимоий ва маданий жиҳатдан анча гуркираб ўсади. Мамлакат пойтахти Ҳирот иқтисодий-маданий юксалишда Шарқнинг энг нуфузли шаҳарларидан бирига айланди. Табиийки, мамлакатнинг бундай юксалишида малика Гавҳаршод бегимнинг ҳиссаси беқиёс.

Табиатан ватанпарвар, билимдон ва зукко Гавҳаршод бегим мамлакат равнақи йўлида тинмай ғамхўрлик қилди. Унинг дастурида маданий ва маърифий ҳаёт биринчи ўринда бўлган.

Тарихий манбаларда “Маҳди улё Гавҳаршод Оға”, “замона Билқиси” деб номланган Гавҳаршод бегим салтанатнинг маданий ҳаётида улкан ўрин тутди. Унинг бевосита раҳнамолигида Хурросонда бир қатор муҳташам бинолар қад кўтрди.

Хусусан, тарихчи Фиёсиддин Хондамир ўзининг “Хабиб – ус-сияр” асарида малика томонидан бунёд этилган иморатлар ҳақида маълумот бераркан, шундай ёзади: “Гавҳаршод Оға иффат ва инсофилик сифати билан мақталган малика эди ва доим олий баракотли ҳимматини хайрия иморатларини қуриш ва хайру эҳсон улашиш сари қаратганди. У қурдирган бинолар жумласидан пойтахт Ҳиротнинг шимол тарафидаги мадраса ва жоме масжиди ҳисобланиб, бу иморатлар деворларига жуда гўзал нақшинкор безаклар берилган. Машҳаддаги муқаддас имом Ризо мақбараси мажмуасида ҳам бир муҳташам ва ниҳоятда чиройлижума масжиди биносини қурдирган ҳамда бу даргоҳга атаб яхши ер-сув мулки ва гўзал асбоблар вақф қилган”.

Яна бир тарихчи Абдураззоқ Самарқандий ўзининг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асарида Гавҳаршод бегим ҳақида ёзаркан, унинг Самарқандга – Улуғбек Мирзо ҳузурига ташрифини шундай тасвирлайди: “Ироқ ва Озарбайжон фатҳ этилиб, амир Қора Юсуф даф қилингач ва бу хабарлар Хурросон ва Мовароуннаҳрга етгач, Мирзо Улуғбек “Жаннат оналар қадамлари остидадир” деган (хадис) буйруғига амал қилиб, бир неча кунни замона Билқиси бўлмиш шуҳратли волидаси Гавҳаршод Оғо ҳизматида ўтказишни истади. Аммо шаҳзода ўзи Моварауннаҳдан Ҳиротга келиши мушкул эканлиги туфайли, Маҳди улё Самарқандга келсин, деб илтимос қилди. Поклик паноҳидаги таҳтиравон рабиъ ул аввалнинг бошларида (1920 йил 16 марта) йўлга тушди; Мирзо Муҳаммад Жўки унга мулоқот саодати мусасар бўлиб, оёқ ўпиш шарафига етишди ва биргаликда доруссалтана Самарқанд томон йўл олиб, рабиъ ал-охирнинг ўрталарида жаннатмонанд Самарқандга келиб тушдилар”.

Гавҳаршод бегимнинг фарзандлари бўлган Мирзо Улуғбек, Бойсунғур Мирзо ва Муҳаммад Жўки мирзолар ҳам замонасининг етук кишилари бўлиб, ўзларидан улкан илмий меърос қолдирдилар.

Гавҳаршод бегимнинг тўнғич фарзанди Мовароуннаҳр султони Мирзо Улуғбек математика, фалакиёт, ҳандаса ва тарих фанларида ўзининг буюк қашфиётлари билан ўчмас из қолдирди.

Маликанинг яна бир ўғли Бойсунғур Мирзо ўз фаолияти давомида жаҳон санъати тарихида машхур саналган Ҳирот тасвирий санъат мактабига асос солди.

1447 йилда содир бўлган воқеа Гавҳаршод бегим ҳаётининг тинч ва осуда дамларига барҳам берди. Ҳоқони сайд Шоҳруҳ Мирзонинг вафотидан сўнг салтанатда бошланган ички низолар, маликани ҳам ўз гирдобига тортди. 1447-1457 йиллар давомида Гавҳаршод бегим ўзининг сиёсий мавқеи воситасида ўғил ва набиралари ўртасидаги низоларга барҳам беришга, салтанатда тинчлик ўрнатишга ҳаракат қилди.

Гавҳаршод бегимнинг ҳаёти ва фаолиятига назар ташлар эканмиз, мазкур малика умри давомида катта салтанатни бошқариш, зарур бўлганда давлат манфаати йўлида кескин сиёсий қарорлар қабул қиласиги ва пировардида тинчлик ва осудаликни сақлаб қолишда катта роль ўйнаганигини кўрамиз. Маликанинг ижтимоий ва маданий соҳада амалга оширган ишлари, ўзидан кейин қолдирган улкан бунёдкорлик фаолияти унинг серқирра шахс бўлганлигидан далолатдир. Шу билан бирга, Гавҳаршод бегимнинг сиёсатдаги уddабуронлиги эри Шоҳруҳ Мирзонинг сиёсий салобатидан куч олганлигини, мазкур икки тарихий шахс сиёсий ҳамда ижтимоий ҳаёт пиллапоясида доимо бир бирига ёрдам бериб, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига каттаҳисса қўшганликларини алоҳида таъкидлаш лозим.

4. МУЛКАТ ОФО БЕГИМ - унинг асли исми Мулк Оғо бўлган. Мулкат Оғо бегим Ҳизр ўғлоннинг қизи бўлиб, аввал Амир Темурнинг иккинчи ўғли Умар Шайх Мирзога турмушга чиққан эди.

1394 йилда Умар Шайх Мирзо вафот этгач, Соҳибқирон Амир Темурнинг хоҳишига кўра, Шоҳруҳ Мирзо никоҳига кирган. 1398 йилда Шоҳруҳ Мирзо Мулкат Оғо бегимдан ўғил кўради. Унинг номини Суюргатмиш Мирзо деб атайдилар.

Мулкат Оғо бегим ҳам Гавҳаршод бегим каби мамлакатда жуда кўп қурилиш ишларига раҳнамолик қиласди. Хусусан, маликанинг бевосита ташаббуси билан Ҳиротда шифохона, «дорулҳадис» номли хонақоҳ, иккита ҳаммом ҳамда Ҳиротдан 8 фарсах нарида, Амударёга борадиган йўл устида битта равот, Балх шаҳрида ҳам мадраса бино қиласди. У ҳам ҳамиша тоилиби илмларга ғамхўрлик қиласди, уларни ҳар томонлама қўллаб-куватлашга харакат қиласди.

1440 йил октябрда Мулкат Оғо бегим Қобулда вафот этади. Унинг жасадини Балхга олиб келиб, ўзи қурдирган мадрасага дағн қиласдилар.

1.

5. ҚУТЛУҒ НИГОР ХОНИМ (1505/1506) – Фарғона вилояти хукмдори Умаршайх мирзонинт тўнгич хотини. Қутлуғ Нигор хонимнинг отаси Юнусхон Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чиатойхон наслидан бўлган, онаси Эсон Давлат бегим туман бекларидан Шер Хонибекнинг қизи эди. Юнусхон Эсон Давлат бегимдан 3 қиз кўрган. Қутлуғ Нигор хоним ўртанча қиз бўлган. Қутлуғ Нигор хоним Умаршайх Мирзога турмушга чиққач, ундан бир қиз (Хонзодабегим) ва бир ўғил (Захириддин Муҳаммад бобур) кўрган. Доно, оқила, меҳрибон ва вафодор бу аёл

Бобурнинг Темурийлар салтанатини инқироздан сақлаб қолиш мақсадидаги ҳаракатларида мададкор бўлган, дарбадарлик вақтларида ҳамроҳлик қилган. Бобур Қобулни қўлга киритгандан сўнг, 5—6 ой ўтгач, Қутлуғ Нигорхоним ич терлама касалига чалинади ва дунёдан кўз юмади. У Улубек томонидан қурилган Боги Наврўзийда дафн этилган.



6. ГУЛБАДАН БЕГИМ – 1523 йилда Қобулда туғилган бўлиб, Бобур подшоҳнинг Дилдор бегим номли хотинидан туғилган учинчи қизидир.

Гулбадан бегим отаси Бобур подшоҳнинг фармонига кўра, катта онаси Моҳим бегим қўлида тарбияланади.

Гулбадан бегим 1529 йилгача Қобулда яшайди. Бобур подшоҳ Ҳиндистонни қўлга киритгач, Моҳим бегим билан бирга подшоҳ отасининг хузурига — Аграга боради. Отаси Бобур подшоҳ вафотидан сўнг, акаси Ҳумоюн подшоҳ саройида яшайди. 1539 йилда Гулбадан бегимни Ҳизр Ҳўжаконга турмушга берадилар. У бир ўғил туғади, исмини Саодатёр қўядилар.

1556 йил Ҳумоюн подшоҳ вафотидан сўнг салтанат тахтига унинг ўғли Жалолиддин Акбаршоҳ ўтиргач, шоҳнинг онаси

Ҳамида бону билан Гулбадан бегим саройга — Деҳлига қайтиб келадилар. Ана шундан сўнг Гулбадан бегим то умрининг охиригача жияни Акбар подшоҳ саройида яшайди.

Гулбадан бегим ўз замонасининг энг ўқимишли, оқила ва до-нишманд аёлларидан эди. У жияни Жалолиддин Акбар подшоҳнинг “Фирдавс макон ва жаннат ошён Ҳазрат ҳақидаги воқеалардан нимаики билсангиз ёзингиз”, деган ишорасига мувофиқ, “Хумоюннома” номли ажойиб ва муҳим асарни ёзади. “Хумоюннома” Бобур подшоҳ билан Ҳумоюн подшоҳнинг ҳаёт тарзи ва саргузаштларининг мухтасар тарихи бўлиб, мантиқан “Бобурнома”нинг давомидир. Бу асарнинг муҳимлиги яна шундаки, “Бобурнома” асари даги айрим воқеаларнинг келиб чиқиш сабабларини мукаммал очиб беради. Аммо асарнинг охирги қисми ўша замоннинг суронли йилларида йўқолиб кетган.

Гулбадан бегимнинг “Хумоюннома” асари тарих, жуғрофия, этнография, тил ва адабиёт фанига қизиқувчилар учун муҳим манба бўлиб хизмат қиласди.

“Акбарнома” муаллифининг ёзишига қараганда, 1575 йилда Гулбадан бегим Макка зиёратига кетади ва 1582 йилда кўп қийинчиликлар билан зиёратгоҳдан қайтиб келади.

Гулбадан бегим 1603 йилда 80 ёшида вафот этади. Акбар подшоҳ уни катта ҳурмат билан дафн этади. “Акбарнома” муаллифи Абулфазлнинг ёзишича, Акбар подшоҳнинг ўзи ўғил сифатида унинг тобутини кўтариб, дафн маросимида ўғиллик вазифасини эътиломига етказади.

7. НУРЖАҲОН БЕГИМ – унинг ёшлиқдаги исми Мехринисо бўлиб, асли келиб чиқиши эронлик бўлган. Унинг ота-онаси камбағаллик натижасида Эрондан Ҳиндистонга кўчиб келган эди. Мехринисонинг отаси Акбаршоҳ хизматига ёлланади. Шахзода Салим (Жаҳонгир) Мехринисони бозорда учратиб қолиб, унга ошиқи бекарор бўлиб қолади.

Жаҳонгиршоҳ таҳтга ўтиргандан сўнг 1611 йилда Мехринисони ўз никоҳига олади.

Меҳринисо мафтункор гўзаллиги, оқила ва билимдонлиги билан бутун сарой аҳлини ўзига ром қиласи. У саройда катта эътиборга сазовар бўлади. Энди уни Меҳринисо эмас, Нурмаҳал (“Саройнинг нури”) деб атай бошлайдилар. Дарҳақиқат, у ўткир зеҳи соҳибаси, билимдон ва тадбиркор, нозик таъб шоира ҳам бўлган. Нуржаҳон кейинги йилларда давлат ишларида Жаҳонгиршоҳга маслаҳатчи бўлиб қолган эди. Кейинчалик Жаҳонгиршоҳнинг саломатлиги тез-тез ёмонлаша бошлагач, давлат идора ишларини Нуржаҳоннинг ўзи бошқарган.

Айрим ривоятларга қараганда, Жаҳонгиршоҳ ўзининг севимли хотини Нуржаҳон бегим шарафига “Нуржаҳоний” — олтин тангани зарб эттирган, деган фикрлар ҳам мавжуд.

Нуржаҳон бегим Жаҳонгиршоҳ вафотидан сўнг Лоҳурда ҳаёт кечириб, 1645 йилда вафот этади. Мақбараси Лоҳурдадир.



8. МУМТОЗ МАҲАЛ БЕГИМ – унинг асли номи Аржуманд бону эди. Унинг келиб чиқиши эронлик бўлиб, бобоси, ота-онаси камбағаллик юзасидан Акбаршоҳ даврида Эрондан Ҳиндистонга кўчиб келган эдилар. Аржуманд бонунинг бобоси Акбаршоҳ хизматига киради. Аржуманд бонунинг аммаси Нуржаҳон бегим 1611 йилда Жаҳонгиршоҳга турмушга чиққач, Аржуманд бонунинг бобоси Эътимод-уд Давла баш вазирлик лавозимига кўтарилади. Отаси Эътиқодхон — (кейинчалик)

Осафхон сарой бошқарувчиси лавозимига белгиланади. 1613 йилда 19 ёшли Аржуманд бону 21 ёшли шаҳзода Хуррамга (Шоҳ Жаҳон) турмушга чиқади. Ўткир ақл-идрок соҳибаси бўлмиш Аржуманд бону тез кунда ўзининг тадбиркорлиги, нозик табиати, иффати ва тенги йўқ ҳусни билан сарой аъёнлари ўртасида катта эътибор қозонади. Ҳусусан, Жаҳонгиршоҳ келини Аржу-

манд бонуни ниҳоятда эъзозларди. Шунинг учун бўлса керак кўп ўтмай, Аржуманд бону саройда Мумтоз Маҳал бегим (саройнинг кўрки) номи билан аталабошлайди.

Жаҳонгиршоҳ билан шаҳзода Ҳуррамнинг ораларида чиққан айрим келишмовчиликларни Мумтоз Маҳал ҳал қилишга киришар ва бу ишни уддасидан чиқарди ҳам. Шунинг учун ҳар икки томоннинг илтифотига сазовор бўларди.

Шоҳ Жаҳон 1628 йил феврал ойида тахтга ўтиргач, ёш малика Мумтоз Маҳал бегим давлат ишларида эрига ёрдамлашар ва доим режалик маслаҳатлари билан эрини тўғри йўлга бошларди. Бинобарин, у саройда шоҳ маслаҳатчиси ва муҳрдорлик лавозимларини эгаллади. Мумтоз Маҳал бегим яхши кунларда ҳам ҳарбий сафарларда ҳам эрига вафодор ҳамроҳ ва жафокаш ҳамдард бўлган. Мумтоз Маҳал бегим 1631 йили навбатдаги сафарлардан бирида, Бурҳонпур шаҳрида ўн тўртинчи фарзандини туғиши асносида 38 ёшида вафот этади. Мумтоз Маҳал бегим ҳаёт билан видолашаркан, эри Шоҳ Жаҳондан фарзандларига меҳрибон бўлишини, бошқа уйланмасликни ва ниҳоят унга атаб дунёда тенги йўқ ҳашаматли бир мақбара бунёд эттиришни илтимос қиласди.

Шоҳ Жаҳон севимли маликаси Мумтоз Маҳал бегимнинг васиятларини бажаради. Зотан, у кейинги 36 йиллик умри давомида уйланмай ўтади. Мунис, вафодор рафиқасининг номини абадийлаштириш мақсадида унга атаб ялтироқ оқ мармардан мақбара қурдиради. Мақбарага Мумтоз Маҳалнинг бошига қўйилган тож рамзида “Тож Маҳал” деб ном беради.

Мумтоз Маҳал бегим ўлим олдидан ўз болалари билан видолашаркан, Шоҳ Жаҳоннинг аҳволидан хабардор бўлиб, унга ғамхўрлик қилиб туришни катта қизи Жаҳоноро бегим зиммасига юклайди.

9. ЖАҲОНОРО БЕГИМ – Шоҳ Жаҳоннинг катта қизидир. 1614 йилда туғилган. Шоҳ Жаҳоннинг тахтга ўтириш маросимида Жаҳоноро бегим 14 ёшда эди. Шоҳ Жаҳон унга 40 минг

дона ёкут жавоҳирлар инъом этиб, янайилигаб00минг рупия-миқдориданафақаҳам белгилаган эди.

Онаси Мумтоз Маҳал бегим вафот этганда Жаҳоноро бегим ўн етти ёшда эди. Эндиликда шоҳ оиласини бошқариш унинг зиммасида эди. Шоҳ Жаҳоннинг қизига бўлган меҳри янада ортади. У Мумтоз Маҳал бегимдан қолган барча бойлик ва мулкларни қизига топширади. Оқила Жаҳоноро бегим билан акаси Доро Шукуҳ бир-бирларига ўта меҳрибон бўлиб, укаси Аврангзеб эса бемеҳр ва худбин эди. Жаҳоноро бегим оиласида ака-укаларни, ҳатто отаси билан укаси Аврангзебнинг ораларида келиб чиқадиган можароларни усталик билан бартараф қилишга моҳир эди.

Жаҳоноро бегимнинг саройда обрў-эътибори орта бориб, аста-секин онаси Мумтоз Маҳал бегимнинг мавқеини эгаллади. Унинг жисми исмига монанд бўлиб, хусн-латофатда, ақл-идроқда ва илму одобда табиат унга сахийлик қилган эди. Жаҳоноро бегим давлат ишларини бошқариш, ички ва ташқи сиёsat ҳамда дипломатия масалаларида отасига ўзининг жўяли маслаҳатлари билан ёрдамлашарди. Унда бобокалони Бобур-шоҳ каби меъморчилик ва ободончиликка катта қизиқиш ва ҳавас бор эди. Бинобарин, у Аградаги жомеъ масжидининг тархини тузади. Дехли, Сурат, Амбола, Баҳол ва Панипат шаҳарларида карvonсаройлар қурдиради. Лохурда эса оромбаҳш катта боғ барпо қилдиради. Жаҳоноро бегим мамлакатдаги ғариб-ғуррабо ва фақирларга моддий ёрдамлар уюштириб, камбағаллар учун уй-жойлар қурдиради. Шунингдек, у Кашмирда “Пари Маҳал” (“Парилар саройи”) номли ажойиб боғ бунёд эттиради. Шаҳдхонободда эса Али Мардонхон ариғини қаздириб, нақшинкор ҳовуз қурдиради. Жаҳоноро бегим илм-фан бобида ҳам қалам тебратгани тарихдан маълум. “Рисолайи соҳибия” (“Дўстлик ҳақида рисола”) номли асар унинг қаламига мансубдир.

1658 йилда Аврангзеб таҳт талашиб, ўз акаси Доро Шукуҳни мағлубиятга учратиб, укаси Мурод Бахшни зинданга ташлайди. Бемор, ҳаста отаси Шоҳ Жаҳонни асирга олиб, Аградаги қизил тош саройда қамоқда сақлайди. Укаси Аврангзебнинг хатти-ҳа-

ракатларидан норози бўлган Жаҳоноро бегим мамлакатни ака-у-
калар ўртасида тақсимлашни, жумладан Доро Шукуҳга — Пан-
жобни, Мурод Бахшга — Гужаротни, Шоҳ Шужъога — Банголани,
Аврангзебнинг катта ўғли Муҳаммад Султонга — Деканни бўлиб
беришни маслаҳат беради. Аммо Аврангзеб қабул қилмайди.

Ака-укаларнинг, ота-боланинг ва дўстларнинг орасига туш-
ган низо ва уларнинг фожиали қисмати Жаҳоноро бегимни қат-
тиқ изтиробга солади. Дилхаста малика дунё ишларидан қўл
ювиб, отасига хизмат қилиш билан ўзига таскин беради. У 1658
йилдан 1666 йилгача бемор отаси хизматида бўлди.

Жаҳоноро бегим 1681 йилда олтмиш етти ёшида вафот эта-
ди. Гарчи, у шоҳ қизи бўлса-да, табиатан камтар ва олий ҳим-
матлилиги туфайли бойлик ҳамда шон-шуҳратларга қизиқмай-
ди. Ҳар ҳолда ўзининг васиятига мувофиқ бўлса керак, унинг
қабрига қўйилган оддий қабр тошига: “Менинг қабримни яшил
майсалар қопласин, зеро, бир ғариб ожиза учун яшил майсанинг
ўзи кифоядир”, деган сўзлар ёзиб қўйилган.

10. ЗЕБУННИСО БЕГИМ - Заҳириддин Муҳаммад Бобур под-
шоҳнинг панневараси Абу Зафар Муҳийиддин Муҳаммад Авран-
гзеб (тахтбезаги) Оламгирнинг қизи. Унинг онаси Дилрасбону
Шоҳнавозхоннинг қизи бўлиб, Бобурнинг Гулбадан бегим исм-
ли қизига бориб туташади. Зебуннисо бегим 1639 йил феврал
ойида Дехлида туғилган.

Зебуннисо бегим ўз замонасининг фозила аёлларидан Ҳа-
физа Марям Бону қўлида савод чиқарган. Отаси Зебуннисо-
нинг шоирлик истеъдодини пайқаб, унга ўз даврининг етук
олимларидан Мулло Муҳаммад Ашраф Исфаҳоний ва Мулло
Жовонни муаллим қилиб тайинлайди. Зебуннисо бегим за-
бардаст шоира, етук олима, уста танбур чертувчи созанда ва
моҳир хаттот бўлиб етишади. Араб-форс тилларининг сарфу
наҳв (морфология ва синтаксис)ини, фикҳ (қонуншунослик),
мантиқ, фалсафа, тарих фанларини пухта ўзлаштиради.

У настальик, насҳ ва шикаста хатларини зўр маҳорат ила

битган. Қуръонни бир неча маротаба ҳуснихатда кўчирган ва ёддан қироат билан ўқиган. Зебуннисо бегим араб ва форс тиллари сарфу наҳвини эгаллаб, шу тилларда ҳам ижод қилди.

Зебуннисо бегим олимларга, шоирларга ва санъат аҳлларига ҳомийлик кўрсатиб, уларга маош тўлаб турган. “Олами Ислом” тазкирасидаги “Зебуннисо бегим отаси ҳукмдорлик билан қозонлмаган шуҳратни илм ка одоб билан қозонган” жумлалари фикримизни тасдиқлайди. Зебуннисо бегим бир қатор шогирд-пешаларни илм-маърифат, одоб ва ғазалиёт бобида тарбиялаб, камолотга етказган, Шарқнинг машҳур шоири Мирзо Абдуқодир Бедил ўз қизини Зебуннисо бегим тарбиясига топширган. Натижада у шоирилик даражасигача етишган.

1922 йилда чоп этилган “Қобул” журналининг 10-сонида Зебуннисо бегим ҳақида шундай маълумот учрайди: “Зебуннисо бегимнинг чиройли бир девони бўлган. Яна тасаввуф фалсафа-сига оид “Мунис ал-арвоҳ” асари ҳам бор. Тафсир соҳасида 769 варақли “Зеб ат-тафсир” (“Гўзал тафсирлар”)ни ёзди. Бундан ташқари, илоҳиётга доир “Зеб ан-нашаот” номли асар ёзиб, уни устози хотираасига бағишилади

Ҳиндистон мусулмонлари орасида дастуруламал бўлиб қолган “Фатавойи оламгирий” (“Шариат қонунлари мажмуаси”) асарини форс тилига таржима ҳам қилдирди. Кўриниб турибдики, Зебуннисо бегим ўз замонасининг оқила ва зукко қизи, ўша муҳитнинг баркамол зиёлиси эди. У отаси шоҳ Аврангзеб Оламирнинг яқин маслаҳатчиси эди.

Зебуннисо бегимнинг ҳаёт йўли афсонавий воқеаларга бой. Унинг насли ота тарафидан ҳам она тарафидан ҳам Бобур подшоҳга бориб туташади. Демак, шоҳ қизи, боз устига ақл ва идрокда тенгсиз, юксак шеърий истеъдод соҳибаси, назм мулкининг маликаси, маликалар ичра гўзали... Зебуннисо бегим ҳусну латофат ва малоҳатда беназир, фазилатда беқиёс бўлса-да, ўзининг 63 йиллик умри давомида ўзига муносиб, ҳамдард ёр топа олмади. У 1702 йилда 63 ёшида Дехлида вафот этди. уни Дехлидаги “Зарзарий” қабристонига дағн қилишган.

11. МЕХР СУЛТОНХОНИМ -Шайбонийлар сулоласининг асосчиси Муҳаммад Шайбонийхон (1451– 1510)нинг келини, Темур Султон (вафоти 1514)нинг рафиқаси саналиб, у томонидан таъсис этилган вақф алоҳида эътирофга сазовордир. Мазкур саховатли аёл Самарқандда қайнотаси томонидан қурилишни бошлаган ҳамда турмуш ўртоғи даврида давом эттирилиб, тутгаланмай қолган йирик мадраса мажмуасини ниҳоясига етказган. Шайбонийхон ёки Кўш мадраса номи билан танилган ушбу муассаса жойлашувига мувофиқ Жанубий, яъни Мадрасаси Олияи Хония ҳамда Мадрасаси Шимолия қисмларидан иборат бўлган. Мехр Султонхоним ташаббуси билан шунингдек, юқоридаги икки мадрасаларни боғловчи сирти зарҳалланган равоқ (арка) бунёд этилган, шайбонийлар хонадони вакиллари дафн этилган суфа (даҳма)ни таъмирлаш сингари ишлар ҳам амалга оширилган.

Таъкидлаш лозимки, Мехр Султонхоним мадраса мажмуасига вақф мулки сифатида Самарқанд, Кеш, Насаф вилоятларидағи каттагина ер майдонлари, чорбоғлар, савдо-хунармандчилик устахоналарини ажратган. Ушбу муассаса фойдасига тузилган “Вақфнома”га биноан таъсис этилган мулклар қаторида шунингдек, савдо расталари, дўконлар, қофоз ишлаб чиқарувчи устахоналар, сув тегирмонлари ҳамда ҳаммомлар ҳам мавжуд бўлган. Вақф мулкларидан олинадиган даромад мадрасалар, улар таркибидаги масжид, кутубхона сингари объектлар таъмирига, шунингдек, диний тадбирларга, талabalарга нафақа, мударрислар, шунингдек, бошқа ходимларгамаош тўлашга сарфланган. Мехр Султон хоним нафақат воқифа, балки таъсис этилган мулклар бошқарувида мутавалли сифатида ҳам ўзи фаолият юритган.

12. ОЙПОШША БИБИ (Подшоҳийим, XVII аср) – Жўйбор хожаларидан Абдураҳимхожанинг қизи, аштархоний ҳукмдор Надр Муҳаммадхон (1642-1645)нинг рафиқаси. Бухородаги энг нуфузли мадрасалардан саналган Жўйбори Калон мадрасаси ҳам бевосита унинг номи билан боғлиқдир. Хусусан, Садр Зиё мазкур муассасанинг Ойпошша Биби томониданбарпо этилгани хусусидаги маълумотларни ёзиб қолдирган.

Мавжуд маълумотлар Ойпошша Бибининг ниҳоятда маърифатли, тақволи, саховатпеша бўлганалигини, мадраса учун маблағ аямаганлигини тасдиқлади. Мадраса Бухоро қалъасининг ташқарисида, Ҳовузи Нав гузарида жойлашган бўлиб, 29 хужрадан иборат эди. Ушбу иншоотнинг вақф ҳужжатида Ойпошша Биби "... замон Хадичаси, даврон Фотимаси, иффат-паноҳ, исмат-дастгоҳ" сингари юқори сифатлар билан эътироф этилган.

Воқифа томонидан Бухоро ҳамда Балх вилоятлари, жумладан, Наҳри Файзободдаги машҳур Фатхобод қишлоғи, Миёнқол вилоятидаги Сафаркент, Қоракўл туманидаги Бистом, Мурғак худудларидағи мулклардан кўплаб даҳяқ ҳамда 400 танобдан ортиқ мулки холис ерлар вақфга айлантирилган.

Вақф мулкларидан олинадиган даромад мадраса, унинг таркибидаги масжид таъмирига, шунингдек, ён томонда жойлашган ҳовуз эҳтиёжи учун сарф қилинган. Бундан ташқари, мадраса ва масжидда фаолият юритувчи ходимлар, таҳсил олувчилар ҳам вақф ҳисобидан нафақа олганлар.

Ойпошша Бибиҳижрий 1086 (1675-1676) йили дунёдан кўз юмади. Унинг қабри Чор Бакр мавзесида жойлашган бўлиб, зиёратгоҳ Пошша ойим даҳмаси деб аталади.

13. БИБИ ПОДШОҲ БИБИ (XVII аср) – аштархонийлар сулоласи ҳукмдори Субҳонқулихон (1681-1702)нинг завжаси, Абулфайзхон (1711-1747)нинг волидаси ҳисобланади. Маълумотларга кўра, у XVII асрнинг иккинчи ярмида Хожа Мир Абдуллоҳ хонадонида туғилган. Унинг ҳаёт йўли инқирозли вазият ҳамда сиёсий нотинчилклар даврига тўғри келган. Бироқ шунга қарамай, Подшоҳ Бибининг номи маърифатпарвар ҳамда кўплаб хайрияни жорияларни амалга оширган саховатпеша малика сифатида тарихда қолган.

Мазкур воқифага тегишли вақф ҳужжатларидан бирида у "... иффат ва ҳишмат-паноҳ, исмат ва шавкат-дастгоҳ ... муҳтара-ма аёлларнинг зийнати, маъсума аёлларнинг тожи, вақфлар ва иморатлар соҳибаси, аср Марями, замон Билқиси, даврон Хадичаси ..." сингари улуғ сифатлар билан эъзозланади.

Подшоҳ Биби Бухоронинг қадим қалъаси (ҳисори) ташқарисида, Регистонниг ғарбидаги Болойи Ҳовуз мадрасаси, унинг таркибида таҳоратхона, жомеъ масжиди ҳамда хонақоҳни барпо эттирган бўлиб, бу ҳақда тарихий ҳужжатда шундай келтирилади: “ ... мазкур ифрат-паноҳ воқифа ушбу ҳонақоҳ, мадраса, таҳоратхонани бино этди”. Малика ушбу мажмуанинг таъминоти учун Бухоро вилоятидаги қўплаб мулкларини, хусусан, Ҳасанобод мавзесидаги тахминан 16 минг, Қоракўл вилоятидаги 50 танобга яқин ерларини вақфга айлантирган. Вақф даромадлари ушбу иншоот фаолияти, у ерда ўтказиладиган диний-хайрия тадбирларга сарфланган, шунингдек, ходимлар ҳамда талабаларга алоҳида улуш ажратилган.



Нодирабегим (1792 – 1842)

14. НОДИРА (тахаллуси; исми Моҳларайим; 1792, Андижон —1842, Кўқон) — шоира, маърифатпарвар ва давлатарбоби. “Комила” ва “Макнуна” тахаллуслари билан ҳам шеърлар ёзган. Отаси Андижон ҳокими Раҳмонқулбий — минг қабиласидан, Фарғона ҳукмдори Олимхоннинг тоғаси.

Олимхон укаси Умархонга Марғилон ҳокимлигини беради ва уни 1807 йилда Нодирага уйлантиради. Нодира шу хонадонда шеър ёзишни машқ қиласиди, шоира *Увайсий* билан танишади, уни муаллима сифатида саройга таклиф этади. Нодиранинг турмуш йўлдоши Амир Умархон ҳам Амирий тахаллусида ижод қилган.

1822 йилда Умархон вафот этиб, унинг ўғли, 14 ёшли Муҳаммад Алихон (Маъдалихон) тахтга кўтарилди. Лекин давлатни, асосан, Нодиранинг ўзи идора қилди. У маданият ва санъатни ривожлантиришга интилди. Нодиранинг замондоши қози Абдунаби Хотифнинг тамомланмай қолган воқе-

абанд достонида Нодиранинг ҳаёти ва ижтимоий фаолияти ишонарли далиллар биланн кўрсатиб берилган: “Асар ёзишдан мақсадим Нодиранинг оқила, фахмли, илм ва сўзнинг қадрига етадиган донишманд аёл эканлигини кўрсатишдир... Умархон вафотидан сўнг бу иффат садафининг инжуси кунларни хасрату фироқ билан шу тариқа ўтишини ношукурлик, деб билди. У Гулистондек Чаҳорчаман боғига бориб, Фарғона, Тошкент, Хўжанд, Андижон ва бошқа шаҳарлардан фозиллар, олимлар, хаттотлар, наққошларни ўз хизматига чақиртириб келди”. Нодира бир неча китобларни кўчиртириди ва шоирларни янги-янги асарлар ёзишга ташвиқ қилди. Шоира девонларнинг чиройли ёзилиши, муқовасининг безатилишини ўзи шахсан кўздан кечириб турган. У яхши ишлаган котибларга тилла калам, кумуш қаламдон бериб, уларни “Заррин қалам”лик мансабига кўтарган.

Нодира бозор ва расталар, масжид ва мадрасалар, карвонсаройлар қурилишига эътибор берган. Гўристони калондаги Мадрасаси Чалпак, Тақагарлик растасидаги Моҳларойим мадрасасини бино эттирган. Бухоро амири Насрулло 1842 йилда Кўқонга бостириб кириб, Маъдалихонни, укаси Султон Маҳмудхонни, 14 яшар ўғли Муҳаммад Аминхонни ва Нодирани фожиали равища ўлдиради.

Нодиранинг адабий мероси ўз ғоявий-бадиий аҳамияти нуқтаи назаридан мумтоз шеъриятнинг гўзал намуналаридан-дир. Нодира муҳаббат, садоқат ва вафо қуйчисидир. У гўзаллик ва садоқатни, шарқ хотин-қизларининг дард-аламлари, оху фифонларини кўйлади.

Нодира олимлар, шоирлар, айниқса, шоираларни ўз ҳимоясига олган. Шоира ўз девонларининг “ҳамнишин олима афифалар, фозила ҳамсуҳбат шарифаларнинг маслаҳатлари ва ташаббусларига кўра жамлангани”ни ўзбекча девонига ёзган сўзбошисида қайд этиб ўтади.

Нодира мумтоз шеъриятнинг мавжуд ҳамма жанрларида қалам тебратди. Унинг ўзбекча ва форсийча-тожикча ғазаллари

арузнинг турли вазнларида 5, 7, 9, 13, ҳатто 18 байтли ҳажмда яратилган. Нодира мумтоз адабиёт анъаналарини қунт ва ихлос билан давом эттирган. Навоий, Фузулий, Бедил ғазалларига муҳаммаслар боғлаган.



Нодирағегим ва Увайсий

Нодира ижодига бўлган қизиқиш шоира ҳаётлик даврида-ёқ бошланган. Машхур шоира Дилшод (1800—1905) Нодирага маҳсус ғазаллар бағишилаб, уни “ilm-adabva nazm osmoninинг юлдузи, ушшоқлари ғазалхони, шакар сочувчи булбул” деб таърифлайди. Нодира ғазалларига жудакўп шоирлар назиралар ёзганлар, муҳаммас боғлаганлар.



15. УВАЙСИЙ (тахаллуси; исми Жаҳон Отин; 1779 Марғилон – 1845) — шоира, маърифатпарвар. Увайсий оиласда хат-саводини чиқариб, аввал халфа, сўнгра онасининг ёнида мактабдорлик қилган. Акаси Охунжон ҳофиздан шеърият илмини ўрганган, тез орада шоира, отин сифатида танилган. У, айниқса, арузни, муаммо (шеърда фикрни яшириб ифодалаш) санъатини мукаммал эгаллаган. Кўқон адабий муҳити билан яқинлашиб, мушоираларда қатнашган.

Саройда Нодира ва бошқа хотин-қизларга шеърият илмидан дарс бериб, устозлик қилган. *Дилшод* отиннинг маълумот беришича, Увайсий Нодира билан Конибодом, Хўжанд, Ўратепа, Тошкент, Андижон каби шаҳарларга борган. 1842 йилда Бухоро амири Насруллахон Кўқонни эгаллагач, Марғилонга қайтиб, умрининг охиригача шу ерда яшаган.

Увайсий 4 девон тузганлиги маълум. Лекин бу девонларнинг асл қўлёзмалари топилмаган. Увайсий мумтоз ўзбек шеъриятининг барча жанрларида ижод қилган. Навоий, Фузулий ва бошқаларнинг асарларига мухаммаслар боғлаган. Шоиранинг адабий меросида 269 ғазал, 29 мухаммас, 55 мусаддас, 1 мурабба, чистон, 3 достон, тугалланмаган бир манзума бор. Ижодининг ғоявий мавзуу доираси теран ва кўп қиррали.

Шоира адабиётда тараққийпарвар намояндаларнинг қарашлари асосида майдонга келган инсон тақдири, шахс эрки ва маърифатпарварлик ғояларида латиф ва дилкаш асарлар яратган, асарларида инсонни эъзозлаш, одамларни табиат ва ҳаёт ноз-неъматларидан баҳраманд бўлишга ундаш, дўстлик, вафо ва садоқат ҳақидаги улуғвор ниятларини Куръон оятлари, ҳадислар ва тасаввуфий талқинлар билан асослаган ҳолда ижодий баркамолликка эришган. Унинг шеърларида тариқатнинг талаб ва қоидаларига тааллукли бўлган талқинлар кўп учрайди:

*Фано мардумларини сирридин ҳеч кимса йўқ огоҳ,
Қабиҳ гуфтор мардумдин кўнгул дөғ ўлди, дөғ ўлди.*

Увайсий ўз асарларида юксак одамийликни, шу одамийликни қалб тўрида авайловчи вафодор ёрни улуғлайди, уни Қуёш билан қиёс қиласди. Қуёш хар тонг уфқдан бош кўтариб, ўзининг оташин нури билан оламга, одамларга ўз меҳр ва шафқатини сочади. Шоира ёр ва офтоб *ташибиҳларидан* қаршилантириш санъати орқали энг гўзал туйғулар силсиласини яратади. Унинг лирик қахрамони мушоҳадакор донишманд, вафоли ошиқ.

Унинг анор ҳақидаги машҳур чистони ўзининг муҳим мазмуни ва юксак бадиийлиги билан шоира ижодининг ёрқин бир саҳифаси сифатида кўзга ташланади:

*Бу на гумбаздур, эшиги, туйнугидин йўқ нишон,
Неча гулгун пок қизлар манзил айлабдур макон?
Туйнугин очиб, аларнинг ҳолидан олсанм ҳабар,
Юзларида парда тортуғлиқ туурулар, бағри қон.*


Увайсий ҳаётлик давридаёқ нафис лирикаси билан машҳур бўлган ва замондошларининг эътиборини қозонган. Лирик шеърларида ташқари, унинг “Шаҳзода Ҳасан”, “Шаҳзода Ҳусан” каби лиро-эпик асарлари ва “Воқеоти Муҳаммад Алихон” каби тарихий достонлари мавжуд. Шоиранинг лиро-эпик достонлари ислом тарихи билан боғлиқ воқеалар асосида яратилган.

Увайсий асарлари ўзининг латиф мазмуни ва дилкаш бадиийлиги билан халқ оммаси орасида кенг ёйилган, ҳофизлар, хонандалар томонидан мақом ва халқ оҳанглари йўлида куйланиб келинади. Унинг хаттотлар томонидан кўчирилган З нусха қўллэзма девони Ўзбекистон ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти ва Андижон универсиети кутубхонасида сақланади.

16. ДИЛШОД ОТИН, Барно, Дилшоди Барно (тажаллуслари; асл исм-шарифи Дилшод Раҳимқул сўфи қизи), (1800, Ўратепа

— 1905/06, Қўқон) — шоира, маърифатпарвар. Отасидан савод ўрганган. Мактабдорлик қилган – хотин-қизларга хат-савод ўргатган. *Анбар Отин* Дилшод. Отиннинг иқтидорли талабаларидан бўлган. Дилшод Отин ғазал, мухаммас, масаддас, чистон ва бошқа билан бирга хотираномалар ҳам яратган. Унинг 91 та ўзбекча ва 51 та тожикча шеъри, “Тарихи муҳожирон” (“Муҳожирлар тарихи”) бадий-тарихий асарининг ўзбекча ва тожикча З қўлёзма нусхаси (“Тазкираи Барно”, “Сабот ал-башар мaa тарихи муҳожирон” – “Инсон матонати ва муҳожирлар тарихи”, “Мунтахаб ал-ашъори Барно” – “Барнонинг танланган шеърлари”) бизгача етиб келган. Буларда ўзаро урушлар, халқ-нинг турмуш шароити ва бошқа ижтимоий-сиёсий воқеалар ўз ифодасини топган. Туркistonни чор Россияси босиб олишига бўлган муносабатда шоира замондошларидан илгарилаб, бу ҳодисанинг барча оқибатларини тўғри тушунган. Шу жиҳатдан, Дилшод Отин шеърияти халқ тақдирининг бадий йилномаси даражасига кўтарилди. Шу билан бирга шоира баҳтиёр замон, яхши кунлар келишига ишонди (“Бу жабру зулмат албат муваққат...”, “Фарғона” ва б.), туркistonликларни дўст-иноқ яшашга ундади (“Халойик, борсангиз...”, “Тарихи мухосара” ва б.). Дилшод Отин лирикасида муҳаббат ва садоқат мавзуи, ватан ва инсон озодлиги масаласи уйғунлашиб кетган (“Сочим сунбул деюрлар...”, “Фалакда сузуви ой...” ва б.).

Дилшод Отиннинг “Тарихи муҳожирон” асарида XIX аср Кўқон хонлигидаги тарихий, ижтимоий-сиёсий воқеалар акс этган. Аёлларни маърифатли, эркин, жамиятнинг teng ҳуқуқли аъзолари бўлишга чорлаган. Шунингдек, асарда Ўратепа ва Кўқонда яшаган 30 дан ортиқ шоир ва шоиралар ижоди ҳақида маълумот келтирилган. Дилшод Отин асарлари қўлёзмаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида сақланади (инв. № 1207). Асарлари ўзбек ва тожик тилларида нашр қилинтан.



17. МУАЗЗАМХОН Мирсаид қизи (XIX асрнинг иккинчи ярми, Хўжанд — 1917, Жиззах) — шоира.

Муаззамхон ўзбек ва форс мумтоз адабиёти намояндаларининг ижоди билан чуқур танишган, аруз вазнини мукаммал ўзлаштирган ва ҳар иккала тилда ҳам ижод қилган. Муаззамхоннинг 1000 мисрадан ортиқроқ девон тартибида тузилган ғазаллари ва синглиси Муаттархон баёзига кирган шеърлари мавжуд. Унинг ғазаллари услубнинг равонлиги, фикрнинг рав-

шанлиги, ифоданинг аниклиги билан ажralиб туради. Шеърларида давр, фалақдан норозилик садолари акс этган (“Фалакнинг жавридиндур кўнглима озор ҳар соат...”). Аммо Муаззамхон “кўзидан хуноба оқиб, ҳиж-рон ҳар тарафдан қилич тортиб” келаётган дамларда ҳам “матонатли” бўлишга, “сабр-таҳаммул” билан яшашга даъват қилган.

18. БОНУ (тажаллуси; асл исми Самар Бону Сирожиддин қизи) (1837, йаш — 1891, Андижон, Мингтепа қишилоги) — ўзбек шои-раси, маърифатпарвар. Ҳувайдонинг чевараси. “Мерос дедим бо-бомлардин” маснавийсида Ҳофиз, Навоий, Шамс Табризий, Аҳмад Яссавий ва бобоси Ҳувайдони тилга олиб, шоирлик истеъоди ота-бобосидан мерос эканлигини таъкидлаган. Уларнинг асарларида тажнис, татаббулар ёзган.

Бону 19 ёшида бева қолган. “Бону ғариб” шеърида бу оғир жудолик ва мусибатни турмуш ҳодисалари билан боғлаб, ўзи каби аёллар қисматидан, замонасидағи ҳақсизликлардан зорланган. Шеърларида Лайли, Ширин, Узролар билан дардлашган (“Ёр жабр этди” ва б.). Бону руҳидаги исёнкорлик, оқиласлик асарларида сингиб кетган. Севги мавзуидаги шеърлари шахсий ҳис-туйғулар билан чегараланмай, кенг ижтимоий мазмун касб этган.


Бону ижодида шахс ва замон, аёллар тақдири масаласини асосий ўринга қўйган. Эрк учун ўзи танлаган йўлнинг тўғрилигига ишонган (“Фалак озоридан минг дод”, “Ҳеч қайси инсон ҳам”, “Дилда дардим ким билур?”, “Бенаволар” ва б.), бу йўлда собит турган. Бону шеърларини тўплаб девон тузган.



19. АНБАР ОТИН Фармонкул қизи (1870 — Кўқон — 1906) — ўзбек шоираси. Отаси Увайсийнинг жияни. Онаси Ашурбиби оддий косиб қизи. *Анбар Отин Дишод отин* мактабида таҳсил олган. Анбар Отин шеърлар ижод қилиш билан бирга маҳалласидаги ёш қизларга таълим ва тарбия бергани туфайли Отин номига эга бўлади. Анбар Отин ўзбек ва тоҷик тилларида ижод қилган.

Ижодда кўпроқ Увайсийга эргашган. Навоийни биринчи устоз ҳисоблаган.

Замондошлари Муқимий, Фурқат, Завқийлар билан таниш бўлган. Шеърларида уларга мурожаат қилган, улар билан баҳслашган. Ўзбекча шеърлари (48 та)дан девон тузган. Ундан 41 фазал, 4 муҳаммас, 1 қитъа, 1 маснавий, 1 мустазод ўрин олган (1905). 70-йилларнинг бошида шоиранинг 40 га яқин шеърдан иборат яна бир қўлёзма девони, “Қаролар фалсафаси” рисоласи, 160 мисралик “якка байт”лари топилди, тоҷикча ғазалларидан девон тузиш нияти бўлган, аммо бор йўқлиги ҳозир номаълум. Анбар Отин шеърлари аксарият ижтимоий мавзуда. Замона адолатсизлигидан, меҳнатчи халқ оғир аҳволидан сўз очади, маърифатни улуғлайди. “Қаролар фалсафаси” асарида аёлларнинг оғир қисмати ҳақида ҳикоя қилинади. Анбар Отин асарлари қўлёзмаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти фондида сақланади.



20. НОЗИМАХОНИМ

(1870 – Тошкент — 1924) — шоира. Ўзбек аёллари орасидан чиққан биринчи журналист публицист. Татар, араб ва форс тилларини ўрганган. Оренбург ва Қозонда чиқиб турган матбуотни мунтазам кузатиб борган.

Европа адабиёти ва маданияти билан таниш, эркпарварлик ғояларидан баҳраманд бўлган. Ўзбек ва форс мумтоз адабиётини, айниқса, Саъдий, Ҳофиз асарларини ўқиган.

Шеър ва мақолалари 1900 йилдан матбуотда босилган. 20 ёшларида шоира “бешёғочлик Нозимахоним” номи билан машхур бўлган. Тараққиёт, маърифат ва маданиятни ташвиқ этувчи шеър ва манзумалари, жаҳолат, бидъат-хурофотни фош этувчи асарлари, замонасидағи ижтимоий тенгсизлик ва авж олган миллий истибоддан кескин норозилик баён қилинган ўтқир ҳажвий шеърлари «Шуҳрат», «Садойи Туркистон», «Тараққий» каби ғазалларда мунтазам чиқиб турган. Шоира меҳнаткаш халқнинг миллий озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаган, хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва ўрни ҳақида асарлар ёзган, жаҳолат ва зулм поймол этган ўзбек аёлининг миллий, инсоний ҳақ-хуқукларини талаб қилиб чиққан (“Инсонга қанча эрк даркор?”, “Илм ва маориф борасида бир-икки сўз”, “Хотинлар хуқуқига оид” ва б.).

Нозимахоним шеърияти 1905-1917 йилларлар ўзбек адабиётининг етакчи тамойилларини аниқлашда, 20-йиллар ўзбек шеъриягининг характеристерили хусусиятларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

21. МАНЗУРАБОНУ (1900-1970) Тошкентда яшаб, Бону, Манзурабону таҳаллуси билан ижод қилган, шоира Нозимахонимнинг яқин қариндоши, истеъододли шогирдларидан бўлган. У Навоий, Фузулий ва Машраб шеърларини жуда берилиб мутолаа қиласарди. Мактабдор шоира Нозимахоним уни ўз тарбиясига

олгач, бўлажак шоира форс тили ва адабиётини, туркий халқлар адабиётларини қунт билан ўрганиб, ўн олти ёшидан Нозимахонимнинг маслаҳати билан Манзурабону таҳаллуси билан ижод қила бошлаган. Ёшлигидан Нозимахоним қўлида эркесварлик ва маърифатпарварлик ғоялари руҳида тарбияланган шоира 1920-йилларда хотин-қизлар озодлиги мавзусида ҳароратли шеърлари билан майдонга чиқди. Фаол жамоатчи сифатида Тошкентда ташкил этилган Хотин-қизлар клуби ишларида қатнашди. Шоира “Янги йўл” рўзномаси ва кейинроқ шу номда чиқа бошлаган ойномада, “Шарқ ҳақиқати” рўзномасида мунтазам иштирок этиб турди. Кейинчалик шеърларини тўплаб қўлёзма девон тузди. Унинг қаламидан яралган талай ғазаллар ўзига хослиги билан диққатга сазовор.



22. ЗУЛФИЯХОНИМ. Зулфия Исройлова таниқли ва иқтидорли ўзбек шоираси. Ёрқин рассом, оддий инсон қалбини ўткир ҳис қилган – меҳнаткаш, Шарқ аёлининг жамиятдаги тенг ҳукуқи учун мардонавар курашган аёл.

Зулфия Исройлова 1915 йил 1 март куни Тошкентда ҳунарманд оиласида туғилган. Шоира хотин-қизлар билим юритида ўқиган вақтларидаёқ (1931—1934) адабий тўгаракларда шеърлар машқ қила бошлади. 1935—1938 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси-

нинг Тил ва адабиёт институти аспирантурасида таҳсил олди. Сўнгра 1938—1948 йилларда Болалар нашриётида муҳаррир, Ўзбекистон Давлат нашриётида бўлим бошлифи, 1950—1953 йилларда эса «Ўзбекистон хотин-қизлари» («Саодат») журналида бўлим бошлифи. 1953—1980 йилларда эса бош муҳаррир бўлиб ишлади. Зулфия 17 ёшида ёзган «Хаёт ва рақлари» (1932) биринчи шеърлар тўплами билан Ойдин, Музайяна Алавия, Хо-

сият Тиллахоновалар сафига кириб келди. Зулфиянинг ижодий камолотида ўзбек ва рус мумтоз адабиёти, халқ оғзаки ижодиёти ва жаҳон адабиёти анъаналарининг роли бениҳоя бўлди. Шоира «Шеърлар» ва «Қизлар қўшиғи» (1938) каби поэтик асарларини она-Ватан ва унинг дала, чўлларида меҳнат қилаётган пахтакорлар, механик, тракторчи қизларнинг қайноқ ҳаётларига бағишлийди. Айни чоғда мазкур тўпламлардаги шеърлари шоиранинг шеърий маҳорат сирларини эгаллаётган даврини характерловчи асарлар сифатида ҳам муҳим эди.

Уруш даврида шоиранинг «Уни Фарҳод дер эдилар» (1943), «Ҳижрон кунларида» (1944) каби тўпламларининг нашр этилиши Зулфиянинг пешқадам шоирлар қаторига дадил кириб келаётганлигидан нишона эди. Тўпламдаги шеърлар ватанга муҳаббат, душманга нафрат ва ғалабага ишонч руҳида яратилганлиги билан характерлидир. Зулфиянинг «Менинг Ватаним», «Қўлимда қуролу устимда шинель», «Бизни кут» каби умидбахш шеърлари уруш даври ўзбек шеъриятининг жанговар руҳини ифодаловчи асарлар қаторидан ўрин олган. Шоиранинг урушдан сўнгги йилларда ёзилган «Далада бир кун» (1948), «Тонг қўшиғи» (1953) каби бир қатор шеърлар туркуми, «Мен тонгни куйлайман», «Юрагимга яқин кишилар» (1958), «Қўйларим сизга» (1965) тўпламларида Ватан мадҳи, меҳнат жараёнида фидокорлик қўрса-таётган кишилар ҳаёти жўшиб куйланади. Уни «Сўроқлайди шоирни шеърим» (1960), «Ойдин» (1953), «Қуёшли қалам» (1967) каби очерк ва достонлари Ҳ. Ҳакимзода, Ойбек, Ойдин, Ҳамид Олимжон каби устоддарнинг ёрқин хотираларига бағишлиланган. Зулфия Ҳ. Олимжоннинг «Семуруғ», «Зайнаб ва Омон» достонлари асосида пьеса ва опера либреттосини ҳам яратган. Зулфия «Уйлар», «Шалола» каби шеърий мажмуалари учун Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти совриндори бўлган. Ҳинд мавзуидаги шеърлари учун Жавоҳарлал Неру номидаги халқаро соврин, тинчлик ва дўстликни тараннум этувчи асарлари ҳамда тараққийпарвар Осиё ва Африка ёзувчилари ҳаракатидаги фаол иштироки учун халқаро «Нилуфар» мукофотига сазовор бўлган.

Шоира Ҳиндистон, Югославия, Шри Ланка, Миср, Бирма, Австрия каби мамлакатларда бўлди. У 1956 йилда Осиё ва Африка ёзувчиларининг Дехлида ўтказилган биринчи конференциясида қатнашиб, машхур «Мушоира» (1958) асарини яратди. Унинг шеърлари рус, инглиз, немис, ҳинд, болгар, хитой, араб, форс ва бошқа тилларга таржима қилинган. Шоира Некрасов, Лермонтов, В. Инбер, Леся Українка, Эди Огненцвет, М. Дилбозий, Амрита Притам асарларини ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилган. Зулфия ижодида ўзбек аёлининг тақдирни муҳим ўрин эгаллаган эди. унинг мамлакат ҳаётидаги фаол ўрни муҳим аҳамият касб этади. Шоира шеърияти табиатга ҳамда унинг ажралмас қисми ва юқори чўққиси бўлмиш одамзотга нисбатан ҳаяжонли севги билан бурканган. Унинг шеърларида табиат оч рангларда, ёрқин бўёқ ва тимсолларда гавдаланади.

1984 йил Зулфия “Жамият меҳнат қаҳрамони” унвонига сазовор бўлган. СССР давлат мукофоти лауреатига айланган.

Атоқли шоира 81 ёшида, 1996 йил 1 августида вафот этган.

2004 йил Ўзбекистонда Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилиб, адабиёт, санъат, илм-фан, маданият ва таълим соҳаларидаги муваффақиятга эришган, ёши 14 дан 22 ёшгача бўлган қизларга ҳар йили 8-март — Халқаро хотин-қизлар байрами куни тақдим этилади.

2008 йил 1 май куни Тошкентда Зулфия ҳайкали ўрнатилган.

“ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ” УНВОНИГА ЭГА БЎЛГАН АЁЛЛАР



“Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони ва олий нишон – “Олтин юлдуз” медали биринчи бор 1995 йилда берилган. Ушбу юксак давлат мукофотини юртимизда **Жамият ҳаётининг турли жаҳаларида фаол ва фидокорона меҳнат қилган, ёш авлод таълим-тарбияси, маънавиятини юксалтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги обруёси ва нуфузини оширишга муносиб ҳисса қўшган аёллар** ҳам ушбу мукофотни олишга муюссар бўлган.



23.МУЯССАР ТЕМИРОВА.

Олий даражадаги унвон таъсис этилган йили ушбу шарафга сазовор бўлган. Опа Бухоро шаҳридаги “Зардўз” акциядорлик жамиятининг юксак бадиий буюмлар тайёрлаш участкасининг катта устаси сифатида узоқ йиллар меҳнат қилган.

Зардўзлик санъатини нозик дид билан тайёрланган санъат дурдоналари билан бойитган.

1941 йилнинг 2 февраляда Бухоро вилоятининг Бухоро туманида дунёга келган. 1959 йилдан Бухоро зардўзлик фкаси (ҳоз. Бухоро “Зардўз” акциядорлик жамияти) да уста, цех бошлиғи, бўлим бошлиғи. 1994 й.дан юксак бадиий буюмлар тайёрлаш бўлимининг катта устаси. Зардўз М. Аҳмедовага шогирд тушиб, анъанавий зардўзлик санъатини пухта эгаллади.

Муяссар Темирова эгаллаган малакасини иш фаолиятида маҳорат билан қўллаб, зардўзлик санъатини нозик дид билан тайёрланган санъат дурданалари билан бойитди: анъанавий зардўзи буюмлар (дўппи, тўн, кавуш ва б.) учун янги нақш мужассамотлар яратди. Муяссар Темирова аёлларнинг зардўзи либоси мажмуини тайёрлади (1970, Япония ЭКСПО 70 кўргазмасида намойиш этилган), янги замонавий бадиий буюмлар ижод этди; йирик зардўзи намоёнлар яратишга бошчилик қилди ва бу соҳада фаол ижодий фаолият олиб борди.

Муяссар Темирова Ўзбекистон Республикаси байроби ва герби, Ўзбекистондаги тарихий шахсларнинг зардўзи портретини юксак маҳорат ила яратди.

Муяссар Темирова кўплаб шогирдлар (200 дан ортиқ) тайёрлади. У тайёрлаган ишлари билан 1972 йилдан республика ва халқаро кўргазмаларда иштирок этади, у яратган бадиий буюмлардан намуналар республика ва хорижий мамлакатлар музей ва тўпламларида сақланади.

1995 йилда Муяссар Темирова “Ўзбекистон қаҳрамони”увони билан тақдирланган.



24. ОЙШАХОН ҚЎЧҚОРОВА. Намангандардаги вилоят туттируқхонасида узоқ йиллар меҳнат қилган. Фаолияти мобайнида она ва бола саломатлигини асрашдек масъулиятли ишни сидқидилдан бажарган. (1996 й).



25. МАНЗУРА МАДАЛИЕВА. Қўқон шаҳридаги 10-умумтаълим мактабида математика фанидан сабоқ берган. Мамлакатимиз таълим тизимида замонавий усуллар, кўргазмали қуроллар билан дарс ўтишни бошлаб берган дастлабки педагоглардан. Муалима ўтказган очиқ дарслар, математика кечалари мамлакатимиз бўйлаб намунали дарс сифатида кўрсатилган. Кўплаб шогирдлари бугунги кунда жамиятда ўзининг мустаҳкам ўрнини топиб улгурган.(1997 й).



26. ОНЕСИЯ САИТОВА. Қорақалпоғистон Республикаси худудий перинатал маркази акушер-гинекологи. Она ва бола ҳаёти хавфсизлиги учун масъул шифокор З мингдан ортиқ жарроҳлик амалиётини муваффақиятли бажарган.

1949 йил 1 февралда Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой туманида таваллуд топган. 1972 йил Андижон давлат тиббиёт институтининг даволаш иши мутахассислигини тутагтан. Илк фаолиятини Қорақалпоғистон Республика туғруқхонасида бошлаган.

Республикаси 1-сонли Республика туғруқхонасида бошлаган. 1973-1977 йиллар давомида Щўманой тумани Қиров қишлоғи шифохонасининг акушер-гинекологи, 1977-1980 йиллар 1-сонли Республика туғиши уйининг туғиши бўлими шифокори, 1985-1989 йиллар Қорақалпоғистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош акушер-гинекологи, 1989-1993 йиллар Қорақалпоғистон Республикаси 1-сонли туғруқхона бош шифокори, 1993-1999 йиллар Қорақалпоғистон Республикаси оналиикни ва болаликни муҳофаза қилиш маркази туғруқхонаси бўлим

мудири, 1999-2004 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институти Нукус филиалининг 1-туғруқхона бўлими мудири, 2008-2016 йиллар Қорақалпоғистон Республикаси ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббёт маркази Нукус филиалининг 4-туғиши бўлими мудири, 2017 йилдан бўён Қорақалпоғистон Республикаси худудий Перинатал Марказининг Патология бўлимининг акушер-гинеколог шифокори сифатида фаолият юритиб келмоқда.

О. Сайтова кўп йиллар мобайнида аёлларнинг оналиқ баҳтига мұяссар бўлишига муносиб ҳисса қўшиб келган. Бу жараёнда она ва бола ҳаёти хавфсизлиги учун масъул шифокор 300 дан ортиқ жарроҳлик операцияларини муввафақиятли ўтказган.

О. Сайтова 2001 йил “Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йил” ва 2011 йил “Ўзбекистон Мустақиллигининг 20 йил” кўкрак нишони билан тақдирланган. Усоғлиқни сақлаш тизимида ўзининг кўп йиллик меҳнатлари туфайли 2017 йилда “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони билан тақдирланган.



27. МАВЛУДА ИСМАТОВА. Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 273-умумтаълим мактабида узоқ йиллар педагогик фаолият билан шуғулланган. Иқтидорли ўқувчилар билан тизимли ишлаш, ўғил-қизларнинг қизиқиш ва лаёқати, интеллектуал салоҳиятига қараб фанлар бўйича ихтисослаштирилган тарзда билим бериш методикасини амалиётга жорий этган. (1999 й).



28. МАРТИЯ РАҲМАТОВА. “Бухоротекс” ҳиссадорлик жамияти 1-йигириув-тўқув фабрикасининг йигириувчиси сифатида узоқ йиллар фаолият юритган. Соҳадаги фидокорона меҳнати билан алоҳида эътирофга сазовор бўлган.



29. ВЕРА ПАК. Хива шаҳридаги 20-Мехрибонлик уйида узоқ йиллар меҳр-мурувватга интиқ, норасида болаларни тарбиялаш, уларни эл корига камарбаста инсонлар этиб камолга етказишга улкан ҳисса кўшган. Ўзининг 57 йиллик педагогик фаолияти мобайнида ота-она меҳрига ташна қўплаб болаларнинг юрагида ҳаётга, келажакка мустаҳкам ишонч учротган. Мехрибонлик уйи тарбияланувчилари мустақил ҳаётга қадам қўйганидан

сўнг ҳам уларни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, касб-хунар ўрганиши, оила қуриб, уй-жойли бўлишида йўлида жонбозлик кўрсатди.



30.ДИЛБАР АКРОМОВА. Ўзбекистон “Меҳр-шафқат ва саломатлик” жамғармаси Наманган вилояти бўлими бошқаруви раиси сифатида 1996 йилдан умрининг охиригача фаолият юритган. Жамғармага раҳбарлик қилганида Поп туманида 100 гектарга яқин ташландиқ ерни олиб, “Меҳр-шафқат” фермер хўжалиги ташкил этган. У ерда балиқчилик, шоличилик, буғдой этишириш билан шуғулланди. Олинган даромад ногиронларга, кам таъминланган оиласаларга тарқатилди. (2002 й.)



31.АНОР МАҲМУДОВА. Хоразм вилояти Гурлан туманидаги 5-мактаб директори. Математиканинг нечоғли жозибадор ва мафтункор фан эканини ўқувчиларга исботлаган. (2004 й.).



32. МАЛИКА АБДУЛЛАХЎЖАЕВА (1932-2018). Республика патологик анатомия маркази директори сифатида узоқ йиллар меҳнат қилиб, юртимиз тиббиёти ривожига муносиб ҳисса қўшган. Қаҳрамон опа Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, тиббиёт фанлари доктори, профессори унвонларини олган. (2006 й).

М. Абдуллахўжаеванинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У 2006 йилда “Ўзбекистон қаҳрамони” унвони ва “Меҳнат шуҳрати” орденлари билан мукофотланди.



33. ХОЛЧАХОН МИРЗАЕВА.

Наманган вилояти Тўрақўргон туманидаги “Хадича ая” фермер хўжалиги раиси. Тадбиркорлик, ердан зар ундиришнинг ҳадисини олган қишлоқ хўжалиги соҳасининг фидойиларидан. (2007 й).



34. СИЁСАТХОН АБДУЛЛАЕВА.

Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги “Олтинкўл водий гулшани” фермер хўжалиги раҳбари. Ишбилармон аёл сифатида ҳамқишлоқларининг турмуш фаровонлиги, юрт маъмурчилигига қўшган фаол ҳиссаси билан барчанинг ёдida мангу муҳрланган. (2008 й).



35. ПАТИЛАХОН ЭРГАШЕВА. Фарғона вилояти Бувайдада туманидаги “Патилахон” фермер хўжалиги раҳбари. Тунларни тонгларга улаб тиним билмаган онахон ҳалол меҳнат инсонга чин зийнат бағишилашини амалда исботлаган. Юртимизда биринчилар қаторида фермер хўжалиги ташкил қилган. (2010 й).

36. СУЙИМА ФАНИЕВА. Атоқли навоийшунос олима. Ўзининг қарийб 60 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида ўзбек мумтоз адабиёти бўйича фундаментал тадқиқотлар олиб борди. Мустақиллик йилларида адабиётимиз ва маданиятимизни ривожлантириш, миллий адабиётимизнинг жаҳон маданий цивилизациясида тутганинни халқаро миқёсда кенг тарғиб этишга катта ҳисса қўшди. Илмий фаолияти давомида яратган 14 та монография, 350 дан зиёд илмий-назарий мақолалар мамлакатимиз ва халқаро илмий нашрларда чоп қилинган, 20 дан ортиқ ўқув-методик қўлланмалари республика олий таълим муассасалари ўқув жараёнига татбиқ этилган. (2015 й).

37. МУҲАББАТ ШАРАПОВА. Қарши шаҳридаги 2-иҳтисолаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси. Унинг кўплаб ўқувчилари халқаро миқёсдаги фан олимпиадаларида муваффақият қозонган. (2016 й).



1949 йилда Қашқадарё вилояти, Шахрисабз шаҳритуғилган, миллати ўзбек, маълумоти олий, 1971 й. Самарқанд Давлат университети тугатган

1966-1971 йилларда Самарқанд давлат университетининг механика-математика факультетида таҳсил олган. 1971 йилда университетни аъло баҳоларга тамомлаб, Қарши шаҳридаги ўзи таълим-тарбия олган 5-умумтаълим мактабида математика фани ўқитувчиси бўлиб меҳнат фаолиятини бошлади. Янги ўқув йили аввалида 4-синф ўқувчилари га синф раҳбари сифатида ўзини таништирган атлас кўйлақдаги, узун соchlарини чамандагул дўпписи атрофига чамбарак қилиб ўраган, кўринишдан битирувчи синф ўқувчисидан фарқ қилмайдиган ёш муаллимага “Сиз жуда ёш экансиз, бизга қандай ўқитувчилик қиласиз”, деб дакки берганлар ҳам бўлди. Муҳаббат Шаропова ёш бўлишига қарамасдан, тезлик биланғайрати ичига сиғмайдиган, билими, салоҳияти ниҳоятда юқори бўлган устоз барча ўқувчиларнинг юрагига йўл топа олди. Математика дарсларининг қизиқарли ўйинлар тарзида ўтиши, ҳафта давомида ҳар куни 3-4 соат шу фан билан шуғуллантириш, ўқувчи-ёшларнинг 90 фоизи биринчи уринишдаёт олий ўқув юртларига ўз билимлари билан кирганлиги ҳам Муҳаббат Шаропованинг тинимсиз меҳнати

ва изланиши натижасидир. Унинг ташаббуси билан умумтаълим масканида ёзги таътил вақтида мактаб аълочи ўқувчилари учун “Математиклар клуби”ни ташкил этилди. Дарс ўтишнинг, ўқувчиларни математика фанига қизиқишини оширишнинг янгича услугларини ўйлаб топиш устида бош қотирди. У ҳозирги илғор таълим технологиялари ютуқларини, тест ва рейтинг баҳолаш тизимини узоқ 70-йиллардаёқ қўллай бошлаган ўқитувчи эди. Муҳаббат Шарапованинг интилишлари ва ташаббуси билан 1985 йилда у таълим бераётган 5-ўрта таълим мактабида Қашқадарё вилоятида биринчи бўлиб математика фани чукурлаштириб ўтиладиган синф ташкил этилди. Махсус синов асосида 84 та талабгор ўқувчилар орасидан 21 нафар энг сара ўқувчилар танлаб олинди. Муаллима 1998 йилга қадар ушбу таълим муассасасидан 10 маротаба битирувчи синфларни катта ҳаётга учирма қилди. Муҳаббат Шарапова тез орада вилоятда энг илғор ўқитувчи сифатида танилди.

Муҳаббат Шарапованинг мاشаққатли меҳнатлари қадрланди. У 1991 йилда “Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси” унвонига эришган бўлса, 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фахрий ёрлиғи” билан тақдирланди.

1996 йилда Президент фармонига кўра Муҳаббат Шарапова “Меҳнат шуҳрати” ордени билан мукофотланди. Муҳаббат Шарапова ҳам ўз маҳорати, илми, тажрибаси билан шогирдлар қалбини илм нурлари ва зиёси билан тўлдира олди.

1997 йилда Қарши давлат университети қошидаги лицей-интернатга ишга таклиф қилишди. Орадан бир йил ҳам ўтмасдан Муҳаббат Шарапова “Қашқадарё фидойиси” сифатида эътироф этилди. У 1998 йилдан буён давлат таълим тизимини такомиллаштиришжараёнида фаол иштирок этиб, ўзининг фикр-мулоҳаза ва таклифларини Республика таълим марказига бериб келмоқда. 1990 йилдан бошлаб “Давлат тест маркази” томонидан чиқарилган тест ахборотномаларида у томонидан тузилгай тестлар чоп этилмоқда. У математика фани ўқитилиши бўйича ўқувчилар учун 6500 дан зиёд тест топшириқлари тузган, улар-

дан ўқув жараёнларида самарали фойдаланилмоқда. У Давлат раҳбарининг фармонига асосан, 2007 йили “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълимни ходими” фахрий унвони билан тақдирланди 2011 йилда унинг кўксига тақилган унвонлари қаторига “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги” кўкрак нишони ҳам қўшилди. Муҳаббат Шарапова юқори малакали мутахассис ва фидойи устоз сифатида мустақиллик йилларида математика фанини ўқитиш бўйича ўзига хос мактаб яратди.

Таниқли ўқитувчи Муҳаббат Шарапова 1990 йилдан буён давлат таълим тизимини такомиллаштириш жараёнида фаол иштирок этиб, ўзининг фикр-мулоҳаза, таклифларини Республика таълим марказига тақдим этиб келмоқда. Қашқадарё вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг тавсиясига биноан унинг 2011 йилда “Тригонометрия тарихи ҳақида қисқача маълумот” ҳамда “Планиметрия” бўлимини тақрорлаш бўйича ноанъанавий дарс ишланмаси, 2012 йилда математика фанидан 5-синф дарслигига илова тариқасида “Масалалар тўплами”, 2014 йилда “Модулли функциялар” ва “Кўпхадлар” қўлланмалари нашр этилди. Ушбу қўлланмалар ўқитувчилар, юқори синф ўқувчилари учун мўлжалланган бўлиб, айни пайтда улардан таълим жараёнида кенг фойдаланиб келинмоқда.

Муҳаббат Шарапова Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси Кенгашитомонидан 2012 йилда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан ўтказилган “Ўз касбининг моҳир эгалари” кўрик-танловида иштирок этиб, Қашқадарё вилоят босқичи ғолиби, деб топилди. У 2016 йилда давлатимизнинг энг юксак мукофоти – “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони ҳамда олий нишон – “Олтин ўлдуз” медали билан тақдирланди.



38.ЛОЛА МУРОДОВА. Фарғона вилояти Олтиариқ туманинди “Нурли обод” фермер хўжалиги бошлиғи. Кўп йиллар давомида тракторчи, оддий ишчи, механик, табелчи, бригадир, бўлим бошлиғи, хўжалик раиси сифатида меҳнат қилди. Хусусан, Марказий

Фарғонанинг чўл-дашт ерларида пахта, бошоқли дон етишириб, фермерликда ўзига хос тажриба ва маҳорат мактаби яратди.



39. ЙЎЛЧИЕВА МУНОЖОТ – хонанда, Ўзбекистон қаҳрамони. 1960 йилда Андижон вилоятининг Хўжаобод туманинди Ширмонбулоқ қишлоғида туғилган. 1978-1980 йилларда Тошкент Давлат консерваториясининг Шарқ мусиқаси тайёрлов бўлимида ўқиб, 1985 йилда Тошкент Давлат консерваторияси Шарқ мусиқаси факультетининг анъанавий ашула бўлимини тутгатган.

1980 йил 9 февралда Ўзбекистон Давлат Телерадиоэшиттиришлари кўмитаси томонидан Алишер Навоий та-

валлудининг 539 йиллиги муносабати билан тайёрланган “Назм ва наво” кўрсатувига устози Шавкат Мирзаев раҳбарлигига қатнашиб, “Муножот” ва “Ушшоқ” ашулаларини ижро этди ва шу қўшиқлари билан эл назарига тушди. 1980-1982 йиллари Мақомчилар ансамблида яккахон хонанда, 1982 йилдан 2013 йилгача М.Қориёқубов номидаги Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекциясида яккахон хонанда бўлиб фаолият кўрсатиб келди. 2013 йилдан ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон давлат консерваторияси Анъанавий хонандалик кафедраси мудири лавозимида фаолият юритмоқда.

Муножот Йўлчиева ҳаёти ва фаолиятини ёритувчи 2 та хужжатли фильм ва 3 та видеофильмлар яратилган.

Асосан мумтоз йўлидаги ашулаларини ижро этиши йўлидан бораётган хонанда ўзининг дилбар ашулалари билан тезда кенг жамоатчилик диққатини ўзига тортди. Фоят гўзал ва ёқимли овоздан ташқари жуда катта тайёргарлик асосида айтиладиган “Сараҳбори наво”, “Сараҳбори Дугоҳ”, “Талқини ушшоқ”, “Мўғилчай мустазоди наво”, “Ушшоқ”, “Муножот”, “Дугоҳ Ҳусайний”, “Чоргоҳ”, “Савти Чоргоҳ”, “Баёти Шерозий талқинчаси”, “Гиря” каби мақом ва халқ ашулалари, “Эй, дилбари жононим”, “Ул ким жоно”, “Фарғонача Шаҳноз”, “Ишқинг ўтифа” катта ашулалари, “Ўлтурғуси”, “Дашт-на-во”, “Ғунча янглиғ”, “Тановар”, “Иzlaiman” халқ ашулалари, устозлари Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммаджон Мирзаев ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шавкат Мирзаевлар қаламига мансуб “Меҳнат аҳли”, “Айладинг”, “Ниҳон этди”, “Бул ажаб”, “Ким кейин-ким илгари”, “Лаъли Яман”, “Етишди”, “Қаёндур”, “Айламас”, “Эй мутриб” ва бошқа қатор дурдона ашулалар М.Йўлчиева репертуаридан мустаҳкам ўрин олган.

Асл мусиқа миллат танламайди, чунки яхши мусиқа, куй ва ашулани турли миллат тингловчилари ҳам мароқ билан эшишиб, ором олади. Шунинг учун ҳам хонанданинг юракдан айтиладиган оҳанграбо ашулалари фақат халқимизнинггина эмас, балки у концерт сафарларида бўлган қатор мамлакатларнинг санъат мухлисларини ҳам мафтун этди.

1991 йили Америкада “Осиё жамияти” Муножот Йўлчиева ва со занда Турғун Алиматов ижро этган қўшиқлар аудио-кассетасини, 1995 йили Франциянинг “Окора” фирмаси, Муножот Йўлчиеванинг ашулалари ёзилган компакт диск чиқарган бўлса, 1997 йилда Олмонияда “Нетворк” фирмаси хонанданинг иккинчи компакт дискини чиқарди. Буларнинг бари истеъодли ўзбек хонандасига чет эл санъат мухлисларининг катта ҳурмат ва эҳтиромининг рамзидир.

М.Йўлчиева қўплаб республика ва халқаро миқиёсдаги йирик ва нуфузли тадбирларда ҳамда Ҳукумат қабул маросимларида шу қатори Халқаро ва республика фестиваллари, кўрик-танлов-

ларда иштирок этиб келмоқда. Жумладан, 1997йилда Самарқандада ўтказилган “Шарқ тароналари” Халқаро фестивалида биринчи ўринни эгаллади.

2010 йил июнъ ойида Тошкент шаҳрида “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида бўлиб ўтган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари Савмити иштирокчилари учун ташкил этилган концерт дастурида, шунингдек, 2013 йил Тошкент шаҳри “Наврӯз” ресторанида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар Ҳукумат раҳбарлари (Бош вазирлари) нинг Тошкент шаҳрида ўтказилган расмий қабул маросими концерт дастурида муваффақиятли иштирок этди. Бундан ташқари хонанда кўплаб Республика ва Халқаро миқёсдаги фестивал ва танловларда ҳакамлар ҳайъати аъзоси сифатида иш олиб борган.

2011 йил 17 ноябрь куни “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистон халқ артисти М.Йўлчиева ўзининг яккахон концертини намойиш этди. 2012 йил “Зафар таронаси” қўшиғи учун, Шавкат Муҳаммедов мусиқаси, Жуманиёз Жабборов сўзи билан Ўзбекистон халқ артисти М.Йўлчиева “Ягонасан, муқаддас Ватан” кўрик – танловининг республика якуний босқичи 1-ўрин ғолиблигини қўлга киритди.

Устоз сифатида етиштириб чиқарган шогирдларидан Абдулахатова Гулмира ва Жўраев Сайёд, Мухторова ва Ахророва Мафтуна Диёра “Ниҳол” мукофоти совриндорлари, Қўлдошева Адолат “Ниҳол” мукофоти совриндори, Тўрабек Мухторов, Исмоилов Эркин, Фозилова Шоҳсанамлар каби шогирдлари мумтоз санъатимиз ривожида ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

М.Йўлчиева мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидаёқ “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист”, 1994 йилда «Ўзбекистон халқ артисти», 1998 йил “Эл юрт ҳурмати” ордени, 2004 йил “Фидокорона хизматлари учун” ордени, 2006 йил Ўзбекистон давлат консерваториясининг “Фахрий профессори”, 2011 йил “Буюк хизматлари учун” орденлари билан тақдирланган.

Муножот Йўлчиева 2021 йилда “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони билан тақдирланди.

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ АКАДЕМИК АЁЛЛАРИ

40. АБДУЛЛАХЎЖАЕВА МАЛИКА АБДУСАМАТОВНА (1932-2018)- 1932 йил 28 ноябрда Россия Федерациясининг Москва шаҳрида туғилган. 1956 йили Тошкент давлат тиббиёт институти (хозирги Тошкент тиббиёт академияси)ни тугатиб, Россия Фанлар академиясиасирантурасида таҳсил олди. Дастрраб номзодлик, кейинчалик докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Илм-фан соҳасидаги кўп йиллик хизматлари учун 2000 йилда Ўзбекистон Республикасининг Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланган. Тиббиёт соҳасидаги таниқли олим, соғлиқни сақлаш ташкилотчиси, Ўзбекистон Фанлар академияси-нинг академиги, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

М. Абдуллахўжаева ўз меҳнат фаолиятини 1960 йили Тошкент давлат тиббиёт институти ассистенти сифатида бошлади. Истеъдодли олим қарийб 60 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида Рентгенология, радиология ва онкология илмий-тадқиқот институти (хозирги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази) лабораторияси мудири, Тошкент давлат тиббиёт институти кафедраси мудири, Ўзбекистон Республикаси патологоанатомик маркази директори каби маъсул лавозимларда самарали меҳнат қилди, халқимиз ва Ватанимизга сидқидилдан хизмат қилиб, мамлакатимизда илм-фан ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантириш, тиббиёт соҳасидаги долзарб масалаларни тадқиқ этиш, юқори малакали илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ишига муносаб ҳисса кўшди.

Олиманинг илмий ишланма ва тадқиқотлари республикамиз тиббиёт соҳасида кенг қўлланиб келинмоқда. Айниқса, унинг республикада патологоанатомик хизматни ташкил қилишдаги ўрни беқиёс. Унинг мазкур соҳадаги илмий ишланмалари асосида янги технологияларни жорий қилинишибибдиёт тармоқлари ривожида муҳим аҳамиятга эга.

Олиманинг тиббиёт соҳасининг назарий ва амалий масалаларига бағишланган 300 дан зиёд илмий мақолалари, 20 яқин китоб, ва монографиялари ҳамда 10 яқин муаллифлик гувоҳномалари юртимиз ва хорижий мамлакатлар олимлари ва мутахассисларига яхши маълум.

Жонкуяр устоз сифатида кўплаб ёшларга сабоқ берган илмфан фидойисининг бевосита раҳбарлигида ўнлаб фан номзодлари ва фан докторлари тайёрланган.

Академик М. Абдуллахўжаеванинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У “Ўзбекистон қаҳрамони” унвони ва “Меҳнат шуҳрати” орденлари билан мукофотланган эди.



41. АБИДОВА МУҲАББАТ ФАЗИЛОВНА (1931-2020) – кимёгар олима. 1931 йил 10 октябрда Тошкент шаҳрида туғилган. 1954 йили Ўрта Осиё политехника институти (ҳозирги Тошкент давлат техника университети)ни тугатиб, Фанлар академияси Кимё институти (ҳозирги Умумий ва ноорганик кимё) аспирантурасида таҳсил олди. 1958 йили номзодлик, 1975 йили докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Илм-фан соҳасидаги кўпийллик хизматлари учун 2000 йилда

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланган. Кимё-технология соҳасидаги таниқли олима, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, кимё фанлари доктори, профессор.

Истеъоддли олима қарийб 60 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида Фанлар академияси Кимё институтичич, катта илмий ходими, Полимерлар кимёси ва физикаси институти катта илмий ходими, Ўрта Осиё ёқилғидан фойдаланиш институти кат-

та илмий ходими, Ўрта Осиё нефтни қайта ишлаш саноати илмий тадқиқот институти сектор мудири, лаборатория мудири, Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти лаборатория мудири каби лавозимларда самарали меҳнат қилиб, мамлакатимизда илм-фан ва таълим соҳаларини ривожлантириш, юқори малакали илмий-педагог кадрлар тайёрлашга муносиб ҳисса кўшди.

Олиманинг илмий ишланма ва тадқиқотлари Республикализ катализаторлар тизими ва кимёвий жараёнлари соҳасида кенг кўлланиб келинмоқда. Унинг мазкур соҳадаги илмий ишланмалари иқтисодиётимиз тармоқлари ривожида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бирқатор газ ва нефтни қайта ишлаш саноати қурилмаларининг узлуксиз ишлашини, уларни импорт катализаторларига боғликликдан халосликка эришишни таъминлаган.

Олиманинг кимёвий жараёнлар соҳасининг назарий ва амалий масалаларига бағишлиланган илмий мақолалари, патент ва муаллифлик гувоҳномалари юртимиз ва хорижий мамлакатлар олимлари ва мутахассисларига яхши маълум.

Жонқуяр устоз сифатида кўплаб ёшларга сабоқ берган илм-фан фидойисининг бевосита раҳбарлигида ўнлаб фан номзодлари ва фан докторлари тайёрланган.

Академик М.Абидованинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У “Меҳнат шуҳрати” ордени билан мукофотланган эди.



42.АЗИМЖОНОВА САБОҲАТ АЗИМЖОНОВНА (1922-2001). 1922 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Ўрта мактабни тугатгач олима Низомийномидаги давлат педагогика институтига ўқишига киради ва олийгоҳни 1942 йилда муваффақиятли тамомлади. 1949 йилда “Ферганский удел Омар Шейха и Бабура” номли номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳи-

моя қиласи. Шу йилнинг ўзида Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида катта илмий ходим лавозимида иш бошлайди. 1969 йилда “Государство Бабура в Кабуле и в Индии” номли докторлик диссертациясини ҳимоя қиласи. Шу билан бирга, Сабоҳат Азимжоновна 1950 йилдан 1977 йилга қадар институт директори лавозимида фаолият юритган. 1977 йилдан 1995 йилга қадар у шу институтда дастлаб бўлим бошлиғи, сўнг етакчи илмий ходим бўлиб ишлаган.

Олиманинг асосий илмий ишлари Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Кобул ва Ҳиндистондаги фаолияти, Ўрта Осиё халқларининг ўрта асрларда қўшни хорижиймамлакатлар билан ўзаро сиёсий ва иқтисодий муносабатларига бағишиланган. Олиманинг асарлари Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Францияда чоп этилган. Бунга мисол тариқасида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қизи Гулбаданбегимнинг “Хумоюннома” асарини олишимиз мумкин. Олима уни форс тилидан ўзбек тилига таржима қилиб 1959 ва 1977 йилларда Тошкентда нашр эттирган. Айнан шу асар 1996 йил Париж шаҳрида француз тилида чоп этилган.

1983 йилда Сабоҳат Азимжонованинг шарқшунослик фанини ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси ва сермаҳсул илмий фаолияти юксак баҳоланиб, у “ЎзССРда хизмат кўрсатган фан арбоби” унвони билан тақдирланди.

2000 йилда Сабоҳат Азимжонова Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги этиб сайланди. С.А.Азимжонованинг илм-фанни ривожлантириш мақсадида қилган самарали фаолияти ҳукуматимиз ҳамда собиқ Иттилоқ томонидан юксак баҳоланди. У “Шуҳрат”, “Меҳнат қизил байроқ” орденлари, “Шарафли меҳнати учун” медаллари ва бир қатор фахрий ёрлиқлар ҳамда кўкрак нишонлари билан мукофотланган. Шу билан биргаликда олима Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат ва Жавоҳарлаъл Неру ҳалқаро мукофоти лауреати ҳамдир. Сабоҳат Азимжоновна Азимжонова 2001 йили 79 ёшида Тошкент шаҳрида вафот этган.

43. АМИНОВА РАҲИМА ХОДИЕВНА – тарихчи олима. Раҳима Аминова 1925 йилнинг кузи, 18 ноябрь куни Қўқонлик ўқитувчи Ҳоди Аминий оиласида дунёга келди. 1943 йилда Раҳима Аминова ўрта мактабни битирди ва бир йилдан сўнг университетда янги очилган шарқшунослик факультетига ўқишга кирди. Шарқшунослик факультетидаги маҳсус фанлардан ташқари, араб, форс, турк, инглиз ва рус тилларининг ўргатилиши келгусида Раҳима Аминовага жаҳон адабиётини ўзлаштиришга имкон берди.

1949 йилда Раҳима Ходиевна Фанлар академияси Тарих ва археология институти аспирантурасига ўқишга кирда ва машҳур тарихчи И.В.Додонов раҳбарлигидаги илмий изланишлар олиб борди. Уч йил ичида “Суғориш иншоатлари қурилишида Ўзбекистонда халқ ҳаракатлари” («Народное движение Узбекистана в строительстве ирригационных сооружений») мавзусидаги номзодлик диссертациясини тайёрлаб, 1953 йилда муваффақиятли ҳимоя қилди.

Номзодлик диссертацияси ҳимоясидан кейин Р.Ҳ.Аминованинг илмий изланишларининг марказий мавзуси Ўзбекистонда аграр муносабатлар ва давлат аграр сиёсати тарихига қаратилди. Ҳали ёш тадқиқотчи бўлишига қарамай, у шундай мураккаб муаммони бутун XX аср доирасида ўрганиб, тизимли, йирик тадқиқот яратишни ўз олдига катта мақсад қилиб қўйди.

Р.Ҳ.Аминованингилмий салоҳияти, ишчанлиги ва мақсад сари интилиши қўйилган катта режаларни амалга оширишга имкон берди. Ушбу мавзуда у бир тизимли 10дан ортиқ монография ва рисолалар чоп этди. Уларнинг кўпчилиги хорижий тилларга таржима қилинди.

Бу асарларда Ўзбекистонда аграр муносабатларнинг асосий босқичлари, қонуниятлари ва хусусиятлари кўриб чиқилган, муаммонинг миллий, ижтимоий ва демографик жиҳатларига эътибор қаратилган.

Умуман олганда, ушбу асарларни ўзбек дәхқончилигининг серқирра, лекин зиддиятли ва драматик тарихи деб ҳам баҳо-

лаш мумкин. Зеро, уларда ўзбек халқынинг пахтачилик ва ер билан боғлиқ мاشаққатли меҳнати, унинг ижтимоий ва сиёсий жараёнлар билан боғлиқ қирралари ўша давр мафқураси доира-сида, аммоочиқ рақам ва фактлар тилида ёритиб берилган.

Р.Х.Аминованинг «Аграрные преобразования в Узбекистане в период перехода Советского государства к НЭПу» (“Совет давлатининг янги иқтисодий сиёсатга ўтиш даврида Ўзбекистонда аграр ўзгаришлар”) монографияси бугунги кунда ўзининг илмий қийматини йўқотмаган. Р.Х.Аминова 28 ёшида фан номзоди бўлди. Ўзбек аёллариидан биринчи бўлиб 38 ёшида тарих фанлари доктори илмий даражасини олди. Ўша даврларда докторлик диссертациясини олимлар 50 ёшдан кейингина ҳимоя қилишар эди. Раҳима Ходиевна 41 ёшида Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси, 43 ёшида эса А.Беруний номидаги давлат мукофоти совриндори бўлди.

Рахима Аминова 2001 йил 16 декабрда вафот этди.



44. АРИПОВА ТАМАРАХОН ЎКТАМОВНА – тиббиёт ходими. 1953 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган, маълумоти олий, 1976 йилда Тошкент давлат тиббиёт институтини шифокор мутахассислиги бўйича тамомланган. **Тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик.** У 350 дан ортиқ илмий ишлар, 9 та монография, 2 та патент, 3 та халқаро миқёсдаги муаллифлик гувоҳномаси, 45 та услубий тавсиялар муаллифи.

Т. Арипова иммунология ва иммуногенетика соҳаларида йирик олима. Унинг илмий изланишлари иккиласми иммунтанқислик холатлари (ОИВ/ОИТС, В ва С гепатитлар, TORCH-инфекциялар, онкологик, аллергик, эндокрин ва аутоиммун касалликлар) ривожланиш механизmlари-

нинг иммунологик ва иммуногенетик тадқиқотлари ва улар асосида катталар ва болаларда иммунологик ва генетик ташхислашнинг янги усуллари ва технологияларини ишлаб чиқиш хамда Марказий Осиё популяциялари этногенезини ўрганишга қаратилган.

Т. Арипованинг таҳрири остида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг иммун статуси харитаси, иммунологик ва генетик паспортлари ишлаб чиқилди. Илк бор Марказий Осиёда одам қони периферик хужайраларида вируслар геномини аниқлаш учун янги усул ишлаб чиқилди ва амалиёттатадбиқ этилди.

Унинг раҳбарлигига Марказий Осиёда илк маротаба Европа Иттифоқининг Еттинчи рамкали дастури асосида «Марказий Осиё ва Европа популяцияларида преэклампсиянинг генетик тадқиқотлари» мавзусидаги умумий маблағи 5 млн. еврода тенг бўлган йирик халқаро грант кўлга киритилди. Шунингдек, у Россия, Франция, Япониянинг нуфузли илмий марказлари билан ҳамкорликда амалга оширилган йирик илмий лойиҳаларга Ўзбекистон томонидан раҳбарлик қилди.

Унинг раҳбарлигига 8 нафар фан доктори ва 15 нафар фан номзоди тайёрланган.

Т.Арипова «Назарий ва клиник тиббиёт журнали» муҳаррири, «Инфекция, иммунитет ва фармақология» ва «Иммунология» (Россия, Москва) журналлари таҳририяти аъзосидир. У 2006 йилда Иммунология институти қошида «Иммуноген тест» илмий-ташхислаш марказини ташкил қилди.

У 2013 йилдан Иммунология институти ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш раиси.

Т.Арипова Европа Илмий-саноат палатасининг «Тиббиётга кўшган катта ҳиссаси ва намунали профессионал фаолияти» учун «Олтин медал» ва «Di Merito» дипломи билан **тақдирланган**. 2015 йил Россия иммунолог ва аллергологлари илмий жамиятининг «Иммунология соҳасида улкан ютуқлар» дипломи ва олтин медали билан тақдирланган.

2019 й. «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланган.

У Республикализнинг тиббиёт соҳасидаги илмий жамоатчилиги орасида хурмат қозонган.

45. АХУНОВА МЕЛИХОН АХУНОВНА – тарихчи. 1928 йил 28 декабрда Ўзбекистон ССРнинг Наманган вилояти Учкўрғон туманида туғилган. У бошланғич ва олий маълумотни Самарқанд шаҳрида олган. Мелихон Ахунова мактабни тугатгач, Самарқанд Давлат университети тарих факультетига ўқишига кирди ва бу олийгоҳ унинг келажакда тарихчи-олима бўлиб шаклланишида катта рол ўйнади. Олима ўз илмий-ижодий фаолиятини 1949-йилда Ўзбекистон ССР ФА Тарих институтида бошлайди. Дастлаб институтда илмий ходим бўлди, сўнгра институт директори ўринбосари лавозимида фаолият юритди. Чуқур ўрганишлар натижасида 1955-йилда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Фан докторлик даражасини олиш учун тинмай тадқиқотларни амалга ошириш билан бир қаторда у жамоат ишларида ҳам фаол бўлди. 1965 йилдан бошлаб ЎзССР ФА Тарих институтига раҳбарлик қилишни бошлади. 1972 йилда эса докторлик диссертациясини ёқлади.

Мелихон Ахунова республикада тарих илми ривожланишида катта жонбозлик кўрсатди. У Тарих институтига директорлик, доимий илмий изланишлар, ФА тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлимида академик котиблик вазифаси, “СССР тарихи” мутахассислиги бўйича докторлик ва номзодлик диссертациясини ёқлаш маҳsusлаштирилган кенгашига раҳбарлик ва аспирантлар ишининг назорати билан шуғулланди. Шу билан бир қаторда “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар” журнали таҳририяти жамоаси аъзоси сифатида Ўзбекистон тарихи бўйича илмий мақолалар ва маълумотларни тақризлаш борасида фаолият олиб борди. Бой хаётий ва илмий тажрибага эга бўлган олима шу тариқа 1979-йилда ЎзССР ФА мухбир-аъзолигига сайланди ва бу йўналишда ҳам самарали меҳнат қилди.

Мелихон Ахунова илмий ва жамоат фаолиятини амалга оширап экан, кўплаб халқаро миқёсдаги конгресс ва йиғилишларда ўз

нүтқлари билан иштирок этди. Жумладан, 1970 йилда Москвада бўлиб ўтган Бутунжаҳон тарихчилар конгрессида, 1977 йилда Болгариянинг Варна шаҳридаги Халқаро симпозиумда, 1978 йилда Тошкентда бўлиб ўтган СССР-Ҳиндистон Халқаро симпозиумида, 1979 йилда Тошкентдаги СССР-Венгрия симпозиумида, 1980 йилда Руминиянинг Бухарест шаҳрида бўлган Бутунжаҳон тарихчилар конгрессида Ўзбекистон номидан СССР делегацияси таркибида қатнашган. Шунингдек олима халқаро аҳамиятга молик йиғилишларда ҳам қатнашувчи бўлди. Масалан, 1975-йилда Жаҳон Тинчлик Совети ва Тинчлик тарафдорлари конгрессида, Осиё ва Африка хотин-қизлари Халқаро семинарида иштирок этди. Мелихон Ахунова Ўзбекистонда хотин-қизлар фаоллигини ошириш, уларни ҳаётнинг барча жабғалари сингари илм-фан билан ҳам шуғуллаишларига, эришилган ва эришиллаётган ютуқларда уларнинг ўрнини кўрсатиш бўйича кўплаб илмий ва жамоат тадбирларни амалга оширилишида бевосита иштирок этди.

Мелихон Ахунова элликдан ортиқ илмий ишларга муаллифлик қилган ва уларда Ватанимиз тарихи, ўзбек халқи шаклланиши, шаҳарлар юзага келиши, илм-фан тараққиёти, Ўзбекистонда ўзи яшаган даврга нисбатан сўнгги ярим асрда рўй берган ўзгаришлар, хотин-қизларнинг жамият ҳаётида тобора кенгайиб борган ўрни ҳақида сўз юритган.



46. БУТОВСКАЯ ЕВДОКИЯ МИХАЙЛОВНА (1917-1982) – сейсмолог, Полтава шаҳрида туғилган. Сейсмолог олима. 1940 йили Ўрта Осиё давлат университетини тугатган.

1971 йилда Физика – математика фанлари доктори. 1978 йилдан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби. 1979 йилдан Ўзбекистон ФА мухабир аъзоси.

Ўзбекистон ФА Математика институти сейсмология бўлими ташкилотчиси ва раҳбари. 1963 йилдан Геология ва геофизика институти сейсмология лабораторияси мудири. Асосий илмий ишлари зилзила муаммоларига, зилзила ўчогини ва сейсмик режимини аниқлашга, жойларни сейсмик районлаштиришга, ер пўстининг чуқур қисмларини ўрганишга қаратилган. Ўзбекистондаги 10 га яқин сув омборларининг мукаммал сейсмик районлаштиришга раҳбарлик қилган. 1981 йили Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати. Михайловнанинг бутун ҳаёти ва илмий фаолияти сейсмология ҳамда Тошкент сейсмик станцияси билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг номи Тошкент сейсмостанцияси тарихига абадий кирган. 1982 йил 7 январда Тошкент шаҳрида вафот этган.



47. ВЛАСОВА НИНА АЛЕКСАНДРОВНА (1930-2013) – ботаника соҳасидаги йирик олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, биология фанлари доктори, профессор. Н.Власова 1930 йили Россия Федерацияси, Воронеж вилоятида дехқон оиласида туғилди. 1951 йили Ўрта Осиё давлат университетини туттатиб, фаолиятини Фанлар академиясининг Қишлоқ хўжалиги (ҳозирги Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси) институти лаборанти вазифасида иш бошлади. Кейинчалик ушбу институтаспирантурасида таҳсил олиб, 1969 йилда номзодлик, 1976 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг аъзоси этиб сайланди.

Истеъдодли олим ўзининг 60 йилдан ортиқ илмий фаолияти давомида Фанлар академиясининг Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида катта илмий ходим,

лаборатория мудири, бош илмий ходим лавозимларида самара-ли меҳнат қилди ва юртимиздаботаника фани соҳасидаги дол-зарб масалаларнитадқиқ этиш, юқори малакали кадрлар тай-ёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди. Айниқса унинг ўсимликлар эмбриологияси, цитологияси ва анатомияси, ғўза уруғчилиги-нинг назарий ва амалий масалаларига бағишланган мақола ва рисолалари кенг жамоатчиликка яхши маълум.

Жонкуяр устоз сифатида кўплаб ёшларга илм-фан сирлари-дан сабоқ берган заҳматкаш олиманинг бевосита раҳбарлигида ўндан ортиқ фан номзодлари ва докторлари тайёрланди.



48. ГЛУШЕНКОВА АННА ИВАНОВНА
(1926-2017) – техника фанлари док-тори. Табиий бирикмалар кимёси ва технологияси, жумладан пахта чигити соҳасида таниқли олима, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, техника фанлари доктори, профессор.

А.Глущенкова 1926 йил 1 августда Россия Федерацияси, Волгоград вилояти туғилди. 1948 йили Ўрта Осиё инду-стриал институтини (Ўрта Осиё политехника институти, ҳозирги Тошкент

давлат техника университети) тугатиб, ушбу институт аспиран-турасида таҳсил олди. 1953 йилда номзодлик, 1972 йилда док-торлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1984 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, 2000 йилда ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

Истеъдодли олима ўзининг 70 йилга яқин илмий педагогик фаолияти давомида Тошкент политехника институти (ҳозирги Тошкент давлат техника университети) ассистенти, доценти, кафедра мудири, Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институти катта илмий ходими, лаборатория мудири, инсти-

тут директори, Фанлар академияси президиуми аъзоси ва умри-нинг охиригача институт бош илмий ходими лавозимларида самарали меҳнат қилди ва юртимизда табиий бирикмалар кимёси ва технологияси соҳасидаги долзарб масалаларни тадқиқ этиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди.

Унинг илмий изланишларида пахта ёғи ва гossиполсиз шрот олиш масалалари алоҳида ўрин тутади. Унинг томонидан уз-луксиз ишловчи шнекли прессларда пахта ёғи олишнинг технологик тартиби ишлаб чиқилди ва ушбу технология республиканинг барча пахта мой заводлари ёғ ажратиб олишнинг экстракция усули қўлланилишига қадар ишлатиб келинган.

А.Глушенкованинг яратган пахта чигитини қайта ишлашнинг янги усули ҳисобланган бинар эритувчилар билан икки марталик экстракция усули пахта ёғи ва шрот олишнинг сифатини яхшилаш билан бирга қатор доривор препаратлар олиш учун хом ашё бўлган қўшимча маҳсулот бўлган гossипол олиш имконини яратди ва бу усул республиканинг ёғ-мой заводларида иқтисодий самара бермоқда.

Олима ёғларни тўйинмаганлик даражасини тавсифловчи «тўйинмаганлик сони» деб аталувчи янги кўрсаткични таклиф этди, ушбу кўрсатгич ҳозирда ёғлар кимёси ва технологиясида кенг қўлланилиб келмоқда.

Унинг табиий бирикмалар кимёси ва технологияси соҳасининг назарий ва амалий масалаларига бағишланган монография, мақола ва рисолалари кенг жамоатчиликка яхши маълум.

Жонкуяр устоз сифатида кўплаб ёшларга илм-фан сирларидан сабоқ берган заҳматкаш олиманинг бевосита раҳбарлигида ўнлаб фан докторлари ва фан номзодлари тайёрланган.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони (1996), «Меҳнат шухрати» ордени (2003) мукофотланган.



49. ИНОЯТОВА ФЛОРА ИЛЬЯСОВНА – тиббиёт ходими. 1947 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, маълумоти олий, 1970 йилда Тошкент давлат тиббиёт институтини шифокор-педиатр мутахассислиги бўйича тамомлаган. **Тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик.** У

730 дан ортиқ илмий ишлар, жумладан, 271 та илмий мақолалар (улардан 81 таси хорижий), 5 та монография, 2 та шифокорлар учун қўлланма, 9 та ихтиро учун патент ва 12 та ЭҲМ учун дастурлар муаллифи.

Ф.Иноятова таниқли ва юқори малакали педиатр, инфекционист ва гепатолог. Унинг илмий-тадқиқот ишлари долзарблиги, кенг қамровлилиги, соғлиқни сақлаш амалиёти билан узвий боғлиқлиги билан ажralиб туради. Унинг узоқ йиллик илмий-тадқиқот натижалари жигарнинг сурункали вирусли патологияси билан оғриган болаларни соғломлаштиришда (поликлиника-стационар-санаторий) босқичли тизим сифатида ўз исботини топган. Олинган илмий натижалар ва ишлаб чиқилган ишланмалар бугунги кунда республика соғлиқни сақлаш тизимида кенг миқёсда амалиётда қўлланилмоқда.

У педиатр-гепатологлар мактабининг ташкилотчиси. Республика нинг бир қатор вилоятларида унинг бевосита раҳбарлиги ва ташабbusи билан болалар гепатологик марказлари ташкил этилган. Унинг раҳбарлигида болалардаги жигар сурункали касалликларининг долзарб муаммоларига бағишиланган 5 та докторлик ва 13 та номзодлик диссертациялари муваффақиятли химоя қилинди.

Олима хорижий мамлакатлардаги (Туркия, Италия, Польша, Корея, Россия, Озарбайжон, Хиндистон) илмий конференция ва конгрессларда илмий маъruzалар билан фаол иштирок этиб,

халқаро илмий жамоатчилик орасида муносиб хурмат қозонган.

Ф.Иноятова 2016 йилда Санкт-Петербургда ўтказилган эши-тиш қобилияти чекланган болалар учун Биринчи Халқаро «Вол-шебная симфония» мусиқа фестивалини ташкиллаштириш ва ўтказишни қўллаб-қувватлаганлиги учун Россия Федерацияси хукуматининг миннатдорчилик дипломи, Хиндистон соғлиқ-ни сақлаш соҳасидаги PGHTNCON Халқаро мукофоти, «Эшити-ши паст ва кар болаларнинг реабилитацияси» илмий иши учун 2017 йили Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника соҳаси бўйича Биринчи даражадаги Давлат мукофоти билан тақдир-ланган.

2020 йили «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими» фахрий унвонига сазовор бўлган.

Ф.Иноятова тиббиёт фанлари бўйича чуқур билимга эга му-тахассис, зукко раҳбар, истеъдодли ва меҳрибон устоз сифатида алоҳида хурматга эга.

50. КАМИЛОВА ХАСИЯТ КАМИЛОВНА – тилшунос олим. 1912 йил 24 апрелда Қўқон шаҳрида туғилган. 1952 йилда Ўзбе-кистон Фанлар академияси мухбир аъзоси.

1935йилда ҳозирги СамДүнинг филология факультетини тутатган. 1935-1939 йилларда Бухоро педагогика институтида кафедра мудири бўлиб ишлаган. 1944 йилда филология фанла-ри номзоди бўлган.

1944 йилдан умрини охиригача ўзбекистон Фанлар акаде-мияси тил ва адабиёт институтида катта илмий ходим сифати-да фаолият юритган.

Олима ўзбек тилининг орфографиси, морфология ва синтак-сиси соҳаларида илмий тадқиқот ишлари олиб борган.

Х.Камилова 1961 йил 27 декабрда вафот этган.



**51. ПУГАЧЕНКОВА
ГАЛИНА АНАТОЛЬЕВНА
(1915-2007)** – санъатшунос,
археолог.

1915 йилнинг 7 февраляда Верный (ҳозирги Олмата) шаҳридаархитектор оиласида туғилган бўлишига қарамасдан, унинг ижодий йўли Ўзбекистон билан боғланган.

Ўрта Осиё саънати ва маданиятининг буюк тадқиқотчиси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, санъатшунослик фанлари доктори, қатор халқаро академиялар ва жамиятлар аъзоси, хорижий университетлар профессори. Унинг бутун хаёт йўли фанга софдил хизмат қилишга бағишлиланган. Олиманинг 750 дан ортиқ илмий ишлари дунёning турли давлатларида чоп этилган.

У 1937 йилда Тошкент политехника институтининг архитектура бўлимини, Ўрта Осиё архитектура тарихи кафедраси аспирантурасини тугатгач, 1941 йилда «Навоий даври архитектураси» бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1942-1960 йилларда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) археология кафедрасинингдоценти сифатида талабаларга Ўрта Осиё и Шарқ архитектураси ва санъати бўйича маъruzalар ўқиди. Унинг археологик экспедициялардаги иштироки 30-нчи йилларнинг охирларида бошлини. 1946 йилда турмуш ўртоғи ва ҳамкаси М.Е.Массон раҳбарлигидаги Жанубий-Туркманистон археологик экспедиция бошлиғи сифатида Тошкент давлат университети талабалари ва ўқитувчилари иштирокида археологик қазишмалар олиб борган.

1958 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1960 йилдан Санъатшунослик институтининг архитектура ва санъат

сектори мудири бўлган. Шу даврларда унинг раҳбарлигига Ўзбек археологик-санъат экспедицияси ташкил қилинди ва археологик қазишмаларни саънатшунослик усуллари асосида олиб бориш йўлга кўйилди.


1965 йилда Узбекистон Фанлар академияси мухбир-аъзоси, 1984 йилда эса ҳақиқий аъзоси этиб сайланди. 1986-1989 йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг ижтимоий фанлар бўлими академик-секретари ва умрининг охиригача Фанлар академиясининг Археология институти етакчи илмий ходими лавозимларида фаолият кўрсатди. Унинг раҳбарлигига 30 ортиқ фан докторлари ва номзодлари тайёрланган.

Г.А. Пугаченкова олим – новатор сифатида археологияни фан сифатида ҳамда тарих, меъморчилик ва санъат тарихини ўрганишнинг усули сифатда биргаликда қўллаш кенг миқёсдаги янгликларни очишга олиб келишини исботлади. Унинг натижасида Галина Анатольевна томонидан Халчаян ва Дальверзин-тепа қазишмаларида буюк аҳамиятга бўлган рассомчилик маданияти намуналари очилди.

Ўрта Осиёдаги қадимий ва ўрта асрлардаги тарихий-маданий жарёнларнинг умумлашган концепцияси ишлаб чиқилди ва асосланди.

Г.А. Пугаченкова қатор республика ва хорижий журналлар таҳриртияъзоси бўлган. Г.А. Пугаченкова хорижий олимлар ўртасида обру-эътиборга сазовор бўлган. У 1985 йилда Страсбур университетининг Honoris causaе фахрий унвонига, 1995 йилда эса Франциянинг давлат ордени-Академик пальма кавалерлигига сазовор бўлган. У Ўзбекистон фанининг вакили сифатида халқаро симпозим ва конференцияларда иштирок этган.

Унинг илмий ва жамотчилик фаолияти давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» унвони, Беруний ва Хамза номидаги Давлат мукофотлари, «Буюк хизматлари учун», «Дўстлик» орденлари ва «Шуҳрат» медали билан мукофотланган.



52. РАЙКОВА ИЛАРИЯ АЛЕКСЕЕВНА (1896- 1981) – ботаник олим.

1896 йилда Самарқанд вилоятида туғилган. Ботаник. 1956 йилдан Ўзбекистон ФА муҳбир аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1945), биология фанлари доктори (1944), профессор. (1945). 1913 йили Самарқанддаги хотин қизлар гимназиясини тутатиб, 1914-1919 йилларда Петрограддаги Олий курсларда ўқиган, 1920

йилдан Туркистон университетида ўқитувчи, 1930-33 йилларда доцент, 1933-45 йилларда профессор, тубан ўсимликлар (1938-1940), 1945 йилдан дарвинизм, генетика ва экспериментал морфология кафедраси мудири.

Илария Алексеевна Ўрта Осиё бўйлаб кўп экспедициялар уюштирган ва уларга бошчилик килган. 50 йил давомида ҳар йили Ўрта Осиё экспедицияларида, 1950- йилда эса яйлов хўжалиги масалалари бўйича моғул экспедициясида иштирок этган. У ўз педагогик фаолиятини Тошкентда олиб борган, илмий фаолияти эса асосан Помир билан боғлиқ бўлиб, у ерда 40 йилдан ошиқ давр мобайнида ишлаган. Асосий илмий ишлари Помирдан қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланишга, ғўзанинг тузилиши ва ривожланишига ҳамда Ўрта Осиё узумларига бағишлиланган.

53. РАШИДОВА САЙЁРА ШАРОФОВНА – кимёгар. 1943 йилда Жizzах шаҳрида туғилган, маълумоти олий, 1965 йилда Москва давлат университетини кимё мутахассислиги бўйича тамомлаган. Кимё фанлари доктори, профессор, академик.

С.Рашидова юқори молекуляр бирикмалар кимёси, биологик фаол полимерлар, нанокимё ва нанофизика соҳаларидағи тадқиқотлари билан кенг илмий жамоатчилик томонидан тан олинган таниқли олим.



У 1000 дан ортиқ илмий мақолалар, 14 та монография ва дарсліклар, 50 та ихтиро ва патентлар муаллифи. Унинг қатор илмий тадқиқотлари натижаси жаҳон маълумотлар базасига киритилган. Унинг фан доктори ва фан номзоди илмий даражасига эга 20 дан ортиқ шогирдлари Ўзбекистон Республикаси ва чет эл илмий, ўқув ва саноат марказларида самарали фаолият қўрсатмоқдалар. Унинг илмий ишлари йўналишлари юқори молекуляр бирикмалар кимёси соҳасида - полимерларнинг ҳосил бўлиши ва модификацияси жараёнлари, полимерлар структураси ва хоссалари, турли полимер системаларда нанозаррачалар шаклланишининг меҳанизмларини аниқлаш, уларнинг ўзига хос структуравий хусусиятлари ва хоссаларини тадқиқ этиш, шунингдек, уларнинг тиббиётда, қишлоқ хўжалигида, машинасозликда ва халқ хўжалигининг бошқа жабҳаларида ишлатилиши билан боғлиқ илмий тадқиқотлар билан чамбарчас боғлиқдир.

С.Рашидова томонидан ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситаларининг полимер препаратив шаклларини синтез қилиш ва уруғлик чигитларга полимерларнинг биологик таъ-

сир механизмларини ўрганиш ҳамда ушбу ўзаро таъсирни бошқариш билан боғлиқ бўлган истиқболли илмий йўналиш яратилди. 1998 йилда интеллектуал мулк бўйича Женевада бўлиб ўтган XXVI Ҳалқаро кўргазмада “Уруғларнинг капсулаш технологияси” номли илмий ишланма бронза медалига сазовор бўлган. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини экологик хавфсиз полимер системалар билан капсулаш технологияси ишлаб чиқилди. Капсулаш технологияси пахта чигити, шоли, буғдой ва турли мева-сабзавотлар уруғларининг экин олди ишлов беришда қўлланилиди. Хитозан асосида синтез қилинган, стимуллаш самарадорлигига эга бўлган дориловчи восита - УЗХИТАН препарати Давлат рўйхатидан ўтган бўлиб, Республикаиз вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси далаларида кенг қўлланмоқда ва 2014-2016 йиллар учун Мўлжалланган Республикаизнинг “Тайёр маҳсулотлар ва бутловчи қисмларни маҳаллийлаштириш” дастурига киритилган.

Унинг раҳбарлигига саноат чиқиндиларини қайта ишлаб, импорт ўрнини босувчи, маҳаллий препаратлар - хитин, хитозан, ғумбак ёғи, органоминерал ўғитлар ва оқсил концентратларини ажратиб олишга асосланган “Табиий ипак саноати чиқиндиларини комплекс қайта ишлаш технологияси” ишлаб чиқилган ҳамда юмшоқ таъсирга эга бўлган полимер шаклли дефолиант - “Полидеф” ишлаб чиқариш технологияси яратилган.

У DAAD (Потсдам универсиети), Швейцария миллий-илмий фонд (Базель универсиети) ва Royal Society (Брунель универсиети, Лондон) ҳалқаро грантлар доирасида илмий тадқиқотлар олиб борилган. С.Рашидова илм-фан-таълим-ишлаб чиқариш интеграциясида фаол қатнашади. Жумладан, илмий ишланмаларни иқтисодиёт тармоқларига жорий этиш бўйича “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси ҳамда ёш кадрлар илмий салоҳиятини ошириш мақсадида М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат универсиети кимё факультети билан имзолангандирилган Меморандумлар шулар жумласидандир.

Шунингдек, Республикализнинг турли Олий таълим муассасаларида Институтнинг филиаллари ташкил этилган. Жумладан, Наманган давлат университети хузуридаги муаммоли лабораториясида целлюлоза ва унинг ҳосилалари кимёси, физикаси ва технологияси бўйича илмий тадқиқотлар олиб бормоқда, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошида “Тола ҳосил қилувчи материаллар, қофоз кимёвий технологияси ва дизайн” кафедраси фаолият юритмоқда.

С. Рашидова институти хузуридаги докторлик диссертацияларини ҳимоя қилувчи Илмий кенгаш раиси, “Ўзбекистон кимё журнали” таҳририят аъзоси, шунингдек, Халқаро таълим, индустрия ва санъат Фанлар академиясининг (АҚШ) ҳақиқий аъзосидир. У жамоат арбоби сифатида Республикализ ижтимоий ҳаётида ҳам фаол иштирок этиб, “Ўзбекистон - Польша” жамиятининг раиси ва 1995-2015 йилларда эса ЎзР Олий Мажлиси-нинг Инсон хуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) сифатида самарали фаолият юритган.

Қатор йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати бўлган.

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби» (1993) фахрий унвони, «Дўстлик» (1999) ордени, «Эл-юрт хурмати» (2003) ордени, “Фидокорона хизматлари учун” ордени (2019) билан мукофотланган.

С. Рашидова полимерлар ҳақидаги фан соҳасининг йирик олими, юқори салоҳиятга эга бўлган камтарин инсон сифатида республика илмий жамоатчилиги ўртасида хурматга сазовор бўлган.



54. СУЛАЙМАНОВА ХАДИЧА СУЛАЙМОНОВНА (1913-1965) – 1913 йил Андижон шаҳрида туғилган. Ҳуқуқшунос олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1954), юридик фанлари доктори (1951), профессор (1952), Ўзбекистон Фанлар академияси академиги (1956).

1935 йили Ўзбекистон ССР МИК ҳузаridagi Совет қурилиши ва ҳуқуқи институтини тугатган. 1939-41 йилларда Москва юридик институти аспиранти, Тошкент юридик институти жиноят ҳуқуқи кафедраси асистенти, доценти, сўнг мудири (1941—54). 1954-55 йилларда институт ректори. Ўрта Осиё университетининг юридик факультети декани (1955—56). ЎзССР Адлия вазири (1956—59), ЎзССР Министрлар Совета ҳузуридағи Адлия комиссияси раиси (1959—64). 1964 йилдан ЎзССР Олий суди раиси бўлиб ишлаган.

Илмий ишлари жиноят ҳуқуқи, ҳусусан, Ўзбекистонда ҳуқуқшунослик фанининг вужудга келиши ва ривожланиши, хотин-қизлар ҳуқуқи масалаларига бағишлиланган. Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтини (1958), республика Адлия вазирлиги ҳузуридағи Суд экспертизаси илмий тадқиқот институтини (1959) ташкил этиш ташаббускорларидан.

Тошкент шаҳридаги кўчалардан бирига, суд экспертизаси илмий текшириш института (ҳозирги Республика суд экспертиза маркази)га Хадича Сулаймонова номи берилган, Тошкент юридик институтида Хадича Сулаймонова музейи мавжуд. 1965 йил 26 ноябрда Тошкент шаҳрида вафот этган.



55. СҮЮМА ФАНИЕВА ФАНИЕВНА

– адабиётшунос олима. Суйима Фаниева 1932 йилнинг 20 февралида Тошкент шаҳрида туғилган. 1952 йилда Ўрта Осиё давлат университети, ҳозирги Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Шарқ филологияси факультетида таҳсил олди. 1953-1956 йилларда Ленинград давлат университети аспирантурасида ўқиди.

Бўлғуси олима ўз меҳнат фаолиятини 1956 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти кичик илмий ходимлигидан бошлади. Шу иили буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ижодига бағишлиланган номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Кейинчалик, Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти илмий котиби, Тошкент давлат консерваториясида кафедра мудири лавозимида ишлаб келди. Суйима Фаниева 1993 йилдан бошлаб умрининг сўнгги йилларига қадар Тошкент давлат шарқшунослик университети профессори лавозимида фаолият кўрсатди.

Ўзбек навоийшунослигининг бетакрор тадқиқотчи-си С.Фаниеванинг илмий фаолияти серқирралиги кишини лол қолдиради. Бир томондан у Навоий асарлари матнини илмий муомалага киритувчи ва уларни нашрида иштирок этувчи забардаст матншунос, бошқа томондан турли нашрларда Навоий асарларида ёд этилган китоблар ва шахсларни турли нашрларда берилган маълумотларни кенг шарҳловчи манбашунос, яна бир томондан Навоий асарлари кўпжилдлигига шоир асарларининг рус тилидаги таржимони сифатида гавдаланади.

Профессор Суйима Фаниева узок йиллар давомида педагогик фаолият билан ҳам шуғулланиб келадилар. Юзлаб

талаба ёшлар у кишининг мумтоз адабиётимиз тарихи ва Навоий ижодиётига бағишлиланган мароқли маърузаларини тинглаб соҳа мутахассисларига айланган.

Олима адабиётшунослик, матншунослик ва таржимачилик соҳасида яратган 80 яқин китоб ва рисолалар, 900 дан ортиқ мақола ва тақризлар муаллифи ҳисобланади.

Суйима Фаниева Алишер Навоий асарларини нашрга тайёрлаган манбашунос олима ҳам эди. У «Мажолис ун-нафоис»нинг илмий-танқидий матнини, «Навоий дастхати» китобини ўқувчилар ҳукмига ҳавола этган. Алишер Навоий мукаммал асарлар тўплами - 20 жилдлигига «Мажолис ун-нафоис», «Маҳбуб ул-қуруб», «Муншаот», «Вақфия», «Ҳамсат ул-мутаҳайирин», «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад», «Назм ул-жавоҳир» каби асарларни изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрланган.

Олима 1992 йилда Беруний номидаги Давлат мукофоти со-вриндори бўлган. 1999 йилда эса «Эл-юрт хурмати», 2008 йилда «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланган. Унга 2015 йилда Ўзбекистон қаҳрамони унвони ва Олий нишон - Олтин юлдуз медали топширилган.

Олима 2018 йил 86 ёшида вафот этди.



56.УБАЙДУЛЛАЕВА РАҶНО АХАТОВНА (1936-2020) – иқтисадчи, 1936 йилнинг 4 ноябринда Тошкент шаҳрида туғилди. 1958 йилда Тошкент молия-иқтисод институтини тамомлади. **Меҳнат иқтисодиёти ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш муаммолари соҳасида йирик олима,** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясиакадемиги, иқтисод фанлари доктори, профессор.

Бўлғуси олима ўз меҳнат фаолиятини Фанлар академияси-нинг Иқтисодиёт институтида лаборант сифатида бошлади, сўнг ушбу институт аспирантурасида таҳсил олди. 1964 йилда номзодлик, 1974 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳақиқий аъзоси этиб сайланди. Истеъдодли олима ўзининг қарийб 60 йиллик илмий ва ташкилотчилик фаолияти давомида Фанлар академияси Иқтисодиёт институти лаборанти, кичик, катта илмий ходими, сектор мудири, илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазири ўринбосари ва республика “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори каби масъулиятли лавозимларда самарали меҳнат қилди ва юртимизда меҳнат иқтисодиёти соҳасидаги долзарб масалаларни тадқиқ этиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди.

Академик Р. Убайдуллаева республика меҳнат ресурсларидан тўғри фойдаланишнинг минтақавий ижтимоий-иқтисодий муаммоларини амалга оширишда раҳбарлик қилиб, иш билан банд бўлмаган аҳоли реал резервлари ва меҳнат бозорини баҳолашни амалга оширди, меҳнат ресурсларини режалаштириш ва бошқаришнинг баланс методини такомиллаштириш бўйича хулоса ва тавсияномаларни амалга оширди.

Унинг илмий дастурлари ва тадқиқотлари республика-мизда меҳнат ресурсларидан тўғри фойдаланиш, меҳнатнинг касаначилик турини ташкил этиш, аёллар меҳнатидан фойдаланишнинг ижтимоий муаммоларини ечишда кенг қўлланиб келинмоқда. Унинг мазкур соҳадаги илмий ишланмалари иқтисодиётимиз тармоқлари ривожида муҳим аҳамиятга эга.

Талабчан ва жонкуяр устоз сифатида қўплаб ёшларга илм-фан сирларидан сабоқ берган олиманинг бевосита раҳбарлигига 50 дан ортиқ фан номзодлари ва фан докторлари тайёрланган.

Олиманинг меҳнат иқтисодиёти йўналишига бағишланган 300 дан зиёд илмий мақолалари, китоб ва монографиялари юр-

тимиз ва хорижий мамлакатлар олимлари ва мутахассислари га яхши маълум.

Академик Р.А.Убайдуллаеванинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносаб тақдирланди. У “Меҳнат шуҳрати”, “Эл-юрт хурмати” орденлари билан мукофотланган эди.

57. ХАДЖИНОВА МАКСУДА АГЗАМОВНА((08.07.1912 й. — 04.11.1981 й.) – Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги (1966 й), техника фанлари доктори, профессор.

Таниқли ва истеъододли олима - Мақсада Аъзамовна Ходжинова текстиль соҳасини Ўзбекистонда ривожланишига муносаб ҳисса қўшган, салоҳиятли, жаҳонгашта олима, йирик илмий мактаб асосчиси ҳисобланади. У Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида 1957-1973 йилларда ректор лавозимида ишлаган.

Мақсада Аъзамовна 1958 йил Москва тўқимачилик институти олимлари кенгашида «Пахта толасининг хоссалари га ва ундан йигирилган ип сифатига механикавий шикастланишинг таъсири» мавзусидаги докторлик диссертация-сини жуда муваффақиятли ёқлади. Муаллиф ўз маъruzасида чуқур электрон микроскопик изланишлар натижасида пахта толасини механик жараёнларда шикастла-ниши, узилиши, синиши ва киришиш миқдорий қийматларини ҳам келтира олади. Ишлаб чиқилган аналитик услублари ишлаб чиқариш саноати ходимларига чуқурроқ қуролланиш имкониятини берди ва ҳатто, керак бўлганда механик шикастланиши камайтириш мақсадида тўқимачилик машиналарининг органларини қайта конструкциялаш имконини ҳам берди.

Мақсада Аъзамовна ўзбек аёллари ичida қалдирғоч Академиклардан бўлиб, Ўзбекистонда пахтчилик фанини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшгани ҳурматга сазовордир. Академикнинг экспериментал биология институтида чигитдан янги, серҳосил, тезпишар, сувга нисбатан чидамли, ўрта толали АН-401, АН-402, АН-Самарқанд номли

ғўза навлари яратилди. Н.Назаров, О.Жалилов ва бошқа олимлар томонидан ихтиро қилинганди навлар ёввойи Мексика ғўзасини ўрнатиш усули билан олинган бўлса, уларнинг толаларини ҳар томонлама текшириш ва бу янги масъулиятли вазифа Мақсада Аъзамовнага юклатилган эди. Олима бу муқаддас вазифани ҳам ўз шогирдлари билан бирга аъло даражада бажарди. Натижада юқорида номлари қайд этилган радио-мутант ғўза навлари кенг миқёсда районлаштиришда ва Республика тўқимачилик саноатнин янада ривожлантиришга асос бўлди.

М.Ходжинованинг илмий раҳнамолигида тарбияланган юқори малакали мутахассислар жамиятимизнинг турли илмий ташкилотларида, корхона ва олий ўкув юртла-рида самарали меҳнат қилмоқдалар. Олима ўзи раҳбарлик қилган кафедрада аниқ йўналишга эга бўлган муҳим илмий марказ - тажриба мактаби яратдики, унда қатор истеъдодли шогирдлар етишиб чиқди. Улар ўзларининг илмий-педагогик фаолиятларини такомиллаштириб, ёш авлодга пухта билим беришмоқда. М.Ходжинова кўп йиллик илмий кузатишларини якунлаб, 1959 йилда Москва тўқимачилик институтида «Тола ва иплар сифатини механик шикастла-нишлари таъсири» мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Устоз ўзбек хотин-қизлари орасидан биринчи бўлиб техника фанлари доктори илмий даражасини олишга муяссар бўлди. Олиманинг бу тадқиқоти пахта тозалаш, тўқимачилик ва енгил саноат, конструкторлик бюроси, илмий текшириш институтларида ҳаётга кенг татбиқ этилди.

М.Ходжинова жуда кўплаб илмий ишлар, қўлланма ва дарсликларнинг муаллифи. 200 дан ортиқ илмий асар, қатор китоблар, бир неча авторлик гувоҳномалари унинг қаламига мансубдир. Олима ўз фаолиятида 30 дан ортиқ фан номзоди ва фан докторларини тайёрлади. Ажойиб олима ўзининг бутун истеъдоди, куч-ғайратини ёш авлодни тадбиркор, одобли, ахлоқли, билимдон муҳан-дислар қилиб тарбиялашга, фан ва техникани ривожлантиришга бағишлиади.



58. ЮСУПОВА ДИЛОРОМ ЮНУСОВНА

- шарқшунос, 1941 йил 21 июлда Тошкент шаҳрида туғилган.

1958-1963 йилларда Ўрта Осиё Давлат университетининг Шарқ факультетида таҳсил олган. Меҳнат фаолиятини 1963 йилда ЎзРФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти “Шарқ қўлъёзмаларини илмий тавсифлаш ва каталогглаштириш” бўлимида лаборант лавозимида бошлаган ва шу кунга қадар узлуксиз тарзда мазкур ташкилотда давом эттироқда. 1974 йилда филология фанлари номзоди, 2001 йилда тарих фанлари доктори илмий даражаларини олди. 2012 йилда “Тарихий манбашунослик” ихтисослиги бўйича профессор унвонини олган.

Д.Юсупова ўтган вақт давомида шарқшунослик соҳасида асосан икки – Амир Темур ва темурийлар даври тарихий манбаларини тадқиқ этиши ҳамда араб, форс ва туркӣ тиллардаги қўлъёзма ва тошибосма китобларни каталогглаштириш йўналишларида фаолият олиб бормоқда. Мазкур йўналишларда 250 га яқин ўзбек, рус ва бошқа тилларда илмий ишларни мамакатимиз ва хорижда эълон қилди. Қирқдан зиёд йирик тадқиқотларнинг нашрларида муҳаррирлик қилди. Қатор халқаро илмий анжуманларда маъruzalar билан иштирок этди.

ЎзРФА Шарқшунослик институти ва Тарих институти, ҳамда Тошкент давлат шарқшунослик университети хузуридаги илмий даражалар берувчи ихтисослаштирилган илмий кенгаш аъзоси.

Мамлакатда нашр этиладиган “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар” ва “Шарқшунослик” (2015 йилдан “MEROS”) журналлари таҳрир ҳайъати аъзоси.

Д. Юсупова узоқ йиллар давомида олий таълим муассасалари билан яқиндан алоқада бўлиб келмоқда. Тошкент давлат шарқ-

шуносик университети (1995–2009 йй.) ва Ўзбекистон Халқаро ислом академияси (2020-2021 йй.) бакалавр ва магистр талабаларига ўриндошлиқ асосида манбашуносликка оид маҳсус курслардан дарс берган. Шунингдек, мамлакатда ўтказиладиган турли катта-кичик анжуманларда, учрашувларда, ОАВда мунтазам иштирок этиб келмоқда. Барча педагогик фаолияти давомида, ёшлар билан бўлган сұхбатларда, ОАВдаги иштирокида ўзининг бой илмий ва ҳаётий тажрибаси мисолида ёшларни маърифатли бўлишга тарғиб қилиб келади.

Д. Юсупова ўзбек олимаси сифатида ҳаётини илм-фанга бағишилади. 1963 йилдан то шу қунга қадар ЎзР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида фаолият олиб бормоқда. Унинг аждодларимиздан қолган қўлёзма ва тошбосма шаклидаги бекиёс ёзма меросни ўрганиш ва уларни халқقا етказиш борасида олиб борган машақватли меҳнати мамлакатда илм-фан ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Унинг раҳбарлиги остида илмий ишларини ҳимоя қилган шогирдларидан бир нечтаси Фарғона давлат университетининг бугунги қундаги етук кадрларидан ҳисобланади. Д. Юсупованинг Амир Темур ва темурийлар давритарихини ўрганиш, янгиликларни кенг илмий жамоатчиликка етказиш, ёш профессионал кадрларни тайёрлаш учун тинимсиз меҳнати бугунги қунда ўз натижасини берди –Ўзбекистонда ўз шарқшунос-манбашунос олимлар мактабини яратишга муваффақ бўлди.

Д. Юсупова 2011 йилда “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирланган.

Шарқшунослик йўналишида ўз илмий мактабини яратган олима. Тўртта фан доктори (биттаси DSc) ва учта фан номзоди (иккитаси (PhD) тайёрлаган. Унинг шарқшунослик соҳасида профессионал кадрлар тайёрлашдаги хизмати катта бўлиб, МДҲ, давлатларидан Қирғизистон фуқароси Кылышев Ақылбек Мукаевич нинг тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзган диссертациясига илмий маслаҳатчи бўлган (Бишкек, 2005 йил). 29 та диссертацияга расмий тақризчи сифатида иштирок этган.

ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИГА ҲИССА ҚҰШГАН МАЪРИФАТПАРВАР ОЛИМА АЁЛЛАР

59. АБДУЛЛАЕВА БАРНО САЙФУТДИ-НОВНА – педагогика фанлари доктори профессор



Тошкент давлат педагогика университети илмий ишлар ва инновациялар бүйіча проректори, педагогика фанлари доктори, профессор Абдуллаева Барно Сайфутдиновна 1974 йил 20 іюнда Тошкент шаҳрида зиёлилар оиласыда таваллуд топған. У 1996

йилда **Низомий номидаги** Тошкент давлат педагогика институтини тамомлаб, математика-информатика ўқытувчиси квалификацияси берилген. У 2003 йилда педагогика фанлари номзоди, 2007 йилда педагогика фанлари доктори илмий даражасини олишга мұваффақ бўлган. Шунингдек, илмий-услубий ишлари учун 2005 йилда доцент, 2011 йилда профессор илмий унвонини олган.

Б.Абдуллаева республика узлуксиз таълим тизими учун юқори малакали педагог кадрларни халқаро стандартлар даражасида сифатли тайёрлаш, педагогик йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича давлат таълим стандартларини, ўқув режалари ва дастурларни, илмий-методик адабиётларни ишлаб чиқиш, хорижий таълим муассасаларининг тажрибасини ва мамлакат таълим муассасаларининг эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда илғор педагогика технологияларини синовдан ўтказиши ва жориий этиши, давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурлар, ўқув-методик адабиётларни ҳамда электрон-таълим ресурсларини яратиш ва такомиллаштириш, ўқув жараёнига

замонавий педагогика, мультимедиа ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича педагогик таълим муассасалари фаолиятини илмий-методик таъминлаш борасидаги хизматлари жуда катта. **Б.Абдуллаева** олий таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари учун 6 та дарслик, 8 та ўқув қўлланма, бир қатор ўқув-методик қўлланмалар, 6 та монография, 8та мультимедиа ресурслари, 200 дан ортиқ илмий-услубий мақолалар муаллифи ҳисобланади.

Б.С.Абдуллаева “Таълим түғрисида”ги Қонун, “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириши Концепцияси”да белгиланган инновацион жараёнларнинг такомиллаштиришга оид вазифаларни амалда бажариш бўйича фаоллик кўрсатиб келмоқда.

У иш жараёнида ўзининг педагогик маҳоратини, илм-фян ва маориғ соҳасида мамлакатимизда рўй берадётган ижсобий ўзгаришларни тез ўзлаштира олади ҳамда таълим соҳасидаги янгиликларни, илмий тадқиқот ишларини, ислоҳотларни ҳаётга татбиқ эта олади. Б.Абдуллаева меҳнат фаолияти давомида университетнинг илмий, ташкилий ва ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиб келаётган, ҳамда университетнинг илмий салоҳиятини оширишга ўз ҳиссасини қўшиб келаётган олималардандир. Педагогика фанлари доктори, профессор Б.С.Абдуллаева мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар мақсадлари, вазифалари ва мазмун-моҳиятини тушунади, таълим муассасаларининг илмий-техник муаммоларини аниқлаш ҳамда уларни ҳал этиш юзасидан аниқ вазифаларни белгилай олади ва уни бартараф этиш юзасидан аниқ таклифларни бериш мала-касига эга. Унинг раҳбарлигида бозорни тизимли таҳлилқилиш ва инновацион маҳсулотларга (ишларга, хизматларга) талаб ўрганилди, университетдаги юқори тижорат салоҳиятига эга бўлган лойиҳалар ҳақида маълумотлар таҳлил қилинди ва янги технологияларни жорий қилиши ва инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича таклифлар тайёрланди.

Б.Абдуллаева ўзбек халқининг миллий қадриятиларини жуда улуғлайдиган ва тарғиб қиласидиган олимга ҳисобланади. Унинг саъни ҳаракатлари билан сўнгги йилларда хорижда фаолият кўрсатаётган ватандошларимизнинг республика илм-фан соҳасига жалб қилиниши, республикамиздаги ёш изланувчиларнинг хорижий илмий марказларга сафарлари ўюштирилди. Хусусан, 2018-2021 йилларда 17 нафар ёш изланувчилар АҚШ, Гермения, Англия, Жанубий Корея, Италия давлатларига стажировкаларга юборилди.

Б.Абдуллаева 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси” кўкрак нишони, 2017 йилда “Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллиги” кўкрак нишони билан тақдирланган. Б.Абдуллаева 2017 йилда “Халқ таълими” журнали томонидан таъсис этилган “Энг фаол ҳамкор” номинацияси ғолиби ҳамда 2018 йил “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-кувватлаш йили”да инновацион фаолиятни тақомиллаштиришга қўшган хиссалари учун Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан ташаккурнома билан тақдирланган.

Сўнгги уч йил давомида, Б.Абдуллаеванинг бевосита раҳбарлигига, ўқитишнинг янги инновацион методикаларини яратиш ва тизимлаштириши бўйича 3 нафар фан доктори ва 21 нафар фан номзодлари (PhD) тайёрланган. Шу давр мобайнида, инновацион ривожланиш вазирлиги буюртмасига мувофиқ, 1 та инновацион ва 1 та амалий лойиҳаларга раҳбарлик қилиб, бошланғич таълимни тақомиллаштиришга оид 9 та мультимедиали ўқув-методик ресурслар, 4 та дарслик ва 121 мақолалар (шулардан 18 таси хорижий) нашр қилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация Раёсатининг 2020 йил 30 январдаги 16-сон қарорига мувофиқ, Тошкент давлат педагогика университети ҳузурида фаолият юритадиган педагогика фанлари бўйича илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари этиб тайинланган.

Б.Абдуллаева 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан ташкил этилган танлов ғолиби сифатида, Москва давлат педагогика институтидаги бир ой давомида малака оширишга муваффақ бўлган.

2020 йилда Б.Абдуллаеванинг ташаббуси билан узлуксиз таълим соҳасида яратилган инновацион ишланмаларни оммалаштириш ва кенг тарғиб қилишга қаратилган “Central Asian of Education” электрон илмий журнали таъсис қилинди. 2021 йилдан бошлаб Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги “Педагогика, психология, филология фанлари” бўйича эксперт гурӯҳи раҳбари ҳисобланади.

Б.Абдуллаеванинг сиймосида изжодкор олима, ташаббускор раҳбар, меҳрибон она сифатида замонавий ўзбек аёлининг ёрқин тимсолини қўриш мумкин.



60. АБДУЛЛАЕВА ОЙДИН ЎТАМУРАДОВНА - композитор. 1976 йил 6 март куни Тошкентда зиёли оиласида туғилди. 1983-1994 йилларда Р. Глиэр номидаги Республика ўрта маҳсус мусиқа мактаб-интернатида, 1999 йилда М.

Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг “композиторлик санъати” ихтисослигини, 2001-йилда ассистентура-стажировкани профессор А.Мансуров синфида тамомлаган. 1998 йилдан Ўзбекистон давлат консерваториясида “Мусиқа назарияси” кафедраси ўқитувчиси, 2004 йилдан “Композиторлик ва чолғулаштириш” кафедраси катта ўқитув-

чиси, доцент (2009), профессор (2018), кафедра мудири (2011) лавозимларида ишлади. 2020 йилдан **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси депутати** вазифасида фаолият юритмоқда. 2000 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофоти, 2015 йилда “Эътироф” миллий мукофотининг “Йилнинг энг яхши бастакори” номинацияси, 2021 йилда “Дўстлик” ордени билан мукофотланган.

Ойдин Абдуллаева ўзининг кенг қамровли ижодий фаолияти билан республика мусиқа санъати ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. У яратган Симфония №1, “Жадидлар хотираси” номли Симфония №2, Э. Воҳидов асари асосида “Вафо” номли опера-оратория, “Хижрон” вокал чолғу асари, қашқар рубоби ва оркестр учун Концерт, афғон рубоби ва оркестр учун Концерт-фантазия, камер-чолғу, вокал-чолғу асарлар ўзбек композиторлик ижодиётининг ёрқин намуналарини ифода этади. 2018 йилда муаллифлик концертида тақдим этган “Увайсийман” кантатаси ўзининг баён этиш услуби, оҳангининг миллийлиги, ўзбек анъанавий мусиқа меросидан унумли фойдаланилганлиги билан диққатга сазовордир.

Композитор О.Абдуллаеванинг Ватан туйғуси, ёшлиқ даври, фаровон ҳаётни тараннум этувчи қўшиқлари тингловчилар, айниқса ёш авлодга завқ бағишилади, уларга маънавий озуқа берди. 2002 йил “Ўзбекистон қўшиқ байрами” Республика танловида янграган “Ватан” қўшиғи (С.Сайийд шеъри) II-даражали мукофот, 2003 йил “Ўзбекистон қўшиқ байрами” Республика танловида“Ватандир”қўшиғи(С.Сайийд шеъри) I-даражали мукофот, 2004 йил “Ўзбекистон қўшиқ байрами” Республика танловида “Ўзбекистон” қўшиғи (С.Сайийд шеъри) III-даражали мукофотга сазовор бўлган. 2006 йилда Ўзбекистон халқ шоири И.Мирзо шеърига басталаган “Ўзбекистон қўшиқ байрами” номли қўшиғи Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг Республика анжуманида илк бора ижро этилиб, ушбу мукофот совриндорларининг мадҳиясига айланган. 2015 йилда “Оромгоҳ мадҳияси” қўшиғи (И.Мирзо шеъри) “Оромгоҳ қўшиқлари” Ре-

спублика қўшиқлар танловида биринчи ўринни олди.

Композиторнинг “Осмоннинг бағри кенг” (С.Сирожиддинов асари), “Фариштали аёл” (С.Сирожиддинов асари), “Кўнглимнинг кўчаси” (Н.Аббосхон асари), “Тобутдан товуш” (А.Қаҳҳор асари), “Қизи борнинг нози бор” (Х.Расул асари), “Паривашга парвонаман” (Н.Аббосхон асари), “Зўрдан зўр чўс...” сингари мусиқали драма ва комедиялари, “Дараҳтлар тик туриб жон беради” спектаклига мусиқаси Муқимий номидаги мусиқали театр ва Ўзбек миллий Академик театри саҳналарида муваффақиятли намойиш этилмоқда.

О.Абдуллаева мусиқа басталаган “Севги фариштаси” серияли, “Ҳикмат чироғи” номли болалар фильмси, “Ёдгор”, “Шоҳсупа”, “Дугонажонлар”, “Дараҳтлар қўшиғи” номли миллий телесериаллари **Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпанияси каналлари орқали кенг намойиш этилди**. Композиторнинг асарлари нафақат Республикаизда, балки АҚШ, Франция, Бельгия, Малайзия, МДҲ давлатларида ҳам муваффақиятли ижро этилган.

О.Абдуллаева педагог сифатида бир қатор истеъодди мутахассисларни етиштиришда ўз ҳиссасини қўшди. Унинг раҳбарлигига таҳсил олган ёш композиторлар ўз ижод намуналари билан нафақат республика таловлари, балки Россия, Украина, Арманистонда бўлиб ўтган ёш композиторлар Халқаро танловларида совринли ўринларни эгаллаган.

О.Абдуллаева мусиқа ва театр, эстрада санъатига, ёш композиторнинг тарбияси масалалари бағишиланган бир қатор иммий-услубий мақолалари республикамиз матбуотида, балки Қозоғистон ҳамда Россиянинг нуфузли илмий журналларида ҳам эълон қилинган. Унинг «Ансамбль чолғуларини ўрганиши» номли санъат коллеж ва лицейлари талабалари учун мўлжалланган ўқув қўлланмаси, мусиқа ва санъат мактабларининг 7 синф ўқувчилари учун «Сольфеджио», олий ўқув юртлари талабалари учун “Бастакорлик санъати”, “Чолғушунослик” дарсликлари республикамиз таълим муассасаларининг ўқув жараёнига киритилган.

О.Абдуллаева Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси депутати, Фан, таълим маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси сифатида мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаб, уларни тарғиб қилиш ва амалга оширишда фаол иштирок этиб келмокда.

У мамлакатимизда маданият ва санъат соҳасининг ривожланиб, тараққий этиши ҳамда бу соҳада илғор фикрлайдиган ёш ижодкорларни тарбиялаб етиштириш билан боғлиқ қўплаб тадбирлар ва фестиваллар ташкилотчиси сифатида қатнашган.

61. АБДУЛЛАЕВА ЯХШИБЕКА АТА-МУРАТОВНА – тарих фанлари доктори, доцент



1958 йили 7 майда Қорақалпоғистон Республикаси Беруний шаҳрида туғилган. Олий маълумотли. Тарих фанлари доктори, доцент. 1980 йил Тошкент давлат университети тамомлаган. 1980-1983 йиллар Нукус давлат университети тарих кафедраси мудири, 1983-1984 йиллар М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети стажёр-тадқиқотчи, 1985-1988 йиллар

М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети аспиранти, 1988-1992 йиллар Нукус давлат университети сиёсий тарих кафедраси ўқитувчisi, кейинчалик катта ўқитувчи 1992-1997 йиллар Нукус давлат педагогика институти сиртқи бўлим декани, 1997-1998 йиллар Нукус давлат педагогика институти тарих-хуқуқшунослик факультети декани муовини, 1998-2000 йиллар Нукус давлат педагогика институти тарих-хуқуқшунослик факультети декани, 2000-2006 йиллар Нукус давлат педагогика институти “Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон тарихи” кафедраси доценти, 2006-2007 йиллар Ну-

кус давлат педагогика инситути маҳсус сиртки бўлими декани, 2008-2017 йиллар Нукус давлат педагогика институти тарих факультети декани, 2017 йилдан ҳозирги вақтгача Нукус давлат педагогика институти “Ижтимоий фанлар” кафедраси мудири.

Яхшибека Абдуллаева Қорақалпоғистон хотин-қизларининг сўнги 130 йиллик тарихини ёзган ягона олима.

Яхшибека Абдуллаева муаллифлигига 100 дан ортиқ илмий-услубий ишлар эълон қилинган.

Яхшибека Абдуллаева 1988-йил “Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган маориф ходими” 2014-йил “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси”, 2015 йил “Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими аълочиси”, 2016 йил “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги” кўкрак нишони, 2017 йил “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига 25 йил” кўкрак нишони, 2018 йил “Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби” давлат мукофоти билан тақдирланган.



62. АГЗАМОВА ГУЛЧЕҲРА АЗИЗОВНА – тарих фанлари доктори

(1959 йилда туғилган) Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти етакчи илмий ходими. Тарих фанлари доктори, профессор. 1982 йилда Тошкент Давлат Университети тарих факультетининг кечки бўлимини тамомлаган. 1983 йилдан бери Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Тарих институтида ишлаб келмоқда. 1983-1987 йиллар давомида уинститутнинг “Ўрта асрлар бўлими” дакатта лаборант, 1987-1991 йилларда кичик илмий ходим, 1991-1993 йилларда илмий ходим, 1993-1995 йилларда катта илмий ходим лавозимларида ишлаган. У 1995 йилда ЎзР ФА Тарих институти қошидаги док-

торантурага қабул қилинган ва уни 1998 йилда тугатган. Шу йилдан бошлаб у яна Институтнинг “Ўрта асрлар бўлими”га катта илмий ходим лавозимига ишга қабул қилинган. 2000 йилдан бери институтнинг “Ўрта асрлар бўлими”да етакчи илмий ходим лавозимида фаолият юритмоқда.

Г.А.Агзамова “Ўзбекистон тарихи” ихтисослиги бўйича 1990 йилда «XVI-XIX асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёning савдо марказлари ва уларни Россия билан боғлаган карвон йўллари» мавзусида номзодлик ва 2000 йилда «XVI-XIX асрнинг биринчи ярмидаги Ўзбекистон шаҳарлари ва шаҳарлар ҳаёти» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. Унга 2012 йилда профессор илмий унвони берилган.

Илмий изланишлари XVI-XIX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистонда кечган тарихий жараёнлар ва ўзбек хонликлари-даги ижтимоий-сиёсий ҳаёт, улар тараққиётининг умумий ва ўзига хос томонлари, иқтисодий ҳаёт ва уларда шаҳарларнинг тутган ўрни, ҳунармандчилик, савдо, бозорлар, карvonсаройлар, шаҳар жамиятининг ижтимоий қатламлари, Ўрта Осиёни хорижий мамлакатлар билан боғлаган карвон йўллари каби ма-салаларни янгича ёндашувлар асосида ўрганишга қаратилган.

Г.А.Агзамова мустақиллик йиллари давомида бир неча илмий лойиҳаларда фаол иштирок этди. Улар жумласига “Ўзбек давлатчилиги тарихи”, “Ўзбекистон тарихи” нинг 4-жилди, “Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихи (энг қадимдан ҳозиргача)”, “Ўзбекистонда тадбиркорлик тарихи (энг қадимдан ҳозиргача)”, “Хоразм давлатчилиги тарихи”, “X-XIX асрлар Ўрта Осиё тарихини ўрганишда “Сафарномалар”нинг ўрни”, “XV-XIX асрнинг биринчи ярмида ҳалқаро алоқалар тизимида Ўзбекистоннинг тутган ўрни” каби фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларини киритиш мумкин. Лойиҳалар натижасида унинг иштирокида бир қатор монографиялар чоп этилган.

Ўз изланишлари доирасида “Сўнгги Ўрта Осиё шаҳарлари - ҳунармандчилик ва савдо марказлари” (2000), “Ўзбекистон шаҳарлари XVI-XIX асрнинг ўрталарида” (2014, 2017), каби му-

аллифлик асарларини чоп этган. Шунингдек, бир қатормоно-графияларда ҳаммуаллифdir.

Г.А.Агзамова ўз илмий мактаби доирасида Ўзбекистоннинг XVI-XIX асрнинг биринчи ярмидаги тарихи масалаларини тадқиқ этишга ихтисослашган кадрлар тайёрлашга ўз ҳиссасини кўшиб келмоқда. Унинг раҳбарлиги остида Бухоро, Хива ва Кўқон хонлигига кечган тарихий жараёнларнинг айрим қирралари- маъмурий бошқарув тизими, ҳарбий иш тарихи, хунарманччилик ва савдо, шаҳарлар тарихи, XVI-XIX асрнинг биринчи ярмидаги Ўзбекистоннинг ташқи алоқалари каби йўналишларида мутахассислар тайёрланди.

Бугунга қадар унинг илмий раҳбарлигига жами 7 та номзодлик диссертациялари муваффақиятли ҳимоя қилинди, улар орасида республика ОЎЮ ўқитувчилари, ФА Тарих институти ходимлари бор. Ҳозирда унинг раҳбарлигига 4 дан ортиқ мутахассислар илмийиш олиб бормоқда.

Г.А.Агзамова 2012 йилда “Шуҳрат” медали билан тақдирланган.

63. АДИЛОВА ФАТИМА ТЎЙЧИЕВНА - техника фанлари доктори

Ф.Адилова тиббий ва биологик информатика соҳасида халқаро миқёсда танилганолима. У 20 дан зиёд халқаро илмий анжуманларда маърузалари билан қатнашган.

Унинг раҳбарлигига 2 та фан доктори ва 17 та фан номзоди тайёрланган.

У 150 мақола ва 3 та монографиямураллифи. Бу илмий тадқиқотлар кўплаб хорижий грантлар асосида амалга оширилган. Ҳусусан, умумий миқдори 730 минг АҚШ долларига teng 5 та НАТО грантлари, 15 минг еврода teng Европа Иттилоғи гранти, 26,5 минг АҚШ долларига teng бўлган Швейцариянинг SCOPES илмий фонди грантига мувофиқ бажарилган. Булардан ташқари у 4 та халқаро грантлар бўйича илмий тадқиқотларда иштирок этган.

Унинг ташаббуси билан 800 минг АҚШ доллариға институт лабораториясига замонавий жиҳозлар олинган.

Унинг раҳбарлигига «Грид мұхитида маълумотларни мультипараметрик таҳлилини компьютер усулларини қўллаш орқали молекулаларнинг ўзаро таъсирини математик моделлаштириш», «Янги дори-дармонлар яратиш учун компьютер иловаларини ишлаб чиқиши» мавзусидаги лойиҳалар бажарилган, 2018 йилдан «Янги дори воситаларини ишлаб чиқишида молекуляр оптималлаштиришнинг виртуал усулларини ишлаб чиқиши» мавзусидаги илмий лойиҳага раҳбарлик қилмоқда.

Ф.Адилова кадрлар тайёрлаш ишида Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясининг эксперт гуруҳи аъзоси. Ихтисослашган кенгаш аъзоси сифатида фаол қатнашиб келмоқда, 2003 йилдан буён Германияда нашр қилинадиган “Zentralblatt MATH” рефератив журналининг тақризчиси ҳисобланади.

Ф.Адилова камтарин инсон, ўз вазифасига маъсулият билан ёндашувчи, илмий холислиқдапринципал позицияда турувчи олима, ёшларга меҳрибон мураббийдир.

У математиклар илмийжамоасида катта ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган.



64. АЗИМОВА АРЗУ НИШАНОВНА –
санъатшунослик фанлари доктори

1948 йилнинг 27 августида Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1972 йилда М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг мусиқашунослик факультетини, 1976 йилда аспирантурани профессор С.Закржевская синфида тамомлаган. 1974 йилда Тошкент давлат консерваториясида педагоглик фаолиятини бошлаган. 1980 йилдан консерватория доценти, 1991-1996 йилларда мусиқа назарияси кафедраси

мудири, 1996-1999 йилларда илмий ишлар бўйича проректор лавозимларида ишлаган. 1997 йилдан бўён Ўзбекистон давлат консерваторияси “Мусиқа назарияси” кафедраси профессори сифатида фаолият олиб бормоқда. 1980- йилда санъатшунослик фанлари доктори илмий даражаларини олган. Ўзбекистонда биринчи докторлик диссертациясини ёқлаган ўзбек аёл мусиқашунослардан.

Арзу Азимова Ўзбекистон маданияти ва санъати ривожига ўзининг илмий – тадқиқот, тарғибот ва устозлик фаолияти билан самарали ҳисса қўшибкелаётган етук мусиқашунос оли-малардан. Унинг мусиқий – назарий изланишлари ўзбек монодияси масалаларини кенг доирада ўзида қамраб олган. Олим амиллий мусиқамизнинг анъанавий ва замонавий қўринишларини кузатган ҳолда уларни назарий жиҳатдан изоҳлаб, янги хусусиятлари ва қирраларини очиб берган. Буларнинг барчасини «Музыкальная форма ашула» (структурно – типологический анализ) мавзуидаги номзодлик диссертациясида, «Вопросы синтаксиса восточной монодии» докторлик диссертациясида, 2 та монографияларида кузатишими мумкин.

А.Азимова 100 дан ортиқ илмий – услубий ва илмий оммабоп мақолалари билан ўз фикрини нафақат ўзбек ва рус тилларда балки чет тилларда ҳам равон баён эта олишини яна бир бор намойиш этди. “Shashmakam and Problems of Evolution of the Syntax of monody” IVth Muting of the Study Group on Makam of the Istanbul, 1998, “Same principles of the form construction in maqom and professional genres of traditional Uzbekistan music” // Maqam Traditions of Turkie. Peoples. Berlin, 2006, шулар жумласидан. Олиманинг иккита «Гармония. Назарий курс» дарслклари ўрта ва Олий ўқув юртларида кенг қўлланилмоқда. 2008 йилда А.Азимованинг “Диалог культур Центральной Азии: Книга 1. «Звуковой мир каракалпаков», “Диалог культур Центральной Азии: Книга 2. «Традиционный музыкальный язык узбекского, каракалпакского и уйгурского народов» илмий адабиётлари, мусиқа

ва санъат мактабларининг 1-5-синф ўқувчилари учун мўлжалланган “Сольфеджио” дарсликларини, Ш.Ибрагимова билан ҳамкорликда ёзган «Замонавий гармония. Ўзбекистон композиторлари ижодида аккордлар таркиби» ўқув қўлланмасини, бир қатор шогирдлари билан “Замонавий гармония” ўқув қўлланмасининг 5 та жамланмасини ёзиб нашрдан чиқарди. Мазкур адабиётларда Ўзбекистон композиторлари мусиқасида сонористика, монодия каби қирраларни аниқлаш, уларнинг аҳамияти ва моҳиятини очиб бериш каби масалалар кенг ёритилган. Бундай илмий изланишлар талабаларнинг гармония фанининг хусусиятларини ўрганишга катта ёрдам беради.

Кўп йиллардан буён Арзу Азимова Ўзбекистон давлат консерваториясида фаолият олиб бориб, диплом ишларга, магистрлик ва нозодлик диссертацияларига раҳбарлик қилиб келмоқда. Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси аъзоси Уюшманинг ҳайъат аъзоси, Самарқанд ҳалқаро мусиқашунослик симпозиуми, “Шарқ тароналари” мусиқа фестивали ташкилий ҳайъати аъзоси, ЮНЕСКО қошидаги Ўзбекистон Республикаси Миллий мусиқа қўмитаси аъзоси, Ўзбекистон Миллий энциклопедияси фан соҳалари бўйича илмий маслаҳат кенгаши аъзоси, архитектура ва санъат бўйича ОАҚЭксперт Кенгаши аъзоси сифатида ишлаб келди. 2003-2005 йилларда ва 2008 йилдан буён Ўзбекистон Бадиий Академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги Д092.11.01 рақамли Ихтисослашган кенгаши аъзосисифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

А.Азимова мусиқа тарғиботига ўз ҳиссасини қўшиб, Республика радио ва телевиденияси орқали ўзбек мусиқасига бағишлиланган бир қатор туркум эшиттиришлари билан ёш авлоднинг маънавий дунёқарашини оширишда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

А.Азимова нафақат Республикаизда, балки хорижий давлатларда ўтказилган Ҳалқаро илмий анжуманларда ҳам муваффақиятли иштирок этмоқда.

65. АЗИМОВА ШАХНОЗА САДИКОВНА – биология фанлари доктори

“Ўзбекистон Республикаси фан арбоби” (1999) фахрий унвони билан мукофотланган. Меҳнат стажи 45 йил. Мазкур ва-зифада 2005 йилдан ишламоқда. Биология фанлари доктори, профессор. Молекуляр биология ва ген мұхандислиги бүйича таниқли олим.

Унинг илмий тадқиқотлари асосан тиббиёт ва қишлоқ хўжалиги учун рекомбинант (сунъий) оқсилларни турли хил экспрессия тизимларида олиш технологияларини ишлаб чиқиш, ген-хужайра мұхандислиги услублари ёрдамида диагностик тест-тизимлар ва дори воситаларини яратишга қаратилган.

Унинг раҳбарлигига молекуляр биология, биоорганик кимё, фармакологик биотехнология, ген мұхандислиги ва молекуляр генетика соҳаларида илмий тадқиқотлар олиб борилиб, Ўзбекистонда биринчи маротаба рекомбинант оқсиллар олиш усули ишлаб чиқилди. Шу жумладан вакцина ва диагностикумлар яратиш учун одам гепатит В вируси юза рекомбинант оқсиллари, Мюллер ингибирловчи субстанцияси (MIS, простата ва кўкрак бези ракига қарши восита) ва бошқалар олинди. Бундан ташқари рекомбинант HBsAg ва эритропоэтинг моноклонал антитаналар ҳосил қилувчи гибридомалар олиш технологияси ишлаб чиқилди.

Унинг раҳбарлигига лабораторияда моддаларнинг ракка қарши (цитотоксик), антибактериал, замбуруғға қарши, шу жумладан антибиотикларга резистент микроб организмларнинг скрининги йўлга қўйилиб, бугунги кунда метаболитлар ва уларнинг синтетик ҳосилалари асосида лейкозга қарши фаол моддалар аниқланган ва улар асосида самарали препаратлар яратиш мақсадида клиника олди тадқиқотлари олиб борилмоқда.

Гепатит В ва С, ОИТС (ВИЧ) ва сифилисга диагностик ИФА тест тизимларини саноат миқёсида ишлаб чиқиш техноло-

гияси яратилиб, амалиётта жорий қилинди. Клиник намуналардан РНК/ДНК ажратишга мүлжалланган “ЭНКОР” номли, жумладан SARS-CoV-2 вируси РНКни ажратишга мүлжалланган диагностик түплам ишлаб чиқилиб, серияли ишлаб чиқариш ташкил этилди. Шунингдек **унинг раҳбарлигига маълум турдаги лейкозни (миелолейкоз) аниқлашга мүлжалланган (V617F JAK 2 мутация) ПЦР тест түплами ишлаб чиқилди ва рўйхатдан ўтказилди. Ҳозирги вақтда Гепатит С вирусини аниқлашга мүлжалланган реал вақтдаги ПЦР (РТ-ПЦР) тест түплами ишлаб чиқилиб, рўйхатдан ўтказишга топширилган ва SARS-CoV-2 вирусини аниқлаш имконини берувчи ПЦР тест түпламни ишлаб чиқиши устидаги тадқиқотлар давом эттирилмоқда.**

Унинг раҳбарлигига 12 та номзодлик ва 3 докторлик ишлари ҳимоя қилинган. Ҳозирги кунда бир неча Ихтисослашган кенгашларнинг аъзосидир.

Кўп йиллардан бери Ўзбекистон Миллий университетида «Молекуляр ва хужайра биологияси асослари» маҳсус курсидан маъruzалар қилиб келади. 30 га яқин магистр ва 40 дан ортиқ бакалаврлар тайёрлаган.

Унинг бош **муҳаррирлигига** халқаро “Springer” (New York-Heidelberg-Dordrecht-London) нашриёти томонидан 2013 йил инглиз тилида 8 жилдлик (4531 б.) “Natural compounds: Plant Sources, Structure and Properties” – Alkaloids (1 жилд), Natural Sesquiterpene Esters (2 жилд), Cycloartane Triterpenoids and Glycosides (1 жилд), Phytoecdysteroids (1 жилд), Triterpene glycosides (2 жилд), Flavonoids (1 жилд) ва 2 жилдлик (992 б.) “Lipids, Lipophilic Components And Essential Oils From Plant Sources” түпламлар нашр этилган.

У 325 дан ортиқ илмий ишлар, жумладан 1 монография ва 27 патент муаллифи.

Илмий жамоатчилик ўртасида катта обрў-эътиборга сазовор бўлган.



66. АЛИМОВА ДИЛОРОМ АГЗАМОВНА – тарих фанлари доктори, профессор

1948 йил 25 майда Тошкент шахрида зиёли оиласида таваллуд топди. 1966 йилда ўрта мактабни тамомлаб, **Тошкент давлат университетининг тарих факультетига ўқишига кирди**. 1971 или ўқишини тугаллагач, уўз илмий фаолиятини ЎзРФА Тарих институтида лаборантликдан бошлиди. 1971 – 1986 йй. илмий изланишларини институт аспиранти, кичик илмий ходими, катта илмий ходими сифатида

олиб борди. Д.А. Алимова 1987 – 1988 йй. – Россия Фанлар академияси Тарих институтида стажировкада малакасини ошириди. Келгуси илмий фаолиятини ЎзРФА Тарих институтида давом эттириб, 1988 – 1990 йй. – катта илмий ходим, 1990 – 1992 йй. – докторант, етакчи илмий ходим бўлиб ишлади, 1992 йилдан буён «Тарихшунослик ва манбашунослик» бўлимини бошқариб келмоқда. Д.А. Алимова 1998 – 2000 йй. ЎзРФА Тарих институти директор ўринбосари ва 2000 – 2010 йй. директор лавозимларида ишлади.

Д.А. Алимова 1980 йилда «Историография решения женского вопроса в Узбекистане (1917 – 1941 гг.)» мавзусида номзодлик диссертациясини, 1991 йилда «Женский вопрос в советской историографии Средней Азии (20 – 80-е годы)» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 2001 йилда профессор илмий унвонига сазовор бўлди.

Олиманинг илмий изланишлари доираси кенг қамровли бўлиб, унинг тадқиқотлари тарих фанининг назарий ва мето-дологик муаммолари, тарихшунослик, маданиятшунослик, Ўзбекистон давлатчилиги тарихи, шунингдек, Ўзбекистон-нинг мустамлака ва совет даври тарихи, энг янги даври тарихи масалаларини ўрганишга йўналтирилган.

Профессор Д.А. Алимова ЎзР ФА Тарих институтида тайёрланыётган Ўзбекистон тарихининг энг қадимги даврла-ридан то бу кунгача бўлган жараёнларни акс эттирувчи кўп томлик Ўзбекистон тарихи асарининг ташаббускори ва муаллифларидан биридир. Ўтган йиллар мобайнида **унинг масъул муҳаррирлигига қатор монографиялар чоп этилди.** (История государственности Узбекистана. Том I. Вторая половина II тысячелетия до нашей эры – III век нашей эры / Отв. редакторы: Э. Ртвеладзе, Д. Алимова. Ташкент: Узбекистан, 2009. 560 с.+32 с. илл.; Узбеки / Отв. редакторы: С.Н. Абашин, Д.А. Алимова, З.Х. Арифханова. М.: Наука, 2011. 688 с.; История Узбекистана (XVI – первая половина XIX века) / Отв. редактор Д. Алимова. Ташкент: Фан, 2012. 776 с.; Хорезм в истории государственности Узбекистана. Ташкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2013 / Отв. редакторы: Д. Алимова, Э. Ртвеладзе. 336 с.; История Узбекистана. Эпоха Амира Темура и Темуридов / Отв. редакторы Д. Алимова, Э. Ртвеладзе. Ташкент, 2017.)

Олиманинг кенг қамровли илмий изланишлари З томлик муаллифлик монографияларида (История как история, история как наука. Том I. Историческое сознание. Ташкент: Узбекистан, 2008. 280 с.; Том II. Феномен джадидизма. Ташкент: Узбекистан, 2009. 170 с.; Том III. Концепты истории Узбекистана: теория и гипотезы. Ташкент: Media Land, 2017), шунингдек мамлакатимиизда ва хорижий нашрларда босилган 400 га яқин илмий ишларида ўз ифодасини топди.

Дилором Агзамовна 1998 йил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махқамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш түғрисида»ги Қарорини, фан соҳасидаги давлат сиёсатини ҳаётга тадбиқ этишда моҳир фан ташкилотчиси сифатларини намоён қилди. У 2000 – 2010 йй. институт раҳбари сифатида Тарих институтининг илмий фаолиятини тубдан янгилаш, ва такомиллаштириш борасидаги ишларга бош бўлди. Институтни ёш, иқтидорли кадрлар билан таъминлашга ниҳоятда катта эътибор берди.

Д.А. Алимова илмий раҳбарлигига Ўзбекистонда тарих фани тарихи, тарихшунослик муаммолари, миллий тараққийпарварлик ҳаракати тарихи, маданият тарихи ва тарихшунослиги йўналишлари бўйича 9 та докторлик ва 18 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди.

Олиманинг бевосита иштироки ва раҳбарлигига Ўзбекистон давлат тарих музейи, Қатағон қурбонлари музейи, Ўзбекистон Куролли кучлари музейи, Самарқанддаги Мирзо Улуғбек музейи, Ислом цивилизацияси маркази музейи концепциялари ишлаб чиқилди ва амалга тадбиқ қилинди. Шунингдек у Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари – Қарши, Самарқанд, Тошкент, Марғилон юбилейларига бағишлиланган альбом-монографияларни илмий асосномасини ёзишда ва тайёрлашда иштирок этди. Оима ушбу китоблар таҳрир ҳайъатининг аъзоси. 2007 йилда Д.А. Алимова ЮНЕСКО Бош қароргоҳида (Париж) ўтказилган Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлиланган халқаро конференциянинг ташкилотчиларидан бири бўлиб, ушбу анжуманга раислик қилди.

Д.А. Алимова 1998 – 2010 йилларда ЎзР ФА Тарих институти қошидаги тарих фани бўйича номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимояси бўйича Ихтисослашган кенгаш раиси; ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хузуридаги номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимояси бўйича Ихтисослашган кенгаш аъзоси; Қозоғистон Таълим ва фан вазирлиги Тарих институти қошидаги номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимояси бўйича Ихтисослашган кенгаш аъзоси бўлди. Ҳозирда у тарих фани бўйича илмий даражалар берувчи Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи методик марказ, Тарих институти, Қорақалпоқ ижтимоий фанлар илмий-тадқиқот институти хузуридаги илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ва ЎзР ФА Шарқшунослик институти қошидаги Ихтисослашган илмий кенгашлар аъзоси.

Дилором Агзамовна Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорига биноан ташкил қилинган академик Яхё Ғуломов номидаги «Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи» Республика илмий семинари раиси этиб тайинланди. Ушбу семинарнинг бўлиб ўтган 74 та йиғилиши мавзулари бевосита олиманинг ташаббуси билан белгилаб келинди.

Д.А. Алимова 2000 йилдан буён Ўзбекистон тарихининг дол зарб муаммоларини акс эттирувчи «O'zbekiston tarixi» илмий журналининг бош муҳаррири, республикамиизда ва бошқа бир қатор мамлакатларда чоп этилаётган илмий нашрлар («The Korean Journal of Central Asian and Caucasian Studies» (Жанубий Корея, Сеул), «Историческое пространство. Проблемы истории стран СНГ» (Россия, Москва), «SHYGYS» (Қозоғистон, Олмаота) ҳайъати аъзоси бўлган.

Д.А. Алимова олий таълим тизимида ҳам фаолият юритиб, 20 йил мобайнида талабаларга таълим бериб келмоқда. У Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ Тарих факультетида «Тарихшунослик ва тарихий тадқиқот усувлари», «Тарих фани методологияси» фани бўйича маъруза ва амалий машғулотлар олиб боради, шунингдек Низомий номидаги ТДПУ, СамДУ, УрДУ, БухДУда «XIX – XX аср бошида Ўрта Осиёдаги маърифатпарварлик ва ислоҳотчилик ҳаракати тарихи» мавзулари бўйича маҳсус курсдан маърузалар ўқиган. Унинг ташаббуси билан Тарих институти замирида республиканинг 8 та университети билан магистрлар тайёрлаш бўйича қўшма кафедралар ташкил этилган. Д.А. Алимова муҳаррирлиги остида ўрта мактаблар учун З та дарслик ва олий ўқув юртлари учун бир қатор ўқув қўлланмалари чоп қилинди. Олима бу фаолияти орқали фан ва таълим интеграциясига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Дилором Агзамовна ЮНЕСКОнинг 6 жилдлик «Марказий Осиё цивилизацияси тарихи»ни тайёрлаш бўйича қўмита аъзоси ва вице-президенти сифатида фаолият кўрсатган, шунингдек

унинг ташаббуси билан ушбу нашр муаллифлар таркибига 14 та ўзбекистонлик олимлар киритилди. У Марказий Осиёни ўрганиш Европа жамиятининг (ESCAS) аъзоси.

Олима халқаро миқёсда эътироф этилган бўлиб, Ўзбекистон тарихи фанининг янги ютуқларини халқаро илмий анжуманларда маъruzалар қилиш орқали жаҳон илмий жамоатчилигига тақдим этиб келмоқда. У АҚШ, Австрия, Германия, Голландия, Франция, Хитой, Корея, Туркия, Ҳиндистон, Россия, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистонда ўтказилган 50 га яқин халқаро **илмий анжуман ва семинарлар** иштирокчиси.

Д.А. Алимова Республика Хотин-қизлар қўмитаси аъзоси, Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодларни танлаш бўйича Республика комиссияси аъзоси сифатида катта жамоатчилик ишларини олиб борди.

Професор Д.А. Алимованинг илмий, жамоатчилик фаолияти муносиб тақдирланган. У «**Меҳнат шуҳрати ордени**» (2003), «**Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси**» кўкрак нишони (2017), соҳибаси.



67. АМАНУЛЛАЕВА ДИЛОРОМ ДАР-ВИНОВНА – бастакор

1959 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1984 йилдан М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат Консерваториясини таомилаган. 1990 йилда М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси ассистент-стажёри, 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият курилиши академияси магистри. 2016 йилдан Ўзбекистон давлат консерваторияси «Эстрада хондалиги» кафедраси профессори бўлиб ишлаб келмоқда.

1996 йилда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» фаҳрий унвони, 1998 йилда “Дўстлик” ор-

дени, 2006 йилда «Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби» фахрий унвони билан тақдирланган.

Меҳнат стажи 40 йил. Ўзбекистон давлат консерваторияси «Эстрада хонандалиги» кафедраси профессори вазифасида 2016 йилдан ишламоқда, 1989 йилдан уюшма аъзоси.

Дилором Амануллаева Ўзбекистонда композиторлик ижодиёти, миллий эстрада санъати ривожи ва тарғиботига муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган жонкуяр ижодкорлардан. Бастакор, устоз-муаллим, мусиқа санъати фидойиси сифатида унинг номи қўп йиллардан бери ҳалқимизга таниш бўлиб, ардоқлаб тилга олинмоқда. У мусиқанинг турли жанрларида сермаҳсул ижод қилиб 250 дан ортиқ асарлар яратди. Радио-телевидение тўлқинларида, газета-журналларда ўз асарлари, илмий-оммабоп мақолалари, фикрлари билан мунтазам чиқишлар қиласди. Нашр қилинган 9 та ўқув қўлланмалари, мақолалари ва ижодий асарлари ўқув дастурларида ва концерт репертуарларда мустаҳкам ўрин олди.

Д.Амануллаеванинг Зта симфонияси, фортепиано ва оркестр учун Концерт, камер ҷолғу мусиқаси, вокал асарларида Истиқлол, Ватан, тинч-тотув ҳаётни тараннум этади, тинглов-чиларга, айниқса ёшларга завқ бағишлийди, уларга маънавий озуқа беради. Композитор яратган камер ва эстрада йўналишидаги асарлари мактабгача таълим муассасалари, олий ва ўрта таълим тизими ўқув юртларининг ўқув педагогик ва концерт дастурларидан муносиб жой олган, Халқаро ва Республика танловлари ва фестивалларида, Россия, Туркия, МДҲ давлатларида ижро этиб келинмоқда.

Д.Амануллаеванинг ижодий ютуқлари орасида 7 та Мадҳијани алоҳида қайд этиш лозим. “Шарқ тароналари” Халқаро мусиқа фестивали мадҳијаси (1997), “Президент ҳузуридаги давлат бошқаруви Академияси мадҳијаси” (1998) “Тошкентмадҳијаси” (2002), “Республика Байналминал маданият Маркази мадҳијаси”, “Театр мадҳијаси” (2001) шулар жумласидан. Композитор яратган кўплаб замонавий ва профессионал эстрада қўшиқлари

Ўзбекистон халқ артистлари Насиба Абдуллаева, Мансур Тошматов, Гулсанам Мамазоитова, Фуломжон Ёқубов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Кумуш Раззоқова, Севара Назархон, Юлдуз Турдиева, Дилноза Исмияминова, Лола Аҳмедова, Зоя Цой, “Ниҳол” мукофоти совриндорлари Оксана Нечитайло (Согдиана), Диана Зиятдинова, Фарангиз Шамсиева, Асал Шодиевалар каби таниқли ва ёш эстрада хонандалари ижросида халқимиз орасида мушхур бўлиб, ёшларимизнидидли, юқори маданиятли, баркамол инсон бўлишига катта хизмат қилиб келмоқда.

Д.Амануллаева эстрада хонандалиги таълим соҳасининг етакчи мутахассисидир. “Вокал санъати (эстрада хонандалиги)” бакалавриат ҳамдамагистратура мутахассислиги таълим йўналишларининг барча фанларининг ўқув дастурларини ишлаб чиқди, давлат таълим стандартларини яратишда фаол қатнашди. Янги технологиялар асосидаги 1 та дарслик, 8 та ўқув қўлланма яратди. “Эстрада ва жаз вокализлари” ўқув қўлланмаси “Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи-2015” Республика танловидарағбатлантирувчи ўрин билан мукофотланган.

Д.Амануллаеванинг 100 га яқин асарлари Ўзбекистон давлат консерваториясининг “Эстрада хонандалиги”, “Эстрада чолғу ижрочилиги”, “Мусиқий таълим”, Академик хор дирижёrlиги”, “Махсус фортепиано” кабитаълим йўналишлари ўқув дастурига жорий этилган, ихтисослаштирилган санъат мактаблари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқув репертуарларидан кенг ўрин олган.. Д.Амануллаеванинг кўплаб шогирдлари Республика Давлат унвонларига ва халқаро танловлари ғолиби ва совриндори унвонларига сазовор бўлиб, ўзбек эстрада хонандалик мактабини республикамиз ва чет элларда тарғиб қилмоқдалар.

Бугунги кунда илмий, тарғибот-ташвиқот ва педагоглик ишлар билан бир қаторда Д.Амануллаева “Амир Темур” балетини яратиш устида қизғин иш олиб бормоқда. Шунингдек, композитор фортепиано учун “Амир Темур тушлари” фантази-

ясини, "Самарқанд манзаралари" фортециано туркумининг янги таҳририни яратиб, тингловчилар эътиборига ҳавола этди.



68. АРИПОВА МАСТУРА ҲИКМАТОВНА
– техника фанлари доктори

1999 йилдан «Силикат материаллар технологияси» кафедрасида, 2010 йилдан «Силикат материаллар ва нодир, камёб металлар технологияси» кафедрасига Арипова М.Х. раҳбарлик қилиб келаяпти.

Мастура Хикматовна Арипова СМ ва КНМК кафедра мудири, профессори. Мутахассислик фанидан дарс берib келаяпти. Бир неча фан номзодлари чикарган ва бир нечталаригараҳбарлик қилиб келаяпти. Магистратура ва бакалавлатурадаттаҳсил олиб келаётган талаба ёшларга ўқиш, диплом ишларинибажаришда ва химоя қилишдауз маслаҳатларини аямай келаяпти.

Илмий ишлари бўйича мақола сони - 200 дан ортиқ, ўқув қўлланмалар сони -30 дан ортиқ, шогирдлар сони – 30 дан ортиқ, кандидатлар сони – 8 тава 2 та докторантларга раҳбарлик қилиб келмоқда.



69. АРИПОВА САЛИМАХОН – кимё фанлари доктори, профессор. Табиий бирикмалар ва алкалоидлар кимёси соҳасида танилган йирик олим.

Унинг илмий йўналиши Марказий Осиё худудида ўсадиган ўсимликларнинг алкалоидларини ўрганиш, соф ҳолда янги индивидуал моддаларни ажратиб олиш, уларнинг физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш, кимёвий ва фазовий тузилишини аниқлаш, ана-

логларини синтез қилиш ҳамда юқори биологик фаол хусусиятга эга бўлган моддаларни излаш ва тиббиётамалиётига дори-дармон қўллашга тавсия этишга йўллантирилган.

Кўп йиллик изланишлар натижасида профессор С.Арипова томонидан 30 дан ортиқ ўсимликлар ва 10 та тур заҳарли замбуруғлар ўрганилди. Улардан 100 дан ортиқ индивидуал моддалар ажратиб олиб, 68 та янги моддаларнинг кимёвий ва фазовий тузилиши исботлаган. Шулардан 10 та алкалоид биринчи марта илмий адабиётда маълум бўлмаган янги тур дииндол димер тузилишига эга бўлганлиги исботланган.

Биринчи маротаба ўсимлиқдан янги типга эга олtingугурт сақловчи 12 та алкалоид ажратилган. Ажратиб олинган олtingугурт сақловчи алкалоидларни замонавий усуллар билан фазовий тузилиши аниқланган ва аналоглари синтез қилинган. Бажарилган ишлар табиий моддалар кимёси фанига ўлкан ҳисса қўшган, жаҳон фанига ва нодир дурдона асарлар қаторига киради.

Унинг раҳбарлигига қатор препаратлар яратилган. Жумладан: «Белэтоний» препарати кураве хусусиятига эга (миорелаксант – мушакларни бўшаштирувчи, жаррохлик операцияларда ишлатилади), «Данг-шень» препарати (сариқ касаллигида ва бошқа тур жигар хасталикларда ишлатилади), «Катацин» препарати (кислород етишмовчи ҳолатларда – инсульт, миокард инфарктида), «Консубин» препарати (микроблар ва замбуруғларга қарши, турли тери касалликларига қарши), «Ардонин» ва «Афродин» - донаксин алкалоиди асосида (*Arundo donax* ўсимлигидан олинган) (бачадон фаолиятини кучайтирувчи ва афродизиак хусусиятига эга), «Крамбинин» - қалқонсимон бези хасталигига карши (*Crambe* ўсимлиги турларидан олинган).

10 дан ортиқ алкалоидлар Франциянинг «Latoxan» фирмасининг каталогига киритилган ва тиббий-биологик биореактив сифатида бутун дунёга сотилмоқда.

У 300 дан ортиқ илмий мақола ва тезислар, 9 та патент муаллифи, 15 та халқаро илмий симпозиумларда (Хиндистон,

Туркия, Хитой, Россия) маърузалари билан иштирок этиб, Ўзбекистон фанини жаҳонга тарғиб этишда катта ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Унинг раҳбарлиги 7 та фан номзоди ва 1 та фан доктори, 4 та магистр тайёрланган. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» доирасида Қарши ва Нукус давлат университетлари магистрларига «Алкалоидлар кимёси» фанидан маърузалар қилган.

С.Арипова «Йилнинг энг яхши илмий иши» танлови (2014) совриндорибўлган, «The Chemistry and Biological Activity of Natural Indole» («Итоги исследования алкалоидоносных растений»), «Химический энциклопедический словарь», «Краткая химическая энциклопедия» нашрларида ўзини мақолалари (обзорлари) билан иштирок этган, «Alkaloids, Plants, Structure, Properties» справочники хаммуалифдир. Халқаро миқёсда тан олинган «Springer» нашриёти ҳамкорлигига ушбу справочник инглиз тилида қоғоз ва электрон вариантлари чоп этилган ва бутун дунёгатарқатилган.

Бугунги кунда «Серосодержащие алкалоиды и другие низкомолекулярные метаболиты растений родов *Diphychocarpus strictus* и *Crambe* семейства крестоцветных флоры Узбекистана» ва «Алкалоиды гигантского злака *Arundo donax L.* Химия, структура свойства» монографиялари нашрга тайёрланган.

Ҳозирги кунда янги истиқболли ўсимликлардан алкалоидларни излаш ва ажратиш, уларнинг кимёвий тузилишини ўрганиш ҳамда биологик фаол моддаларни топиш бўйича илмий тадқиқот ишларини давом эттириб фидокорона меҳнат қилиб келмоқда.

У 12 йил давомида институт аёллар кенгашининг раиси бўлиб фаолият юритган.

Истеъдодли олима ўзининг ташкилотчилиги ва юксак инсоний фазилатлари билан республика ва хорижийолимлар хурматини қозонган.

70. АСҚАРОВА САЛИМА АСҚАРОВНА – таниқли олим, биология фанлари доктори, профессор.

Агар Салима Асқаровна ҳақида олим сифатида гапирадиган бўлсак, унинг Ўзбекистонда микробиология фанининг ривожланишига улкан ҳисса қўшганилигини айтиш мумкин.

Салима Асқаровна Асқарованинг қўмаги билан ЎзР ФА Микробиология институтининг янги йўналишлари, янги лабораториялари ташкил қилинди. Микробиологлар илмий мактаби яратилди. Салима Асқаровнанинг раҳбарлигидаги қўплаб фан номзодлари ва докторлари тайёрланди.

Ўзбекистонда хизмат қўрсатган фан арбоби С.А. Асқарова “Қизил меҳнат байроғи” ордени (1975), “Шуҳрат” (1994), шунингдек, “Улуғ Ватан урушидаги мардлик меҳнати учун” медали, I ва II даражали Оналик медали билан тақдирланди.



71. АТАНИЯЗОВА ОРАЛ АМИНОВНА – тиббиёт фанлари доктори

Орал Атаниязова 1956 йил 18 майда Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли туманида таваллуд топган. Олий маълумотли. Тиббиёт фанлари доктори, профессор. **110** дан ортиқ илмий-услубий ишларнинг, шу жумладан уларнинг аксарияти МДҲ ва хорижий мамлакатларда нашр этилган, **2** монография, **35** ўкув-услубий қўлланмалар муаллифи ҳисобланади.

1979 йил Тошкент давлат тиббиёт институтининг даволаш иши мутахассислигини тутатган. Илк меҳнат фаолиятини Қанлиқўл тумани қишлоқ шифохонасидан бошлаган. Орал Аминовна 15 йил давомида Россияда – клиник ординатура, аспирантура, докторантурада билим, илим ва тажрийба орттирган.

О.А.Атаниязова ўз илмий изланишларини Москвадаги Фанлар академияси Акушерлик, гинекология ва перинология ил-

мий тадқиқот институтида олиб борган. Бу ерда у 1986-йили «Аёлларнинг поликистоз касалликта репродуктив функцияни тиклаш» мавзусида номзодлик диссертациясини, 1996-йили эса Орол экологик инқироз шароитида яшовчи Қорақалпоғистондаги 5000 дан ортиқ аёлларни ўрганиб, «Орол буйида яшовчи аёлларнинг репродуктив саломатлигига экологик омилларнинг салбий таъсири» мавзусида докторлик диссертациясини мувафақиятли ҳимоя қилган. Орал Атаниязова турли соҳаларда: таълим, илм, тиббиёт, менеджмент, нодавлат ташкилотлар, ҳалқаро ҳамкорлик ишларида муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Соғлиқни сақлаш, жамиятни ривожлантириш, илм соҳаси тизимида катта тажрибага эга. Ҳалқаро даражадаги мутахассис сифатида турли мавзулардаги ҳалқаро конференцияларда спикер сифатида иштирок этган, саломатлик ва Орол худуди атрофи муаммоси бўйича юқори ҳалқаро даражадаги ҳужжатлар ишлаб чиқишида катнашган. 2004-йили Лондондаги “Гигиена ва тропик тиббиёт институти”да стажировкада бўлган, Ҳалқаро шифокорлар атроф мухид учун жамгарма Президенти (Женева, 2002-2007).

Орал Атаниязова 2001 йили ТошТПИ Нукус филиали директори ловозимида ишни бошлаб, қисқа вақт ичидаги катта ташкилий ишларни амалга оширди - филиал ривожланишининг янги босқичга кўтарилишига эришди. **Унинг бевосита раҳбарлигига ва ташаббуси билан филиал фаолиятида туб ўзгаришлар юз берди** - янги факультетларнинг очилиши, янги бинолар курилиши, клиник ординатура, магистратура, доктарантура очилишига, илмий лойхалар ва проектлар ижросига эришди. Ҳалқаро лойиҳалар ишлаб чиқиб, Инстиутга инвестициялар олиб келди (Темпус, Эрасмус), ҳалқаро қўшма факультетлар очилишига инициатор бўлди, 15 хорижий ОТМлар билан ҳамкорликни йулга қўйди, 5 Илмий лойиҳалар раҳбари, “Экология ва инсон соғлиғи” Илмий мактаб асосчиси. Атаниязова Орал Аминвна бевосита катнашида, 2020 йили Институт филиал даражадан мустакил Қорақалпоғи-

стон тиббиёт институтига айланди. Унинг бевосида ташаббуси ва раҳбарлигида Нукус шаҳри марказида институтнинг барча замонавий талабларига жавоб берадиган янги ўкув корпуси ва Халқаро даражадаги Институт Инновацион Клиникаси қурордиди. **Бугинги кунларда Қорақалпоғистон тиббиёт институти элимиздаги энг сифатли институтига айланди, халкаро Webometrics Ranking система бўйича, Қорақалпоғистон тиббиёт институти Ўзбекистон ОТМлар орасида иккинчи ўринни эгалайди (биринчи ўринда Миллий Университет).**

О.А.Атаниязова Қорақалпоғистон Республикаси Жўқарғи Кенгеси 5 чақириғига депутати, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатнинг фаол аъзоси. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент қарорлари, давлат дастурларининг амалда ижросини мониторингида фаол қатнашади Сайловчилар билан мунтазам учрашувлар ўтказиб, долзорб муаммоларни ҳал қилишда амалий ёрдам кўрсатади – Хўжайли, Муйнак туманиларда табийий газ, ичимлик сув билан таъминлашда, Нукус шаҳри “Кум овул” МФЙ худудида ноқонуний қурилаётган метан газ қўйиш шаҳобчаси қурилишини тугатиш, кам таъминланган оиласаларнинг уйларини таъмирлаш, “Пристан” поселкаси аҳолисига ирригация суви билан таъминлаш, Қонликул тумани “Жайхун” ОФИ 6-сон мактаб биносини қайта таъмирлаш каби ишларига амалий ёрдам в.х.

О.А.Атаниязова – таниқли жамоат арбоби. У 1991 йил нодавлат ташкилот “Перзент” Марказини ташкил этди. 30 йил давомида “Перзент” маркази томонидан 200 минг аҳолини қамраб олган ҳолда экологик вазиятли туманларда (Тахтакупир, Бозатаў, Қораузак, Чимбой, Қонликул) Она ва бола саломатлигини яхшилаш (“Беҳатор оналиқ”), томорқа ерларини ривожлантириш (“Алтын топырақ”), санитария ва гигиенани яхшилаш, репродуктивлик саломатлик лойиҳаларини амалга оширган. Қишлоқ аҳолиси учун “Перзент” журнали нашр этип, 10 йил давомида бепул халкга тарқатган. Атаниязова ОА инициативаси билан 2009 ва 2010 йилларда Каракалпакстанда “Қовун сайили”

Республика тадбирларини ташкиллаштириди. У биринчи бўлиб Қорақалпоғистон Республикаси аёлларининг кўкрак сутида токсинлар миқдорини аниқлади ҳамда уларнинг саломатлигиги ни яхшилаш дастурини ишлаб чиқди.

О.А.Атаниязова халқаро даражадаги мутахассис сифатида ҳар хил халқаро конференцияларда чиқишлар қилган, саломатлик ва Орол ҳудуди атрофи муаммоси бўйича юқори халқаро даражадаги хужжатлар ишлаб чиқишда иштирок этиб келган. У инглиз тилини мукаммал эгаллаган. 2004 йили Лондондаги Гигиена ва тропик тиббиёт институтида стажировкада бўлган. Унинг экологик фаолияти халқаро миқёсда кенг тан олинган – 2000 йилда Халқаро экологик Голдман мукофоти совриндори, “Шифокорлар атроф муҳитучун” – ISDE халқаро ташкилоти президенти, Женева 2002-2007 йиллар, Халқаро парламентларо уюшмаси Саломатлик Маслаҳат гурӯх аъзоси (Женева 2018-2023 йй).

Орал Атаниязова ҳаққоний ватанпарвар ва ҳақиқий фидойи инсон, фаолияти унинг хаётининг бош мазмуни ҳисобланади. Унга, қорақалпоқ халқининг ҳақиқий қизи сифатида Қорақалпоғистон халқ шоир ва ёзувчisi, Ўзбекистон Қаҳрамонлари – Ибраим Юсупов ва Толепберген Кайпбергеновлар шерлар ёзган.

Орал Атаниязова ўзининг кўп йиллик меҳнатлари туфайли 2000 йилда “Қорақалпоғистон Республикасида ҳизмат кўрсатган фан арбоби”, 2001 йилда “Соғлом авлод учун” I даражали ордени, 2021 йилда “Ўзбекистон Республикасида ҳизмат кўрсатган ёшлар мураббийи” унвонлари билан тақдирланган.

У доимо ишга бўлган қизиқишини шахсий қизиқишлардан устун қўяди. Буларнинг асосида унинг халқига бўлган чексиз муҳаббати, ҳизмат қилишга бўлган интилиши ётади.

72. АҲМЕДОВА ЗАҲРО РАҲМАТОВНА – биолог, профессор

1955 йили Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманида туғилган, миллати ўзбек, 1976 йили Тошкент Давлат Университети «Биология-тупроқшунослик» факультетини тамомланган. У 1976 йилдан ЎЗР ФА Микробиология институтида ишлаб

келмоқда, 2003 йилдан шу кунга қадар «Микроорганизмлар ферментлари» лабораторияси мудири, фундаментал, илмий-амалий ва инновацион лойихалар раҳбари. Меҳнат стажи 42 йил. Микробиология, биокимё, биотехнология бўйича мутахассис. 1984 йили номзодлик, 1999 йили докторлик диссертациясини ҳимоя қилган, 2007 йилда профессорликилмий унвони берилган.Илгари Давлат мукофотлари билан тақдирланмаган.

Унинг асосий илмий йўналиши қишлоқ хўжалиги, озиқовқат, саноатнинг барча тармоқларини биологизация йўналишига ўтказиш, кимёвий воситалар, моддалар, минерал ўғитлар сарфини камайтириш ёки улардан батамом воз кечиш, атроф-мухит ҳимояси ва экологик мувозанатини сақлаш, микроорганизмлар ва улардан олинадиган ноёб биологик моддаларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқаришга тадбиқ этишдан иборатdir.

Мустқилик йилларидан буён 3 фундаментал, 7 амалий ва 3 инновацион лойиҳаларга раҳбарлик қилиб келди. Шулардан охиргилари И-5-ФА-0-23897 ««Микрозим-2» биопрепаратини Қорақалпоғистон Республикасидаишлаб чиқариш ва пахта етиштиришда қўллаш» инновацион (2014-2015) ва ФА-А9-Т110 «Мицелиал замбуруғларнинг гидролитик ферментлари асосида фитопатогенлар ҳужайра деворини парчаловчипрепаратлар олиштехнологиясини ишлаб чиқиш» (2015-2017). Ҳозирда инновацион ИК-И-ФА-2017-5-8 “Шампинъон(*Agaricus bisporus*) етиштириш ва иссиқхона хўжаликлари учун целлюлоза сақловчи ўсимлик чиқиндилари ва гўнгларни ферментатив компостлаш” (2017-2019) лойиҳаларига раҳбарлик қилмоқда.

З.Р.Ахмедованинг илмий изланишлари натижасида 2006-2013 йилларда «Микрозим-1» ва «Микрозим-2» биопрепаратларининг саноат вариантлари олинди ва улар Давлат кимё комиссияси синовларидан муваффақиятли ўтиб, биопрепаратларгагу воҳномалар олинган ва Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ғалла ва пахта етиштиришда қўллашга рухсат берилган. Пахта етиштиришда 1,75 л/га «Микрозим-2»

биопераратини ишлатишда олинган қўшимча ҳосилдорлик ҳар гектар майдондан ўртача 4,5-5,6 ц/га, иқтисодий самарадорлик, яъни соф фойда 560 минг сўм/га, ғалла етиширишда «Микро-зим-1» биопрепаратини ишлатишдан олинган қўшимча ҳосил ўртача 9,0-12 ц/га бўлиб, олингансоф фойда 375 минг сўм/га ни ташкил қиласди. Биопрепаратларни қўллаш тупроқ микроструктурасини тубдан яхшилайди, унумдорлигини оширади, минерал ўғитлар, хамда сув сарфини камайтиради. Яратилган экологик ҳафсиз биопрепаратлар Тошкент, Андижон, Фарғона, Сурхондарё, Жиззах, Наманган вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаларида ғалланинг 15 дан ортиқ, пахтанинг эса 10 дан ортиқ навларини етиширишда, тукли ва туксиз чигит уруғларга экиш олди ишлов беришда қўлланилиб, кенг майдонларда юқори самара бермоқда.

Профессор З.Р. Ахмедова 1995 йилдан Тошкент Давлат педагогика Университети, Тошкент кимё технологияси, Бухоро Давлат юксак технологиялар ва Жиззах Политехника институтларида Жиззах Педагогика университети бакалавр, магистрлари ва мустақил изланувчи илмий ҳодимларига микробиология, биотехнология, саноат экологияси йўналишлари бўйича мураббийлик қилиб келмоқда. У Республикамизда малакали кадрлар тайёрлаш ишларида тинимсиз иш олиб бормоқда. Унинг бевосита раҳбарлиги остида 9 нафар фан номзоди тайёрланган, ҳозирда 2 нафар фан доктори илмий даражасига талабгор ёш олимларга раҳбарлик қилмоқда. Педагогик фаолияти давомида тайёрлаган 20 дан ортиқ бакалаврлар ва 15 дан ортиқ магистрлар Республикамизнинг турли корхоналарида қизғинфоалият юргизмоқдалар. 450 дан ортиқ илмий мақолалар, 2 та ўкув қўлланма, 1 та дарслик, 5 ихтиро патенти муаллифи, 130 дан ортиқ илмий ишлари хорижда чоп этилган.

Профессор Ахмедова З.Р. кўплаб маҳаллий ва нуфузли хорижий анжуманлар ташкилотчиси, пленар маъruzаларга таклиф килинади, Хитой, Белоруссия, Озарбайжон, Туркманистон, Грузия, Қирғизистон, Россия, Қозоғистон, Ҳиндистон каби мамла-

катлар олимлари билан халқаро алоқалар ўрнатиб, Республика-
мизолимлари нуфузини янада ортдирмоқда.

Шунингдек, Ахмедова З.Р. Институт қошида фаолият юрги-
заётган ННТ «Ўзбекистон Микробиологлар жамияти»нингра-
ис ўринбосари вазифасида 2004 йилдан бўён ишлаб келмоқда.
2014 йилда «Болаларга соғлом муҳит» лойиҳаси ННТ Республи-
ка танлови галиби бўлди. Институт илмий Кенгаши ва Ўзбе-
кистон Миллий университети қошидаги Ихтисослашган кен-
гashi аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни муво-
фиқлаштириш қўмитаси эксперти, республика фан ва таълим
бўйича давлат комиссиялари таркибида хам фаолият юргиза-
ди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик пала-
тасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси эксперти
(2010-2014) сифатида аграр қонунлар яратишга ўз хиссасини
қўшиб келган. Институт жамоа ишларида фаол: илмий ишлар-
га оппонент, рецензент, маслаҳатчи, «Хотин-қизлар қўмитаси»
раиси ва «Ёш олимлар ва мутаҳассислар кенгashi» маслаҳатчи-
сидир.

Ахмедова З.Р. ҳалол инсон, чуқур билим ва мулоҳазали, ўткир
зехни, ишchan, ҳар ишдамаъсулиятли, серғайрат, ташаббускор,
ўзига ва ўзгаларга нисбатан талабчан, ғамхўр мураббий, юксак
ватанпарварлик ва инсонпарварлик сифатларига эга бўлиб, жа-
миятда буюк нуфуз ва катта ҳурматга эга олмадир.



73. БАЛЛИЕВА РОЗА – тарих фанла- ри доктори, профессор

Баллиева Руза 1959 йил Кегайли
туманида туғилган. Олий маълумотли.

Баллиева Руза 1977-1982 йиллар
Тошкент Давлат Университетини та-
момлаган. 1982-19872 йиллар Тош-
кент Давлат Университетини ўқитув-
чи, 1987-1989 йиллар Москва Давлат

Университетида тадқиқотчи-изланувчи, 1989-1994 йиллар Москва Давлат Университети аспиранти, 1994-1996 йиллар Қорақалпоқ давлат университети табиий география кафедраси асистенти, 1996-1996 йиллар Қорақалпоқ давлат университети табиий география кафедраси доценти, 1996-1999-йиллар Москва давлат университети докторанти, 2000-2012 йиллар Қорақалпоқ давлат университети география кафедраси доценти, 2012-2019 йиллар Қорақалпоқ давлат университети география кафедраси профессори, 2019-2020 йиллар Қорақалпоқ давлат университети география ва гидрометеорология кафедраси профессори, 2020 йилдан буён Қорақалпоқ давлат университети табиий география ва гидрометеорология кафедраси профессори лавозимида фаолият юритмоқда.

Р.Баллиеванинг олиб бораётган илмий тадқиқот ишлари ҳозирги кунда Орол бўйида экологик хафвсизлик муаммолари энг долзарб масалалардан бўлиб турган бир пайтда, Оролбўйи халқларининг экологиясини ўрганиб, ўлкамизда асрлар давомида шаклланган экологик маданиятимизни тарғиб қилиш билан бирга мамлакатимизнинг экологик сиёсатидаги бош масала трансчегеравий табиатдан фойдаланиш муаммоларини халетища фаол қатнашмоқда.

Унинг 200га яқин ортиқ илмий ишлари, шундан 2 монография, 4 дарслик, 7-таси ўкув-қўлланмадир. Илмий мақолаларининг кўпчилиги чет элларда чоп этилган. Москва, Санкт-Петербург, Қизил шаҳарларида бўлиб ўтган халқаро илмий конференцияларда, конгресс ва симпозиумларда илмий баёнотлари билан қатнашган.

У тарих соҳаси бўйича PhD. 03\30/12/2019. Тар.20.05 Илмий Кенгаш раиси.

Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги Тарих институтининг докторлик Д.015.09.01 Ихтисослаштирилган Кенгаш аъзоси. Шу кунгача унинг раҳбарлигида 25 га яқин магистр тайёрланган, 3 та изланувчи-тадқиқотчига ва 2-та мустахил изланувчига илмий раҳбарлик қилмоқда. Битта щогирди фан док-

тори. Бир қанча докторлик, номзодлик диссертацияларнинг, ўқувлиқ ва монографияларнинг расмий тақризчиси.

Баллиева Руза катта педагогик тажрибага эга бўлган талаб-чан ва изланувчан ўқитувчилардан бўлиб, таълим инновацион технологиялар асосида дарсларини қизиқарли ўқитишга ҳар доим ҳаракат қиласди. Р.Баллиева томонидан Республика Фан олимпиадасида талабалардан 2-фан олимпиада ғолиби биринчи ўринни олишга муваффақ бўлган. Унинг бевосита илмий раҳбарлигига 2-та талаба Бердақ номидаги давлат стипендиясига сазовор бўлган. Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишга бағишиланган 20 га яқин илмий семинар ва давра суҳбатларини ташкиллаштириб талаба ва магистрантларни жалб қилмоқда.

У Дж. ва К.Макартуровлар фондининг халқаро танлови ва Темпус дастурининг ғолиби, 530666- TEMPUS 1-2012-1-JT-TEMPUS – JPCR UZWATER: лойиҳаси ва бир қанча фундаментал лойиҳаларнинг ижрочиси. “Қорақалпоғистон Республикаси географик объектлари номларининг ўзбек тилида ёзилиши йўриқномаси” мавзусида Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан хўжалик шартномасини бажариб келмоқда.



74.БАҲАДИРОВА САРИГУЛ – филология фанлари доктори

1944 йили Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак туманида туғилган. 1966 йилда Қорақалпоқ давлат педагогика институтини тамомлаган. Мутахассислиги бўйича филолог, ўқитувчи. 1967-1970 йилларда Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон фанлар Академияси Тил ва адабиёт институти аспирантурасида таълим олган. 1970 йили академик М.К.Нурмуҳаммедов раҳбарлигига

“Ҳозирги замон қорақалпоқ ҳикоялари” (1957-1967 йй)» мавзусида филология фанлари номзоди, 1987 йилда “Фольклор ва қорақалпоқ совет насри” мавзусида филология фанлари доктори диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилган. 2005 йили профессор унвонига эга бўлди ва унинг исми 2005- жылы Нобель мукофотига тавсия этилган 1000 жаҳон хотин-қизлари тизимида турди.

С.Баҳадирова Ўзбекистон Республикаси фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Н.Давқараев номидаги Тил ва адабиёт институтида (ҳозирги ЎзР ФА ҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти) катта лаборант, илмий ходим, бўлим мудири, 1991-2007 йилларда ушбу институтнинг директори лавозимларида ишлаган. Ҳозирги кунда институтнинг етакчи илмий ходими.

С.Баҳадирова қорақалпоқ ҳалқ оғзаки ижодиётини, қорақалпоқ адабиётшунослигига адабий жанр масалаларини, қорақалпоқ ҳикоялари ва насрий асарларининг бадиий ва жанрий ҳусусиятларини, ёзувчи-шоирларнинг ҳаёти ва ижодиётини, фольклор ва адабиётнинг ўзаро алоқалари масалаларини теран тадқиқ қилишга, шунингдек, қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослигига илгари таҳлил қилинмаган янги илмий концепцияларни яратишга катта хисса қўшиб келмоқда.

С.Баҳадирова асосан адабиёт ва фольклор йўналишларида тадқиқот олиб борди. Ҳозирги кунда унинг 400 дан ортиқ илмий мақола ва маъruzalari нуфузли республика ва хорижий журналларда, илмий-назарий анжуман тўпламларида нашр қилинган. Жумладан, “Роман ва давр” (1978), “Фольклор и Каракалпакская советская проза” (1984), “Фольклор терминларининг қисқача луғати” (С.Ахметов билан 1992), “Китаби дедем Қорқут”, “Қоблан”, “Едиге” ва “Ҳозирги адабиёт ҳақида ўйлар” (1992), “Қорақалпоқ қандай ҳалқ” (2017) номли монографиялари чоп этилган. Шунингдек, у “Қорақалпоқ совет адабиёти тарихининг очерклари” (1986), “История каракалпакской литературы” (1981) китобларининг муаллифларидан бири.

С.Баҳадировани республикамиз жамоатчилиги ёзувчи сифатида ҳам яқиндан танийди. Муаллифнинг “Онамга хот”, “Аёллар”, “Одамни одам бахтли қилади”, “Одам қадри”, “Кечиккан солдат”, “Равшон”, “Тумарис ва Кир”, “Қанотидан қайрилган шуңқор”, “Избосар Фозилов” каби (қорақалпоқ тилида) қиссалари, “Тақдир” номли роман-дилогияси нашр қилинган. С.Баҳадирова “Тақдир” романи билан Марказий Осиё хотин-қизлар ёзувчилари орасида кенг ҳажмли роман-эпопея ёзган биринчи ёзувчи-адиба. Олима ва ёзувчи-адиба С.Баҳадированинг фандаги энг буюк мақсади – илмий талқин ёрдамида қорақалпоқ халқининг бой маданий меросини бутун дунёга танитиш фаҳр туйғуси-ила юксакларга кўтариш ва бадиий асар яратишдаги бадиий образлар галереяси орқали ўз халқинингшон-шуҳратини, маънавиятини, аждодлар руҳига эҳтиром рамзи сифатида Ўзбекистон диёридаги қорақалпоқ миллатини жаҳонга тараннум этиш.

С.Баҳадирова 1976 йилдан Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаси ёзувчилар уюшмаси аъзоси. 1996 йили Ўзбекистон Республикаси журналистлер уюшмаси аъзоси, 2004 йили - «Жаҳон тюркологлари ассоциацияси» аъзоси, 2009 йили Халқаро тюркологик«Алтаистика ва түркология» журнали редколлегия аъзоси бўлишга мувофиқ бўлган.

С.Баҳадирова мунтазам равишда республика телерадиоси, матбуоти орқали қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослигининг долзарб масалаларини, адабий меъросларимизни, миллий қадриятларимизни тарғиб қилиб келади.

С.Баҳадирова 1978 йили Қорақалпоғистон Республикаси “Ёшлилар иттифоқи” мукофотининг совриндори, 1984 йили Ўзбекистон Республикаси “Беруний номидаги давлат мукофоти”нинг соҳибаси, 1993 йили Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, 2006 йили “Халқ меъросини сақлаш” бўйича халқаро мукофоти лауреати бўлишга муваффақ бўлган. Шунингдек, у Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгашининг “Фаҳрий ёрлиги” билан тақдирланган.

С.Баҳадирова бир нечта илмий ходимларга, тадқиқотчи ва изланувчан ёшларга устозлик қилиб, мактаб яратган улуф олима ҳисобланади. Унинг илмий раҳбарлигига З.Бекбергенова, М.Мамбетова, Ж.Низаматдинов, С.Баутдинова, Б.Палуанов, Г.Курамбаева, М.Халмуратовалар номзодлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилиб, илм-фан соҳаларида хизмат қилмоқда.



75. БЕКБЕРГЕНОВА ЗИЯДА УТЕПОВНА - филология фанлари доктори

1968 йил 10 январда Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманида туғилган. 1989 йили Нукус давлат университетини тамомлаган. Мутахассислиги бўйича филолог, қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси. 1989йилдан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Н.Давқароев номидаги Тил ва адабиёт институтининг “Қорақалпоқ адабиёти ва фольклори” бўлимида катта лаборант, кичик илмий ходим, катта илмий ходим лавозимларида ишлаган. Ҳозирги кунда ЎзРФА ҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг “Қорақалпоқ адабиёти” бўлими мудири. Шунингдек, З.У.Бекбергенова Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий марказида ўриндош сифатида “Адабиёт” фанидан лекция курсларини ҳам олиб боради.

З.У.Бекбергенова 1990-1994 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Н.Давқароев номидаги Тил ва адабиёти институтининг аспирантурасида таълим олган. 1995 йили “Ҳозирги қорақалпоқ шеъриятида халқ оғзаки анъаналари” мавзусида филология фанлари номзоди, 2017 йилда “Қорақалпоқ романларида бадиийнутқ поэтика-

си” (1980-2010 йиллар) мавзусида филология фанлари доктори (DSc) диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилган.

З.У.Бекбергенова лирик жанрдаги асарларда халқ оғзаки поэтик анъаналарини, қорақалпоқ насира бадий нутқ поэтикасини, ёзувчи-шоирларнинг ҳаёти ва ижодиётини, адабий асарларнинг лингвопоэтик талқини муаммоларини, замонавий адабиётнинг ривожлониш тенденцияси масалаларини тадқиқ қилишга ва қорақалпоқ адабиётшунослигифанининг ривожлашига катта хисса қўшганолимлардан бири.

З.У.Бекбергенова 100 дан ортиқ мақола, 3 та монография, 3 та дарслик, 2 та ўкув қўлланма муаллифи. Жумладан, унинг муаллифлигида “Бола тили бал” (1997) рисоласи, “Ҳозирги қорақалпоқ шеъриятида халқ оғзаки анъаналари” (2011), “Қорақалпоқ романларида бадий нутқ поэтикаси” (1980-2010 йй.) (2016), “Ёзувчивамаҳорат” (Г.Есемуратованинг ижодий лабораторияси ҳақида) (2020), “Қорақалпоғистон Республикаси ёзувчилари” (библиографик маълумотнома) (2011), “XX аср қорақалпоқ поэзијаси антологияси” I жилд (2018), Умумий таълим мактабларининг 9-синфлари учун “Адабиёт” (2019), 11-синфлар учун “Қорақалпоқ адабиёти” (2018), қасб-хунар коллежлари учун “Болалар адабиёти” (2012) монографиялари, илмий ва бадий тўпламлари, дарслеклари, республика ва хорижий журналларда, илмий-назарий анжуманларда мақола ва маъruzаларинашр қилинган. Шунингдек, З.У.Бекбергенованинг бадий адабиётда ҳам “Мангу қолган доқ” (Нукус, 1995) атамасидаги ҳикоялар тўплами чоп этилган.

З.У.Бекбергенова 2000 йилдан Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаси ёзувчилар уюшмаси аъзоси. У Қорақалпоғистон Республикаси ёзувчилар уюшмасида ташкиллаштирилардиган ижодий анжуман ва семинарларда фаол иштирок этиб, ўзбек, рус, қозоқ, қирғиз, туркман ва бошқа халқлар адабиётидаги етук ёзувчи ва шоирлар ижодиёти ҳақида кенг тушунчалар беради. Айниқса, ёш истеъдод эгаларига бадий савияси юқори асарлар яратиш сирларини ўргатиб, уларнинг ижодий маҳоратини оширишга катта хисса қўшиб келмоқда.

3.У.Бекбергенова Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ҳузиридаги DSc.03/30.12.2019.Fil.20.01 рақамли илмий кенгаш қошидаги 10.00.03 – Қорақалпоқ тили, 10.00.12 – Қорақалпоқ адабиёти ихтисослиги бўйича Илмий семинар ва-Илмий кенгаш аъзоси сифатида ҳам фаолият юритади.

3.У.Бекбергенова мунтазам равишда республика телерадиоси, матбуоти орқали қорақалпоқ филологиясининг долзарб масалаларини, адабий меъросларини вамиллий қадриятларни тарғиб қилиб келади.

3.У.Бекбергенова 2009 йили ЎзР ФА ҚҚ бўлимининг ташкил қилинганига 50 йил тўлиши муносабати билан “Фаҳрий ёрлик”, 2018 йили “Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими аълочиси”, 2019 йили “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси” кўкрак нишонлари билан тақдирланган.

3.У.Бекбергенова институтимизнинг бир нечта илмий ходимларига, тадқиқотчи ва изланувчан ёшларигаустозлик қилиб келмоқда. Ўнинг илмий раҳбарлигига 2020 йили тадқиқотчи Ш.У.Сайимбетов “ХХ аср иккинчи ярми қорақалпоқ поэмалирининг поэтик хусусиятлари (1955-1980 йй)” мавзусида филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясини ҳимоя қилган.

Ҳозирги пайтда З.Бекбергенова истеъододли ёзувчи-шоирларнинг ижодий лабораторияси бўйича тадқиқот ишларини юритмоқда.

76. БЕРДИЕВА ЗУҲРА ШУКУРОВНА- 1956 йилнинг 28 сентябрь санасида Сирдарё вилоятининг Гулистон туманида колхозчи оиласида дунёга келди.

1973 йили ўрта мактабни тугатиб, Самарқанд шаҳрида ўтказилган “Ёш техниклар” тўгараклари раҳбарларининг республика семинарида иштирок этди.

1974-1978 йиллари Тошкент Давлат маданият институтининг “Кутубхоначилик” факультетида таълим олди, 1978 йили “Саодат” журналида фаол қизлар қаторидашоира Ойдин

Ҳожиеванинг очерки нашр этилди. 1978 йилдан Маданият институтининг кутубхоначилик факультетида, Тошкент ахборот технологиялари университетининг “Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик” кафедрасида, педагогика коллекларида, малака ошириш институтлари ва факультетларида ўқиш маданияти, кутубхоначилик ишини ривожлантириш, жамият ривожида кутубхоналар ролини ошириш, аҳолига намунали ва сифатли ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш, библиографик фаолият масалалари, ахборотсаводхонлиги, китобхонлик фаолиятини ташкил этиш, ёшларни касб танлашга тайёрлаш, электрон каталогларга оид масалалар юзасидан машғулотлар ўтди. 35 дан ортиқуслубий, библиографик ва ўқув кўлланмалари, 97 та Халқаро, Республика миқёсидаги илмий анжуманлар тўпламларида, вақтли матбуотда кутубхоначилик иши, библиография иши масалаларига оид мақолалари нашрдан чиқди. Ўзбекистон ТВ ва радиосида маънавият, маърифат, мутолаа маданияти, китобхонлик фаолиятини ташкил этиш, одоб-аҳлоқ ва кутубхоначилик ишининг долзарб масалалари бўйича 40 дан ошиқ чиқишлиари мавжуд. У ҳақда 12 та мақола ва ТВ ҳамда радиода маҳсус кўрсатув ва эшилтиришлар берилди. “Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бобурийлар библиографияси” 2014 йили Бобур Халқаро жамғармасининг мукофоти билан тақдирланди.

1992-1999 йиллар Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг “Маданий-маърифий ишлар ва халқ ижодиёти” бошқармасида бош мутахассис, 2006-2007 йиллар Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тасаруфида 2006 йил 20 июнда Президентимиз томонидан қабул қилинган “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги қароридан сўнг барпо этилган Республика ахборот кутубхона марказида Бош кутубхончи лавозимларида фаолият юритди.

2017 йил Ўзбекистон Президенти томонидан қабул қилинган Фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида Республикани турли вилоятлари ва шаҳарларида болалар боғчала-

ри, маҳалла фуқаролар йиғинлари, ҳарбий қисмлар, коллежлар таркибида кутубхоналар ташкил этиш ва уларнинг фондини бойитишида амалий ёрдам берди ва китобхонлик фаолиятини ташкил этиш, мутолаа маданиятини шакллантириш масалалари бўйича тақдимот-маърузалар олиб борди. 2012 йили Ўрта Осиё “Турон” Фанлар академиясининг академиги унвони берилди. “Ўзбекистон республикаси Конституциясининг 25 йиллиги”, “2-даражали Меҳнат фахрийси”, “1-даражали Меҳнат фахрийси”, “Маърифат ва маънавият аълочиси”, “Ахборот-кутубхона аълочиси” кўкрак нишонларининг совриндори. Оиласиқ, 2 та фарзанднинг онаси.



Ҳозирги кунда асосий фаолияти билан бирга Тошкент ахборот технологиялари университетида битирувчи курс талабаларининг малакавий битирув ишларига илмий раҳбарликни олиб боради, Тошкент педагогика колледжининг “Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик” ҳамда “Ахборот-ресурс кутубхоначиси” бўлимларида кутубхонашунослик ва библиография фанларидан дарс олиб боради, битирув малакавий ишларга раҳбарлик қиласди.

У 32 та услубий, библиографик ўқув қўлланмалари ва дарслер, 79 та илмий мақолалар муаллифи. У 10 дан ортиқ ишларга муҳаррирлик қилган, у ҳақида 10 та мақола ва Ўзбекистон ТВ “Маҳалла” каналида “Обод маҳалланинг баҳтили оиласи”

номи билан кўрсатув намойиш қилингган. Ўрта-максус касб-хунар коллажлари учун тайёрлаган “Кутубхонашунсолик” ва “Библиография” ўқув кўлланмалари 4 марта қайта нашр этилди.

З.Бердиева 1999 йилдан бўён анъанавий тарзда ўтказилаётган “Central Asia” Халқаро илмий конференциясида маъruzalari билан, 2011 йилдан ташкилий қўмита аъзоси сифатида уни тайёрлаш ва ўтказиш жараёнида фаол иштирок этиб келмоқда. Анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган “INFOLIB”-Ахбаборот-кутубхона ҳафталигида ҳам ташкилий қўмита аъзоси сифатида, шу номли журналда таҳририят аъзоси сифатида фаолият юритади. Республика болалар кутубхонасидаанъанавий ўтказилаётган “XX1 асрда болалар китобхонлиги” илмий анжуманида ҳар йили маъruzalар билан иштирок этади.

Фанлар академияси Асосий кутубхонаси ҳақидаги хужжатли фильмни яратишда ва Давлат таълим стандартларини тайёрлашда экспер特 сифатида иштирок этган.

У хорижий мамлакатларнинг аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш соҳасидаги илғор тажрибаларини ўрганиш мақсадида ташкил этилган гурӯҳ таркибида 2014 йил Жанубий Корея, 2016 йил Германия давлатларида малака оширишда бўлиб қайтган.

З.Бердиева Халқаро Фанлар академияси ассоциацияси таркибидаги мамлакатлар билан ҳамкорликни ўрнатишда бора-сида 2012-2016 йиллари Минск ва Москвада, 2013 йил Томскда, 2016 йил Новосибирскда бўлган илмий анжуманларда (сиртдан) модератор, маъruzachi сифатида иштирок этган, 2016 йилдаги иштироки учун Новосибирск кутубхоначилик жамиятининг президенти томонидан Фаҳрий ёрлиқ билан тақдирланган.

**77. БЕРДИМУРАТОВА АЛИМА
КАРЛЫБАЕВНА – фалсафа фанлари
доктори, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат күрсатған фан
арбоби**



Бердимуратова Алима Карлыбаевна 1965 йил 23 науябрда Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрида дунёга келган. Олий маълумотли.

Алима Бердимуратова 1987 йил М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети тамомлаган.

У илк меҳнат фаолиятини 1987 йил Нукус давлат университетига ўқитувчи, 1989 йил М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг фалсафа факультетига умумий конкурсосида аспирантура, 1993 йил номзодлик диссертация ишини ҳимоя қилди. 1996-2000 йиллар Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг И.Мўминов номидаги фалсафа ва ҳукуқ институтининг “фалсафа ва фанлар методологияси” бўлимига докторантурага ўқишига кириб, 09.00.01- “Диалектика ва билиш назарияси” ихтинослиги бўйича таҳсил олган. 2000 йилнинг февраль ойида шу институтининг ихтинослашган илмий кенгашида “Философско-методологические проблемы современной экологической ситуации (на материалах Приаралья)” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Олима ривожланиш ва билиш назарияси, жамиятнинг экологик борлиги ва хавфсизлик фалсафасининг долзарб муаммолари юзасидан тадқиқотлар олиб бормоқда. У 2 та монография, 2 дарслік, 8 та ўқув-кўлланма, 10 та ўқув-методик қўлланмалар, 120 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифидир.

Унинг 1999 йил “Философско-методологический анализ экологического кризиса на пороге XXI века (на материалах Приаралья)” номли катта монографияси “Фан” нашриётида, Илмий ва оммавий мақолалари Республика миқёсидағи (“Общественные

науки вУзбекистане”, “Фан ва турмуш”, “Экологическое вестник”, “Экономика и статистика”, “Соғлом авлод учун”, “Фалсафа ва ҳуқуқ”, “Вестник ККОАНРУз” ва ҳамда хориждаги (“Философия и общество”, “Вестник Московского университета”, “Семиозис и культура”, “Сулеймановские чтения” ва бошқалар) илмий журналларда нашр этилган.

Алима Бердимуратова кафедра мудираси сифатида уч йўналиш бўйича (1-йўналиш: “Тараққиёт концепцияси: Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг фалсафий асоси сифатида”; 2-йўналиш: “Қорақалпоқ халқининг маънавий маданияти”; 3-йўналиш: “Фуқаролик жамият институтларининг шаклланиши ва ривожланиши”) илмий тадқиқот ишларига раҳбарлик қиласиди. Хорижий давлатлардаги илмий жамоатчилик ва таълим марказлари билан доимий алоқада бўлишга катта диққат-эътибор қаратади. Ўзининг бундай фаoliyatiни давлат структуралари ва халқаро ташкилотлар, фан ва таълимнинг мақсад-манбаатлари уйғунлигида олиб боришга фидоийлик билан ҳаракат қиласиди. Бу ҳамкорликдаги олиб борилган ишларнинг натижасида Будапештдаги Марказий Европа университети, Санкт-Петербургдаги Европа университети, Самарқанд ва Қорақалпоқ давлат университетларининг магистрлар учун ишлаб чиқарилган «Илмий тадқиқот ишлари амалиёти» мавзусидаги халқаро иннавоцион-таълим грантида масъул бажарувчи ҳамда ушбу маҳсус курсни ҚДУ магистратурасида амалиётга тадбиқ этишдаги жавобгар раҳбар сифатида иштирок этганлигини таъкидлаб айтиш мумкин. Шунингдек, Ўзбекистон Фанлар Академияси И.Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институтининг “фалсафа ва фанлар методологияси” бўлими билан биргаликда давлат гранти асосида (2000-2001-йиллар) “Ўзбекистон Республикаси барқорар ривожланишининг методологик муаммолари” деган мавзуда илмий тадқиқот ишларини олиб борган.

Унинг ОТ-Ф8. “Глобал хавфсизлик тизимида Ўзбекистон Республикаси экологик хавфсизлиги шаклланишининг фалсафий-методологик аспектлари” мавзусидаги фундаментал

тадқиқод лойҳаси (2007-2011 й.й.) ғолиб топилди ва мазкур йуналишда илмий тадқиқотларининг якуни сифатида «Глобал хафвсизлик тизимида Ўзбекистон Республикасининг экологик хавфсизлик ва цивилизацион ривожланиш йўли» монографияси яратилди.

У ҳалқаро (*Москва, Бишкеқ, Тюмень, Тобольск, Сыктывкар*) ва республика миқёсидаги (Нукус, Урганч, Тошкент, Самарқанд, Андижон, Хива,) ўтказилган илмий-назарий, илмий-амалий конференция, ҳалқаро семинар-тренингларда ўз маъruzалари билан фаол қатнашиб келмоқда. Алима Бердимуратова “Қорақалпоғистон Республикасининг Олий ўкув юртлари учун ижтимоий-гуманитар фанлардан қорақалпоқ тилида электрон-китоб форматдаги қўлланмаларни яратиш” мавзусидаги ҳалқаро ташкилотларнинг грантлари асосида А.Бердимуратованинг раҳбарлигида ва иштирокида Қорақалпоғистон Республикасида биринчи маротаба қорақалпоқ тилида “Фалсафа”, “Ахлоқшунослик”, “Нафосатшунослик”, “Мантиқ” фанларини ўз қамровига олган “Фалсафа ва ҳозирги замон долзарб муаммолари” номли электрон дарслиги яратилди.

Олима таълим сифатини ошириш ва янги ахборот технологияларини қўллаш ҳамда янги авлод адабиётини яратишга қўйилган талаблар асосида социал-гуманитар фанлар бўйича ўкув қўлланмаларнинг қорақалпоқ тилида нашр этилишида алоҳида жонбозлик қилмоқда. Шахсан унинг ўз муаллифлигида биринчи марта қорақалпоқ тилида “Логика” ўкув-қўлланмаси (Нукус, “Билим”, 76.т. 2004), “Фалсафа” (18,5 б.т., 2010), “Логика” (10 б.т., 2012), “Эстетика” (7 б.т., 2010), “Экологиялық қэйипсизлик философиясы” (10 б.т., 2012), “Илимий дөретиўшилик методологиясы” (7 б.т., 2007) номли дарслик ва ўкув-қўлланмалари яратилди.

78.ГУЛАМОВА ДИЛБАРА ЃЖУРАЕВНА – кимё фанлари доктори «Шуҳрат» медали (2003) билан мукофотланган. Меҳнат стажи 52 йил. Мазкур лавозимда 1993 йилдан фаолият кўрсатмоқда. Кимё фанлари доктори, профессор. Асосий илмий фаоли-

яти электр ўтказувчи керамика, мураккаб оксид тизимларига Қуёш нурларининг таъсири ва улардаги синтез жараёнларини ўрганиш, юқори температурали ўта ўтказувчан материаллар олишга бағишенгандан. У Қуёш нурлари таъсирида оксидлар тизимида мужассамланган нуқсонли тузилмаларнинг ўзига хос шаклланишини аниқлаган, маҳсус керамик материаллар ва юқори температурали ўта ўтказувчан материалларни синтез қилиш технологиясини ишлаб чиққан. Унинг 110 дан ортиқ илмий мақолалари, жумладан уларнинг 50 ортиғи хорижий давлатларнинг нуфузли журналларида чоп этилган. У 20 ортиқ муаллифлик гувоҳномасига эга.

Унинг раҳбарлигидав тағен номзоди тайёрлангандар. Олинган илмий натижалар асосида космик учув аппаратларининг кўзатув силжиш тизимида фойдаланиш учун синдириш коэффициенти “икки”дан юқори бўлган ноёб ер элементларидан маҳсус титанат керамик материал олишни илмий асослаган. Ушбу материалдан қуёш нурларининг ўтишида электронларнинг валентли уйғонишига таъсир этиши ўрганилган. Ўтиш ҳарорати T_c 150 К дан юқори бўлган ҳолатда ўта ўтказувчан материаллар олиш ва уларнинг турғунлик ҳолатини сақлаб қолишнинг синтез технологияси ишланмаси тайёрланди. Дунё миқёсида Витаркибли ўта ўтказувчан материаллар олиш соҳаси ўта аҳамиятга эга бўлганлиги туфайли, ушбу материалларни Қуёш нурлари таъсирида олиш технологияси муҳим аҳамитга эга.

Д.Гуламоватомонидан катта Қуёш сандонидаберилган хусусиятларга эга бўлган материалларни синтез қилиш технологияси ишлаб чиқилган. Натижада, олинган материалларни микроэлектроника ва энергетикада истиқболли контактлар олишмақсадида ишлатилиши мўлжалланмоқда. Унинг қуёш нурлари таъсири натижасида олинган ўта ўтказувчан материаллари абразив ускуналаролиши ва яратишда қўлланилмоқда. Ўзбекистон Республикаси ОАК эксперталари гуруҳи аъзоси, илмий салоҳиятга эга, талабчан ва ходимлар ўртасида обрў-эътиборга сазовор бўлган.



79. ГУЛЯМОВА ТАШХАН ГАФУРОВНА – биология фанлари доктори

Мукофотланмаган. Меҳнат стажи 48 йил, мазкур вазифада 2017 йилдан ишлатмоқда. Биология фанлари доктори, профессор.

Т.Гулямованинг асосий илмий йўналишлари микроорганизмларнинг метаболизмини тартибга солиш ва микроскопик замбуруғларда физиологик фаол бирикмаларнинг микробиал синтезининг ўзига хос хусусиятлари ўрганишга бағишиланган.

У фундаментал ва амалий тадқиқотлар илмий-техника дастурлари доирасидаги бир катор илмий лойихаларга раҳбарлик қилиб келмоқда. 2005-2011 йилларда унинг раҳбарлигида халқаро STCU лойиҳалари амалга оширилди.

Ҳозирги кунда унинг илмий изланишлари Ўзбекистон доривор ўсимликларнинг микробиомининг ҳилма-ҳиллига ва унинг биотехнологик салоҳиятнини ilk бор ўрганиш билан боғланган. Ушбу илмий изланиш фундаментал ва амалий нуқтаи назардан янги бўлиб, маҳаллий эндофит микроорганизмлари бир катор биофаол моддалар янги манбаи эканлигини кўрсатмоқда.

У 200 дан ортиқ илмий мақолалар, 7 та ихтиро патент муаллифи. Унинг халқаро рейтинги – Хирш индекси Google Scholar халқаро маълумотлар базасига кўра 3 га teng.

Унинг раҳбарлигидаги 2 нафар доктор ва 8 нафар фан номзоди, тайёрланган, ҳозирги кунда 3 нафар изланувчининг илмий ишига раҳбарлик қилмоқда. Шу жумладан, Олий ўқув юртлариининг 10 та магистри ва 6 та бакалаврларини тайёрлаган.

Қатор йиллар давомида Микробиология институтида «03.00.04 - Микробиология ва вирусология», «03.00.12-Биотехнология» мутахассислиги бўйича докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослашган Кенгаш аъзоси бўлган. 2006-2012 йилларда биология фанига ихтисослашган ОАК

эксперт Кенгаши аъзоси. Ҳозирги кунда Миллий университет қошидаги докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш илмий Кенгашида илмий семинар раиси.

У Россия, Швейцария, АҚШ, Япония, Англия ва Канада қабибир қатор давлатларда бўлиб ўтган халқаро микробиологик Конгресс ва конференцияларда штирок этган.

Т.Гулямова Ўзбекистонда биотехнология фанининг ривожланишида фаол иштирок этиб, намуна кўрсатаётган йирик олимлардан биридир.

У мазкур даргоҳда ишлашида ўзининг меҳнатсеварлиги, хушфъеллиги, самимилиги билан жамоа ўртасида эътиборга сазовор бўлган.

80.ЁДГОРОВА ДИЛБАРА МУСТАФАЕВНА – техникафандари доктори Мукофотланмаган. Умумий меҳнат стажи 37 йил. Мазкур лавозимда 2013 йилдан буён ишлаб келмоқда. Техника фандари доктори. Яримўтказгичли кўпқатламли эпитаксиал структуралар ва улар асосидаги фотосезгир асбоблар физикаси ва технологияси бўйича етук мутахассис. У кўп қатламли фотосезгир тузилмаларда ёруғлик ва иссиқлик таъсирида содир бўладиган физик ҳодисаларни очиб берди ва уларнинг функционал хусусиятларини кенгайтириш услубларини ишлаб чиқкан. У илк бор тўйинган қотишма-эритмаларни капилляр ўра орқали ўзаро аралаштириш йўли билан ўстирилаётган эпитаксиал қатламларда киришмаларнинг тақсимот функцияларини аниқ бошқариш имкони берувчи янги технология яратди ва фотосезгирлиги, ҳамда кучайтириш коэффициенти 10 баробар юқори бўлган янги конструкциядаги майдоний транзисторлар таклиф қилди. Энергия тежамкор режимда ишловчи майдоний транзисторлар асосида «Кичик токлар генератори» қурилмаси ишлаб чиқилиб, «FOTON» Акциядорлик жамиятида ишлаб чиқаришга жорий этилган. Шу билан бирга майдоний транзисторларда ток ўтиш жараёнларининг механизмларини таҳлил қилиб, уларнинг уланиш схемаларини турли режимларда мукаммаллаштируди, синхрон модуля-

цияланадиган каналларга эга икки-транзисторли схема асосида түрт чиқиши унiversal микросхема таклиф қилди, технологик жиҳозларнинг уланиш-узилишини масофадан бошқарувчи оптоэлектрон калит, ҳамда яrimўтказгичли ёруғлик тарқатувчи асбобларнинг ишлаш муддатини оширишга имкон берувчи оптик сигналлар модуляторини яратди. У ўз илмий изланишлари давомида кўп қатламли галлий арсенидли структураларда ток ўтиш жараёнларини тадқиқ этди, ҳамда фотосезгирилиги ўта юқори, ҳона ҳароратида инфрақизил тўлқинларга сезгир бўлган, кичик кучланишларда ҳам ишловчи янги яrimўтказгичли структураларни биринчи бор олиш имконига эришди.

Д.Ёдгорова умумий миқдори 200 000 АҚШ долларига тенг бўлган 2002-2004 йиллардаги Uzb-56(J) "InGaAs-GaAs ва AlGaAs-GaAs гетероэпитаксиал ўтишли микрорельефли фотоўзгартгичларни ишлаб чиқиш ва уларни тадқиқот қилиш" халқаро лойиҳасининг асосий ижрочиларидан бири бўлган, ҳамда кўпқатламли галлий арсенидли тузилмалар сиртида морфологик нотекисликлар ҳосил қилиш технологияларини ишлаб чиққан ва ушбу технологиялар асосида фотовольтаик асбобларнинг янги авлодларини яратган.

У 250 дан зиёд илмий маколалар ва 14 патент муаллифи. Илмий мақолаларнинг 100 дан ортиғи АҚШда "Pleiades Publishing" ва "Allerton Press" нашриётлари томонидан, "Semiconductors", "Applied Solar Energy", "Journal of Engineering Physics and Thermophysics", "Radioelectronics and Communications systems", "Journal Semiconductor Physics Quantum Electronics Optoelectronics" журналларида чоп этилган. Илмий натижаларининг асосий қисми «14th International Young Scientists Conference: Problems of Optics and High Technology Material Science» (Kyiv, 2013); «Микроэлектронные преобразователи и приборы на их основе» (Баку-Сумгайит, 2005); «World Climate & Energy Event» (Braziliya, 2005); «19th European PV Solar Energy Conference and Exhibition» (Paris, 2004); «20th European PV Solar Energy Conference» (Barselona, 2005) халқаро илмий анжуманларда маъзуза қилинган.

Унинг илмий раҳбарлигига З та номзодлик, 10 дан ортиқ бакалавр ва магистрлик диссертациялари ҳимоя қилинган. Д. Ёдгорова етук мутахассис сифатида жамоатчилик орасида эътиборга сазовор бўлган.



81. ЗИЯЕВА ДОНО ҲАМИДОВНА

- тарих фанлари доктори, профессор(1961-2021) - Тарих фанлари доктори, профессор. Тошкент шаҳрида тарихчи олим Ҳамид Зиёев хонадонида дунёга келган.

1983 йилда Низомий номли Тошкент давлат Педагогика институтининг тарих факультетини тамомлаб, шу йил Фанлар академияси Тарих институтида кичик илмий ходим сифатида иш бошлаган.

1998-2020 йилларда Тарих институти бўлим мудири, 2000-2005 йилларда илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, 2020 йил 1 июлдан “Ўзбекистоннинг янги давр тарихи” бўлимида бош илмий ходим сифатида ишлаб келган.

Доно Зияева “Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқотлар усуллари” ихтисослиги бўйича 1990 йилда “Туркистанда халқ ҳалқ ҳаракатлари тарихшунослиги (XIX аср охири – XX аср бошлари)” мавзусида номзодлик, 1999 йилда “Туркистондаги миллий-озодлик ҳаракатлари XX аср тарихшунослигига (1916-1924 йиллар)” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Доно Зияева Ўзбекистоннинг XIX – XX асрлар тарихи, тарихшунослиги ва манбашунослиги бўйича илмий изланишлар олиб бориб, қўплаб фундаментал, амалий ва инновация лойиҳалар доирасида иш олиб борган. Лойиҳалар натижасида унинг маъсул муҳаррирлиги ва иштирокида ўнлаб монографиялар чоп

этилган, ўқув қўлланмалари ва музей экспозициялари тайёрланниб, амалиётга татбиқ этилган.

Ўз изланишлари доирасида “Туркистонда миллий озодлик ҳаракатлари XX аср тарихшунослигига” (2001), “Босмачилик: ҳақиқат ва уйдирма” (2002), “Ўзбекистон шаҳарлари XIX аср охири – XX аср бошларида”(2014, 2017), “Тошкент дарвозалари” (2021) каби муаллифлик асарларини яратиб, чоп этган. Шунингдек, 15 дан ортиқ монография ва рисолалардаҳаммуаллифдир.

Доно Зияева ўз илмий мактаби доирасида Ўзбекистоннинг XIX – XX асрлар тарихи ва тарихшунослиги, хусусан, Ватанимиз тарихига оид хорижий тарихшунослик(инглиз, немис, француз, турк, корейс тилларидағи тадқиқотлар) таҳлили, тарихий манбашунослик (архив манбашунослиги ва даврий матбуот), тарихий ва замонавий шаҳар маданијати, илм-фан тарихи, қатағон сиёсати, ташқи алоқалар, вақф мулкчилиги, савдо йўллари ва муносабатлари, суд тарихикаби йўналишларда мутахассислартайёрлади.

Бугунга қадар унинг илмий раҳбарлигига жами 30 та номзодлик ва докторликдиссертациялари (4 таси фан докторлари) муваффақиятли ҳимоя қилинган. Олиманинг шогирдлари нафақат республикада, шунингдек Жанубий Корея, Қозоғистон, Туркия Олий ўқув юртлари ва илмий мусассасаларида фаолият юритадилар.

Тарих фанининг йирик дарғаларидан бири бўлган серқирира ижодкор Доно Зиёева 2021 йилнинг август ойида вафот этди.

82. ИБРАГИМОВА ЭЛВИРА МЕМЕТОВНА – физика-математика фанлари доктори

Мукофотланмаган. Мехнат стажи 47 йил, мазкур вазифада 2018 йилдан ишламоқда. Физика-математика фанлари доктори. Унинг илмий тадқиқотлари материалшунослик ва қаттиқ жисмлар радиацион физикаси ҳамда наноўлчамлар структурасига бағишиланган. Республикада лазер материаллари ва юқори ҳароратли ўткизишларнинг радиацион физикасини йўна-

лишини йўлга қўйиш ва ривожлантиришда хизматлари катта. Терморадиацион ишлов натижасида юқори ҳароратли ўта-ўт-казгичларнинг критик токининг қийматини 10 баравар ошириш, лазер материалларида чизиқли бўлмаган ҳоссаларини радиация ёрдамида уйғунлаштириш билан лазер нурларини каррали ортириш ва барқарорлигини бир неча мартараб узайтириш мумкинлиги каби илмий ишлар жаҳон миқёсида тан олинган. Э.Ибрагимова Илғор технологиялар марказида замонавий илмий-техникавий комплекс ташкил қилган, радиация таъсирида диэлектриклар ва кенг зонали яримўтказгичларда наноўлчамли структура ҳосил қилишнинг эксприментал усулини яратган ва уларнинг муҳим ҳоссаларини комплекс текширган ҳамда қимматбаҳо тошларни радиацион технологиялар ёрдамида нодирлаштирган ва тижоратлаштирган. У 200 га яқин илмий мақолалар (88 таси ҳорижда) муаллифи. Қатор йиллар давомида 4 та фундаметал, 3 та амалий тадқиқотлар ва 2 та ҳалқаро лойиҳаларга раҳбарлик қилган. Ҳозирги кунда “Металл ва диэлектрикларда лазер ёрдамида микро тешикли элаклар тайёрлашусулларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиҳага (2018-2020 йй.) раҳбарлик қилмоқда. Э.Ибрагимова 80 дан ортиқ ҳалқаро илмий анжуманларда иштирок этган. “Modern Problems of Nuclear Physics”, “Nuclear Science and its application”, “Радиационная физика металлов и сплавов” ҳалқаро илмий анжуманларнинг ташкилий қўмитаси аъзоси ҳисобланади. Унинг раҳбарлигига 3 та номзодлик, 11 та магистрлик диссертациялари ҳимоя қилинган. Ҳозирги кунда 2 та базавий докторантларга илмий раҳбарлик, 2 та докторантларга ва 1 та мустақил изланувчига илмий маслаҳатчилик қилмоқда. 1996-1999 йиллар давомида Тошкент шаҳар “International House” ва физика-математика лицейларида инглиз тилида физика ва астрономия бўйича катта ўқитувчи сифатида ёш кадрларни тайёрлашда иштирок этган, 1992 йилдан бошлиб Ўзбекистон аэрокосмик мактабининг астрономия ва космик материалшунослик бўйича катта ўқитувчи сифати-

да ёш техник кадрларни тайёрлашда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. У 1990 йилдан Россия Фанлар академияси қаттиқ жисмлар физикаси кенгашининг, 1994 йилдан материалшунослик ва 2018 йилдан оптиклар Ҳалқаро жамиятларининг аъзосидир. У институт ходимлари ўртасида катта обрў-этиборга эга.



83. ИСМАИЛОВА ЖАННАТ ҲАМИДОВНА

- тарих фанлари доктори, профессор

1959 йил 14 октябрда Тошкент шаҳрида туғилган. 1980 йилда Тошкент давлат Педагогика университети, тарих факультетини битирган..

Ж.Х.Исмоилова ўзининг илмий фолияти давомида шахарлар тарихи, ўзбек халқининг турмуш тарзи ва урф-одатлари, маданияти, таълим тизими, медицина, матбуот тарихи, музейшунослик асослари йўналишлари каби кўп қиррали илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда. У нафақатгина тарихшунос, балки музейшуносликнинг илмий-тадқиқот йўналишига асос солган илк музейшунос олима ҳисобланади.

1988 йилда «Тошкент шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий хаёти (XIX аср 2 ярми-XX аср боши)» мавзусида номзодлик, 2002 йилда «Фарғонада миллий-озодлик курашлари» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Нашрдан чиқсан умумий илмий ишларининг сони 200 га яқин монография, дарслік, рисола, мақола, ўқув қўлланма ва альбомлар муаллифи.

Тарихчи олима ва профессионал музейшунос сифатида ўзбек халқининг бой меросини тарғиб ва ташвиқ этишда фаол иштирок этиб келмоқда.

Музейда ва хорижда ташкил этилган 100 дан ортиқ кўргазмалари, илмий анжуманлар ва тадбирларда ёшларда миллий онг ва маънавиятни бойитишда муҳим роль йўнайди. У республика миқёсидаги жамоат ишларида, Ўзбекистон шахарларининг юби-

лейлари, жумладан, Хоразм Маъмун Академиясининг 1000 йиллиги, Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги, Марғilon шаҳрининг 2000 йиллиги ва Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейлари каби илмий-амалий конференциялар, семинарлар, музейлар ва тадбирларни ташкил этишда фаол иштирок этган. Ўзбекистон тарихи давлат музейининг янги экспозицияси, унинг структура, концепциясини ва экспозициясини яратган муаллифлардан бири ҳисобланади. Унинг иштирокида республикамиизда кўплаб музейлар ташкил этилди ва экспозициялар қайта реконструкция қилинди. Жумладан, Темурийлар тарихи давлат музейи (1996), Қатағон қурбонлари хотираси музейи (2002, 2008), Ўзбекистон тарихи давлат музейи(2003, 2015), Қарши ўлкашунослик музейи(2007), Хоразм Маъмун Академияси музейи (2008), Марғilon шаҳри тарихи музейи, Қуролли кучлар тарихи музейи(2011), Зомин ўлкашунослик музейлари(2013), Зилзила тарихи (2015), Политехника (2015) Ички ишлар идоралари тарихи музейи (2016-2018), Имом Бухорий халқаро илмий марказ қошидаги музей (2018), Ислом цивилизацияси маркази қошидаги музей (2017-2022), Абу Муйин Насафий мажмуаси (2020)каби 30 дан ошиқ музейларни ташкил этиш ва экспозициясини яратишда тарихчи олимга ва профессионал музейшунос сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. 2020 йилда Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан барпо этилган Фалаба боғи, Шон-шуҳрат музейи ҳамда Тошкент музейи концепциясини шакллантириш, экспозициясини яратиш ҳамда илмий-маърифий фаолиятини йўлга қўйишда асосий иштирокчилардан бири ҳисобланади. Музей раҳбари сифатида музейни нафақатгина Ўзбекистон миқёсида, балки жаҳоннинг машҳур музейлари билан ҳамкорлик қилиш, ўзаро кўргазмалар ташкил этиш, ёш музейшуносларни хориждаги музейларда ма-лакасини ошириш учун кенг имкониятлар яратиб берди. Унинг раҳбарлигига АҚШ, Германия, Франция, Япония, Корея, Хитой, Россия, Ҳиндистон, Озарбайжон, Ўмон, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон каби давлатлардаги машҳур музейлар билан ҳалқа-ро маданий алоқалар ўрнатилди.

Замонавий лойихалар асосида музей доимий юксалишда бўлиб, унинг муаллифлигига Ўзбекистонда биринчи марта Болалар музейига (2011 й) асос солинди. Ушбу музей ҳозирда кичик ёшдаги болаларни (4-14 ёшгача) дунёқарашини бойитиш ва ватанпарварлик ҳиссини шакллантиришда мухим тарбиявий марказ сифатида фаолият юритиб келмоқда.

У ўзининг илмий фаолияти давомида теран билимдонлиги, мустақил тафакурга асосланган янгича дунёқараши билан ёшларга ўрнак бўла олишини намоён қила олган олимадир. Ж.Исмоилова рахбарлигига ташкил этилаётган маънавий-маърифий ва маданий тадбирлар аждодларимиз меросларини асрash ва кейинги авлодга етказиш, шунингдек, ёшларга миллий истиқлол ғояларини сингдириш, уларда ватанпарварлик ҳиссини шакллантиришда мухим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ж.Х.Исмоиловани кўп йиллик тажрибаси ва музейшунослик йўналишидаги олиб борган фидокорона меҳнатини инобатга олган холда:

- 2010 йилда “Йилнинг энг фаол музей ходими”,
- 2011 йилда “Йилнинг энг яхши музей”,
- 2015 йилда “Йилнинг энг фаол музей раҳбари” номинациялари ғолиби бўлди.
- 2017 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” унвони билан тақдирланди.
- 2020 йилда МДХ халқлари ўртасидаги дўстликни мустахкамлашга муносиб ҳисса қўшганлиги учун “Маданият ва санъатни ривожлантиришдаги хизматлари учун” фахрий нишони;
- 2021 йилда “Мехнат фахрийси” кўкрак нишони билан мукофотланди.

У нафақатгина тарихчи олима, балки музейшуносликнинг илмий-тадқиқот йўналишига асос солган илк музейшунос олима ҳисобланади. Шу давр мобайнида Ж.Х.Исмоилова Ўзбекистонда музей, музей иши, музейшунослик ва музей педагогикаси соҳасида ўзига ҳос мактаб яратди. Ўзбекистон музейшунослигининг мухим йўналишлари бўйича 20 дан ортиқ монографиялар, дарсліклар, ўкув қўлланмалар ва мақолалар чоп этди.

Бундан ташқари Ж.Х.Исмаилова 10 дан ортиқ диссертанттарга илмий раҳбар ва маслаҳатчи бўлган ҳолда уларни тарих ва музейшунослик бўйича фан номзоди, PhD ва DSc бўйича илмий даражалар олишига катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Музейлар ҳаётида илк бор айнан Ўзбекистон тарихи давлат музейи қошида 2020 йилдан бошлаб музейшунослик ихтисослиги бўйича илмий кенгаш, маданият ва тарих соҳасидаги барча музейлар фаолиятини илмий-тадқиқот ва методик жиҳатдан мувофиқлаштириш бўйича Илмий-методик кенгаш тузилишининг ташаббускори ҳамдир.

К.Беҳзод номидаги Миллий Рассомчилик ва дизайн институти профессори сифатида 15 йилдан бери магистрларга таълим беради.

Ж.Исмоилова ўз фаолияти жараёнида

- ЎзР ФАНИНГ Тарих институтининг мувофиқлаштирувчи Кенгаши раиси ўринбосари;

- Ўзбекистон Миллий Университети ихтисослаштирилган кенгаши аъзоси;

- Фан ва Технологиялар Қўмитаси экспертиза бўлими мутахассиси сифатида кўплаб илмий-тадқиқотлар химояси ва лойиҳалар танловида фаол иштирок этган.

Ҳозирда эса,

- Ўзбекистон тарихи давлат музейи ихтисослашган кенгаш раиси,

- Тарих институти қошидаги илмий семинар аъзоси,

- Миллий университет тарих факультети қошидаги илмий семинар аъзоси,

- К.Беҳзод номидаги Миллий Рассомчилик ва дизайн институт профессори.

- “Ўзбекистон-Озарбайжон”, “Ўзбекистон-Бельгия”, Ўзбекистон-АҚШ дўстлик жамияти аъзоси;

- Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Хотин-қизлар қўмитаси раиси сифатида ҳам фаолият юритмоқда.



84. ИШАНХОЖАЕВА ЗАМИРА РАЙИМОВНА – тарих фанлари доктори

Ишанходжаева Замира Райимовна 1956 йил 8 январь куни Сирдарё вилоятида хизматчи оиласида туғилган.

Ишанходжаева Замира Райимовна 1977 йил ТошДУ тарих факультетининг тарих ва жамиятшунослик ўқитувчisi мутахассислиги бўйича тамомлаб, педагогик фаолиятини университетнинг “Ўзбекистон тарихи” кафедрасида катта лаборант сифатида бошлади. 1986 йилдан

ҳозирги кунгача Тарих факультетида ўқитувчи, катта ўқитувчи, кафедра доценти, факультет декани, кафедра мудири кафедра профессорилавозимида фаолият олиб боради.

1997 йилдан бўён тарих фанлари номзоди. Диссертация ишини 1997 йил 4 декабрда Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти хузуридаги Д.015.09.01 рақамли Ихтисослашган Кенгашда «Участие Узбекистана в освоении нечерноземной зоны Российской Федерации (1975-1985 гг.)» мавзусида 07.00.02 - Ватан тарихи ихтисослиги бўйича ҳимоя қилган.

2012 йилда тарих фанлари доктори диссертацияси ишини «Репрессивная политика советской власти и её воздействие на культурную жизнь Узбекистана (1925-1955 гг.)» мавзусида 07.00.01 – “Ўзбекистон тарихи” ихтисослиги бўйича ҳимоя қилган.

З.Р. Ишанходжаева ўзининг педагогик ҳамда илмий-тадқиқотчилик фаолияти даврида виждонли, маъбулиятли, ўзига ва талабаларга нисбатан талабчан ўқитувчи сифатида кўрсата олди. Ўз касбий вазифаларини амалга оширишда ижодий ёндашиш, мунтазам равишда ўз устида ишлаш унга хос бўлган муҳим фазилатлардандир. Шу боисдан ҳамкасаблари ва талабалар ҳурматига сазовор бўлди. У 160 дан ортиқ илмий-услубий ишлар муаллифи. Шу жумладан 3 монография, 2 та услубий қўлланма, 7 та ўқув дастурлар муаллифи.

3.Р.Ишанходжаева факультет ўқув жараёнини услубий жиҳатдан таъминлашда иштирок этиб келмоқда. У 2000 йилдан бошлаб 5120300 - Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича), 5A120301-Ўзбекистон тарихи, магистратура мутахассислиги учун **малака талабларини ҳамда бакалавр таълим йўналишлари ва** магистратура мутахассислигининг Давлат таълим стандартлари ва малака талабларини тайёрлашда иштирок этган.

Ўз педагогик тажрибалари асосида ва таълим жараёнини ташкил қилишда замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда 5120300 - Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича) бакалавриат таълим йўналиши учун ишлаб чиқилган «Ўзбекистон тарихи», «Шарқ алломаларини илмий мероси», «Ўзбекистон маданияти ва санъати тарихи», «Тарих фанидаги инновациялар: технологиялар, моделлар, методлар» бакалавриат учун ва «Илмий таддикот методологияси» магистратура учун кафедраларо фан, «Ўзбекистон мустамлака ва совет мустабид тузуми шароитида» (5A120301-Ўзбекистон тарихи магистратура мутахассислиги учун) фанларидан ўқув фан дастурлари ва ишчи ўқув дастурлар, мазкур фанлар бўйича ўқув-услубий мажмуа яратиб келмоқда.

3.Р. Ишанходжаева ўқув ишлари билан баробар тарбивий ишларни хам олиб бормоқда. Буларни қаторида Ўзбекистон хотин-қизлар “Олима” уюшмаси раисининг ўринбосари сифатида республика вилоятларида фаолият кўрсатаётган олима-аёлларни қўллаб қувватлашда, уларни иқтидорини ва илмий ютугларни таргибот қилишда ва жаҳон илмий жамоатчилигига таништириш борасида жонбозлик кўрсатиб келмоқда. Шу билан бир қаторда 2020 йили май ойида Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги томонидан “Ёш авлодни харбий ватанпарварлик рухида тарбиялашдаги фаол иштирки учун” кукрак нишони билан тақдирланди ва 2021 йили 20 май куни Тошкент шахар хокимияти томонидан Махаллада “Маърифатли аёл” деб эътироф этилди. Табиати бўйича меҳрибон, жонкуяр, иродали, ташаббускор, ҳаракатчан бўлганлиги сабабли у ҳар доим одамларни ўзига мойил қила олади. Унда фикрдошлар жамоасини тузса олишга қобилияти бор ва

уларни мамлакатимизнинг илғор олий маскани олдида турган масалаларни ечишга сафарбар қила олиши мумкин.

Ишанходжаева З.Р. Республика илмий жамоатчилиги ва ўз касбдошлари орасида ўз ўрнига эга, университет ва кафедра ишларида фаол қатнашибдоимий равищаилмий салоҳиятини ошириб келмоқда.

Оилали, уч фарзанди,, саккизта набираси бор.

85. КАДИРОВА ЗУЛАЙХА РАЙМОВНА – кимё фанлари доктори Умумий меҳнат стажи 40 йил. Мазқур вазифада 2003 йилдан ишламоқда. Кимё фанлари доктори, профессор. Кимёвий технология соҳасида етук мутахассис.

Унинг илмий ишлари силикатлар ва қийин эрийдиган нометалл материалларнинг кимёси ва кимёвий технологиясига бағишиланган. Керамика, шиша, оловбардош ва боғловчи материаллар физикавий кимёсининг назарий асослари ишлаб чиқиш билан бирга маҳаллий хом ашёлар ва саноат чиқиндилари фойдаланиб, қурилиш керамикаси, хўжалик чинниси, боғловчи, оловбардош материалларнинг самарадор таркиблари ва уларни олиш технологиялари яратилган ва ишлаб чиқаришга таклиф этилган. Шунингдек у ўз шогирдлари билан ушбу материаллар олишнинг инновацион технологияларини яратиш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бормоқда.

Унинг фундаментал тадқиқотлари асосида силикат ва юқори ҳароратда эрийдиган поликомпонент оксид бирикмаларининг юқори ҳароратлардаги ўзаро таъсирлари натижасида юзага келган фазавий ўтишлар, янги кимёвий бирикмалар ҳосил бўлиш жараёнларининг илмий асослари яратилди ва олинган натижалари «Алюминаты и галлаты щелочноземельных металлов» номли илмиймонографиясида чоп этилган бўлиб, ҳозирги кунгача амалий тадқиқотлар бажариш чоғида доимий қўлланма бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Россия давлат Оптика институти билан ҳамкорликда шаффоф керамика олиш бўйича давлатлараро Гранти асосида Ре-

спубликада ягона иштирокчи сифатида илмий-тадқиқот ишларини бажарган.

З.Қодирова физикавий-кимёнинг замонавий услублари ёрдамида маҳаллий хом ашёларни комплекс таҳлил этиб, улардан хўжалик чинниси, керамика, оловбардош, цемент ва бошқа турдаги қурилиш материалларининг янги самарадор таркибларини ва ишлаб чиқариш технологияларини яратиш билан четдан валюта ҳисобига келтириладиган айрим хом ашё ва материалларни иқтисод қилинишини кўрсатиб берди. Жумладан, Ангрен, Султан-Увайс каолинлари ва бошқа маҳаллий хом ашёлар асосида хўжалик чинниси, Хўжакўл кони каолинит- кварц қумли дала шпати асосида керамик кошин, сув омборларининг чўкинди - гилсимон илларидан совуққа чидамли юқори сифатли қурилиш ғиши, Кўйтош кварцити, Жарданоқ кварцити, аргиллитли гилтупроғи, Арватен ва Кутчи кони серпентинитлари ҳамда саноат чиқиндилари асосида оловбардош материалларнинг, жумладан динасли, шамотли, юқори глиноземли, магнезиалли турларининг янги самарадор таркиблари ва олиш технологиялари ишлаб чиқилди. Олиб борилган саноат-тажриба синовлари, текширилган маҳаллий хом ашёларни хориждан келтирилаётган хом ашёлардан қолишибаслигини улар асосида ишлаб чиқилган таркибларнинг қўйилган талабларга мос келишлиги, импорт ўрнини босувчи материаллар олиш мумкинлиги, кутилаётган иқтисодий самарадорликлари аниқланди ва ишлаб чиқаришга тавсия этилди.

У 300 дан ортиқ илмий ишлар (улардан 75 таси хорижда, 260 таси мустақиллик йилларида), 4 та патент, 1 монография муаллифи.

З.Қодирова анъанавий ўтказиб келинаётган «Инновацион ғоя, лойиҳа ва технологиялар» Республика I-VIII ярмаркаларининг фаол иштирокчисидир. Унинг раҳбарлигигида «Узметкомбинат» АЖ, «Бекабод-огнеупор» Қўшма корхонаси, ҳамда бир неча ғишт ишлаб чиқариш корхоналари билан оловбардош ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришининг инновацион тех-

нологияларини яратиш бўйича бир қатор хўжалик шартномалари бажариляпти.

Унинг раҳбарлигидаги 8 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган. Ҳозирги кунда 3 та докторлик диссертацияларига илмий маслаҳатчилик қилиб келмоқда. У ўзининг илмий фаолиятини педагогик фаолият билан биргаликда олиб бориб, ўриндошлиқ асосида Тошкент архитектура-қурилиш ва К.Бекзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институтларида кафедра профессори вазифаларида фаолият кўрсатмоқда.

У ташаббускорлиги, ташкилотчилиги ва принципиаллиги билан ажralиб туради. Илмий жамотчилик ўртасида хурматга сазовор бўлган.



86. КАРИМОВА НИГОРА ФАНИЕВНА – санъатшунос

1964 йилда зиёли оиласида дунёга келди. Болалигидан санъат оламининг ичидаги улғайди. Ўз даврининг таниқли киноташкилотчиси, киноарбоби бўлган отаси Фани Расуловнинг

ижодий жараёнлардаги иштироки Нигораҳоннинг ҳам шу сеҳрли олам ичидаги бўлишига, ўз даврининг машҳур кино ижодкорларини яқиндан билишига олиб келди. Шу сабабли, мактабни аъло баҳоларга тугаллаб, ҳозирги Ўзбекистон Миллий Университетининг Журналистика факультетига ўқишига кирди.

Талабалик даврларида ҳам кино санъати билан боғлиқ илмий, ижодий ишларга йўналиш олди. 1986 йилда Университетнинг имтиёзли диплом билан тамомлаб, йўлланма билан Ўзбекистон Давлат Телерадиокомпаниясининг Болалар ва ўсмирлар учун эшиттиришлар Бош муҳарририятига муҳаррир сифатида ишга келади. Беш йиллик телевидениедаги фаолияти давомида ҳам кўплаб кўрсатувлар тайёрлаш баробарида санъатни, хусу-

сан, кино санъатини ёритишга катта аҳамият қаратди. Кўрсатувлар тайёрлаш жараёнида бевосита ижодкорлар билан яқиндан мулоқот қилди.

1991 йилда Санъатшунослик илмий-тадқиқот Институтининг 17.00.03- кино санъати ва телевидение ихтисослиги бўйича аспиранти бўлди. 1997 йилда эса, “1960-90- йиллар ўзбек бадиий киносида ёш қаҳрамон” мавзусидаги номзодлик илмий диссертациясини муваффақиятли ёқлаб, санъатшунослик фанлари номзоди илмий даражасини олди. Бу пайтда кино оламида таниқли мутахассисга айланиб улгурган Нигора Каримова ўзининг кенг кўламли ва узлуксиз фаолиятини давом эттириб, 1997-2002 йилларда “Кино ва телевидение” бўлими катта илмий ходим, 2002-2005 йилларда илмий ишлар бўйича директор мувовини, 2005-2009 йилларда “Кино ва телевидение” бўлими катта илмий ходими лавозимларида ишлади. 2009-2011 йилларда “Кино ва телевидение” бўлимида катта илмий ходим-изланувчисифатида докторантурани ўтади. Докторантурани тамомлагач бўлимда катта илмий ходим сифатида фаолиятини давом эттириди. Камтарин ва камсуқум олимага 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан “Катта илмий ходим” илмий унвони берилди. 2018 йилдан то шу кунга қадар “Кино ва телевидение” бўлимибошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда. 2019 йилда эса, Ўзбекистон кино санъати учун муҳим аҳамиятга эга бўлган “Ўзбекистон бадиий кинематографи: шаклланиши ва ривожланиш жараёнлари” мавзуудаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Н.Каримова бугунги кунда бадиий кино санъатининг ўзига хос жиҳатлари, миллий киномеросни сақлаб қолиш ва актуаллаштириш, кинода гендер репрезентацияси сингаритадқиқотлар устида иш олиб бормоқда. 70 дан ортиқ илмий мақолалар, 3 та монография, 2 та китоб-альбом муаллифи ҳисобланади. Жумладан, “Кинематограф Узбекистана: истоки” (2012), “Игрой вой кинематограф Узбекистана” (2016), “Киноиндустрия Узбекистана и его вклад в социально-экономическое развитие стра-

ны” (2019) монографиялари, “Ўзбекистон кино санъати”(2021) китоблари, илмий тўпламлар ва журналларда мақола ва маърузалар муаллифи. Н.Каримова шунингдек Бутунроссия кинематография институти (ВГИК) томониданнашр этилган “История национальных кинематографий перспективы развития кино государств – участников СНГ, стран Балтии и Грузии” номли нашрнинг муаллифларидан биридир. Чет элда чоп этилган ишлари хорижий мутахассисларни миллий киносанъатимиз тарихи ва тараққиёт тамойиллари билан таниширишда муҳим роль ўйнайди.

Миллий киносанъатимизтарғиботида Н.Каримова муаллифлигига “Ўзбеккино”МА буюртмаси бўйича ишланган “Овозсиз кино тарихидан” (2018), “Шуҳрат Аббосов”(2019), “Худойберган Девонов”(2020) илмий-оммабоп фильмлари, Ўзбекистон тарихи телеканалида яратилган “Муҳрланган давр” кўрсатувлар руҳни, ЮНЕСКО халқаро ташкилоти, Тошкентдаги Гёте Институти, Швейцариянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда амалга оширган “Кинолекторий” (2018), “Тасмаларга муҳрланган давр” (2016), “Оlam - аёл кинорежиссерлар нигоҳида” (2021), “Овозсиз кино” фестивали (2020) сингари лойиҳалари-муҳим аҳамиятга эга. Халқаро миқёсда кино санъати, хусусан, Ўзбек киносини ёритган, тарғиб қилган ишлари юқори баҳоланиб, 2013 йилда Халқаро кинотанқидчилар федерацияси (ФИ-ПРЕССИ) аъзолигига қабул қилинди.

Олимга Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти “Санъатшунослик” кафедрасида ўриндош сифатида “Кино тарихи ва назарияси” курсларини олиб борган, қатор магистрлик ишларига илмий раҳбарлик қилган. Ҳозирги кунга қадар Қозоғистон Санъат академиясида, Германиянинг Франкфурт киномузеида ва Киноинститутида, Япониянинг Киото Университетида ўзининг “Ўзбекистон кино санъати тарихи”, “Ўзбек овозсиз киноси” муаллифлик дастури бўйича маърузалар ўқиб келмоқда. Кинонинг кўп сонли қизиқувчилари ва янги кадрларни етиштириш мақсадида “ФОКУС” нодавлат кино мактабида

ўзининг “Ўзбекитсон кино санъати тарихи”, “Кинолекторий” муаллифлик дастурлари бўйича маъruzalар ўқиб келмоқда.

Нигора Каримованинг халқаро фаолияти ҳамда хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлиги катта аҳамият касб этади. Олима ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан олиб борилган “Ўзбекистонда бадиий таълим”, “Ўзбекистон кинноиндустриясининг ҳозирги ҳолатига оид таҳлил (2007–2017)” мавзусидаги қатор аналитик лойиҳаларга экспертилек қилган. Швейцариянинг Ўзбекистондаги элчихонаси қўмагида “Кинолекторий” (2017 й.) маърифий медиа-loyiҳаси амалга оширилди. Ўзбекистон кинематография Агентлиги ҳузуридаги Бадиий Кенгаш ва Халқаро эксперт кенгashi аъзоси. Қатор халқаро нуфузли кинофестиваллар, хусусан, “Северное сияние” XКФ (Россия Ф., 2012), “Евразия” XКФ (Қозогистон, 2014), “Висбаден” халқаро кинофестивали (Германия, 2018) кабиларнингжюри аъзоси ҳисобланади. Давлатимиз томонидан ҳам олиманинг соҳадаги хизматлари эътиборга сазовор бўлди ва 2021 йилда “Дўстлик” ордени билан тақдирланди.



87. КАРИМОВА СУРАЙЁ УБАЙДУЛЛАЕВНА – шарқшунос олима.

Сурайё Убайдуллаевна Каримова 1955 йилда Тошкент шаҳрида зиёли оиласида туғилган, миллати ўзбек. Маълумоти олий – 1977 йилда Тошкент давлат университетининг кимё факультетини тамомлаган. Кимё фанлари номзоди – 1983 йилда “Алкалоиды растений рода *Glaucium*” мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлаган. 1977-1984 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимлиқ моддалар кимёси институтида ишлаган. Унинг талабалик йилларидан фан тарихи, хусусан юртимиз алломаларининг табиий фанлар бўйича илмий меросига қизиқиши бўлгани боис, 1980 йилда

мазкур университетнинг Шарқ факультети хузуридаги кечки араб тили курсларини тугатиб, 1984 йилдан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтига ишга киради. С. Каримова шу институтда аввал кичик илмий, катта илмий ходим, бўлим мудири бўлиб, 2003 йилдан ҳозирга қадар шу институт директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда.

У Шарқдаги фан тарихи, хусусан, кимё, табобат ва доришунослик тарихи бўйича мутахассис. Ўрта аср мусулмон Шарқининг энциклопедист олимлари: Абу Бакр ар-Розий (865-925), Абу Райҳон Беруний (973-1048), Абу Али ибн Сино (980-1037), Нажибуддин ас-Самарқандий (XIII аср) қаламига мансуб араб ва форс тилларидағиасарлар тадқиқи асосида ўзбек, рус, инглиз тилларида 100 дан ортиқ илмий ишлар, шу жумладан, 15 та китоб нашр қилган. 2001 йилда “IX-XI аср кимё ва доришунослик фанлари тараққиётида Марказий Осиё олимларининг ўрни” мавзуида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Унинг тадқиқотларида мазкур олимларнинг илмий янгилик ва илғор фаразлари Шарқ ва Farbdagi табиий фанлар ривожи учун пойдевор бўлгани, улар илмий фаолиятининг методологик асослари замонавий табиий фанлар методологиясига яқинлиги, Шарқдаги “Байт ал-ҳикма”, Хоразм Маъмун академияси олимларининг табиий фанлар соҳасидаги илмий фаолиятида ворислик ва анъанавийлик мавжуд бўлгани аниқланган.

С. У. Каримова республикада Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги (2006 й.) ҳамдаалломалар илмий меросига бағишлиб ўтказилган халқаро конференциялар (2014, 2017 йй.) тадбирлари, илмий тўплам ва альбомлари нашрининг фаол ташкилотчи ва иштирокчисидир. Шунингдек, у Япония, Франция, Эрон, Туркия, Грузия ва Латвияда ўтказилган халқаро конференцияларда илмий маъruzалар қилган.

С. У. Каримова ўрта аср алломалари илмий меросини, тарихий ва миллий қадриятларни оммалаштириш ва тарғиб қилиш бўйича ўзбек, инглиз ва рус тилларидаги “Ўрта асрлар Шарқи-

нинг машҳур олим ва мутафаккирлари” (2014 й.), “Китобат санъати дурдоналари” (2018 й.), “Ўзбекистон маданий мероси. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти тўплами. Иккинчи қисм. Аниқ ва табиий фанлар” (2020 й.) каби альбомлар, қатор оммабоп мақолалар нашр этган, республика ТВ ва радиоси каналларининг дастурларида иштирок этади.

С. У. Каримова Шарқшунослик институтида асос солинган фан тарихи мактабининг вакили сифатида бир тарих фанлари номзодини тайёрлаган, бир докторлик (DSc), 2 та PhD диссертацияларига илмий раҳбарлик қилади.

С.У.Каримованинг илмий ва ташкилий фаолияти муносиб тақдирланган -у “Меҳнат шуҳрати” (2007 й.), “Фидокорона хизматлари учун” (2019 й.) орденлари ҳамда Кувайтнинг Абдулализ Баптин номидаги халқаро мукофотига (2004) сазовор бўлган.



88. КУТЫБАЕВА ЕЛИЗАВЕТА ДУЙСЕН-БАЕВНА – Юридик фанлар доктори, профессор, Қорақалпоғистон Республикаси га хизмат кўрсатган фан арбоби Кутыбаева Елизавета Дуйсенбаевна 1957 йил Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрида туғилган. Олий маълумотли.

Елизавета Кутыбаева 1980 йил Ташкент давлат университетини тамомланган. 1980-1981 йиллар Нукус давлат университети ҳуқуқшунослик кафедраси ўқитувчиси, 1981-1991 йиллар Нукус давлат университети ҳуқуқшунослик кафедраси катта ўқитувчиси, 1991-1992 йиллар Нукус давлат университети ҳуқуқшунослик кафедраси мудири, 1992-1998 йиллар Қорақалпоқ давлат университети ҳуқуқшунослик кафедраси мудири, 1998-2000 йиллар Қорақалпоқ давлат университети ҳуқуқшу-

нослик кафедраси доценти, 2000-2003 йиллар Қорақалпоқ давлат университети давлат ҳуқуқи ва бошқарув кафедраси мудири, 2003-2008 йй. - Қорақалпоқ давлат университети юридика факультети декани, 2008-2013 йиллар Қорақалпоқ давлат университети давлат ҳуқуқи ва бошқарув кафедраси мудири, 2013-2014 йиллар Қорақалпоқ давлат университети давлат ҳуқуқи ва бошқарув кафедраси профессори, 2014-2019 йиллар Қорақалпоқ давлат университети ҳуқуқшунослик кафедраси профессори, 2019 йилдан бүён Қорақалпоқ давлат университети юридика факультети декани лавозимида фаолият күрсатиб келмоқда.

Елизавета Кутыбаева Қорақалпоғистон Республикасида юриспруденция йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлаш, университет ўқув жараёнини самарали ташкил этишда муносиб ҳиссасини кўшиб келаётган, давлат ҳуқуқи ва бошқарув соҳасида илмий-педагогик кадрларни тарбиялаш, шунингдек республикада кабул қилинаётган конунлар лойиҳаларни тайерлашга ва уларни тарғиб этишда фаол иштирок этиб келаётган ҳуқуқшунос олима.

Елизавета Кутыбаева 1999 йил “Органы исполнительной власти Республики Каракалпакстан” мавзусида докторлик диссертациясини Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридағи Давлат ва жамият қурилиши академиясидаги Ихтисослашган Кенгашда ҳимоя қилган.

Елизавета Кутыбаева илмий-тадқиқот ва педагогик фаолият натижалари бўйича 16 та дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг, 3 та монографиянинг муаллифи. 65 ортиқ илмий мақола ва тезислар республика ва халқаро илмий анжуманлар тўпламларида нашр қилинган.

Унинг илмий раҳбарлиги ва маслаҳатида З докторлик (PhD) ва 1 докторлик (Ds) диссертацияси ҳимоя қилинди.

Елизавета Кутыбаева илмий-педагогик кадрлар таёrlаш, талабаларни илмий ишларга жалб қилиш бўйича кўпгина ишлар қилмоқда. Бевосита унинг илмий раҳбарлигига З Президент ва 5 Навои стипендиятлари тайерланди. 2018 йил «Олий таълим

муассасасининг энг яхши педагоги» танловининг «Энг яхши педагог-тадқиқотчи» номинациясида биринчи ўринди эгаллади.

Елизавета Кутыбаева Қорақалпоғистон Республикаси Илмий-техник кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти хузуридаги Илмий –эксперт кенгаши, Ўзбекистон Республикасида юридик фанларни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаши таркибиغا киради; Қорақалпоқ давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Yu.20.02 рақамли Илмий кенгашнинг раиси.

Елизавета Кутыбаева Қорақалпоғистон Республикасининг 1993 йилги Конституциясининг муаллифларининг бири, 1990-2005 йй., 2015 й. – х.в. - Қорақалпоғистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитасининг аъзоси.

Елизавета Кутыбаева 2002 йил “Қорақалпакистон Республикасига хизмат кўрсаткан фан арбоби”, 2014 йил “Қорақолпоғистон Республикаси халқ таълим аълоси”, 2018 йил “Мехнат фахрийси”кўкрак нишони билан тақдирланди.



89. МАВЛОНИЙ МАШХУРА ЭГАМОВНА – микробиолог олима.

1934 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Ўрта Осиё Политехника институтида 1952-1957 йиллари Техник микробиологияси йўналишида таълим олган.

Машхура Мавлоний хозирги замон микробиологиясининг энг муҳим ҳисобланган тармоғи – микроорганизмлар систематикасига катта ҳисса кўшган. У Марказий Осиё микроорганизмлар дунёсини ўрганди ва улар тавсифига асос солди. Биринчи бўлиб Ўзбекистонда

микроорганизмлар коллекциясини яратди. Саноат учун талай унумдор ва фаол мутантларни селекция қилди. Олиманинг кейинги йиллардаги изланишлари нефть микробиологиясини устивор ва амалий муамоларини ечишга қаратилган

Олима 980 дан ортиқ илмий асарлар, шу жумладан 4 та монография, 11 та тўплам, 48 та кашфиёт ва ихтиrolар муаллифи. Унинг «Селекция промышленных рас микроорганизмов», «Производство кормового белка в Узбекистане», «Разработка технологий производства противокоррозионных биоцидов» асарлари нафақат Ўзбекистонда, балки чет элда ҳам эътироф этилган.

Машхура Мавлоний микробиология мутахассислиги буйича 1961 йилда фан номзоди, 1971 йилда фан доктори даражаларга эришди. 1979 йил Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси, 1989 йилдан эса ЎзР ФА ҳақиқий аъзоси – академик этиб сайданди.

Ўзбекистон микробиология фани ютуқларининг, бу соҳанинг ривожига фидоий инсон - таниқли академик Мавлоний Машхура Эгамовнанингмуносиб улуши бор. Академик Мавлоний Машхура Эгамовна Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1994), «Меҳнат шуҳрати» ордени (2003), «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишони (2021) давлат мукофотлари билан тақдирланган. Олима микробиология соҳасида катта илмий мактаб яратди. Академик Машхура Мавлоний Республикада юқори тажрибали, ватанпарвар мутахассисларни шаклланишига катта ҳисса қўшиб келмоқда. У тайёрлаган мутахассисларнинг 80 фоизини хотин-қизларташкил килади. Улар нафақат Ўзбекистонда, балки Россия, Латвия, Қозоғистон, Туркманистон ва Истроилда илмий фаолият олиб бормоқдалар.

90. МАМБЕТУЛЛАЕВА СВЕТЛНА МИРЗАМУРАТОВНА – биология фанлари доктори, профессор.

С.Мамбетуллаева экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида, популяцион экология, ташқи муҳит билан тирик организмлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни оптималлашти-

риш муаммолари бўйича етакчи олим. Шунингдек, популяциялар экологияси назарияси илмий асосларини ривожлантиримоқда, сут эмизувчилар популяцияларининг динамикасини, уларнинг демографик тузилишини, экологик факторларнинг Жанубий Оролбўйи биотасига таъсирини ўрганиб, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги тадқиқотлар натижаларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бормоқда.

С.Мамбетуллаева томонидан майда сут эмизувчилар фаунасининг биохилма-хиллигини сақлаб қолиш ҳамда Жанубий Оролбўйи сув ҳавзалари сув режимини барқарорлаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар ватавсиялар ишлаб чиқилган.

У 260 дан ортиқ илмий мақолалар, 3 та монография, 4 та дарслик, 10 таўкув қўлланма, 15 та ўқув-услубий қўлланма ва 6 услубий ишланмалар муваллифи.

С.Мамбетуллаева давлат илмий-техникавий дастурлари доирасида 1 та фундаментал, 1 та инновацион, 1 та амалий лойиҳага раҳбарлик қилмоқда.

«Жанубий Орол бўйи ветландлардаги био-хилмажиллигининг мониторинги» мавзусидаги халқаро лойиҳалар ижрочиси.

Ўзбекистон Республикаси Экологик ҳаракатининг Марказий Кенгashi аъзоси сифатида табиатни муҳофаза қилиш бўйича мунтазам равишда оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлиар қилиб, экология ва биохилма-хилликни асраш бўйича тарғибот ишларини олиб боради.

Унинг 8 нафар биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) тайёрланган.

С.Мамбетуллаева Биофизика ва биокимё институти хузуридаги илмий даражалар берувчи ва Қорақалпоқ табиий фанлар илмий тадқиқот институти хузуридаги Илмий кенгашлар аъзоси. Қорақалпоқ давлат универистети профессорисифатида ҳам фаоият кўрсатмоқда. 2016 йилда «Энг яхши педагог-тадқиқотчи» номинацияси ғолиби бўлган.

У халқаро илмий журналлар «The Austrian Journal of Technical

and Natural Sciences», «Вопросы биологии и сельского хозяйства: теории и ситуации, проблемы и решения» ҳамда Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими «Ахборотномаси» таҳририяти аъзоси.

Истеъдодли олима ташқилотчилик ва юксак инсоний фазилатлари билан илмий жамоатчилик ҳурматига сазовор бўлган.

91. МИРТАЖИЕВА КАРАМАТ ТАХИРОВНА – физика-математика фанлари доктори

Умумий меҳнат стажи 39 йил. Мазкур вазифада 2015 йилдан ишламоқда, физика-математика фанлари доктори. Астрофизика ва радиоастрономия йўналиши бўйича етакчи мутахассис. К.Миртажиева астрофизика ва радиоастрономия мутахассислиги бўйича биринчи ўзбек олима аёли сифатида Коинотнинг энг улкан масштабдаги тузилмалари бўлмиш ўтагалактикалар жуда юпқа дисксимон объектлар кўринишда эканлигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг юзага келиши ҳамда ривожланиш эволюцияси муаммоларини ўрганган. У дунёда биринчи бўлиб, ночизиқли ностационар дисксимон объектлар фонида гравитацион ғалаён эволюциясини ўрганган ва уларнинг бошланғич ҳолатлари учун моделлар тузган.

У Эйнштейннинг коллапсланувчи моделининг гравитацияни беқарорлиги масаласини илк бор тадқиқот қилиб, бу беқарорликнинг иккита янги механизмини топган. Бу асосий мезон кейинчалик американлик ва кореялик олимлар томонидан ҳам топилди. Узоқ йиллар давомида унинг олиб борган илмий излашилари асосида дисксимон галактикалар ва уларнинг глобал тузилмаларининг юзага келиши ночизиқли назарияси ишлаб чиқилди. Унинг қўлга киритган илмий натижалари нафақат астрофизик объектларга балки плазма физикаси ва қатор бошқа динамик тузилмаларга ҳам бевосита қўллаш имконияти билан алоҳида аҳамият касб этади.

Олима 100 дан ортиқ илмий мақолалар (улардан 50 35, 15аси хорижий илмий журналларда), 18, 32 3 та ўқув қўллан-

ма ва 1 та услугбий қўлланма муаллифи. У халқаро ва республика миқёсидаги илмий анжуманларда ўз илмий ишлари билан қатнашиб келмоқда. У Европа астрономия жамияти аъзоси ва Халқаро Исаак Ньютон институти ходимиdir.

К.Миртажиева Фанлар академияси ва Олий таълимнинг фундаментал тадқиқотлари йўналишида қатор илмий лойиҳалар раҳбари ва хорижий грантлари иштирокчиси сифатида фаолият олиб борган.

У Германиянинг Потсдам астрофизика институти ва Макс Планк жамиятига қарашли Хейделберг астрономия институти билан ҳамкорликда илмий тадқиқотлар олиб борган.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида Ўзбекистон Миллий университетида дарс бериб, 10 та битирув ишлари ва 5 та магистрлик диссертацияларига илмий раҳбарлик қилган.

У 2004-2012 йиллар давомида Ўзбекистон Миллий университети қошидаги 01.03.02 – Астрофизика ва радиоастрономия ихтисослиги бўйича номзодлик диссертацияларни ҳимоя қилиш Кенгаши илмий котиби бўлган.

Ташаббускорлиги, ташкилотчилиги билан институт жамоаси ўртасида ҳурматга сазовор бўлган

92. МАКСУМОВА ОЙТЎРА СИТДИҚОВНА - кимё фанлари доктори, профессор.

1985 йилда «Н,Н-диметиламино-этилметакрилатнинг баъзи бир тўртламчи тузларининг полимерланиш ва сополимерланишининг ўзига хос хусусиятлари» мавзусидаги кимё фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тайёрлаган диссертациясини ҳимоя қилган. 2005 йилда «Баъзи бир фаол-функционал полимерлар синтези ва хос-



салари» мавзусидаги докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. 2008 йилда унга Ўзбекистон ОАК раёсати томонидан профессор илмийунвони берилди.

О.С.Максумова функционал-фаол мономерлар синтези, хоссалари ва полимерланиш, сополимерланиш жараёнлари қонуниятларини ўрганиш бўйича таникли олим. У таркибида азот, кислород ва фосфор сақловчи гетерофункционал органик бирикмалар олиш усусларини яратиш ва уларни олигомерланиш ва полимерланиш реакциялари қонуниятларини аниqlаш ва амалиётга тадбиқ этишга катта ҳисса қўшган. У томонидан молекуласида турли хил функционал гурухлар сақловчи тўйинган ва тўйинмаган алифатик ва гетероциклик бирикмалар синтез қилиш соҳасида ишлайдиган илмий-мактаб яратилди.

О.С.Максумова томонидан олиб борилган илмий изланишлар орасида таркибида азот, кислород ва галоген сақловчи бирикмаларни ҳам радикал, ҳам ионли полимерланиш реакциялари орқали янги хосса ва тузилишга эга бўлган полимерлар, айниқса биологик-фаол хусусиятга эга бўлган гетерохалқали паст ва юқори молекулали бирикмалар олиш усусларини ишлаб чиқиши алоҳида ўрин тутади.

Олима шогирдлари билан бирга коррозияга қарши ингибиторлар, юқори ҳароратга чидамли антипиренлар, бўялиш хусусияти яхшиланган синтетик кимёвий толалар, дизель ёқилғилари учун депрессор присадкалар, юқори самарали ғоваксимон, тўрсимон тузилишли халқа шаклидаги катализатор ташувчилар, қовушқоғлиги юқори бўлган сувда эрийдиган полимер композициялари, гидрогеллар яратиш мумкинлигини амалда кўрсатиб берди.

Кейинги йилларда проф. О.С.Максумова ўз илмий изланишларини шогирдлари билан биргаликда «Шўртон газ-кимё маҷмуасида пиролиз жараёнида ҳосил бўладиган суюқ олефинлар асосида кислородли ва азотли бирикмалар олишнинг назарий асослари» ва «Мочевина, полимочевина ва морфолин ҳосилалари олишнинг илмий асослари», ҳамда «Акрил ва метакрил кис-

лота эфирлари синтези, уларнинг полимерланиш жараёнлари қонуниятлари ва хоссаларини ўрганиш» устида катта изланишлар олиб бормоқда.

О.С.Максумова томонидан олиб борилган илмий изланишлар матбуотда чоп этилган. У 300дан ортиқ илмий-услубий ишлар, шу жумладан 9 та патент, 4 та монографиява 6 та дарслик муаллифи. Унинг раҳбарлигига 9-та номзодлик (Валиева Гўзал Абдусаматовна 1994 йилда - к.ф.н; Эргашева ДилфузАмиловна 1995 йилда - т.ф.н.; Пулатова Феруза Азадбековна 1995йилда - к.ф.н.; Исмоилов Ровшан Исройлович 1998 йилда - т.ф.н.; Норқулова Дилрабо Мансуровна 2009 йилда - к.ф.н.; Уринов Улуғбек Комилжонович 2017 йилда – т.ф.н.; Махмудова Феруза Ахмаджоновна 2018 йилда – кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (ПҳД); Исломова Юлдуз Ураловна 2020 йилда - техника фанлари бўйича фалсафа доктори (ПҳД); Пулатова Нибуфар Убайдуллаевна 2020 йилда – кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (ПҳД) ва 1-та докторлик (Уринов Улуғбек Комилжонович 2020 йилда - техника фанлари доктори (ДСс)), 40га яқин магистрлик диссертациялари ҳимоя қилинган. Ҳозирда Ш.А.Таджиева Н.С.Маткаримова, Ф.Ш.Хакимовларнинг (ПҳД) докторлик диссертация ишига раҳбарлик қилмоқда.

1995-1996 йилларда халқаро илмий фонд Сорос-АҚШ грантини (шартнома 5 МЗФООО) бажаришда иштирок этди. Фаолияти давомида бир қатор давлат грантлари ва хўжалик шартномаларини бажаришда раҳбарлик қилди. Меҳнат фаолияти давомида бир қатор давлат грантлари ва хўжалик шартномаларини бажаришда раҳбарлик қилиб келмоқда. У кафедранинг ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, манавий-маърифий ва тарбиявий фаолиятини ривожланишида фаол меҳнат қилмоқда. 5320400-Кимёвий технология (органик моддалар) бакалавр ўйналиши ва 5A320401-Кимёвий технология (Органик моддалар кимёвий технологияси) магистратура мутахассислиги бўйича Давлат таълим стандарти ва маҳсус ўқитиладиган фанлар бўйича намунавий ва ишли ўқув дастурлари тайёрлашда фаол

ишлар олиб бормоқда. Унинг шогирдлари орасида А.Р.Беруний номли давлат стипендиантлари, Камолот ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ташкил этилган Республика ёшлар кўрик танлови ғолиблари бор.

А.С. Максумова педагогик ва илмий савиясини ошириш устида мунтазам ишлайди. У ҳар ишда ташаббускор, фидойи, талабчан, камтарин инсон, кафедра аъзолари ва талабаларга меҳрибон ва ғамхўр устоздир. Ўқув, ўқув-услубий ва илмий-тадқиқот фаолиятидаги серқирра меҳнати сабабли, у Тошкент кимё-технология институти жамоаси ва республикадаги бошқа олий ўқув юртлари жамолари ўртасида ҳурмат ва эътибор қозонди.



93. МУКМИНОВА РОЗИЯ ГАЛИЕВНА – тарих фанлари доктори(1922-2007)

Таниқли тарихчи олима. 1944 йилда Ўрта Осиё Давлат Университетининг тарих факультетини имтиёзли диплом билан тамомлаган. Ўз илмий фаолиятини Ўзбекистан ФА Тарих институтида кичик илмий ходимлиқдан бошлаган олима, кейинчилик шу илм даргоҳида катта илмий ходим, бўлим бошлиғи, илмий-тадқиқот гурухининг бошлиғи бўлиб ишлади. Мазкур йилларда Р.Г. Мукминова ўз диккат эътиборини Ўзбекистан тарихининг кўплаб муаммоли ва долзарб масалаларига қаратди. 1949 йилда «Мовароуннаҳр учун Темурийлар ва Шайбонийлар ўртасидаги кураш», 1972 йилда «Самарканд ва Бухоронинг XVI аср ҳунармандчилиги» мавзусида докторлик диссертацияси-ниҳимоя қилган.

Ўрта асрлар тарихининг йирик билимдони профессор Р.Г. Мукминова турли йўналишларда илмий изланишлар олиб борди. Олима ўз эътиборини Ўзбекистон тарихининг яхши ёритил-

маган сиёсий, ижтимоий, кисман, этник тарихи масалаларини тадқиқ этишга қаратди, ёзма манбаларни атрофлича ўрганиш натижасида ўрта аср жамиятини даврлаштиришга оид баъзи тузатишларни киритишга муваффақ бўлди. Баъзи тарихий терминлар - тийул, суюрғол, тагжой, тамға, бож, роҳдари ва бошқалар, ижарадорлик шакллари, аҳолининг ижтимоий қатламлари (чухра ва бошқалар) каби масалаларга Р.Г. Мукминова томонидан аниклик киритилди. Олиманинг «XVI аср Ўзбекистонда аграр муносабатлар тарихидан, «Вакф-нома» материаллари асосида» (1966), «XVI аср Самарканд ва Бухоронинг хунармандчилиги тарихидан лавҳалар» (1976), «Тўрт аср олдинги Тошкент» (1984), «XV-XVI аср Ўзбекистан шаҳарлари ахолисининг дифференцияси» (1985) каби асарлари чоп этилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг тарих фанида туб ўзгаришлар юз берди. Олима мазкур жараёнда фаол иштирок этиб, ҳаққоний тарихни тиклашга, тарихимизнинг ўрганилмаган саҳифаларини тадқиқ этишга ўз ҳиссасини қўшди. Мазкур даврда Р.Г. Мукминова «Темур ва Улугбек даври тарихи» (1996), «Амир Темур» (2000), «Амир Темур жаҳон тарихида» (1996. рус ва инглиз тилларида ҳам), «Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари» (2002), «Очерки истории государственности Узбекистана» (2002), «Марқазий Осиё цивилизациялари тарихи» (ЮНЕСКО нашри, IV жилд, 1998 й., V жидд, 2002) каби фундаментал тадқиқотларни яратишда қатнашди. 2002 йилда олиманинг М.И. Филанович билан биргалиқдаги «Ташкент на перекрестке истории (Очерки древней к средневековой истории города)» рисоласи нашр этилди. У 1993 йилда босмадан чиққан «Ўзбекистан тарихи» (Ш жидд)нинг асосий муаллифларидан бири ва унинг масъул муҳаррири бўлди.

Ўзининг салмоқли илмий тадқиқотлари билан Р.Г. Мукминова Республика ташкарисида ҳам илмий жамоатчиликнинг эътиборига сазовор бўлди. У Канада (Торонто, 1989), Германия (Бамберг, 1991), Франция (Страсбург, 1987), Туркия (Анқара, 1997), АҚШ (Лос-Анжелес-Калифорния, 1998; Медисон-Вискон-

син, 1998), Австрия (Вена, 2000), Эрон (Техрон, 2001)да ўтказилган халқаро конференциялар иштирокчиси ҳамдир. Бу конференцияларда қилган маъruzalарида ва Париж Чет тиллар институти, АҚШдаги Висконсин Университети, Япониядаги Токио ва Киото университети ўқитувчи ва талабаларига ўқиган маъruzalарида олима ўрта асрлар тарихини ўрганиш бўйича Республикада қўлга киритилаётган ютукларни, ўзбек халқининг бой тарихини тарғиб килди. У бир неча йиллар давомида Шарқшунослик институтида, Ўзбекистон Миллий Университети тарих факультетида талабаларга ва шу Университет кошидаги ўқитувчилар малакасини ошириш институтида ўрта асрлар Ўзбекистон тарихидан дарс берди.

Р.Г. Мукминова ўз илмий мактабини яратди. У томонидан 3 фан доктори, 10 га яқин фан номзодлари тайёрланди. Шогирдлари орасида чет эллик стажёrlар ҳам бор.



94. МУРТАЗАЕВА РАҲБАР ҲАМИДОВНА 1950 йили 20 март куни Наманганд шаҳрида, зиёли хонадонда таваллуд топган. Миллати ўзбек. Маълумоти олий. 1972 йили Тошкент давлат университетининг (ҳозирги Ўзбекистон Миллий Университети) тарих факультетини тарихчи, тарих ва жамиятшунослик ўқитувчиси мутахассислиги бўйича тумомлаган. 1972-1975 йилларда Тошкент давлат университети аспирантурасида таҳсил олган. 1975 йили муддатдан аввал “Ўзбекистон меҳнаткашларини баналмилаллик руҳида тарбиялаш” мавзусида номзодлик, 1990 йили эса “Ўрта Осиё республикаларида миллиатлараро муносабатларнинг иқтисодий асослари” мавзуда докторлик диссертацияларини мувафаққиятли тарзда ҳимоя қилган. 1979 йили доцент, 1993 йили эса профессорлик илмий увонларини олган. Профессор Р.Х.Муртазаева

заева юксак ақлий салоҳият соҳибаси, кенг ва замонавий фи-кровчи олима, изланувчан ва зеҳнли илм эгаси, камтар ва ҳалол инсон сифатида университет, кейинчалик бутун республика ил-мий жамоатчилиги ичида катта ҳурматга эга бўлди. Проф.Р.Ҳ. Муртазаевага хос мазкур фазилатлар унинг юқори фуқаролик позицияси билан уйғулашган ҳолда олиманинг раҳбарлик ла-возимларидағи фаолиятида ҳам яққол намоён бўлди.

Олима 1993-2014 йилларда ЎзМУ Ўзбекистон тарихи ка-федраси мудири сифатида фаолият кўрсатган вақтида мазкур кафедра турдош кафедралар ичида таянч кафедра сифатида ОЎТМВ томонидан эътироф этилди. Кафедрада илмий салоҳият 100%га етиб, 7 нафар унинг аъзолари республикада биринчи бўлиб миллий истиқлол руҳи билан суғорилган 45 б.т. “Ўзбеки-стон тарихи” дарслиги учун (масъул муҳаррир ва гуруҳ раҳбари проф.Р.Ҳ.Муртазаева), “Олий таълим аълочиси унвонига сазо-вор бўлдилар.

Проф.Р.Ҳ.Муртазаева Миллий университет тарихида Бирин-чи проректор лавозимида (1995-2004) ишлаган илк ўзбек аёли ҳисобланади. Унинг мазкур лавозимда ишлаган йилларида университет илмий, ўқув, маънавий-маърифат ҳаётида амалга оширилган кўплаб ижобий ўзгаришларда унинг шахсий ҳисса-си мавжуд. Унинг ташаббуси билан айниқса ёш авлодни юксак аҳлоқий-маънавий руҳда тарбиялаш борасида кўплаб аҳамиятга молик ишлар амалга оширилди. Мазкур ташаббусларнинг кўпчилиги, масалан “Хазина”, “Ёшлар қўйлагандা”, “Наврўз” ва бошқалар университет доирасидан ҳам ташқарига чиқиб, бутун республика ОЎЮ фаолиятида ҳамэътироф этилди.

Р.Ҳ.Муртазаева маънавий-маърифий ишлар бўйича I-про-ректор лавозимида ишлаган вақти, яъни 90-йилларнинг му-раккаб даврида талаба ёшларни маънавий етук шахс сифатида тарбиялаш, хусусан турли ёт ғояларга қарши кураш, бу борада, қатор аҳамиятга молик тадбирларни ўтказишнинг ташаббуско-ри сифатида майдонга чиқди. Шунингдек, миллий қадриятлар-га ҳурмат, уларни асраб-авайлаш, ёш авлодни тарихий меросга

хурмат ва ифтихор руҳида тарбиялаш мақсадида проф.Р.Ҳ.Муртазаеванинг ташаббуси билан университетда “Ўзбек қадриятлари маркази”, талабалар ётоқҳоналарида эса миллий-этнографик экспозициялар, фестиваллар, тадбирлар ташкил этилди. Ўзилмий ва педагогик фаолиятини ҳаётида давомида салкам 50 йилини Миллий университет тақдири билан чамбарчас боғлаш олима 2014 йилдан буён – мазкур университет тарих факультети Ўзбекистон тарихи кафедраси профессори лавозимида ишлаб келмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида проф.Р.Ҳ.Муртазаева нафақат Ўзбекистон Миллий университет, балки республиканинг кўзга кўринган нуфузли олималари қаторидан жой олди. У тарих фанида тан олинган, илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилган “Миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик” илмий мактабнинг асосчиси бўлиб ҳисобланади. Айнан унинг ташаббуси билан республикада илк бора 2006 йили ЎзМУда “Миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик” илмий маркази ташкил этилиб, охирги ўн йилликнинг ўзида ушбу марказ ташаббуси билан 5та халқаро, 4та республика миқёсида илмий-амалий анжуманлар, қатор бошқа тадбирлар ташкил қилинди. Олиманинг саъй-ҳаракати билан ҳар йили 16-ноябрь – Халқаро толерантлик (бағрикенглик) бағишланниб турли тадбирлар ташкил этилиб, эндилиқда бу сана республика миқёсида ҳам нишонлашига замин яратди. Ўзбекистон ривожланишнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 5-устувор йўналиши ҳам жумладан миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик масаласига бағишланганлиги ҳам проф.Р.Ҳ.Муртазаева ва унинг илмий мактаби олиб бораётган илмий изланишларнинг нақадар долзарб аҳамиятга эгалигидан дарак беради.

Проф.Р.Ҳ.Муртазаева етук ва салоҳиятли олима сифатида қатор хорижий мамлакатлар, жумладан Россия, Хитой, Қозогистон, Германия, АҚШ, Хитой, Швейцария, Буюк Британия, Испания, Италия, Бельгия ва бошқа давлатлардаги илмий ва бошқа давлатлардаги илмий анжуман ва тадбирларда ўз маъруза-

лари билан иштирок қилган. У тадқиқ этаётган мавзу – Миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик масаласи кўплаб жаҳон олимлари ҳақли эътиборга сазовор бўлмоқда. Масалан, проф.Р.Х.Муртазаева бу борада Хитой Миллатлараро Марказий университетида қатор маъruzалар билан қатнашиб, хитойлик ҳамкасларнинг юксак эътиборига сазовор бўлган. Миллатлар тотувлик ва динлараро бағрикенгликнинг ҳозирда бутун дунёда эътироф этилаётган ўзига хос “Ўзбекистон модели”ни жаҳон афкор оммаси орасида тинглик ва ҳамжиҳаликни таъминлашдаги бош омил сифатида тарғиб этишда олиманинг хизматлари юқори даражада.

Проф.Р.Х.Муртазаева етук олима сифатида 400га яқин илмий, ўқув, ўқув-услубий ишлар муаллифи бўлиб, улар орасида 12та илмий монография, 10та дарслик, 8та ўқув қўлланма, Зта электрон дарсликлар шулар жумласидандир. Олима шунингдек тарихий-демография, урбанизация масалалари билан ҳам шуғулланиб, бу борада демограф, географлар билан ҳам яқин илмий алоқаларни йўлга қўйган.

Проф.Р.Х.Муртазаева 1998 йилдан то ҳозирга қадар давлат фундаментал гранти лойиҳалари устида ҳам узлуксиз фаолият кўрсатиб келмоқда. Хусусан, 2017-2020 йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида бағрикенглик тамойилининг тутган ўрни” давлат фундаментал лойиҳаси доирасида грант аъзолари томонидан: 4та халқаро жамоавий монография, 1та дарслик, 4та рисола, 400дан ортиқ мақолалар чоп этилди. 2020 йил июлида эса пандемия шароитига қарамай, грант лойиҳаси доирасида онлайн тарзда минтақа тарихида илк бора “Марказий Осиё олима аёлларининг илм-фан тараққиётига кўшган ҳиссаси” мавзусида халқаро анжуман ўтказилди. Унда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Россия, Грузия давлатлари олималари онлайн тарзда иштирок этишди.

Проф.Р.Х.Муртазаева 1999-2012 йилларда ЎзМУ қошида фаолият кўрсатган К.067.02.12-рақамли 07.00.01 – Ўзбекистон тарихи ихтисослиги бўйича ихтисослашган кенгашнинг узлуксиз

раиси сифатида фаолият юритди. Мазкур кенгаш ўз навбатида республика ОЎЮларини малакали илмий кадрлар билан таъминлаш ишига катта ҳисса қўшди. Олиманинг ўзи ёш илм эгаларига меҳрибон ва жонқучр устоз сифатида раҳбарлик қилиб келмоқда. Шу давргача унинг раҳбарлиги остида 10 нафар фан доктори, 25 та фан номзоди ва РНДлар тайёрланди.

Проф.Р.Ҳ.Муртазаева шунингдек Тошкент давлат университети тарихи билан шуғулланувчи илмий гуруҳ раҳбари сифатида кўплаб изланишларни амалга оширди. ТошДУ тарихини ёритиш борасида унинг шогирдлари ҳам илмий тадқиқот ишларини амалга оширдилар. XX аср бошларида ўлкада маҳаллий жадид маърифатпарварларининг замонавий олий таълим тизимини йўлга қўйиш борасидаги саъй ҳаракатлари ҳақидаги тарихий хақиқатни руёбга чиқариш борасидаги изланишлар бежиз кетмади. Университетга Миллий мақомини беришда ҳам айнан проф.Р.Ҳ.Муртазаева илмий гуруҳининг роли катта бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Проф.Р.Ҳ.Муртазаева илмий даража берувчи ЎзМУ ва ФА Тарих институтлари қошидаги илмий кенгашлар аъзоси, “ЎзМУ хабарлари” илмий журнали бош муҳаррир муовини, халқаро “Ўтмишга назар электрон илмий журнал бош муҳаррири, ОЎМТВ Гуманитар фан адабиётлари бўйича Мувофиқлаштириш кенгashi раиси, бир неча йиллар давомида Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси бошқарув ҳайъати, “Зулфия” давлат мукофотини тақдим этиш давлат комиссиясининг аъзоси, 2001-2004 йилларда Тошкент шаҳар кенгashi депутати сифатида ҳам кенг жамоатчилик ишида фаоллик кўрсатган. Проф.Р.Ҳ.Муртазаева “Адолат” социал-демократик партиясининг аъзоси сифатида мазкур партия ишида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

Проф.Р.Ҳ.Муртазаева шу билан бирга Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, касаба уюшмалари федерацияси ва бошқа қатор ташкилот ва муассасаларнини фахрий ёрликлари билан тақдирланган. ОЎМТВнинг “Олий таълим аълочиси” кўкрак нишони соҳибаси (2000 й.). Шунингдек, олима-

нинг қатор ташкилот ва муассалар билан ҳамкорликдаги алоқаларни йўлга қўйишдаги фаолияти Республика Байналмилал маданият маркази (ҳозирда Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси), “Маҳалла” жамоатчилик хайрия жамғармаси, Тошкент шаҳар Олмазор тумани ҳокимлиги, Миллий университет раҳбариятлари томонидан ҳам эътироф этилиб, қатор ташақкурномалар олинишига сабаб бўлган.

Олима 2009 йил май ойидан бошлаб то ҳозирга қадар республика “Олима” хотин-қизлар уюшмасига раҳбарлик қилиб келмоқда. Уюшма ФА, ОЎЮ соҳаларида, барча вилоят ва Қорақалпоғистон Республикада ҳамда Тошкент шаҳрида бошланғич ташкилот ва филиалларига эга. Уюшма республика ижтимоий-маънавий ҳаётида самарали фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, уюшма раиси проф.Р.Х.Муртазаева ташаббуси билан 2010 йилдан бери кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилган “Илм юлдузлари” интеллектуал қўрик-танлови ўтказилиб келинмоқда. Мазкур қўрик-танлов хотин-қизлар илмий салоҳиятини юксалиришда муҳим механизм ролини ўтамоқда.

Проф.Р.Х.Муртазаеванинг илмий, педагогик, маънавий-маърифий ҳаёт, жамоа ишларидаги қўп йиллик самарали фаолияти, фидойи ва жонкуяр саъй-ҳаракатлари давлат ва ҳукумат томонидан муносиб тақдирланган. Хусусан, олима 1995 йили “Шуҳрат” медали билан мукофотланган. Шунингдек, у “Ўзбекистонмустақиллигининг 10 йиллиги”, “Ўзбекистон мустақиллиги 20 йил”, “Ўзбекистон мустақиллиги-25 йил” эсдалик нишонлари билан тақдирланган.



95. МУСТАФАЕВА НОДИРА АБДУЛЛАЕВНА – тарих фанлари доктори 1969 йил 28 июлда Тошкент шаҳрида зиёлилар оиласида таваллуд топди. 1986 йилда Тошкент шаҳридаги 124-ўрта таълим мактабини олттин медаль билан таомлости ва шу йили Тошкент дав-

лат университетининг тарих факультети кундузги таълим талабаси бўлди. “Тарихчи, тарих ва жамиятшунослик ўқитувчи-си” мутахассислиги бўйича имтиёзли диплом билан ўқишни якунлаган Н.Мустафаева 1991 йилда Тошкент давлат университетининг тарих факультети аспирантурасига қабул қилинди. 1997 йилда аспирантурани тугатгач, ЎзР ФА Тарих институти кичик илмий ходим бўлиб ишга қабул қилинди. Ўтган йиллар давомида олма Тарих институтида илмийходим, докторант, катта илмий ходим, **етакчи илмийходим, илмий ишлар бўйича директор ўринбосари** лавозимларида фаолият юритди. 2016-2017 йилларда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида “Ижтимоий фанлар” кафедра мудири бўлиб ишлади.

2019 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Ижтимоий-гуманитар фанлар” бўлими раҳбари бўлиб фаолият юритмоқда.

Н.А.Мустафаеванинг 2014 йилда нашр қилинган “XX асрда Ўзбекистонда маданият ва тафаккур: тарихшунослик таҳлили” монографияси кенг жамоатчилик ўртасида эътиборга сазовор бўлди. Асарда XX асрда Ўзбекистон маданияти тарихидаги жараёнлар ҳамда ўзбек халқининг маданий-маънавий ҳаётидаги ўзгаришларни мустамлака ва совет даври тарихшунослиги таҳлилида тизимли очиб берди. У 2016 йилда **“Мустамлака ва совет даври тарихшунослигида ўзбекистоннинг XX аср маданияти”** мавзуидаги докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Нодира Мустафаеванинг илмий қизиқишилари XX аср Ўзбекистон маданияти тарихи ва тарихшунослиги масалалари, маданиятнинг назарий жиҳатлари, Туркистонда жадидчилик ва маданий ўзгаришлар, Ўзбекистонда совет диний сиёсати, мактабларда тарих ўқитиши методикаси, XX аср иккинчи ярмидан Ўзбекистонда тарих фани ривожи, гендер тадқиқотлари, адабиёт ва тарих муштараклиги, мустақиллик даври Ўзбекистонда таълим тизими, архившуносликнинг долзарб масалаларини қамраб олади.

Нодира Мустафаева 2018-2020 йилларда бажарилган “Ўзбекистон худудида мусулмон Ренессанси даврида шаҳар цивилизацияси: тарихшунослик таҳлили (XIX аср охири – XXI аср)” номли амалий лойиҳанинг **раҳбари бўлди**. Олима бир неча халқаро ва республика миқёсидаги нуфузли илмий лойиҳалар ва анжуманларда иштирок этган. Германия, Россия, Белоруссия, Қозоғистон, Тожикистон давлатларида бўлди. 2018 йилда Германиянинг DAAD фонди стипендиантси фатида Фридрих Александр университетида (Эрланген-Нюрнберг) малака оширган.

Н.Мустафаева “Ўзбекистон тарихи”, “Водийнома”, “Ўтмишга назар” илмий журналари, ҳамда Чехиянинг “MiddleEuropean Scientific Bulletin” журнали таҳrir ҳайъати аъзоси. Республика “Олима” уюшмаси бошқаруви, Ўзбекистон тарихчилар жамияти аъзоси.

Унинг илмий раҳбарлигига 1та фалсафа доктори (PhD) ҳимоя қилган. Ҳозирда 10та шогирди Ўзбекистон тарихининг турли масалалари юзасидан тадқиқот олиб бормоқда.

“Тарих фани методологияси” (2019), “**Марказий Осиё халқлари тарихшунослиги**” (муаллиф А. Х. Дониёров. 2020) дарсликларига масъул муҳаррир бўлди. 100дан ортиқ илмий мақолалар муваллифи.

Олима ўз илмий фаолиятини доимий равишда таълим жарабёни билан боғлаб келган. 1997 йилдан ҳозирги қунгача турли таълим муассасаларида (“Ором”номли мактаб-таълим муассасаси (1997-2008), Тошкент Кимё-технологиялари институти (2008-2011), Ўзбекистон Миллий университети (2011-2016), Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети (2016-2017), Тошкент ахборот-технологиялари университети (2017-2018), Ўзбекистон халқаро ислом академияси (2018-2020)да ижтимоий фанлардандарс берди. Оилали. 4 нафар фарзанди бор.



96. МУСУРМОНОВА ОЙНИСА -
Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш вазирлиги хузуридаги “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, педагогика фанлари доктори, профессор Ойниса Мусурманова 1952 йил 21 апрелда Самарқанд вилюяти Пастдарғом туманида таваллуд топган.

1966 йилда тумандаги 67-урта мактабнинг 8-синфини аъло баҳоларга тамомлаб, 1970 йилда К.Д.Ушинский номидаги Самарқанд хотин-қизлар педагогика билим юртини, 1975 йилда эса А.Навоий номидаги СамДУнинг ўзбек ва тожик филологияси факультетини имтиёзли тамомлагач, таълим олган йўналиши бўйича меҳнат фаолиятини “Пастдарғом ҳақиқати” газетасининг таҳририятида адабий ходим (1975) лавозимидан бошлади.

Илмий-педагогик ва раҳбарликфаолиятига биринчи қадамни Пастдарғом тумани пионер ва ўқувчилар уйи директори (1975-1980), сўнг Т.Н. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Республикаси педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида кичик, катта илмий ходим (1980-1988), Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти умумий педагогика кафедраси катта ўқитувчиси, доценти, докторанти, “Халқ таълимини бошқаришнинг илмий асослари”, “Одобнома” кафедралари, “Оила” илмий лабораторияси мудири (1988-1995), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хотин-қизлар ишлари бўлими мудири, оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибияти мудири (1995-1998), Республика “Оила” илмий-амалий

Маркази директори (1998-2000),Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси, ҳамда "Соғлом авлод учун" ҳалқаро хайрия жамғармаси бошқаруви раиси(2000-2002), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раис ўринбосари(2002-2005), ўзДЖТУ педагогика ва психология кафедраси мудири (2005-2020) лавозимларидағидокорона меҳнат қилди.Айни вақтда Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги "Маҳалла ва оила" илмий-тадқиқот институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосарилавозимида фаолият кўрсатмоқда.

О.Мусурмановақаерда ва қайси лавозимда ишламасин ҳукуматимизнинг фан, таълим, ёшлар, оила, хотин-қизлар маънавиятини такомиллашириш, қонунчиликни ривожлантиришга оид давлат сиёсатиниадо этишда ўз соҳасининг жонкуяри сифатида ҳалол меҳнати, чуқур билими ва чексизсалоҳиятини намоён этиб келмоқда.

Дарҳақиқат,Ўзбекистон мустақиллигининг ilk кунлариданоқ,педагогика соҳасида энг долзарб бўлганмиллий ва умуминсоний қадриятлар воситасида ёшлар маънавий маданиятини шакллантириш муаммосини биринчилардан бўлиб тадқиқ этишга киришди. Тинимсиз илмий изланишлари,захматли меҳнатлари натижасида 1986 йилда Педагогика тарихи ва назарияси ихтисослиги бўйичафган номзоди, 1994 йилда фандоктори диссертацияларини мувоффақиятли ҳимоя қилиб,1988 йилда доцент, 1998 йилда профессор илмий увонларини олишга муюссар бўлди.

Мамлакатимиз таълим тизими учун илмий-педагог кадрлар тайёрлашда маҳсулдор олима сифатида 60 дан ортиқ фан докторлари вафандар номзодларига устозлик қилиб,умуминсоний ва миллий қадриятлар воситасидаёшлар маънавий маданиятини шакллантириш,маҳалла ва оила институтини ривожлантиришнинг долзарб масалалари,жа-

миятда хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини оширишнинг педагогик асослари каби муаммолар бўйича ўз илмий мактабинияратишга муваффақ бўлди. Педагогика фанида салмоқли илмий мактаб яратган Ойниса Мусурманова раҳбарлигига бажарилган 5 та амалий, 3 та инновацион, 1 та қисқа муддатли ва Халқаро Ф. Эберт жамғармаси ҳамкорлигига 6 та халқаро илмий-тадқиқот лойиҳаларида олға сурилган илмий-назарий ғоялар таълим тизими, оилалар, хотин-қизлар ва маҳаллаларни ижтимоий, маънавий-руҳий мустаҳкамлашда ўзининг ижобий натижасини берганлиги дикқатга сазовордир.

О.Мусурманова Республика ва халқаро миқиёсда ўзининг илғорпедагогик ғоялари билан етук ва сермаҳсул олима сифатида эътироф ва эътиборлидир. Олима томонидан 500 га яқин, шулардан: 10 та монография, 19 та дарслик, 30 та ўқув-методик қўлланма, 3 та лугат, 10 дан ортиқ рисолалар, 300 дан ортиқ мақолалари Республика ва қатор халқа-режурналларда, илмий тўпламларда чоп этилган. Шунингдек, 5 та СКОПУС журналларидағи мақолалар ҳам шулар жумласидандир.

Олиманинг умумий таълим мактабларининг 7, 8, 9-син-фларида 2000-2020 йиллар давомида ўқитилган "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" (6 та тилда яъни, ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ, тоҷик тиллари), ОТМ талабалари учун "Умумий педагогика" (1-2 қисм), "Касбий-хунар таълими" дарслклари, "Миллий қадриятлар ва ёшлар тарбияси", "Ўқувчилар маънавий маданиятини шакллантириш", "Оила маънавияти-миллий ғурур", "Мустақил Ўзбекистон хотин-қизлари Концепцияси", "Маросимлар-маънавиятимиз кўзгуси", "Ҳадислар-маънавият манбаи", "Оила-жамият таянчи", "Фарзандларимга насиҳатлар", "Маҳалла-ҳаёт кузгуси", "Маҳаллада қизларнинг соғлом турмуш тарзи", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"ни шакллантириш", "Педагогик технология-

лар-таълим самарадорлиги омили”,”Аёлни ардоқлаган юрт” ва бошқа ўнлаб илмий, оммабоп асарлари мутахассис-ки-тобхонларнинг соҳавий“Йўл харитаси”га айланган.

Маърифатпарвар олима кенг қамровли жамоатчи сифатида ўзининг ватанпарварлиги, халқпарвалиги, миллатпарварлигини намоён этиб келмоқда. Унинг Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс пойдевори қўйилаётган бир паллада Олий Мажлис Сенати Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси Экспертлар гуруҳи аъзоси; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Олий атtestация комиссияси эксперт Кенгаши аъзоси; Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан бериладиган “Мўътабар аёл” кўкрак нишони комиссияси аъзоси; Республика болалар ижтимоий мослашув маркази жамоатчилик кенгаши ва илмий-методик кенгаchlари аъзоси; “Замонавий таълим”, “Бола ва замон”, “Фан, таълим, инновация”, “Педагогик маҳорат”, “Халқ таълими” каби илмий-методик, оммабоп журналларнинг таҳририят аъзоси, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги қошидаги БИММда ИМК ҳамда ЎМКҲТ Марказида фаолият юритаётган ИМК аъзоси; ЎзДЖТУ ҳузурида ташкил этилган университетни молиялаштиришни мувофиқлаштириш Кенгаши аъзоси сифатида қўплаб соҳалар ривожига қўшаётган ҳиссаси бениҳоя каттадир.

Шунингдек, Ойниса Мусурмановани ўзбек халқимаҳоратли педагог-психолог, моҳир нотиқ, юксак қобилиятли маънавият тарғиботчиси деб эътироф этишади. Айниқса, Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ва маънавийсоҳада амалга оширилаётган кенг қўлламили бунёдкорлик ислоҳотларининг мазмун-моҳияти, глобаллашув шароитида “Милий тикланишдан-миллий юксалиш сари”, “Жаҳолатга қарши-маърифат”, “Оила-жамият таянчи”, “Янги Ўзбекистон-янгича дунёқарааш”, “Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик” шиори остида ёшлар, хотин-қизлар ва кенг ом-

манинг маънавий ва маърифий савиясини, ҳаётдан мамнунлик кайфиятини юксалтиришда, соғлом муҳитни қарор топтиришда ўтказилаётганмаънавият фестиваллари доирасида ўзининг сермазмун маъруза, семинар-тренинг, давра суҳбати, дебат, учрашувларининг қизиқарли ва таъсирчанлиги таҳсинга сазовордир.

Ушбу маърифатпарвар аёлнинг турли теле-кўрсатув, радио эшиттиришлардаги таъсирчан чиқишилари (“Ўзбекистон”, “Ўзбекистон-24”, “Маданият ва маърифат”, “Оилавий”, “Маҳалла”, “Севимли”, “Ёшлар” ва б.к.) Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳномалигида бўлаётган шиддатли ижтимоий-маънавий ислоҳотлар, бешта ташаббус, ёшлар ва хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, “маҳаллабай”, “хонадонбай”, “фуқаробай” тизимларининг моҳияти, гендер тенглигини таъминлаш, маҳалла ва оила институтини мустаҳкамлашкаби долзарбмасалалар бўйича фуқароларнинг ахборотмаданиятини ошишига хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари саъй-ҳаракатлари билан 2019-2020 ийлларда ташкил этилган “Меҳр” операциялари орқали Сурия, Авғонистон каби давлатлардан Ватанимизга қайтган болалар, хотин-қизларнинг руҳиятини тиклашда, ҳаётга, Ватангабўлган муҳаббат ҳиссини тарбиялашда маърифатпарвар, руҳшунос-педагог сифатида фаол иштироки Ойниса Мусурманованинг инсонпарваликсифати ҳисобланади. Шунингдек, Сирдарё вилояти Сардоба сув омборида бўлган тасодифий техноген талофатдан жабр кўрган, кўмакка муҳтоҷ, оилаларга “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасидабир неча мартаберган хайрия ёрдамлари О.Мусурмановани ватанпарварлиги, саховатпешалигидан далолатдир.

Эътироф этиш лозимки, таниқли маърифатпарвар олима, ижтимоий фаол раҳбар О.Мусурманованинг мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий-маънавий тараққиётига қўшган улушларимуносиб баҳоланиб, хукуматимиз томонидан «Ўзбекистан

белгиси»кўрак нишони, Биринчи даражали «Соғлом авлод учун» ордени, Ўзбекистон Республикаси “Халқ таълими аълочиси”, Қорақалпоғистон Республикаси “Халқ таълими аълочиси”), Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиги, Иккинчи даражали“Меҳнат фахрийси” ва “Мўтабар аёл” кўрак нишонлари ва 6 марта Президентнинг эсдалик совғалари, вазирликлар ва ташкилотлар томонидан “Фахрий ёрлиқ” лар ва Ташаккурномалар билан тақдирланганлиги мамлакат раҳбарияти ҳамда ўзбек халқининг эътирофидан далолатdir



97. НАЗИРОВА РАҲНО АҒЗАМОВНА.“-

Ноорганик моддалар кимёвий технология” факультетининг фахрий профессори. 1963-1966 йилларида Тошкент политехника институти пластмассани қайта ишлаш технологияси аспиранти бўлган.

1966-1978 йилларда Тошкент политехника институти полимерлар илмий – тадқиқот лабораториясида катта инженер, катта илмий ходим. 1976-1983 йилларда Тошкент политехника институти кимё технология факултетининг сиртқи бўлимидаги декан, лавозимида ишлаган.

1978 йилдан хозирги кунгача Тошкент кимё технология факультети (ТошПИ) нинг “Аналитик кимё” кафедраси асистенти, доценти, профессори даражасида ишлаб келган.

Ўзбекистонда синтетик ион алмашинувчи полимерлар кимёси ва технологиясининг вужудга келиши ва ривожланишига ўзининг муносаб ҳиссасини кўшиб келаётган истеъдоли олма.

Рано Ағзамовна Назирова кафедра профессори Аналитик кимё фани 30 йилдан ортиқ дарс бериб келган. Хозирги кунда фанномзодларига раҳбарлик килиб келаяпти. Ардоқли она, бир неча набираларинисевимли бувиси.

Илмий ишлари бўйича мақола сони- 400 дан ортиқ, ўқув қўлланмалар сони- 50 дан ортиқ, шогирдлар сони – 50 дан ортиқ, кандидатлар сони – 15 тава4 та-докторанталарга раҳбарлик қилиб келмоқда.



98. НИЯЗОВА ДЖАМИЛЯ АБДУҚАДИРОВНА (1958-2019) – юридик фанлари номзоди, Қорақалпоғистонда хизмат қўрсатган юрист, юридик фанлар номзоди, доцент.

Джамиля Ниязовна 1958 йил 14 апрелда Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида туғилган. Маълумоти олий.

Джамиля Ниязовна 1980 йил Тошкент давлат университетини, 1985

йил Москва давлат университети аспирантурасини тамомлаган.

Джамиля Ниязовна меҳнат фаолиятини 1980-1989 йиллар Нукус давлат университетининг ҳуқуқшунослик кафедраси ўқитувчиси, 1989-1992 йиллар Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирининг ўринbosари,

1992-2005 йиллар Қорақалпоғистон давлат университетининг катта ўқитувчиси, кафедра мудири вазифасини бажарувчиши, кафедра мудири, доценти, юридик клиникаси директори лавозимларида фаолият юритган.

У ўз меҳнат фаолияти мобайнида ёш ҳуқуқшуносларни ҳар томонлама билимли, етук ва маънан баркамол қилиб тарбиялашга ўзининг катта ҳиссасини қўшди.

Джамиля Ниязовна Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ишлаб чиқиши бўйича Конституциявий комиссия ва Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясини ишлаб чиқиши бўйича Конституциявий комиссия таркибида ушбу муҳим тарихий ҳужжатларни яратиш ва қабул қилиш жараёнларида бевозита иштирок этди.

Джамиля Ниязова 2005-2019 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутати сифатида мамлакатни ривожлантириш, демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш борасидаги муҳим қонун хужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда фаол қатнашган. Ушбу давр мобайнида Джамиля Абдуқадировна дастлаб Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси, кейинчалик эса Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси таркибида самарали ва фидокорона меҳнат қилган.

Джамиля Абдуқадировна Қонунчилик палатасида депутат сифатида 600 дан ортиқ қонунларнинг қабул қилинишида ўз фикр-мулоҳазалари билан фаол иштирок этган. Хусусан, “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш ҳамда молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, “Йод етишмовчилиги касалларни профилактикаси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ва “Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар ва касб касалларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни қабул қилиш жараёнида иштирок этган.

Шу билан биргаликда Джамиля Абдуқадировна “Миллий тикланиш” Демократик партияси Марказий Кенгаши ижроия қўмитаси аъзоси сифатида партиянинг нуфузини ошириш, унинг фаолиятини жонлантириш учун ўз ҳиссасини қўшган партия фаолларидан ҳисобланган. Партиянинг “Аёллар қанонти”да фаол иштирок этиб, жамиятда аёлларнинг сиёсий онги ва маданиятини оширишга қаратилган 300 дан ошиқ турли тадбирларда жонбозлик билан қатнашган. Жумладан, “Донолик ва ташаббускорлик – сиёсий етакчилик мезони”, “Агар мен депутат бўлсан” каби тадбирларнинг жонкуяри сифатида Республика бўйича партиянинг анънавий кўрик танловларини мунтазам равиша үтказишда фаоллик қилган.

Парламентдаги фаолияти давомида сайловчилар билан 250 дан ортиқ учрашувлар, аҳолига қабул қилинаётган қонун лойиҳаларининг мазмун моҳиятини етказиш юзасидан 500 дан ортиқ тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил килган.

Шунингдек, Джамиля Абдуқадировна халқаро парламентлараро муносабатларнинг мустаҳкамланишига ўз ҳиссасини қўшиб келган. Кўплаб мамлакатларнинг парламентларига ташриф буюриб, халқаро тажрибани ўргангандан миллий парламентчиликни такомиллаштиришга ўз ҳиссасини қўшган. Хусусан, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ҳақида миллий ва халқаро анжуманларда маъruzалар билан иштирок этган. “Ўзбекистон-Корея” ҳамда ЕвроОсиё иқтисодий иттифоқи Парламентлараро гурухларининг аъзоси бўлган.

Шу билан бирга, жамоатчилик ишларида фаол бўлиб, “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар Ассоциацияси Қорақалпоғистон бўлими бошлиги сифатида БМТ Тараққиёт дастурининг “Қорақалпоғистонда микрокредитлаш дастури”, “Қорақалпоғистонда турмуш даражасини кўтариш” лойиҳаларини, Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда “Қорақалпоғистонда турмуш даражасини кўтариш бўйича инновацион методлар” лойиҳаларини амалга оширган. Хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларга зарур кўнікмаларни бериш ва фаолиятини микрокредитлаш бўйича қатор ишларни олиб борган.

Джамиля Абдуқадировна кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга қўшган улкан ҳиссаси учун “Дўстлик” ордени (2005 йил), III даражали “Меҳнат фахрийси”, “Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган юрист” фахрий унвонлари билан тақдирланган.



99. РАЖАПОВА РАЬНО ЁДГОРОВНА

(1935.01.10, Термиз шаҳри – 2005.16.11, Тошкент шаҳри) – машҳур тарихчи олима ва жамоат арбоби. Тарих фанлари доктори, профессор. Термиз шаҳрида ўрта мактабни кумуш медал билан тугатган (1953). Ломоносов номидаги Москва давлат университети тарих факультетида 1953-1958 йилларда таҳсил олиб, уни имтиёзли диплом билан тугатган (1958). Ўзининг илмий фаолиятини Ўзбекистон ССР ФА Тарих ва археология институтида 1959 йили катта лаборант сифатида бошлаган. Тошкент темир йўллар транспорти инженерлари институтида 1963-1971 йилларда фаолият кўрсатган. Кейинчалик Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети хузуридаги Партия тарихи институтида катта илмий ходим, бўлим мудири (1971-1986), Ўзбекистон ССРФА Тарих институти директори (1986-1991), Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Ижтимоий-сиёсий муаммолар институти сектор мудири (1991-1992), Ўзбекистон ФА Тарих институтида бўлим мудири ва гурӯҳ раҳбари (1992-1995), етакчи илмий ходим (1998-2005) лавозимларида ишлади.

Р.Ё.Ражапова 1967 йилда “Создание и работа политорганов в войсках Туркестанской республики и Туркфронта (1918 – 1920 гг.)” мавзуида номзодлик, 1986 йилда “Идеологическая работа Компартии Узбекистана в период строительства социализма (1925 – 1937 гг.)” номли докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Ўз даврида йирик назариётчи олима бўлган Р.Ё.Ражапова XX аср 80-йиллари ўрталарида, қайта қуриш ва ошкоралик даврида Ўзбекистоннинг совет даври тарихини ёритишда янгича методологияни ишлаб чиққан, у Тарих институтига раҳбарлик қилган 1986-1991 йилларда республикамизда тарих фанига ёндашув ва услублар тубдан ўзгараётган мураккаб бир давр эди.

Раъно Ражапованинг илмий изланишлари доирасида XX аср биринчи чорагида Туркистон ва Ўзбекистонда кечган ижти-

моий-сиёсий жараёнларнинг тарихи, Туркистондаги миллий озодлик ҳаракатлари: жадидчилик ва совет режимига қарши қуролли ҳаракат масалалари, Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш, сиёсий партиялар фаолияти, қатағон қилинган давлат ва сиёсат арбобларининг ижтимоий портретини яратиш каби муаммолар алоҳида ўрин эгаллади. Хусусан, Р.Ё.Ражапова Туркистон минтақасининг 1917-1924 йиллардаги совет даври тарихини ёритиш учун янгича методологик концепцияни ишлаб чиқди.

Бу концепция илк марта 1994 ва 1995 йилларда Тошкентда ўзбек ва рус тилларида нашр қилинган “Ўзбекистон тарихи (1917-1993 й.)” 9-синф ўқувчилари учун дарсликнинг тегишли қисмларида ифодаланди. Бу дарслик Р.Ё.Ражапова бошчилиги-даги муаллифлар жамоаси томонидан ёзилган эди. Ушбу концепция рус тилида 2000 йилда Тошкентда Р.Ё.Ражапова илмий муҳаррирлигида нашр қилинган йирик монография – “Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости” асарида ўзининг мукаммал ифодасини топди.

Шунингдек, Р.Ражапова ЮНЕСКО халқаро ташкилоти томонидан Парижда инглиз тилида нашр қилинган “Марказий Осиё цивилизациялари тарихи” номли қўп жилдлик фундаментал тадқиқотнинг 2005 йилда нашрдан чиққан VI жилдининг Ўзбекистондаги асосий муаллифларидан биридир. Фидойи олима 15 га яқин тарихий китоблар ва 100 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи ҳисобланади.

Р.Ё.Ражапова илмий фаолиятида шогирдлар тайёрлаш муҳим ўрин тутади. У З нафар фан доктори ва 7 нафар фан номзодининг Ўзбекистон тарихи фанидан тайёрлаган диссертацияларига илмий раҳбарлик ва маслаҳатчилик қилди. Олима ўз илмий мактаби доирасида Туркистонда 1917-1918 йиллардаги сиёсий партиялар ҳамда миллий матбуот тарихи, Туркистон Мухторияти ҳукумати фаолияти, Туркистон минтақасида совет режимига қарши истиқлолчилик ҳаракати, совет ҳокимиятининг озиқовқат сиёсати ва унинг оқибатлари, Ўзбекистонда ишчилар

синфи турмушидаги ўзгаришлар ва бошқа йўналашларда юқори малакали тарихчи мутахассислар тайёрлади.

Олима таваллудининг 86 йиллиги муносабати билан 2021 йил Тошкентда “Ҳалоллик ва талабчанлик тимсоли (Раъно Ёдгоровна Ражапова шахсиятига чизгилар)” хотиралар китоби чоп этилди.

“Шуҳрат” медали билан тақдирланган (2003).

100. РАСУЛОВА МУҲАЁ ЮНУСОВНА. Физика-математика фанлари доктори. Унинг илмий изланишлари ўзаро таъсирлашувчи кўп заррали тизимлар ривожланиш қонуниятларини, квант ахбороти ва ахборот ҳавфсизлиги масалаларини математик физика услублари ёрдамида таъқиқ этишга бағишиланган.

М.Расулова энергияда адронлар ва оғир ионларнинг ядро билан таъсирлашувида заррачалар ва экзотик ядро ҳолатларини пайдо бўлиш жараёнини текшириш ва кўп заррали тизимларнинг кинетик ва термодинамик хоссаларини ўрганишнинг математик услубларини чиққан. Нотурғун кўп заррали тизимларнинг электромагнит хоссаларини назарий ва математик физика услублари ёрдамида ўрганган. У Европа Иттифоқининг “Partial Differential Equations Modelling Semiconductors” мавзусидаги илмий лойиҳани бажаришда Ўзбекистон гуруҳига муваффақиятли раҳбарлик қилган.

У Ўзбекистон Миллий университетети ҳузуридаги назарий физика ва математик физика соҳаларида докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш бўйича ва Ядро физикаси институти ҳузуридаги физика бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш бўйича илмий кенгашларнинг аъзоси.

М.Расулова Ўзбекистон Миллий университетининг физика ва математика факультетларида профессорлик лавозимида ҳам самарали фаолият кўрсатмоқда.

Унинг 100 ортиқ илмий мақолалари (улардан 50 яқинихориҷий журналларда) чоп этилган. Унинг раҳбарлигига 2 нафар фан доктори тайёрланган.

М.Расулова етук физик олим сифатида 20 ортиқ хорижий мамлакатларнинг илмий марказлари билан илмий ҳамкорлик қилиб келмоқда.

У 2007-2014 йилларда Малайзия микроэлектроника тизимлари Институтида бош илмий ходим сифатида фаолият кўрсатган ва ахборот хавфсизлиги бўйича муҳим натижаларга эришган.

М.Расулова Америка математиклар жамиятининг ҳамда Европа аёл математиклар жамиятининг аъзоси бўлган.

У қатор ҳалқаро илмий журналларнинг нашр кенгашларининг аъзоси ва тақризчиси бўлган, жумладан АҚШнинг "Applied Mathematics and Information Sciences", "The International Journal of Computer Science and Communication Security" ва Ҳиндистонда нашр этиладиган "Indian Journal of Industrial and Applied Mathematics" журналлари киради.

У физиклар ва математиклар жамоаси ўртасида хурмат-эътиборга сазовор бўлган.

101. РАҲМАТУЛЛАЕВА ДИЛФУЗА НАЗРУЛЛАЕВНА. 1962 йилда зиёли оиласида туғилган. 1979 йилда Тошкентдаги 224 мактабни олтин медаль, 1984 йилда ТошДУнинг (ҳозирда Мирзо Улугбек номидаги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетини имтиёзли диплом билан тутатиб, шу иили Санъатшунослик институти аспирантурасига қабул қилинди. 2000-2003 йилларда шу институт докторантурасида таҳсил олган. 1993 йилда «Ўзбек драматургиясида тарихий драма тараққиёти ва шоиралар сиймоси талқини» мавзуидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, санъатшунослик фанлари номзоди, 2005 йил «XX аср ўзбек драматургияси ва театр санъатида тарихий драма (шаклланиш ва ривожланиш муаммолари)» мавзусидаги санъатшунослик фанлари доктори илмий даражасига даъвогар диссертацияни муваффақиятли ҳимоя этиб, санъатшунослик фанлари доктори илмий даражасига эришди. Унга Кирғизистон Театр санъати академиясининг академиги (2017 й.), 2018 йилда ЎзР ОАК қарорига кўра профессор унвони берилди.

Меҳнат фаолиятини 1988 йилда Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида катта лаборант вазифасида бошлаган. Ўтган йиллар мобайнида шу институтда кичик илмий ходим, илмий ходим, катта илмий ходим, Д.092.11.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгаш илмий котибаси, ўриндошлиқ асосида 1998-2001 й. “San’at” журналининг ўзбек тилидаги сонига маъсул сифатида, 2001-2005 йилларда ЎзМУ “Санъатшунослик” кафедрасида доценти, 2006-2018 йилларда Камолиддин Беҳзод номидаги Миллый рассомлик ва дизайн институти маънавий-маърифий ва ахлоқий тарбия масалалари бўйича проректори, шу институтнинг Тасвирий санъат факульети “Театр безаги рангтасвири” кафедраси профессори, 1918-1921 йилларда ЎзФАСанъатшунослик институти илмий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимларида фаолият олиб борди. Бугунги кунда шу институт “Театр ва хореография” бўлими бош илмий ходими лавозимидахизмат қилмоқда.

У ўзбек драматургияси ва театр санъатининг ривожланиш жиҳатлари ва назарийтамоилларига бағишланган 250 га яқин илмий, бадиий-танқидий, маънавий-маърифий йўналишдаги мақола, 14 та ўқув-услубий кўлланма, “Ўзбек театри: тарихий драма” (Т: “San’at”, 2004), “Ўлмас Умарбеков ва театр” (Т: “San’at”, 2005), “Пойингизга таъзимда дунё” (Т: “San’at”, 2009), “Нафис мажлислар” (Т: “San’at” 2009, 2011(қайта нашри), “Санъатга бахшида умр: Яйра Абдуллаева” (Т.: “Мумтоз сўз”, 2014) номли монографиялар муаллифи. Унинг муаллифлиги ваҳаммуаллифлигига “Либос тарихи” (Т.: “Сано-стандарт”, 2015 й.), “Театр макети” (Т.: “Ношир”, 2017 й.), “Тасвирий санъат, кастюм ва мода тарихи” (Т: “Тафаккур қаноти”, 2017 й.), “Кастюм ва мода тарихи” (Т.: “Сано-стандарт”, 2017 й.), “Театр тарихи” (Т.: “Iqtisod-moliya”, 2018) дарслик ва ўқув қўлланмалар нашр этилиб, бугунги кунда таълим жараёнида фойдаланилаяпти.

Унинграхбарлигига фалсафа фанлари доктори (PhD) илмий даражасига даъвогар диссертация, шунингдек 30дан ортиқ магистрлик диссертацияси муваффақиятли ҳимоя этилди, маги-

стратура босқичи талабаси Абдужабборова Маъсуда Президент стипендиаси совриндори бўлди. Бугунги кунда қатор докторант ва магистрантларга раҳбарлик қилмоқда.

Раҳматуллаева Дилфузা республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалийанжуманлар (Россия, Тоҷикистон, Ҳиндистон, Эрон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон) иштирокчиси. Республика ва Халқаро миқёсдагитеатр фестиваллариҳайъат аъзоси сифатида фаол иштирок этиб келмоқда. Унинг раҳбарлигидан Фан ва технологиялар Давлат қўмитасининг инновацион гранти лойиҳаси доирасида ўзбек тилида биринчи бор “Либос тарихи” дарслиги нашр этилди, “Ўзбек мультиплакациясида ижодий жараён: шаклланиш ва тараққиёт муаммолари” номли фундаментал илмий-техник тадқиқот лойиҳаси амалга оширилди.

Раҳматуллаева Дилфузা ЎзР Маданият вазирлиги Театр арбоблари уюшмаси бадиий кенгаши, Ўзбекистон БА Бадиий ижодкорлар уюшмаси, Республика “Олим аёллар ассоциацияси” бошқарув кенгаши аъзоси. У қатор йиллар давомида Зулфия номли Давлат мукофотининг санъат йўналиши бўйича ҳайъат аъзоси сифатида самарали ишлади. Талаба ёшларнинг “Ёшлар иллатларга қарши”, “Бу замин - менинг Ватаним” танлов-кўргазмалари ташкилотчиси, “Ягонасан муқаддас ватан”, “Нафосат”, Талабалар театр фестивали ҳайъат аъзоси сифатида фаолият кўрсатди.

Д. Раҳматуллаева Республика маънавият ва маърифат кенгашининг тарғиботчилар гурӯҳи аъзоси сифатида республика ва пойтахт аҳолиси, турли ташкилотлар ва аҳолининг кенг қатламлари ўртасида ўтказиладиган маънавий-маърифий ва маданий тадбирлар тарғибот гурӯҳида фаол иштирок этади.

Раҳматуллаева Дилфузা Миллий театр санъати ривожига кўшган ҳиссаси учун Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси Театр ижодкорлари уюшмасининг профессионал мукофотларнинг «Йилнинг энг фаол театр танқидчиси» номинацияси

ғолиби, “Йил аёли” миллий танловининг Тошкент шаҳар босқи-чи, “Оқила аёл” республика танлови лауреатидир. У Ўзбекистон БА Кумуш медали, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбеки-стон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўзбе-кистон Бадиий Академияси, турли жамоат ташкилотларининг диплом ва Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган. Ҳамкор таш-килотлар томонидан кўплаб ташаккурномалар берилган.



102. СУЛТАНОВА ЭЪТИБОР СИДИКОВ-НА. Э.Султанова Ўзбекистон таълим тизи-мига илк бор “Сиёсий маркетинг”, “Сиёсий маданият”, “Сиёсий конфликтология” ва “Сиёсий технологиялар” фанларини яра-тишда ва жорий этишда асосчиси ҳисобла-нади, мазкур фанлар бўйича ўқув кўллан-малар, ўқув дастурларни муаллифи.

Султанова Эътибор Сидиковна 106 дан ортиқ илмий, ўқув-методик ишлар муаллифи, улардан: 2 та монография, 6 та ўқув кўлланма, 7 та ўқув услубий қўл-ланма, 2 та луғат, 1 та энциклопедия, 3 та рисола ,85 та илмий мақолалар муаллифи.

Э.Султанова раҳбарлигига 3 нафар сиёсий фанлар бўйича фалсафадоктори (PhD), 3та тадқиқотчимоярафасида, 7та ил-мий диссертацияга оппонент, 1997 йилдан бери 100дан ортиқ бакалавр илмийишларигава 2004 йилдан40та магистр диссер-тацияларига раҳбарлик қилиб келмоқда.

Э.Султанова Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия универси-тети, Миллий университет, Шарқшунослик университетларда Назарий Семинар аъзоси бўлиб диссертациялар муҳокамасида - 2018 йилгача, 2019 йилдан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия универсиитети хузуридаги Илмий даражалар берувчи Кенгаш аъзоси, Тошкент Давлат Шарқшунослик университети хузури-даги Илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019 Sc/Tar.21.02

рақамли Ихтисослашган Илмий Кенгаш раиси сифатида фаолият олиб бормоқда.

Э.Султанова Тошкент шаҳар ҳокимияти “Маънавият” бўйими бошлиғи сифатида Ўзбекистонда 1996 йилда яратилган маънавий-маърифий ишлар тизимини ва хукуқий базасини шакллантиришда фаол қатнашган. Унинг таклифлари маънавий-маърифий ишларни таълим тизимига ва давлат ҳокимият органларида жорий этишда қонунчиликда ўз аксини топган.

Э.Султанова 1995 йилдан бери, айниқса, Янги Ўзбекистонни барпо этишда аёллар ижтимоий –сиёсий фаоллиги биланшуғулланувчи ташкилотларда фаолият кўрсатмоқда, хусусан: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати қошидаги “Аёллар ва гендер тенглик масалалари” қўмитасининг эксперти, Мактабгача таълим вазирлиги қошидаги Жамоат Кенгаш раиси, Тошкент шаҳар ва Мирзо-Улуғбек тумани Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўйими қошидаги Хотин-қизлар Жамоатчилик Кенгашаъзоси, Тошкент шаҳар “Олима” аёллар уюшмаси раиси, Зульфия номидаги Давлат комиссиясини “Фан” йўналиши бўйича Комиссия аъзоси сифатида аёллар билан серқиррали ишларни олиб бормоқда.

Э.Султанова 1998 йилдан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети Хотин-қизлар қўмитаси раиси ва 2020 йилдан Хотин-қизлар масалалари бўйича Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети Хотин-қизлар маслаҳат Кенгашининг раиси сифатида фаол ишлаб келмоқда ва ушбу лавозимдауниверситет профессор ўқитувчилар, ходимлар ва талабалар орасида серқиррали маънавий-маърифий ишларни олиб бормоқда.

Э.Султанова илмий ишида хотин-қизлар ташкилотларнинг жамиятдаги ўрни ва республикамиизда мустақиллик йиллардаги мавқеи тўғрисида биринчи бўлиб аёлларни давлатимиз стратегиясида ўрни бўйичасиёсий фанлар доктор ишини муваффақиятли химоя қилиб ва ўз илмий хулоса ва тавсиялари амалиётда 1995 йилдан республикада хотин-қизлар масалалари борасида фаолиятда ҳамда хотин-қизлар фаолиятига қаратилган миллий қонунчилик базасида қўлланилиб келмоқда.

Э.Султанова олиб борган фаол илмий ва жамоат ишлари учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи Ишлар вазири Фахрий ёрлиғи ва Ташаккурномаси(2001, 2012 ва 2020 йиллар), Ўзбекистон Республикаси Олий таълим вазири Фахрий ёрлиғи(2008 ва 2017 йиллар), Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринbosари - Хотин-қизлар қўмитаси раисининг Фахрий Ёрлиқлар (2007, 2013 ва 2017 йилар), 2018 йилда Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Ташаккурномаси билан тақдирланган. 2021 йил Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Халқ дипломатияси марказининг Халқ Дипломати унвонига сазовор бўлди.

2019 йили кўп йиллик аёллар орасида тарбиявий ишларни олиб боришда хисса қўшгани учун «Муътабар аёл» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Бундан ташқари, кўп маротаба Тошкент шаҳар ҳокими, Мирзо-Улуғбек тумани ҳокими, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети раҳбарияти томонидан Фахрий Ёрлиқ ва Ташаккурномалар билан тақдирланиб келмоқда.

Э.Султанова кўп йиллик иш тажрибасидан келиб чиқиб, ёшларнинг касб маҳоратини оширишга самарали ҳисса қўшиб келмоқда. У ўз касбини севиши, эл-юрт хизматига фидойилиги, олийжаноблиги ва бошқа инсоний фазилатлари билан ҳақиқий замонавий, ўз устида ишлайдиган устоз, меҳрибон, келажак авлодни Ўзбекистон муносиб фарзанди этиб тарбиялашга хисса қўшаётган инсондир.



103. ТАМАРА ВИЗГО (1906-1998). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, санъатшунослик фанлари доктори, мусиқашунос олима. Тамара Визго узоқ йиллар давомида олиб борган илмий, ўқитувчилик ва жамоатчилик фаолияти билан республикамиз замонавий мусиқа маданиятининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшди. У ўзбек халқи мусиқа меросини, ижрочиларининг ҳа-

ёти ва ижодий фаолиятини, мусиқа чолғуларини, бастакорларнинг ижоди ва муаммоларини ўрганиб, тарғиб қилди.

Визго Тамара Семёновна 1906 йилнинг 12 (25) апрелида Россия империяси Польша қироллигининг Ломжа шаҳрида таваллуд топган. 1940 йилда Тошкент давлат консерваториясининг тарихий-назарий факультетини профессор Ю.Фортунатов синфидаги тамомлаган. 1937 йилдан консерваториянинг тайёров бўлимида педагоглик фаолиятини бошлади. 1939-1946 йилларда Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа техникумидаги санъатшунослик илмий тадқиқот институтида илмий ходим (1943-1947), мусиқа бўлими мудири (1947-1952), илмий ишлар бўйича директор ўринбосари (1952-1957), катта илмий ходим (1957-1990) лавозимларида ишлади. 1947 йилда санъатшунослик фанлари номзоди, 1977 йилда санъатшунослик фанлари доктори илмий даражаларини олди. 1976 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони, 1986 йилда «Халқлар дўстлиги» ордени ва медаллар билан тақдирланган.

Т.Визго мусиқа мероси ва айниқса, Ўзбекистон симфоник мусиқаси ва опера санъати ривожини ўрганиш ҳамда тадқиқ қилишда ҳиссаси катта. Олимга томонидан «А.Ф.Козловский», «В.А.Успенский», «Музыкальные инструменты Средней Азии», «Узбекский оркестр народных инструментов» ва «Народная инструментальная культура современного Узбекистана» (А.И.Петросянц билан ҳамкорликда) йирик монографиялари нашр этилган. Йиллар давомида Тамара Семеновна ўзбек ва рус мусиқаси алоқаларига доир тарихий ҳужжаларни излаб, кекса санъаткорлар билан мулоқотда бўлиб, ҳозирги замон ўзбек ва рус композиторларнинг турли шакл ва жанрларда яратган асарларини таҳлил этиб «Развитие музыкального искусства Узбекистана и его связи с русской музыкой» мавзуида докторлик диссертациясини ёзди. Олима таҳрири остида 1955 йилда «Музыкальная культура советского Узбекистана» номли тўплами, 1972 йилда «Проблемы музыкальной культуры народов Узбекистана, Туркмении

и Таджикистана» мақолалар тўплами чоп этилди. Т.Визго беш жилдлик «Музыкальная культура союзных республик» (2-жилд, 1957), уч жилдлик «История узбекской советской музыки» (1-2 жиллар, 1973, 1975) китоби ёзилишида қатнашди.

Т.Визго «Пути развития узбекской музыки», «Узбекская опера», «Симфоническая музыка», «Афрасиабская лютня», «Улугбек» А.Ф.Козловского, «Проделки Майсары», «Музыка узбеков», «Музыкально-теоретическое наследие великих среднеазиатских мыслителей» (мусиқашунос Дилбар Раширова билан ҳамкорликда) каби 300 дан ортиқ турли мавзуларда илмий ва илмий-оммабоп мақолалар ёзиб, ўзбек мусиқаси тарихини чукур ўрганилиши ва тарғиб этилишида беназир ҳисса қўшди. Олима республикамиз ва чет давлатларда ўтказилган илмий-амалий конференциялар ва симпозиумларда маъruzалар билан қатнашди. Узоқ йиллар давомида Ўзбекистон Композиторлар ўюн-масининг ҳайъат аъзоси ва мусиқий танқидчилик комиссияси раҳбари сифатида меҳнат қилди.

Т.Визгонинг Ўзбекистонда мусиқашунослик мактабини шакллантириш ва ривожлантиришда, малакали мутахассислар тайёрлашда ҳам хизмати катта. Олима раҳбарлигида Ўзбекистон, Озарбайжон, Арманистон, Туркманистон мусиқашунослари кандидатлик диссертацияларини ёқлаганлар. Бугунги кунда ёш олимлар илмий иўzlанишлар олиб боришида Т.Визго ёзиб қолдирган адабиётлар, мақолалардан кенг фойдаланмоқдалар.



**104. УМИДА АЛИМДЖАНОВНА
ТЕШАБАЕВА** 1975 йил 22 март куни
Қирғизистон Республикаси Ўш вилояти-
да туғилган.

Умида Алимджановна Тешабаева 1996 йилда Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти-нинг “Кутубхонашунослик” факультети-ни имтиёзли диплом билан тутатган.

У. Тешабаева 1996-2000 йилларда Тошкент вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти кутубхонаси кутубхоначиси, кутубхона мудири лавозимларида ишлаган.

2000-2003 йилларда Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти аспирантурасида таҳсил олиб, 2006 йилгача мазкур институтнинг “Библиография” кафедраси ўқитувчиси лавозимида самарали фаолият юритган.

2006 йилдан Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Илмий методика бўлими бош кутубхоначиси лавозимидан иш фаолиятини бошлаб, ўтган давр мобайнида хизмат раҳбари, ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш бўйича директор ўринbosари ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директоригача бўлган босқични босиб ўтди.

У. Тешабаева республика аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш, соҳа фаолиятини ривожлантириш, кутубхоначилик олдида турган вазифаларни амалга оширишда самарали фаолият кўрсатиб келаётган раҳбар ҳисобланади.

У.Тешабаева раҳбарлигига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан соҳани ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарор ва фармойишлар ижроси таъминланмоқда. Жумладан, ахборот-кутубхона соҳасини замонавий умумжаҳон тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда ислоҳ қилиш, аҳолига сифатли хизмат кўрсатишни таъминлаш, ахборот-кутубхона муассасаларини ривожлантиришга йўналтирилган норматив-хуқуқий база такомиллаштиришга эришилди. 2019 йилда аҳолининг барча қатламларига хизмат кўрсатадиган ва универсал фонdlарга эга 186 та туман, шаҳарда ахборот-кутубхона марказлари ташкил этилди. У. Тешабаева Ўзбекистон Миллий кутубхонаси хузуридаги Республика методик кенгashi раиси ўринbosари сифатида ахборот-кутубхона фаолияти ва уни ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини, стратегик устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича ҳам аниқ таклифлар ишлаб чиқиш жараёнида фаол иштирок этиб келади ва уни татбиқ этилишига эришади.

Жумладан, У. Тешабаева раҳбарлигида биринчи марта “Ўзбекистондаги ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятининг Миллий модел стандарти” ишлаб чиқилиб, соҳага жорий этилди. Ушбу стандартда белгиланган меъёрлар асосида республиканинг барча туманларида ахборот-кутубхона марказлари биноларини ажратиш, таъмиrlаш, жойларда эса янгиларини қуриш ишлари амалга оширилмоқда. 2019 йил мобайнида Но-дирабегим номидаги Наманган вилоят ахборот-кутубхона маркази тўлиқ қайта таъмиrlанди. Шунингдек, Хоразм, Самарқанд ва Андижон вилоят ахборот-кутубхона марказлари тўлиқ қайта таъмиrlанаяпти. 2019 йилнинг декабрь ойида Тошкент вилояти “Турон” ахборот-кутубхона маркази янги бинода ўз фаолиятини бошлади.

У. Тешабаева республикамиз ахборот-кутубхона соҳасининг халқаро миқёсда нуфузини оширишда самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Халқаро кутубхоначилик ассоциациялари ва муассасалари федерацияси (ИФЛА), Евросиё кутубхоналар Ассамблеяси (БАЕ), Халқаро стандарт китоб рақами (ISBN), Халқаро стандарт серия рақами (ISSN), Кутубхоналар учун электрон ахборот (eIFL) каби халқаро нотижорат ташкилотларга аъзо бўлиб, улар билан узвий ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. Айниқса, Ўзбекистонда кутубхоначилик соҳасидаги ислоҳотлар, ташкилотга аъзо муассасалар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Бундай ҳамкорликлар Ўзбекистон кутубхоналари учун жаҳон илмий хорижий базаларга аъзо бўлишга имтиёзлар беради.

Шунингдек, Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг халқаро фаолиятини ривожлантириш, хорижий кутубхоналар билан дўстона муҳит яратиш, ахборот манбаларини шакллантириш, ахборот ва турли кўринишдаги миллий нашрлар алмашуви, шунингдек, замонавий кутубхона технологияларини ўрганиш ва амалга тадбиқ этиш бўйича тажриба алмашиб йўналишла-

рида ҳамкорлик изчил йўлга қўйилган. 2018-2019 йилларда Беларусь Миллий фанлар академиясининг Якуб Колас номидаги Марказий илмий кутубхонаси, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Эрон Ислом Республикаси Миллий кутубхонаси, Қозоғистон Миллий кутубхонаси, Япониянинг Аичи санъат университети, Россия Давлат кутубхоналари билан ўзаро меморандумлар имзоланиб, ҳамкорликлар ўрнатилди.

2020 йил Туркия Президенти девони ҳузуридаги кутубхона очилишида Ўзбекистон делегацияси таркибида иштирок этди.

У.Тешабаева ташабуси билан илк бор “INFOLIB UZBEKISTAN-2019” VIII Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги доирасида “Ахборот-кутубхона таҳлили” ҳамда “Болалар ва ёшларни мутолаага жалб қилиш бўйича энг яхши услубий ишланма” танловлари ташкил этилди.

У. Тешабаева ўзининг билим ва кўникмаларини иш фаолиятида тўғри қўллади. Ахборот-кутубхона муассасаларида мутахассислар учун халқаро ва республика миқёсида ташкил қилинган конференция, конгресс, семинар ва давра суҳбатларида ўз маърузалари билан фаол қатнашиб келади. Бугунги кунда унинг соҳага оид 30 дан зиёд мақолалари, муҳаррирлик ва таржима ишлари мавжуд. Китобхон ва китобхонликни янада ривожлантириш бўйича, кутубхоначилик соҳаси олдида турган устувор вазифалар, кутубхоначи мутахассисларни ўқитиш ва касб нуфузини оширишга қаратилган чиқишлар қилган.

У. Тешабаева иш фаолиятида билим савияси юқори ва малакали мутахассис сифатида ўзини кўрсатди. Ўз принципига эга раҳбар, бошқарувда жамоа билан ишлашни ва муаммоларни ҳал қилишга ҳаракат қиласи. Меҳнат интизоми қоидаларини бузмagan, ишлаб чиқариш вазифаларини масъулият билан бажаради.

Ҳамкаслар, китобхонлар билан дўстона ва хушмуомалалик билан муносабатда бўлади, қийин вазиятларни муроса билан ечишга ҳаракат қиласи, вазифаларни бажаришда ижодий ёндашади. Хизматга вижданан қарааш, касбий малакасини ошириш каби ишchanлик фазилатларига эга. Жамоа ичида ҳурматга сазовор.

105. УБАЙДУЛЛАЕВА ХУРШИДА АБДУЛЛАЕВНА «Шұхрат» медали әгаси, мамлакатимизда қишлоқ хұжалиги соңаси ривожига қүшган улкан ҳиссаси, самарали мекнәти, фидоийлиги ва ташаббускорлиги билан ҳамкаслари ва кенг жамоатчилик ҳурматига сазовор бўлган, ген инженерияси соңасида тан олинган олим.

Кимё фанлари номзоди. 100 дан ортиқ илмий ишлар, илмий мақолалар ва ихтиrolар муаллифи.

Ўтказилган илмий тадқиқотлари натижасида ген-нокаут “Порлоқ” ғұза навларини генетик ва физиологик-биокимөвий хусусиятлари ўрганилган. Бундан ташқари қишлоқ хұжалиги әқинларини ген-инженерияси ва микроклонал кўпайтириши бўйича илмий тадқиқотларни олиб борган.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида “Порлоқ” ген-нокаут ғұза навларидаги фотосинтез жараёни ва нитратредуктазани фаоллиги оддий ғұза навларига нисбатан юқорилиги аниқланиб бу ген-нокаут технологиясини яна бир ижобий томонларини кўрсатиб берди. Олинган натижалар ҳалқаро ва Республика илмий журналларида чоп этилди.

Бундан ташқари Ўзбекистонда биринчи маротаба ток ўсимлиги, картошка, анор ва бошқа қишлоқ хұжалик әқинларини микроклонал кўпайтириш технологияси яратилиб у ишлаб чиқаришга тадбиқ этилди.

2017-2020 йилларга мүлжалланган «In vitro ток (узум)нинг агрономик сифатлари яхшиланган биотехнологик линияларини олиш учун оптимизация қилиш» лойиҳаси раҳбари бўлди.

Замонавий технологиядан кенг кўламда фойдаланибХ.А.Убайдуллаева марказ олимлари жамоаси билан ғұзанинг янги тезпишар, серхосил, узун толали “Порлоқ” навларини яратди. Бу навлар 2017 йили Республикаизда 70 мингдан ортиқ майдонларга экилди. “Прлоқ-1”, “Порлоқ-2” Порлоқ-3” ва “Порлоқ-4” ген-нокаутғұза навларини муаллифларидан биридир. Ғұза, узум ва картошканинг ген-инженерияси соңасидаги 7 та маҳаллий патентлар ҳаммуаллифи.

Тошкент фармацевтика институтида «Генлар мұхандислиги» маҳсус курслари бўйича педагогик фаолиятини амалга ошироқда. Оилали, З нафар фарзанди бор. Илм-фан фидоийси, тиниб-тинчимас, интизомли ҳамда ташаббускорлиги, меҳнатсеварлиги билан жамоада катта ҳурматга эга.

106. ХУДОЙБЕРГАНОВА ДУРДОНА СИДИҚОВНА Филология фанлари доктори, тилшуносликнинг вакуумология, матн тилшунослиги, луғатшунослик, поэтик ономастика, когнитив тилшунослик каби соҳаларида илмий тадқиқотларлар олиб боради.

Унинг илмий изланишлари самараси сифатида “Матннинг антропоцентрик тадқиқи”, “Тил. Тафаккур. Маданият”, “Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати”, “Лотин алифосига асосланган ўзбек ёзуви” ва ҳаммуаллифликдаги “Ҳозирги ўзбек адабий тили”, “Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати”, “Ўзбек тили поэтонимларининг изоҳли луғати” номли китоблари ҳамда **100** га яқин илмий мақолалари эълон қилинган. У **5** жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”нинг **3-4-** жилдларини тузишда муаллиф ва таҳрир ҳайъати аъзоси сифатида, “Ўзбек тилининг имло луғати”ни тайёрлашда илмий муҳаррир сифатида иштирок этган.

У “Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг ривожлашиш тамойиллари”, “Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати”, “Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг мустақиллик даври тараққиётини тадқиқ этиш” илмий лойиҳаларини бажаришда қатнашган. 2015-2016 йилларда “Ономастик бирликларнинг лингвопоэтик тадқиқи” китобини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш”, 2017-2019 йилларда “Ҳозирги глобаллашув даврида ўзбек тили, унинг тарихий тараққиёти ва истиқболлари (вазифавий усулблар таҳдили асосида)” давлат грантларига раҳбарлик қилган.

У бир неча йиллар давомида Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг “Янги алифбони ўрганамиз” номли ўқув кўрсатувини олиб борди.

У 2010-2012 йилларда институт ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш котиби, 2009-2012 йиллардатилшунослик бўйича Республика Мувофиқлаштирувчи кенгаши илмий котиби вазифаларини бажарган. 2017-2019 йилларда Алишер Навоий номли Ўзбек тили ва адабиёти университети, 2018 йилдан ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги Илмий кенгашлар аъзоси, 2018 йилдан институт ҳузуридаги Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали таҳrir ҳайъати аъзосидир.

У 4 та докторлик, 20 дан ортиқ номзодлик ишларига оппонентлик қилган. Д.Худайберганова раҳбарлигига бир тадқиқотчи номзодлик ишини ҳимоя қилган. Ҳозирги вақтда 4 нафар таянч докторант ҳамда 1 нафар мустақил изланувчининг илмий ишигараҳбарлик қилмоқда.

У Алишер Навоий номли Ўзбек тили ва адабиёти университети қошидаги профессор – ўқитувчилар малакасини ошириш тармоқ марказида ихтисослик фанидан маъruzалар ўқимоқда.

Д.Худайберганованинг “Сўзга айланган юрак” (2013) номли шеърий тўплами чоп этилган.

Д.Худайберганова талабчан, интизомли ва меҳнаткаш илмий ходим, ўзига берилган вазифаларга масъулият билан ёндашади. Ишчанлиги, ташкилотчилиги ва хушмуомалалиги билан институт жамоасида обрў ва эътибор қозонган.



107. ШАИМАРДАНОВА ШАХИДА АЛИЕВНА. (1938-2020). 1936 йилнинг 26 ноябрида Хитой Халқ Республикасининг Қашқар шаҳрида таваллуд топган. 1964 йилда Тошкент давлат консерватория-сининг композиторлик факультетини, 1970 йилда асистенттура стажировкани профессор Б.Зейдман синфида тамомланган. 1972-1980 йилларда М.Ашрафийномидаги Тошкент давлат консерватория-

си “Шарқ мусиқаси” кафедраси ўқитувчиси, 1981-1985 йилларда Ўзтелерадиокомпания қошидаши Уйғур ансамбли раҳбари, 1987-1996 йилларда А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти доценти вазифаларида фаолият юритган. 1993 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” Фахрий унвони, 2000 йилда «Шухрат» медали билан мукофотланган.

Ш.Шаимарданова Ўзбекистон мусиқа санъати ривожига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган етакчи ижодкорлардан. Ш.Шаимарданова Ўзбекистон мусиқаси тарихида биринчи аёл композитор, ўзбек ва уйғур куйларининг билимдони ҳамда тарғиботчиси сифатида ном қолдирди. Композитор ижодида бу икки халқнинг миллий оҳанглари ўзига хос уйғунлашди. Бу композиторнинг Симфония, Симфониетта, скрипка ва оркестр учун Концерт, «Озод Шарқ аёли» кантата-поэма, камер чолғу асарларида, «Салай чаққон» мусиқали комедия, «Муҳаббат на-воси» мусиқали драма, бир қатор қўшиқ ва романсларида яққол кўриниб туради. Композиторнинг эстрада симфоник оркестри, дуторчилар ансамбли, ўзбек халқ чолғулари оркестри хонандалари учун ёзган 100 дан ортиқ қўшиқлари концерт дастурларидан мустаҳкам ўрин олган.

Ш.Шаимарданова асарлари ўзининг ҳаётбахшлиги, лирик характерга эгалиги, ватанпарварлик руҳида ёзилганлиги билан ажralиб туради. «Ўзбекистон жаҳоним», «Наврўз сабоси», «Наврўз келар», «Янграт Ватан мақомини», «Тўлин ой», «Бахтли аёл дермиш мени халойик» қўшиқлари мана шундай асарлари қаторига киради.

Ш.Шаимарданова кўп йиллар мобайнида телерадиокомпания қошидаги «Уйғур халқ мусиқаси ансамбли» бадиий раҳбари сифатида фаолият юритиб, уйғур муқомларининг магнит тасмасига ёзиб олинишида жонбозлик кўрсатди ва ўзбек ҳамда уйғур миллий мусиқа меросини келажак авлодга етказища фаол хизмат қилди.



108. ЮНУСОВА ХОЛИДА МАННАНОВНА.

Фармацевтика фанлари доктори, профессор. Х.М.Юнусова 1977 йилда провизор ихтисослиги бўйича Тошкент фармацевтика институтига ўқишига қабул қилинган ва 1982 йилда имтиёзли диплом билан тугатган.

Ўзининг институтдаги ишфаолиятини 1982 йилда Тошкент фармацевтика институти дори турлари технологияси кафедрасида стажер-тадқиқотчи сифатида бошлаган, кейинчалик шу кафедрада асистент лавозимида ишлаган. 1991 йилда тайёр дори турлари технологияси кафедрасида аспирант, кейинчалик асистентства 1994-1998 йилларда докторантурада фаолият кўрсатган. 1999-2001 йилларда илмий ишлар бўйича проректор, 2001-2006 йилларда ўқув ишлари бўйича проректор лавозимида ва 2006 йилдан бошлаб **Дори воситаларининг саноат технологияси** кафедрасида профессор лавозимида ишлаб келмоқда.

“Разработка технологии и биофармацевтическое исследование таблеток кавергала и софофлавина” мавзусидаги номзодлик диссертация ишини 1994 йилда Тошкентда ҳимоя қилган.

“Научно-практические основы создания и исследование качества детских лекарственных форм” мавзусидаги докторлик диссертация ишини 1998 йилда Тошкентда ҳимоя қилган.

Х.М.Юнусова олий таълим тизимини тўла ўзлаштирган, олий таълимни ислоҳ қилиш истиқболлари ва муаммоларини ва уларни ечимини кўра биладиган тажрибали педагог.

Унинг томонидан фармацевтик технологияни ва биофармацияни турли мавзулари бўйича ўқув -услубий ва илмий -услубий қўлланмалар яратилиб, амалиётга жорий этилган.

Х.М.Юнусова ўқув ишлари бўйича проректор ва кафедра профессори лавозимларида фаолият кўрсатиши борасида ўқув режалари ва ўқув дастурларини қайта тузиш ва такомиллашти-

риш борасида фаол иштирок этади. Режалаштирилган ўқув-услубий, илмий ва жамоат ишларини мунтазам равишида бажариб келади, шу жумладан, унинг томонидан жорий ўқув йилида Тайёр дори турлари технологияси фани бўйича маъruzalар, амалий машғулотлар олиб борилган, курс ишлари ва диплом ишларига раҳбарлик қилингандарни берилган.

Х.М.Юнусова фармацевтика соҳасида фаолият кўрсатаётган икътидорли олимлардан биридир. У ўз илмий ишларини Тайёр дори турлари технологиясини яратиш ва такомиллаштириш, уларни сифат назорат усусларини яратиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шунингдек, биофармацевтик тадқиқотлар йўналишларида олиб боради.

У томонидан, жами 700 дан ортиқ ишлар чоп этилган бўлиб, шу жумладан 650 дан ортиқ илмий мақолалар, 3 та ўқув қўлланма, 10 дан ортиқ монография, 9 та Давлат патентлари ва 30 дан ортиқ фармакопея мақолаларидан иборатdir.

Х.М.Юнусова томонидан юқори малакаликадрларни тайёрлаш борасида олиб борилаётган ишлар эътиборга лойиқ бўлиб, бу - ҳимоя қилингандарни 1 та докторлик ва 6 та номзодлик диссертациясида, 4 та бажарилаётган номзодлик, 5 та докторлик диссертацияларига раҳбарлик қилингандарни 100 дан ортиқ малакавий ишларда акс этади.

У ўзининг илмий маъruzalari билан мунтазам равишида Республика ва ҳориж мамлакатларда ўтказилган халфаро конференция ва симпозиумларда иштирок этиб боради.

Х.М.Юнусова 2008 йил май оидан бошлаб Экология ва ҳаёт ҳавфсизлиги ҳалқаро академиясининг мухбир аъзоси этиб танловдан муваффақиятли ўтиб ҳаёт

ҳавфсизлиги секторида ўз илмий фаолиятини бошлади.

Х.М.Юнусова томонидан алоҳида йўналишларда олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари Ўзбекистон Республикаси фан ва техника Давлат қўмитасининг 2002 йил 28 августдаги 29-сон қарорига биноан танлов совриндори сифатида маҳсус диплом билан тақдирланган.

Х.М.Юнусова Тошкент Фармацевтика институтида ўкув жараёни ислоҳини такомиллаштириш, истиқболли илмий текшириш ишлари йўналишларини белгилаш бўйичафаол иштирок этади.

Х.М.Юнусова институт профессор-ўқитувчилари ва талабалар ора-сида ўзининг атрофдагиларга нисбатан эътиборлилиги, талабчанлиги, ўз соҳасининг мукаммал билувчи мутахассис сифатида хурматга сазовор.

Ҳозирги кунда:

-“Халқаро экология ва ҳаёт хавфсизлиги” илмий академияси академиги;

-ЎзР ССВ “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази” ДУК эксперти;

-ЎзР ИРВ хузуридаги “Фармакология ва фармацевтика фанлари” бўйича илмий техник кенгаш аъзоси;

-Тошкент Фармацевтика институти илмий даражалар берувчи илмий кенгаш аъзоси;

-“Ўзбекистон Фармацевтик хабарномаси” журнали ҳайъат аъзоси;

-“Фармацевтика журнали” ҳайъат аъзоси.

Мукофотлар:

-“За трудовую доблесть” 28.05.1981

-“Заслуженный деятель науки” “Звездой ученого” 26.05.2016 (Россия)

-“Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси” 15.11.2017

-“MEHR-SAXOVAT” кўкрак нишони 2020й

Х.М.Юнусовнанинг Умумий меҳнат фаолияти- 45 йил, шундан олий таълим муассасасида- 40 йил, раҳбар сифатида- 16 йил.



109. ЯНОВ-ЯНОВСКАЯ НАТАЛЯ СОЛОМОНОВНА. 1934 йилда Россия Федерацияси, Свердловск шаҳрида таваллуд топган. 1958 й. Тошкент давлат консерваториясини тамомланган.

Меҳнат стажи 54 йил. 1967 йилдан уюшма аъзоси бўлган.

2001 йилда “Дўстлик” ордени билан мукофотланган.

Наталья Янов-Яновская Ўзбекистон мусиқа санъати, композиторлик ижодиётининг Республика ва чет давлатларда кенг тарғиб этилишига ўзининг улкан ҳиссасини кўшиб келаётган йирик мусиқашунос олима, санъатшунослик фанлари доктори, профессор. Олиманинг илмий изланишларида Ўзбекистон мусиқа санъатининг жаҳон маданиятидаги ўрни, ёш авлодни тарбиялашдаги аҳамияти, Ўзбекистон композиторлари ижодида ривожланиш тамоилиллари, жанрларда новаторликни кузатиш каби мавзулар кенг ёритилган.

Н.Янов – Яновскаянинг Ўзбекистон композиторлари ҳаёти ва ижоди, ўзбек мусиқа маданияти муаммоларига бағишлиланган 7 та монография («Музыка узбекского кино» (Т., 1969), «Узбекская симфоническая музыка» (Т., 1979), «Икрам Акбаров» (Т., 1990), «Муталь Бурханов: время, жизнь, творчество» (Т., 1999); «Узбекская музыка и XX век» (Т., 2007), «Памяти наших учителей» (Ф.Янов-Яновский ҳаммуаллифлигига, Т., 2010), «Композитор Икрам Акбаров» (Т., 2011) ёзган, 200 дан ортиқ мақолалари Республика, МДХ ва чет давлатлар илмий тўпламларида чоп этилган, матбуотда эълон қилинган.

Юқори малакали мутахассис сифатида Н.Янов – Яновская кўплаб Халқаро мусиқашунослик симпозиумлари ва конференцияларида (Халқаро мусиқашунослик симпозиуми «Европейский театр в исламском мире: постсоветские трансформации в теа-

тральном искусстве стран Центральной Азии» (Тошкент, 2003), «Актуальные проблемы музыкальной науки и музыкального образования» (Алма ата, 2004), «Искусство Узбекистана: динамика идентичности» Международный коллоквиум (Тошкент, 2007); «Актуальные проблемы современного музыкознания: композиторское творчество, исполнительство, образование» (Уфа, 2008); «Процессы реформирования системы музыкального образования» (Тошкент, 2009) ва бошқалар) фаол иштирок этган.

Н.Янов – Яновская нафақат олима, жамоат арбоби ва тарғиботчи, балки тажрибали педагог сифатида ҳам ўзини намойиш эта олди. Н.Янов-Яновская раҳбарлигида Марказий Осий мусиқашунослиридан 12 нафари номзодлик диссертацияларини, 1 нафари докторлик диссертациясини тайёрлаб ҳимоя қилган.

Н.Янов – Яновская бир неча йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси Эксперт кенгашининг аъзоси, Ўзбекистон фанлар Академияси Санъатшунослик илмий тадқиқот институти ҳузуридаги диссертациялар ҳимояси бўйича Махсус кенгаш аъзоси бўлган.

Олиманинг профессионал маҳорати нафақат Ўзбекистонда, балки жаҳоннинг етакчи ўқув ва тадқиқот марказларида ҳам тан олинган. 1991-1992 йилларда Кембрижнинг (IBC, Англия), 1993 йилда эса АҚШнинг «Йилнинг энг яхши аёли» (ABI) номинацияларига сазовор бўлган.

110. ХУРШИДАХОН АТАБАЕВНА ҲАСАНОВА (Турсунова) (Турсунова)
1967 йилнинг 9 сентябрида Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1991 йилда Тошкент давлат консерваториясини, 2003 йилда ассистентура стажировкани М.Махмудов синфида тамомлаган. 1991-1998 йилларда Тошкент давлат педагогика институтининг мусиқа назарияси ва тарихи кафедраси ўқитувчиси, 1998-1999 ва 2000-2002 йилларда Тошкент давлат консерваторияси ўқитувчиси, 2002 йилдан Ўзбекистон давлат консерваторияси катта ўқитувчиси вазифаларида фаолият юритган. 2012 йилдан композиторлик ва бастакорлик кафедраси доценти сифа-

тида ишламоқда. 2013 йилда “Эътироф-2013” мукофотининг “Йилнинг энг яхши бастакори” номинациясига сазовор бўлди, 2018 йилда “Дўстлик” ордени билан мукофотланди.

Хуршидахон Турсунова – Ўзбекистон мусиқа санъатининг ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган композитор, педагог ва жамоат арбоби. Х.Турсунова мусиқанинг турли жанрларида сермаҳсул ижод қилиб, кенг жамоатчилик эътиборини ўзига жалб қилди.

Х.Турсунова яратган Симфония, Симфоник поэма, фортепиано ва симфоник оркестр учун Концерт, ҳалқ чолғулари оркестри учун “Оҳанглар ёғдуси” увертюраси, торли ва дамли чолғулар, фортепиано учун йирик ва кичик жанрдаги асарлар, хор а`capella учун «Илтижо» (Э.Воҳидов сўзи) каби асарлари ўзининг рангба-ранглиги, образларнинг бойлиги билан алоҳида ажralиб туради.

Х.Турсунова ижодида қўшиқ жанри етакчи аҳамият касб этади. 150 дан ортиқ яратилган қўшиқлари орасида Истиқлонни, Ватанини, тинч-тотув ҳаётни, ҳақиқий дўстликни тараннум этувчи болалар қўшиқлари катта ўрин тутади. Унинг «Турналар», «Соғлом», «Лола», «Тошкент», «Мажнунтол», «Ўзбекистон жаннат», “Спорт”, “Салом Наврӯз”, “Она Ватан”, “Кўкламой”, “Жон Ўзбекистон”, “Бахтли болалар”, “Олти юз минг бола”, “Қомус-китоб”, “Наврӯз - наврӯз”, “Қизгина” каби ёрқин қўшиқлари «Севинч» ва “Тантана” вокал дасталари томонидан «Мустақиллик», «Наврӯз» тантаналарининг болалар блокида ижро этилиб тингловчилар эътиборини қозонди. Бастакорнинг бир қатор қўшиқлари Халқаро ва Республика танловларида ижро этиб совринли ўринларни эгаллаган. Италиянинг Сан-Ремо шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро болалар қўшиқ фестивалида “Шодиёна” қўшиғи (Гран-При мукофоти, 2003, 2009 йил), Франциянинг Париж шаҳрида ўтган Халқаро болалар мусиқа фестивалида янграган “Попурри” туркуми (1-мукофот, 2006 йил), Францияда ўтказилган пианиночилар фестиваль-танловида ижро этилган “Фантазия” асари (2013 йил июль ойида) «Ўзбекистон қўшиқ

байрами» Республика танловида «Тинчлик бўлсин» (2002 йил, 3-мукофот), Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги тизимида ўтган “Ҳарбий қўшиқ” танловида «Чегарамиз посbonлари» (2000 йил, 2-мукофот), “Наврўз қўшиқлари” Республика танловида «Турналар» қўшиғи (2000 йил, 1-мукофот), “Ягонасан, муқаддас Ватан” Республика танловида “Дилларда янграса” (2016 йил, 3-ўрин,), “Шукrona” (2017 йил, 1-ўрин) шулар жумласидандир. 2014 йил “Соғлом бола йили”га бағишилаб болалар уйлари тарбияланувчилари учун Хайрия – муаллифлик концертини ўтказди. 2015, 2016 йилларда Болалар оромгоҳларига бағишилаб Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари томонидан ўтказилган Республика қўшиқлар танловида композиторнинг “Оромгоҳ марши” қўшиғи биринчи ўринни олди. Композиторнинг асарларидан тузилган навбатдаги муаллифлик диски “Ватанимни куйлайман” номи остида чиқарилди. 2016 йил нояброда “Она юрт оҳанглари” Халқаро ёш ижрочилар танловида стурида X.Турсунованинг “Орзулар парвози” асари шартли асар сифатида ижро этилди.

Х.Турсунованинг киномузиқа соҳасида эришаётган ютуқлали ҳам диққатга сазовор. «Янги авлод студияси» билан ҳамкорликда «NEMO» болалар клуби кўрсатувига мусиқий безаклар яратди, «Арча, арча, арчажон», “Наврўз фантазияси”, “Фаройиб кашфиёт”, “Болалик орзуси”, “Наврўзой” мусиқали видеофильмларига, “Тоғда ўтган қувноқ ёз” болалар бадиий фильмига (Ўзбеккино Миллий Агентлиги “Байрам синема”), “Сехрли тун” (режиссёр С.Бобоев), “Гумроҳлар” (режиссёр Ҳ.Насимов, 2014), “Тандир” (реж. Ҳ.Ҳасанов, 2016), “Омонат” ва “Алданган қиз” (реж.Ҳуршид Ҳасанов, 2015), “Кичкина изқувар” (реж.Ҳ.Абдуллаев, 2016), “Умид”, “Етмиш ёшли бола” (2017), “Бахтсиз куёв”, “Сирли ўрмон”, (2020), “Падаркуш” (2021) бадиий фильмларига, “Йўл бошида” (2018), “Ўгай она” (2018), “Фаришта” (2019), “Малак” (2021) телесериалларига мусиқа басталади. «Зумраша» (Ўзбекфильм) болалар ҳажвий киножурналига мунтазам мусиқа ёзиб келмоқда.

Х.Турсунова эстрада жанрида ҳам юқори натижаларга эришиди. Унинг «Чинни гуллар», «Софинаман», «Ростини айтинг», «Етолмайман», «Нидо», «Куз гуллари» каби эстрада қўшиқлари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Кумуш Рассакова томонидан ижро этилиб эл олқишига сазовор бўлди.

Хуршидахон Турсунова кўп йиллардан бери Ўзбекистон давлат консерваториясида ёш авлодга дарс берib келмоқда. Унинг шогирдлари республика ва халқаро танловларда иштирок этиб совринли ўринларга сазовор бўлиб келмоқдалар.

Х.Турсунова жамоатчилик ишларида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Ўзбекистон композиторларининг симфоник ҳамда камер-чолғу асарлари, болалар қўшиқларидан тузилган концертларни ташкил этиш ва муваффақиятли ўтказишда жонбозлик кўрсатмоқда.

Х.Турсунованинг “Қўшиқлар сехри” ва “Менинг диёrim” ўқув-услубий қўлланмалари республикамиз таълим муассасаларининг ўқув жараёнига киритилган.

Х.Турсунова 2017 йилнинг октябрь ойидан буён Ўзтелерадиокомпаниянинг “Болажон” каналининг “До, ми, соль” кўрсатуви бошловчиси сифатида ҳам фаолият олиб бормоқда.

Х.Турсунова мусиқа санъати ривожи ва тарғиботи йўлида олиб борган саъй-ҳаракатлари



111. ПИРНИЯЗОВА АЛИМА КУДИЯРОВНА. Алима Пирназова 1959 йили Қорақалпоғистон Республикаси Taxtakўpir туманида таваллуд топган. Олий маълумотли. Филология фанлари номзоди (1986), доцент (2001), филология фанлари доктори (DSc) (2020).

Алима Пирназова 1991 йилдан бошлаб Нукус давлат педагогика институти Қорақалпоқ тили кафедрасида дастлаб ўқитувчи, катта ўқитувчи

лавозимларида самарали фаолият юритган. 1999 йилдан бүён доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

Алима Пирниязова раҳбарлик қиласынан 2 та талаба Қорақалпоқ тили фани бўйича фан олимпиадасида Ўзбекистон ОТМлари орасида 2-совринли ўринларни эгаллади, 2 та талаба И.Юсупов номидаги стипендиат бўлди. 100 дан ортиқ бакалавр ва 4 нафар магистрга илмий раҳбарлик қиласынан, 2 нафар докторлик ишнинг раҳбари. У 2 дарслик (хаммуаллифликда), 4 ўқув-услубий адабиётларнинг (улардан 2таси хаммуаллифликда), 4 ўқув қўлланма (улардан 3таси хаммуаллифликда) 3 ўқув қўлланма Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги мувофиқлаштирувчи кенгашининг грифини олган, 2 таржима луғати, 2 терминлар ва фразеологизмлар луғати (хаммуаллифликда) ҳамда 2 монография муаллифи. Шунингдек, унинг илмий тадқиқотлари юзасидан 120 дан ортиқ илмий мақолалари мамлакатимиз ва чет эл илмий журналларида чоп этилган.

Алима Пирниязова 2010 йил “Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими аълочиси”, 2015 йил “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси” кўкрак нишонлари билан тақдирланган.

112. РАХИМОВА ТАШХАНИМ. Биология фанлари доктори, профессор. Геоботаника, экология, ўтлоқшунослик бўйича етакчи олима.

Т.Рахимова 200 дан ортиқ илмий ишларнинг муаллифи, шулардан 10 таси ҳаммуаллифликда ёзилган монографиялар, 20 дан ортиғи чет элларнинг нуфузли журналларида чоп этилган мақолалардир. Инқизозга учраган яйловларни яхшилашга бағишлиган 5 та қўлланма ва тавсиялари чоп этилган. Энг муҳим ишлари қаторига “Чортоқ адирларининг табиий ўсимликлари ва яйловлари” (1982), “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш асослари” (2001), “Экология” китоби ўзбек (2008) ва рус тилида (2011), “Ўсимликлар экологияси ва фитоценология” (2009), “Yuksak o'simliklar bo'yicha amaliy mashg'ulotlar” (2011), «Ценопо-

пуляции редких и исчезающих видов растений останцовых низкогорий Кызылкума» (2018), «Ўзбекистон чўл яйловларининг ҳозирги ҳолати ва улардан оқилона фойдаланиш» (2018), «Кадастр флоры Узбекистана: Навоийская область», «Кадастр флоры Узбекистана: Бухарская область» монографиялари киради.

Олиманинг илмий йўналишлари чўлланиш жараёнида Ўзбекистон ўсимликлар қоплами ва яйловларининг экологик ҳолати, истиқболли озиқабоп ўсимликларнинг эко-биологик хусусиятларини мослашувини ҳамда яйлов экосистемаларидағи ўзгаришларни баҳолашга бағишиланган. Олингандан натижалар инқирозга учраган яйловларни серҳосил турлар ҳисобига бойтишда кўлланилган.

Т.Рахимова *Seriphidium* кенжаси туркумига оид истиқболли 25 та шувоқ турларининг эко-биологик хусусиятларини ҳар томонлама ўрганиб (1968-1995), уларнинг республикамиз чала чўл ва адир минтақаларида мослашувини ҳамда фитомелиорация учун районлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқди.

У Қизилқум ва Орол денгизининг қуриган тубидаги ўсимликлар қопламини рақамли хариталаш, камёб ва йўқолиб бораётган ўсимликларнинг ценопопуляцияларини ўрганиш, глобал иқлим ўзгаришининг мавжуд сценарийлари бўйича рўй бериши мумкин бўлган табиий ўзгаришларни башоратлаш, Ўзбекистон ўсимликлар қопламини янги авлод хариталарини яратиш каби замонавий талқиндаги тадқиқотларни олиб бормоқда. Ўзбекистон табиий яйловларининг ҳолатини баҳолаш бўйича бир қатор хариталарнинг муаллифи.

Унинг раҳбарлигига 8 та фан номзоди тайёрланган, 30 дан ортиқ магистрлик ишига илмий раҳбарлик қилган. ЎзРФА Ботаника институти ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ва Илмий семинар, шунингдек Ўзбекистон Миллий Университети ҳузуридаги Экология ихтисослиги бўйича Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш аъзоси ва Семинар раиси.

2007-2011 йилларда “Жанубий-Фарбий Қизилқум ва Оролқум ўсимликлар қопламининг трансформацияси ва гало-

адаптацияси хусусиятлари”; 2012-2014 йиллар мобайнида эса “Марказий Қизилқұм ялов экосистемаларининг ҳозирги ҳолатини баҳолаш” мавзусидаги лойиҳаларга раҳбарлик қилған. Ушбу лойиҳада у Марказий Қизилқұмда жойлашған Күкча мас-сиви яловларининг ҳозирги ҳолатини баҳолаган ва лойиҳа якунида “Күкчатоғ яловлари харитаси”ни тузиб, керакли таш-килотларга топширган.

Т.Рахимова 2015-2017 йиллар давомида “Чүлланиш жара-ёніда Қизилқұм қолдик тоғлари камёб ўсимліклари ценопо-пуляцияларининг ҳолатини баҳолаш”; 2018-2020 йиллар да-вомида “Навоий ва Бухоро вилоятларининг камёб ва йўқолиб кетаётган юксак ўсимліклари кадастри” мавзусидаги амалий лойиҳаларда фаол иштирок этган.

Т. Рахимова фидоий инсон, моҳир педагог, етуқ билимли, камтарин олим, ёшларнинг жонқуяр устозидир. Устоз тарбиялаган, билим берган шогирдлари республикамизнинг қатор олий ўқув юртларида, халқ хўжалигининг турли тармоқларида элимизга сидқидилдан хизмат қилиб келишмоқда.



113. ФИЛЯНОВИЧ МАРГАРИТА ИВАНОВНА. Тарих фанлари номзоди. Таникли тарихчи-археолог олим. М. Фи-ланович қадимий шаҳарлар, жумладан Марв, Самарқанд ва айниқса, Тошкент шаҳрининг тарихини ўрганишга катта хисса қўшган. 1937-йил Санкт-Петербургда (Ленинградда) таваллуд топган.

М.И.Филанович 30 йилдан ор-тиқ давр мобайнида Тошкент архе-ология экспедициясига раҳбарлик қилмоқда. Унинг тадқиқотлари натижасида фанга маълум бўлмаган Тошкент шаҳрининг тарихи лавҳалари, унинг ёши 2200 йил аввал асосланганлиги ва шаҳар маданияти-нинг негизи ашёвий далиллар асосида исботлаб берилган.

Унинг раҳбарлигига Тошкент шаҳарчилиги тарихига оид олиб борилган кенг миқёсдаги археологик қазилма ишлари ва илмий тадқиқотлари натижасида Тошкент воҳасида ривожланиш жараёнларининг янги қирралари очилган ва қўйидаги хуносага келинган:

- Тошкентда ўтроқ маданиятнинг пайдо бўлиши эрамиздан аввалги I минг йилликка (2500 йил), шаҳар цивилизацияси эса эрамизнинг биринчи асрларига тўғри келиши, натижада Тошкент шаҳрининг ёши 2200 йил эканлиги илк бор асосланди;
- ўтроқлик ва шаҳар маданиятининг хронологик даврига аниқлик киритилган.

Унинг илмий тадқиқотлари натижалари ЮНЕСКО томонидан қўллаб-қувватланган Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини нишонлашга асос бўлган.

Унинг 200 дан ортиқ илмий ишлари ва 10 та монографияси чоп этилган. Улардан 50 дан ортиғи 11 хорижий давлатлар, жумладан Франция, Германия, Корея, Россия илмий журналлари ватўпламларда нашр қилинган.

Бугунги кунда М.И.Филанович Ўзбекистоннинг, жумладан Тошкент шаҳрининг холисона тарихини яратишда фаол иштирок этмоқда.

Унинг “Тошкент-пайдо бўлиши, шаҳар ва шаҳар маданияти ривожи” монографияси илмий жамоатчилик ўртасида машҳур. У “Ўзбекистон давлатчилик тарихи” ва “Ўзбекистон тарихи” китобларининг муаллифларидан бири.

Фанимиз ютуқларини, мустақиллик ғоясини нафақат республикамиизда, балки хорижий малакатларда тарғиб қилмоқда. Таклиф этилган профессор сифатида Франция олийгоҳларида маърузалар қилган.

М. Филанович Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат мукофоти (1985), “Шуҳрат” медали (1994), “Дўстлик” ордени (2003) билан мукофотланган.

М.И.Филанович талабчанлиги, билимини доимий равишда ошириб борувчанлиги ва яхши ташкилотчилиги билан танилган. Ўзининг юксак инсоний фазилатлари туфайли институт жамоатчилиги ва тарихчи-археолог олимлар ўртасида обрў-эътиборга эга.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАЪРИФАТПАРВАР АЁЛЛАРИ

I ЖИЛД

“Фан” нашриёти

Тошкент–2021

Муҳаррир Сардор Мустафоев

Бадиий муҳаррир Баҳром Ёғду

Мусаххих Муҳаммад Сиддик

Саҳифаловчи Муродилло Раҳмонов

Нашриёт литсензияси № 1385, 21.01.2021-йил.

--.2021-йилда босишга руҳсат этилди.

Қоғоз бичими 60×84 1/16. “Cambria” гарнитураси.

Шартли босма табоғи --. Адади -- нусха.

Буюртма рақами №: --. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

“Фан” нашриёти давлат корхонасида нашрга

тайёрланди ва чоп этилди.

100047, Тошкент ш., Яҳё Ғуломов кўчаси, 70-уй.

Тел.: +99899 7917555, +99871 2622154;

email: fan_ndk@mail.ru